

**Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси**

Муаттара РАХИМОВА

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ



“Академија” нашриёти

Тошкент - 2005

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Илмий Кенгашининг 2005 йил 5 июнь қарори билан тасдиқланган.

Тақризчилар:

И.Умарахунов - юридик фанлари доктори

О.Муҳаммаджонов - юридик фанлари доктори

Ушбу китоб халқаро ҳуқуқ фани бўйича ўқув қўлланма сифатида тавсия этилмоқда. Унда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши, унинг асосий тушунча ва принциплари, институтлари ва соҳаларининг тараққиёт қонунлари ўз аксини топган.

Дарслик дипломатик кадрларни етиштириш, олий ўқув юртларида халқаро ҳуқуқ ва халқаро алоқалар йўналиши мутахассислари учун манба бўлиб хизмат қилади.

Дарслик Академия тингловчилари, аспирантлари, докторантлари, ўқитувчилари ва халқаро муносабатлар соҳасига ихтисослашган бошқа идора ва ташкилотлар ходимлари учун ҳамда халқаро ҳуқуқ муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

1-мавзу. “Халқаро ҳуқуқ” тушунчаси

- 1.1. *Халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг асосий босқичлари.*
- 1.2. *Халқаро ҳуқуқ: тушунчаси, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари.*
- 1.3. *Халқаро ҳуқуқ тизими. Халқаро ҳуқуқ тармоқлари ва институтлари. Халқаро ҳуқуқ мақсадлари.*

1.1. Халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг асосий босқичлари

Халқаро ҳуқуқ муайян шахслар, гуруҳлар, синфлар хоҳиш-истаги билан эмас, балки реал ижтимоий жараёнлар натижасида вужудга келган. Тарихий материаллар ибтидоий жамоалар ривожланишининг илк босқичларида ҳам алоҳида яшамагани, ёзилмаган уруғдошлик қонунлари уларни бирлаштириб турганидан далолат беради.

“Халқаро ҳуқуқ” тушунчасининг халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқи (*jus inter gentes*) деган дастлабки маъносидан келиб чиқилса, илк одат нормалари давлатчилик шаклланишидан анча олдин, ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган, деб тахмин қилиш мумкин.

Археология маълумотлари қабилаларнинг иттифоқчилик алоқалари ташқи ҳимоя ҳақида қайғуришдан иборат бўлмаганини, балки бошқа жуда кўп хулқ-атвор нормаларини ўз ичига олганини, бу нормалар вақт ўтиши билан мустаҳкамланиб, одат шаклидаги ҳуқуқнинг вужудга келишига олиб келганини кўрсатади.

“Халқаро ҳуқуқ” тушунчасини давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқи сифатида талқин қиладиган бўлсак, у давлатчилик шаклланиш жараёни билан бир вақтда вужудга келгани ва бунга сезиларли таъсир кўрсатганини таъкидлаш зарур.

Яна бир ёндашувга кўра, халқаро ҳуқуқ фақат у хизмат қиладиган давлатлараро муносабатларда тегишли шарт-шароитлар яратилган тақдирдагина вужудга келиши мумкин. Зеро суверен давлатлар ўз миллий манфаатлари йўлида юридик кучга эга бўлган нормаларга бўйсуниб зарурлигини англаб етишлари учун халқаро муносабатлар тараққиётнинг анча юқори босқичига кўта-

рилиши зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқаро ҳуқуқ ўрта асрлар охирида вужудга келган.

Қабилалар орасидаги муносабатлар давлатлараро муносабатларга асос бўлибгина қолмасдан, узоқ вақт уларнинг таркибий қисми сифатида амал қилган. Қулдорлик давлатлари икки минг йилдан ортиқ (яъни, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг “ёши”дан кўпроқ) давр мобайнида ибтидоий жамоа дунёси қуршовида ривожланган.

Халқаро ҳуқуқ - ижтимоий амалиёт натижаси. Одамлар (гуруҳ, синф) ўз моддий манфаатини (айниқса, муттасил ўзгариб турган халқаро муносабатлар таъсирида) англаб етиш усули сифатида вужудга келган халқаро ҳуқуқ давлатлар ва халқларнинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди ва кўрсатмоқда. Инсониятнинг деярли бутун тарихи давомида халқаро ҳуқуқ ишлаб чиқариш усуллариининг ўзгариши билан нафақат ривожланиб борди, балки уларга муайян даражада таъсир ҳам кўрсатди.

Шу боисдан халқаро ҳуқуқ табиий-объектив аҳамиятга эга. Халқаро ҳуқуқ шаклланишининг умумий шарти давлатнинг хоҳиш-иродаси эмас, балки инсоният моддий ҳаётининг шароитлари, инсоннинг ўз тарихий тараққиёти жараёнида ўзини қуршаган дунё билан муносабатлари, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши, давлатларнинг вужудга келиши ва ҳ.к.лардир. Давлат хоҳиш-иродасининг ўзи ижтимоий муносабат ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ ҳам бизни қуршаган ижтимоий ғоялар дунёсининг бир қисми бўлиб, у инсоният тараққиётининг манбаларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир янги давлат халқаро муносабатларга киришар экан, ўзига қадар яратилган нарсалар, шу жумладан, халқаро ҳуқуқ, унинг норма ва тамойиллари билан алоқага киришади. Бу халқаро фаолият доирасини кўп жиҳатдан белгилаб беради, ҳуқуқий онгга муайян таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ устқурма категориядир. Лекин уни фақат иқтисодий базис (давлатлар иқтисодий тизими ёки халқаро иқтисодий муносабатлар) устқурмаси дейиш ўринли эмас. Бу халқаро муносабатлар, чунончи, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий каби муносабатлардан юқори турадиган ўзига хос устқурмадир.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш тарихини тўрт даврга ажратиш мумкин:

– халқаро ҳуқуқнинг илк (қадимги асрлардан ўрта асрлар охири-

гача) даври – халқаро муносабатларнинг такомиллашуви ва халқаро майдонда давлат ролини англаш даври;

– классик халқаро ҳуқуқ (ўрта асрлар охиридан Миллатлар лигаси статутини қабул қилингунга қадар) даври – янги давр ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши;

– классик халқаро ҳуқуқдан ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига ўтиш (Миллатлар лигаси статутидан БМТ Устави қабул қилингунга қадар) даври – Биринчи жаҳон урушидан кейин давлатларнинг халқаро муносабатларни тартибга солиш янги механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини тушуниб етиши;

– ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи даври – БМТ Устави ҳуқуқи ва унинг зиддиятли жиҳатлари.

1. Халқаро ҳуқуқнинг илк даври. Қадимги асрлар. Халқаро муносабатлар субъектини белгилашнинг икки асосий варианты мавжуд бўлган. Қадимги Шарқ деспотияларида ҳукмдор (подшо, фиръавн, рожа, ван ва ҳ.к.) халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган. Юнон, айниқса, Рим дунёсида “субъект” тушунчаси нисбатан формаллаштирилган: *polis* (давлатнинг эркин фуқаролари) ёки *populus romanus* (Рим халқи).

Халқаро муносабатларнинг бундай тизимида шартнома икки давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилиш ва алоқаларни нормаллаштиришнинг иккинчи даражали воситаси сифатида амал қиларди, чунки уруш натижасида давлатлар заифлашиши ва ташқи муносабатлардаги олдинги мавқеи йўқолиши мумкин эди. Одатда, шартнома урушдан кейин тузилган. Давлатлараро муносабатларни норматив тартибга солиш мумкинлиги исботланди. Норматив тартибга солиш шакллари – одат ва шартномалар ишлаб чиқилди. Шартномалар шаклан ҳозирги халқаро ҳуқуқий шартномалардан кам фарқ қиларди.

Ўрта асрлар (VI-XVI асрлар). Тарихий шарт-шароитларга кўра, халқаро ҳуқуқнинг вужудга келишига замин яратган бош минтақа Европа бўлди. IX асрдан халқаро муносабатларга қадимги Рус давлати кўшилди. Ҳарбий юришлардан сўнг Византия билан тузилган шартномалар, Киев князлари ва княжналарининг халқаро никоҳлари ҳам бунинг далилидир. Ўрта асрларда дипломатик муносабатлар соҳасида, музокаралар олиб бориш, халқаро савдо (айниқса, денгиз савдоси), уруш олиб бориш ва сулҳ тузиш амалиётида муайян анъаналар вужудга келди. Буларнинг барчаси пировард натижада халқаро ҳуқуқнинг вужудга келишига замин ҳозирлади. Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқ деганда дипломатия ва ташқи сиёсат ҳам тушунилар эди.

2. Классик халқаро ҳуқуқ. Уйғониш даврида халқаро ҳуқуқ фан сифатида шакллана бошлади. Бу фанга давлат ҳуқуқи тўғрисидаги таълимот муаллифи Гуго Гроций асос солди. У 1625 йилда “халқаро ҳуқуқ” тушунчасини муомалага киритди (Уруш ва тинчлик ҳуқуқи ҳақида рисола). Классик халқаро ҳуқуқ шу даврдан шаклланиб, халқаро ҳуқуқ доктринаси вужудга келди, халқаро ҳуқуқий онг шакллана бошлади. Кўпгина халқаро нормалар ҳуқуқийлик тусини олди. Дипломатияда юридик далиллаш усуллари тобора кўпроқ қўлланила бошланди.

Буюк француз инқилоби халқаро ҳуқуқ ривожланишида катта бурилиш ясади. “Умумий тинчлик ва одиллик тамойиллари”, босқинчилик мақсадидаги ҳар қандай урушлардан воз кечиш Франция ташқи сиёсатининг асоси, деб эълон қилинди. Халқаро ҳуқуқ кўпгина халқаро муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситасига айланди.

3. Классик халқаро ҳуқуқдан ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига ўтиш (1919-1946 йиллар). 1919 йилда Биринчи жаҳон урушида ғалаба қозонган давлатлар Миллатлар лигасини тузишга қарор қилиб, унинг низоми – Статутини қабул қилдилар. Тинчлик ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни таъминлашдан иборат бўлган умумжаҳон аҳамиятига молик биринчи сиёсий ташкилот тузилди.

1943 йилда Москвада бўлиб ўтган Англия, СССР ва АҚШ иштирокидаги конференцияда суверен тенглик тамойилига асосланган умумжаҳон халқаро ташкилот тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1945 йилда июнда Сан-Францискода чақирилган Бирлашган Миллатлар конференцияси БМТ Уставини қабул қилди. Ушбу Устав ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига асос солди.

4. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. БМТ Устави ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг пойдевори бўлди. Сиёсий нуқтаи назардан Устав қоидалари янгича фикрлаш тарзини акс эттирар эди. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи замирида ҳамкорлик тамойили ётади. У асрлар мобайнида етакчилик қилган куч устуворлиги концепциясидан воз кечиб, уни ҳуқуқнинг устуворлиги концепциясига алмаштиришни назарда тутди. Инсон ҳуқуқларининг ҳамма нарсадан устун қўйилиши ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Халқаро ҳуқуқ нормалар мажмуидан, ягона мақсад ва тамойилларга асосланган тизимга айланди.

1.2. Халқаро ҳуқуқ: тушунчаси, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари

Халқаро оммавий ҳуқуқ - ўз субъектларининг халқаро муносабатларини юридик нормалар воситасида тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий тизим. Ушбу нормалар субъектлар ўртасида қайд этилган (шартнома) ёки одатга таянган ҳолда битим тузиш йўли билан таркиб топтиради ва мажбурлов орқали таъминланади. Мажбурлов шакли, хусусияти ва чегаралари давлатлараро битимда белгилаб қўйилади.

Ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи моҳияти унинг предмети, объекти ва методи билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини суверен давлатлар ўртасидаги муносабатлар, яъни кенг маънода глобал давлатлараро тизимнинг таркибий қисми бўлган давлатлараро муносабатлар ташкил этади. Давлатлар, халқлар (миллатлар), халқаро ташкилотлар ва халқаро органлар (масалан, суд органлари) бундай тизимнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Моддий ва номоддий неъматлар, муайян ҳаракатлар ёки ҳаракатлардан ўзини тийиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш объектидир. Халқаро муносабатлар мураккаблашиши натижасида янги-янги соҳалар, чунончи, космик фазо, атом энергияси ва Жаҳон океани сувларидан фойдаланиш халқаро ҳуқуқ объектига айланмоқда.

Халқаро ҳуқуқ методи мавжуд ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш учун амалдаги халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда ва тегишли халқаро шартномалар доирасида мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини назарда тутаяди.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ижтимоий моҳияти шундан иборатки, у тинчликни сақлаш ва давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларда куч ишлатмаслик учун шарт-шароит яратади; қуролсизланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ечишга кўмаклашади; инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни тартибга солувчи асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга ошиши учун замин ҳозирлайди.

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари у давлат ички ҳуқуқи билан солиштирилганда намоён бўлади:

Нормаларнинг таркиб топиш усулига кўра. Давлат ички

хуқуқи нормалари давлатларнинг миллий органлари томонидан таркиб топтирилади. Халқаро ҳуқуқ нормаларини эса унинг субъектлари, аввало, давлатлар битим тузиш йўли билан амалга оширади. Ушбу битимнинг моҳияти давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари хоҳиш-иродасини мувофиқлаштиришдан иборатдир. Халқаро ҳуқуқ нормалари давлат ички ҳуқуқининг кўпгина тармоқларида бўлганидек, ягона кодексга бирлаштирилмаган. Давлат ички ҳуқуқи нормалари муайян давлатнинг ижтимоий моҳиятига мувофиқ, унинг давлат органлари томонидан белгиланади. Давлатлараро тизимда ягона орган мавжуд эмас, шу сабабли халқаро ҳуқуқ нормалари субъектлар томонидан шартнома тузиш йўли билан таркиб топтирилади. Ушбу шартномаларда давлатларнинг мувофиқлаштирилган хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилади. Давлатларнинг умумий келишуви халқаро ҳуқуқнинг негизи бўлиб, у ўз моҳиятига кўра, умумдемократик хусусиятга эга ва юридик жиҳатдан мажбурийдир. Ушбу ҳуқуқ тизими субъектларига ҳеч ким уларнинг розилигисиз муайян хулқ-атвор қоидаларини белгилаши мумкин эмас.

Субъектларга кўра. Давлат ички ҳуқуқининг субъектлари — фуқаролар ва юридик шахслар, давлат органлари бўлса, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари суверен давлатлар, мустақил давлат қуриш учун кураш олиб бораётган миллат ва халқлар, шунингдек, халқаро ҳуқуматлараро (БМТга ўхшаган) ташкилотлар ва айрим давлат тузилмаларидир (масалан, Ватикан). Аммо “халқаро ҳуқуқ субъектлари” тушунчаси давлатлараро тизим доирасида иш олиб борувчи барча халқаро аҳамиятга эга халқаро ташкилот бўлмаган давлатлар бирлашмаларини (масалан, “Қўшилмаслик ҳаракати”, “77-гурух” ва б.), шунингдек, халқаро комиссиялар, халқаро судлар ва арбитражларни қамраб олмайди. Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмаган ҳолда, улар ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилади.

Тартибга солиш предметига кўра. Давлат ички ҳуқуқининг вазифаси муайян давлатлар миллий ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини кенг маънодаги давлатлараро муносабатлардан иборат.

Ҳуқуқ манбаларига кўра. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи нормалари турли юридик шаклларга эга. Давлатнинг ички нормалари қонунлар, қарор, фармонлар кўринишида бўлса,

халқаро ҳуқуқ нормалари халқаро шартномалар, одатлар, халқаро ташкилотларнинг қарорлари, халқаро конференция ва кенгашларнинг ҳужжатлари шаклида бўлади.

Нормаларни амалга ошириш усулига кўра. Миллий ҳуқуқ нормалари бажарилиши давлатнинг мажбуурлов кучи билан назорат қилинади. Халқаро ҳуқуқий нормалар бажарилиши халқаро ҳуқуқий субъектлар устида турадиган муайян тузилма мавжуд эмаслиги туфайли халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзлари (якка тартибда ёки жамоа бўлиб) томонидан назорат қилинади.

Халқаро ҳуқуқ функциялари – унинг ижтимоий муҳитга таъсир кўрсатиш фаолиятининг асосий йўналиш бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг ижтимоий моҳияти билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқ функциялари хилма-хил бўлиб, улар мураккаблашиб боради. Халқаро ҳуқуқнинг дастлабки вазифаси мустақил давлатларга тинч-тотув яшаш имконини берувчи оддий тартиб ўрнатишдан иборат эди. Шунинг учун тартиб ўрнатиш узоқ вақтгача халқаро ҳуқуқнинг асосий функцияси деб келинди. Ҳолбуки, халқаро ҳуқуқнинг вужудга келишига халқаро тизимга бўлган зарурат туртки берган. Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳуқуқнинг бош ижтимоий функцияси – мавжуд халқаро муносабатлар тизимини мустаҳкамлаш бўлиб, бунга мазкур тизимда тартиб ўрнатиш билан эришилади. Ҳуқуқнинг бош юридик функцияси – халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, халқаро муносабатларда давлатларни мажбуурлаш механизми мавжуд эмас. Зарур ҳолда халқаро ҳуқуқий тартибот сақланишини давлатлар жамоа бўлиб таъминлайди.

Иккала функция ҳам барқарорлаштирувчи, муҳофаза қилувчи хусусиятга эга, чунки улар тизимда тартиб ўрнатишга қаратилган. Яъни тартибни сақлаш халқаро муносабатларнинг, халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишни назарда тутди. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ижтимоий тараққиётнинг жадаллашишига қараб, ушбу тараққиётга кўмаклашиш функцияси тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётир. У аввалги халқаро ҳуқуқдан шу жиҳати билан тубдан фарқ қилади.

Халқаро ҳуқуқ халқаро муносабатларда мувофиқлаштириш функциясини бажаради. Халқаро ҳуқуқ нормалари ёрдамида давлатлар ўзаро муносабатларнинг турли соҳаларида умумий мақбул хулқ-атвор стандартларини белгилайди. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш функцияси давлатлараро алоқа ва

ҳамкорликнинг қатъий белгиланган қоидаларини қабул қилишида намоён бўлади. Халқаро ҳуқуқ шундай нормаларга эгаки, у давлатларни муайян хулқ-атвор қоидаларига риоя қилишга даъват этади. Бунда халқаро ҳуқуқнинг таъминлаш функцияси намоён бўлади. Ниҳоят, халқаро ҳуқуқда давлатларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи механизмлар шаклланган бўлиб, бу унинг муҳофаза қилиш функцияси тўғрисида сўз юритиш имконини беради.

Халқаро ҳуқуқ ўз мақсад ва тамойилларига зид бўлган янги муносабат ҳамда институтларнинг вужудга келишига қаршилик кўрсатиш функциясига ҳам эга. Масалан, халқаро ҳуқуқда куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан қўрқитиш, мустамлакачилик, ирқчилик кабилар қонунга зид деб эълон қилинган. Халқаро ҳуқуқ давлатлараро муносабатларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериб, можаролар рўй беришининг олдини олади.

Халқаро ҳуқуқнинг байналмилаллашув (интернационализация) функцияси давлатлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни назарда тутаяди. Ушбу функция халқаро ҳуқуқнинг ижтимоий негизи – халқаро ҳамжамиятни янада мустаҳкамлайди. Бинобарин, халқаро ҳуқуқ амал қиладиган шартшароитлар ҳам яхшиланади.

Халқаро ҳуқуқнинг самарадорлигини таъминлашда халқаро ҳуқуқнинг ахборот-тарбиявий функцияси жуда муҳим роль ўйнайди. Унинг вазифаси халқаро ҳуқуқий онгни шакллантириш, уни оммавий тарзда қўллаб-қувватланишни таъминлашдан иборатдир. БМТ халқаро ҳуқуқнинг ўн йиллиги дастури халқаро ҳуқуқий билимларни тарқатишга алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас.

Халқаро ҳуқуқ функциялари тарихий тараққиёт жараёнида халқаро муносабатларда ўта индивидуалистик элементар тартиб ўрнатилишидан бутун жаҳонда тинчлик ва тараққиётга кўмаклашиш, нафақат алоҳида давлатларнинг, балки бутун халқаро ҳамжамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилишгача бўлган йўлни босиб ўтди.

1.3. Халқаро ҳуқуқ тизими. Халқаро ҳуқуқ тармоқ ва институтлари. Халқаро ҳуқуқ мақсадлари

Ҳуқуқ тизими – ҳуқуқнинг муайян тармоғи тамойиллари, норма ва институтлари айни вақтда нисбатан мустақил қисмлар (тармоқлар, кичик тармоқлар, институтлар)га бўлиниш билан тавсифланадиган юридик нормалар мажмуидир. Халқаро муносабатлар тизими халқаро ҳуқуқ учун тизим ҳосил қилувчи моддий омил бўлиб хизмат қилади. Халқаро ҳуқуқнинг мақсад ва тамойиллари юридик ҳамда маънавий-сиёсий тизим ҳосил қилувчи асосий омил ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ тизими мураккаб, нисбатан янги ҳодиса бўлиб, шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Шу боисдан умумий эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тизими мавжуд эмас. Халқаро ҳуқуқ тизими ўзига хос тузилишга эга. Тузилиш деганда тизим таркибий қисмларининг жойлашуви, улар ўртасидаги алоқаларнинг хусусияти тушунилади.

Ушбу тизим ўзагини барча давлатлар учун мажбурий бўлган умумий халқаро ҳуқуқ ташкил этади. Бундан ташқари, давлатлар гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи минтақавий халқаро ҳуқуқий мажмуалар ҳам мавжуд.

Халқаро ҳуқуқ тизимининг бирламчи унсури – норма муайян халқаро муносабат модели ҳисобланади. Ушбу моделлар халқаро муносабатларни ўз мазмунига мумкин қадар яқинлаштириш мақсадида уларга таъсир кўрсатади. Тизим муносабатларни тартибга солиши мумкин, чунки унинг таркибидаги нормаларнинг муайян гуруҳлари ўз вазифаларини ҳал қилади. Нормалар бир-бирига таъсир кўрсатади ва бир-бирини тақозо этади. Шу боис тизим ичдан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим, унинг қисмлари ўзаро тўқнашмаслиги керак. Халқаро ҳуқуқдек ўта мураккаб ҳодиса учун бу жуда мушкул вазифадир.

Халқаро ҳуқуқ институти - халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий тартибга солиш муайян объекти бўйича муносабатларига тегишли бўлган, муайян ҳудуд, соҳа, макон ёки бошқа объектнинг халқаро ҳуқуқий мақоми, ундан фойдаланиш тартибини белгилайдиган халқаро ҳуқуқий нормалар мажмуи (масалан, ҳудудий денгиздан кемалар тинч ўтиши институти, дипломатик иммунитет ва имтиёзлар институти).

Халқаро ҳуқуқ институтлари халқаро ҳуқуқ тармоқларига

бирлашади. Халқаро ҳуқуқ тармоғи – халқаро шартномаларда кодекслаштирилган, халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро ҳамкорликнинг муайян кенг соҳасидаги муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий нормалар мажмуи (масалан, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро денгиз, ҳаво, космос ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи ва б.).

Халқаро ҳуқуққа бир пайтнинг ўзида ҳам табақаланиш (дифференциация), ҳам интеграциялашув жараёнлари хосдир. Халқаро ҳуқуқнинг айрим институтлари ва тармоқлари юз йиллар муқаддам вужудга келган. Халқаро шартномалар ҳуқуқи, қуролли можаролар давридаги халқаро ҳуқуқ шулар жумласидандир. Халқаро ҳуқуқнинг баъзи институтлари нисбатан яқинда, яъни XX аср боши ёки ўрталарида вужудга келган (масалан, халқаро экология ҳуқуқи, оммавий қирғин қуролларини тақиқлаш институти ва б.). Ҳамкорликнинг янги соҳалари кўпгина янги институт ва тармоқларнинг вужудга келиши, қоида тариқасида, фан-техника тараққиёти билан боғлиқдир.

Халқаро ҳуқуқ тармоқлари ва институтларининг такрор турли ҳуқуқий тизимларда ҳар хил номланиши, муайян мезонларга кўра кичик тармоқларга ажратилиши мумкин.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ тизими мақсад ва тамойиллар мажмуига таянади, ўзига хос тузилишга, шаклланиш ва амал қилишнинг муайян усулларига эга, ўзига хос қонуниятларга кўра ривожланади. Ушбу тизимнинг мавжудлиги объектив белгиланган, чунки ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи анча уюшган тизим сифатидагина ўз функцияларини бажаришга қодирдир. Халқаро ҳуқуқ тизими объектив хусусиятга эга бўлса, халқаро ҳуқуқ фани тизими субъектив хусусиятга эгадир.

Тизимнинг ўзагини барча давлатлар учун мажбурий бўлган умумий халқаро ҳуқуқ ташкил этади. Бундан ташқари, давлатлар гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи минтақавий халқаро ҳуқуқий мажмуалар ҳам мавжуд. Жуда кўп нормалар икки тарафлама муносабатларни тартибга солади. Минтақавий ва икки тарафлама нормалар умумий халқаро ҳуқуққа мос келиши лозим, бириккан ҳолда улар глобал халқаро ҳуқуқий тизимини ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқ мақсади – субъектлар баҳамжиҳат амалга оширишга аҳд қилган ва унга юридик куч берган келажақдаги мақбул ҳолатнинг модели демак. Мақсадлар халқаро ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Юқорида қайд этиб ўтганимиз-

дек, улар тизим ҳосил қилувчи ва тизимни уюштирувчи омил ҳисобланади. Мақсадлар тизим унсури сифатида амал қилади, тамойиллар ва нормаларнинг мақсадларга мослиги устидан назорат олиб бориш воситаларининг мавжудлигини назарда тутаяди.

Тамойил ва нормалар мақсадларга эришиш воситалари ҳисобланади. Мақсад ва воситаларнинг оқилона нисбатига эришиш халқаро ҳуқуқий тартибга солиш назарияси ҳамда амалиётининг асосий вазифаларидан биридир. Воситаларнинг хусусияти кўп жиҳатдан мақсад билан белгиланади. Аммо бу мақсад воситаларни оқлайди деган фикрни билдирмайди. Воситалар мақсадга мувофиқ бўлиши лозим, уни танлаш тамойиллар билан белгиланади.

Мақсадларни мувофиқлаштириш – халқаро ҳуқуқ умумсиёсатининг оламшумул муаммоси. Моҳият-эътибори билан давлатларнинг сиёсий-ҳуқуқий муносабатлари механизми мақсадларни мувофиқлаштириш мажмуасини ташкил этади.

Халқаро ҳуқуқнинг бош ижтимоий-сиёсий мақсади – мавжуд халқаро муносабатлар тизими нормал амал қилиши ва ривожланишини таъминлашдан иборат. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш унинг бош мақсадларидан бирига айланди.

БМТ – универсал халқаро ташкилот. БМТ Уставида кўрсатилган мақсадлар халқаро ҳуқуқнинг асосий мақсадларига мос келади. Уставда ушбу мақсадлар қуйидагича таърифланган:

- тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш;
- дўстона муносабатларни ривожлантириш;
- иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳадаги халқаро муаммоларни ҳал қилишда, инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш;
- одиллик тамойилларига риоя қилиниши, шартнома ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан ижобий шарт-шароитлар яратиш.

Қолган мақсадларни амалга ошириш учун халқаро қонунийликни таъминлашдан иборат бўлган сўнгги мақсаднинг аҳамияти давлат раҳбарлари томонидан алоҳида таъкидланади.

Санаб ўтилган мақсадлар халқаро ҳуқуқнинг асосий мақсадларидир.

Халқаро шартномаларда мақсадларга катта эътибор берилмаётгани, уларга оид муқаддималар кенгайиб бораётгани, баъзан у шартнома асосий қисмининг моддаларида мустаҳкамланаётгани ҳам мақсадларнинг амалий аҳамияти ошиб бораётганидан далолат беради.

Умумий аҳамиятга молик норма ҳисобланувчи мақсад ўзига хос хусусиятга эга. Муайян нормадан фарқли ўлароқ, мақсадга кўп ёки оз даражада эришилиши мумкин. Шу боис мақсадга эришиш халқаро стандарти муҳим аҳамият касб этади. Мақсадлар ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳам, ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида ҳам муҳим роль ўйнайди. Нормалар халқаро ҳуқуқнинг императив хусусиятга эга бўлган мақсадларидан келиб чиқиб таркиб топтирилади. Шу боис муайян нормалар ва ҳужжатлар халқаро ҳуқуқ мақсадларига мувофиқ тарзда амалга оширилиши лозим.

Мақсадлар халқаро ҳуқуқнинг самарадорлигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Самарадорлик эришилган натижа қўйилган мақсадга қай даражада мувофиқлигига қараб аниқланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ҳуқуқ қандай пайдо бўлган?
2. Халқаро ҳуқуқнинг моҳияти нимада?
3. Халқаро ҳуқуққа таъриф беринг.
4. Халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқи нисбати нимада?
5. Халқаро оммавий ҳуқуқ билан халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасида ўзаро алоқадорлик борми?
6. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини яратиш жараёни қандай амалга оширилади?

Адабиётлар

1. Баскин Ю.Я. Фельдман Д.И. История международного права М., МО., 1990.
2. Гроций Г. О праве войны и мира. М., Юридическая литература, 1956.
3. Левин Д.Б. История международного права. М., МО, 1962.
4. Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. Т., Адолат, 1997, 320 б.

5. Международное право. Под редакцией Колосова Ю.М., Кузнецова В.И. М., 1995, 608 стр.
6. Мовчан А.П. Международный правопорядок. М., МО, 1996.
7. Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи.-Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
8. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., Адолат, 2001, 220 б.
9. Тункин Г.И. Теория международного права. М., МО, 1970.
10. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. М., НИМН, 1999, 334 стр.
11. Курс международного права. В семи томах. Т. I. М., 1989 С. 9 – 158, 242 - 320.
12. Международное право в современном мире/Под. ред. Ю.М.Колосова. М., 1991.
13. Словарь международного права. М., 1986.
14. Мартенс Ф.Ф. Современное международное право цивилизованных народов. Т. I-II. М., 1996.
15. Талалаев А.Н. Соотношение международного и внутреннего права и Конституции Российской Федерации/Московский журнал международного права. 1994. №4.

2-мавзу. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро алоқаси

- 2.1. *Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро алоқа соҳаси.*
- 2.2. *Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро нисбати доктриналари.*
- 2.3. *Халқаро ҳуқуқни имплементация қилиш.*

2.1. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро алоқа соҳаси

Халқаро ҳуқуқ давлат ички ҳуқуқи билан яқин алоқада амал қилади. Бу, аввало, шу билан белгиланадики, халқаро тизимга қўшилган ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Бу эса давлат ички фаолиятида ўз аксини топади. Халқаро ҳуқуқ бутун давлатга мажбурият юклайди, миллий ҳуқуқ эса давлатнинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун жавобгар бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсларини белгилайди.

Бошқа томондан, барча мамлакатлар ўзаро боғланган ҳозирги дунёда давлатнинг ички масалалари ҳам давлатлараро муносабатларнинг ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, халқаро миқёсда экология муаммоларини ҳал қилиш давлатлар ўз ички муносабатларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муайян стандартларга амал қилган тақдирдагина самара беради.

Айрим тор соҳаларда халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг тартибга солиш объекти мос келиши мумкин. Муносабатлар давлатнинг устунлиги тамойили амал қиладиган ҳудудда амалга оширилган ҳолларда шундай бўлади. Бунга дипломатик муносабатлар ва консуллик муносабатлари мисол бўлиши мумкин. Дипломатик ва консуллик ваколатхоналари ҳамда уларнинг ходимлари ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи манбалар сифатида нафақат халқаро шартномалар ва одатлар, балки давлатнинг ички қонунлари ҳам хизмат қилади. Ички қонунчилик, умуман олганда, халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларини ўзида му-

жассамлаштиради, лекин янада муфассалроқ тартибга солиши, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларини ривожлантириши ҳам мумкин.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқини тартибга солиш объекти давлатларнинг ҳудудий устунлик ҳуқуқларини чеклаш соҳасида ва улар ҳудудидан ташқаридаги маконлар ҳуқуқлари соҳасида мос келиши мумкин. Масалан, халқаро ҳуқуққа биноан, айрим ҳолларда давлатлар ўз ҳудудий сувларининг кенглигини аниқлаш учун тўғри чизиклар тортиш усулидан фойдаланишлари мумкин. Давлатнинг ички қонунчилигида эса бу усул қачон қўлланилиши мумкинлиги ўз қирғоқ чизигининг хусусиятларидан келиб чиқиб, муайян тарзда белгилаб қўйилади.

2.2. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро нисбати доктриналари

Ҳозирги даврда халқаро ҳуқуқ фанида халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи ўзаро нисбатининг дуалистик ҳамда монистик доктриналари ишлаб чиқилган.

*Дуализм*нинг моҳияти шундан иборатки, халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқига ҳуқуқий тартиботнинг икки шакли деб қаралади. Лекин бу – дуалистлар халқаро ҳуқуқнинг давлат ички ҳуқуқи билан алоқасини кўрмайди, уларнинг мустақиллигини мутлақлаштиради, деган маънони англатмайди. Улар халқаро ҳуқуқ ўз вазифасини бажариши учун муттасил равишда давлат ички ҳуқуқидан ёрдам сўраб, мурожаат этиши зарурлигини тан оладилар. Зеро, давлат ички ҳуқуқининг ёрдამисиз халқаро ҳуқуқ жуда кўп масалаларда ожиздир.

*Монистик концепциялар*нинг моҳияти шундан иборатки, улар халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқига ягона ҳуқуқ тизимининг қисмлари сифатида ёндашади. Бунда ушбу концепцияларнинг айрим тарафдорлари давлат ички ҳуқуқининг устунлигидан келиб чиқса, бошқалари халқаро ҳуқуқ устунлигидан келиб чиқади.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида, асосан, немис юридик адабиётларида кенг тарқалган давлат ички ҳуқуқининг устунлиги назарияларига кўра халқаро ҳуқуққа турли давлатлар ташқи ҳуқуқларининг йигиндиси, “давлатнинг ташқи ҳуқуқи” сифатида қаралган.

Ҳозирги даврда монистик концепциянинг бошқа тури - халқаро ҳуқуқнинг давлат ички ҳуқуқидан устунлиги концепцияси кенг тарқалган. Ушбу тизимда миллий ҳуқуқ нормаларининг ҳақиқийлиги халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланади.

Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи ўзаро нисбатининг кўриб чиқиладиган концепциялари тасодифан вужудга келмаган. Улар нафақат муайян муаллифларнинг шахсий позицияларини, балки муайян давлатларнинг манфаатларини ҳам акс эттиради. Ҳатто, умумий анъанани ҳам кузатиш мумкин: халқаро ҳуқуқнинг устунлиги концепцияси тарафдорлари кўпинча халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига узоқ вақт мобайнида сезиларли таъсир кўрсатиб келган ва шу нуқтаи назардан маълум даражада халқаро қонунчиларга айланиб қолган кучли давлатларнинг манфаатларини ифода этади. АҚШ, Буюк Британия ва Франция шундай давлатлар жумласидандир.

Давлат ички ҳуқуқи устунлиги назарияси Германия куч-қудрати ўсиб, лекин унинг халқаро майдондаги мавқеи, халқаро ҳуқуққа таъсири бошқа мамлакатларга қараганда камроқ бўлган даврда немис юристлари томонидан илгари сурилган. Ҳатто эски халқаро ҳуқуқ ҳам Германиянинг агрессив мақсад ва интилишларига тўсқинлик қилган. Натижада, халқаро ҳуқуқдан давлат ички ҳуқуқининг устунлиги доктринаси ишлаб чиқилди. Бу доктринадан Германия милитаризми халқаро муносабатлардаги зўравонликни оқлаш учун фойдаланди. Ҳозирда бу доктрина тарафдорлари деярли йўқ.

Бугунги кунда вазият ўзгармоқда. Дунё тобора яхлит тус олиб, халқаро ҳуқуқ универсаллашиб бормоқда. Эндиликда халқаро ҳуқуқ муайян мамлакатлар, давлатлар гуруҳининг манфаатларини эмас, балки *умуминсоний қадриятларни* ифода этмоқда. Шу боис, халқаро ҳуқуқ ва унинг миллий ҳуқуқ билан ўзаро нисбатига муносабат, аввало, давлат ташқи сиёсатининг тинчликсеварлиги, ички тузумининг халқчиллик даражаси билан белгиланмоқда.

Иккала монистик назарияни суверен давлатлар мавжудлигининг объектив ҳолатига мос келмайдиган назариялар сифатида баҳолашда, ҳуқуқ тизимлари ўзаро алоқа қилиш жараёнида, уларнинг бири устунроқ аҳамият касб этиши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Агар давлат ички ҳуқуқи нормаларининг халқаро ҳуқуққа таъсирини бирламчи деб айтиш мумкин бўлса, (чунки халқаро

ҳуқуқ нормаларини таркиб топтиришда қатнашаётган ҳар бир давлатнинг позициясига унинг ички ҳуқуқи таъсир кўрсатади), мавжуд нормалар ўзаро алоқа қилиши жараёнида давлат халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги тамойилини тан олмаслиги мумкин эмас. Бу тамойил Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 1969 йил 27-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга биноан, шартнома иштирокчиси “шартномани бажармаганлигини оқлаш учун ўз ички ҳуқуқи қоидаларига ҳавола қилиши мумкин эмас”.

Бу тамойил халқаро ҳуқуқ нормаларининг бажарилишига бутун дунёнинг тақдири боғлиқ бўлган ҳозирги даврда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида *давлат ички ҳуқуқи нормалари билан ўзаро алоқа қилиш жараёнида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги* концепцияси мустаҳкам ўрин олган. Бугунги кунда халқаро ҳуқуқ нормалари турли тизим нормаларининг ўзаро алоқаси жараёнида давлатлар ўртасида тинчлик ва ўзаро фойдали ҳамкорликни таъминлаш, инсон ҳуқуқи ҳамда эркинликларига риоя этишнинг ҳуқуқий кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги халқаро ҳуқуқ самарали амал қилишининг зарур шартидир. Давлатнинг ички ҳуқуқи халқаро ҳуқуққа мос келиши, улар ўртасида зиддиятлар рўй берган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормалари устунлик қилиши лозим. Зотан, халқаро ҳуқуқ давлатларга юқоридан юкланган мажбурият эмас. Бу – уларнинг хоҳиш-иродасини мувофиқлаштириш натижаси, умуминсоний қадриятлар инъикосидир. Халқаро ҳуқуқнинг давлат ички ҳуқуқидан устунлиги умуминсоний қадриятлар ва манфаатларнинг бошқа ҳар қандай (миллий, синфий ва ҳ.к.) қадриятлар ҳамда манфаатлардан устунлигини акс эттиради.

2.3. Халқаро ҳуқуқни имплементация қилиш

Халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш, яъни халқаро ҳуқуқ нормалари давлатлар ҳудудида амал қилишини таъминлаш халқаро ҳуқуқий нормаларни давлатнинг ички ҳуқуқи нормаларига айлантириш йўли билан амалга оширилади. Бунинг учун давлат ўз ҳуқуқий нормаларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан мос ҳолатга келтириш учун қонунчилик аҳамиятига молик чора-тадбирларни амалга оширади, халқаро ҳуқуқ

нормалари ифодаланган, давлат ҳудудида бу нормалар амал қилиши белгиланган миллий қонун ҳужжатлари (қонунлар, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисида ҳужжатлар)ни қабул қилади.

Кўпгина давлатларнинг (масалан, АҚШ, Испания, Россия) конституцияларига мувофиқ, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари ҳамда халқаро шартномалар ушбу давлатлар ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Агар бу давлатларнинг халқаро шартномасида ички қонунда назарда тутилганидан бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Давлат халқаро шартномага имзо чекиб, унинг бажарилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига ҳамда ўз миллий ҳуқуқи нормаларига ҳавола қилиб, ўзи иштирок этаётган халқаро шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин эмас (Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 27-моддаси. 1969 йил).

Давлат ички ҳуқуқи нормаси билан халқаро ҳуқуқ нормаси ўртасида тўқнашув рўй берган тақдирда халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Нима учун ташқи сиёсат Ўзбекистон суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим давлат фаолияти йўналиши деб ҳисобланади?
2. Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини санаб беринг.
4. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ҳуқуқий асослари қандай?
5. “Дунё ҳамжамияти” тушунчасини шарҳлаб беринг.
6. Ҳозирги замонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли қандай?
7. Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини айтиб беринг.
8. БМТ тизимида Ўзбекистоннинг иштироки қандай?

9. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фаолияти тўғрисида нималар биласиз?
10. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини айтиб беринг.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. Т., Адолат, 2003.
2. Коренные народы: международное и национальное право. М., Известия, 1995.
3. Лукащук И.И. Нормы международного права в правовой системе России. М., СПАРК, 1997.
4. Мюлерсон Рейн. Соотношение международного и национального (внутригосударственного) права. М., Изд-во МО, 1981.
5. Права человека в России: международное измерение. Сб. док. М., Права человека, 1995.

3-мавзу. Халқаро ҳуқуқ манбалари

- 3.1. Халқаро ҳуқуқ нормалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ ижодкорлиги.
- 3.2. Халқаро ҳуқуқ манбалари, уларнинг умумий тавсифи ва ўзаро нисбати. Кодекслаштириш.
- 3.3. Халқаро ташкилотларнинг қарорлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, турлари, юридик кучи, шаклланиш тартиби. Халқаро ташкилотларнинг ички ҳуқуқи.

3.1. Халқаро ҳуқуқ нормалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ ижодкорлиги

Халқаро ҳуқуқ нормаси – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи субъектлари томонидан таркиб топтирилган умумий аҳамиятга молик, юридик жиҳатдан мажбурий хулқ-атвор қоидаси. Халқаро ҳуқуқий нормалар ва улар тизимининг ўзига хос хусусиятлари ушбу нормаларнинг тузилишида ҳам акс этади. Муҳими шундаки, аксарият нормалар фақат диспозициядан иборат, санкцияларни эса бутун тизим белгилайди. Нормалар бузилган ҳолда муайян қарши чоралар алоҳида шартномаларда назарда тутилиши мумкин.

Де-юре ва де-факто нормаларни фарқлаш учун асослар мавжуддир. Де-юре нормалар – расман эътироф этилган қоидалар, де-факто нормалар – амалда қўлланиладиган қоидалар. Бу фарқлар, табиийки, муайян чегараларга эга бўлиши лозим. Нормани амалга ошириш стандартлари доирасидан четга чиқиш, унинг бузилганлигини англатади.

Халқаро ҳуқуқда “юмшоқ ҳуқуқ” атамаси тарқалган. Ушбу масала юзасидан яқдиллик мавжуд эмас, баъзан тушунчанинг ўзи ҳам танқид қилинади. Шунга қарамай, бу шартли атама тан олинган ва амалиётда кенг қўлланилади.

Назария ва амалиёт таҳлили “юмшоқ ҳуқуқ” атамаси икки хил ҳодисани ифодалаш учун қўлланилишини кўрсатади. Гоҳо халқаро ҳуқуқ нормаларининг алоҳида тури тўғрисида сўз юритилса, бошқа ҳолда ноҳуқуқий халқаро нормалар ҳақида фикр айтилади. Биринчи ҳолатда “қатъий ҳуқуқ”дан фарқли ўлароқ субъектлар риюя қилиши лозим бўлган умумий кўрсатма берадиган нормалар назарда тутилади. Бундай нормаларга “эришиш”, “ҳаракат қилиш”, “зарур чоралар кўриш” ва шунга ўхшаш сўз

ҳамда иборалар хос. Бундай қарорлар тобора кўпайиб бормоқда (айниқса, сиёсий шартномаларда).

Бундай нормаларнинг юридик кучига нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Кўпгина юристлар “юмшоқ ҳуқуқ” нормалари халқаро ҳуқуқий хусусиятга эга, деган фикрдан келиб чиқмоқда. Бу фикр давлатлар суд амалиётида ҳам ўз аксини топмоқда.

“Юмшоқ ҳуқуқ”қа тарафларнинг рози эмаслигини ифодалайдиган қоидалар кўп учрайди. Бундай қоидалар қандай шартномада белгиланган бўлмасин, норма ҳисобланмайди. Шартномага унинг асл мазмунини яшириш учунгина киритиладиган сохта нормалар ҳам мавжуд.

Халқаро ҳуқуқда унинг субъектлари ўзаро муносабатларда риоя қиладиган одат нормалари ёки халқаро одоб (халқаро ахлоқ) нормаларини ҳуқуқий нормалардан фарқлаш лозим. Халқаро ҳуқуқ нормаларидан халқаро одоб нормаларининг фарқи шундаки, уларга халқаро ҳуқуқ субъектлари ихтиёрий равишда риоя қилади. Бу нормалар юридик жиҳатдан мажбурий эмас. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг бузилиши эса юридик жавобгарликка сабаб бўлади. Халқаро одоб нормаларига дипломатик қоидаларнинг аксарияти киради.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг таркиб топиш жараёни давлат ички ҳуқуқи нормаларининг таркиб топиш жараёнидан фарқ қилади. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланувчи қонунчилик органлари мавжуд эмас. Халқаро ҳуқуқ субъектлари муайян ҳуқуқий нормаларни халқаро ҳуқуқий нормалар сифатида мустақил белгилайди. Халқаро ҳуқуқда нормаларни таркиб топтириш келишув хусусиятига эга. Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўз розилигини ошкора ёки сукут билан билдириши мумкин. Биринчи ҳолда шартнома нормалари тўғрисида, иккинчи ҳолда одат нормалари тўғрисида сўз юритилади.

Халқаро ҳуқуқ назариясида нормаларни таснифлашга уришишлар кўп бўлган, аммо уларнинг бирортаси ҳам эътироф этилмаган. Энг муҳим мезонларга асосланган ҳолда халқаро ҳуқуқий нормаларнинг қуйидаги таснифини таклиф қилиш мумкин.

Мазмуни ва тизимидаги ўрнига кўра:

– **мақсадлар;**

– **тамойиллар.** Халқаро ҳуқуқ тизимида норма ва тамойиллар муҳим ўрин эгаллайди, улар орасида халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ажралиб туради ҳамда халқаро ҳуқуқнинг негизини ташкил этади;

– нормалар, ўз юридик кучига кўра:

28

императив нормалар (*jus cogens*) аниқ, муайян хулқ-атворм қоидаларини белгилайди. Халқаро ҳуқуқ субъектлари уларнинг; ихтиёрий равишда ўзгартира олмайди. Уларга зид одат ёки шартнома ҳақиқий бўлмайди. Алоҳида юридик кучга эга бўлган императив нормалар мажмуининг мавжудлиги ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Императив тартибга солиш усули халқаро муносабатларда олдин ҳам қўлланилган. “Шартномалар бажарилиши керак” тамойили императив хусусиятга эга бўлган. Ушбу тамойил халқаро ҳуқуқнинг тамал тошини белгилаган. Қароқчилик ва қулфурушликнинг тақиқланиши, шунингдек, уруш олиб боришнинг айрим қоидалари императив хусусиятга эга бўлган. Ҳозирги императив нормалар халқаро ҳуқуқнинг хусусияти, мақсад, тамойиллари ва асосий мазмунини белгиловчи яхлит бирикмани ташкил этади. Бундан ташқари, императив нормалар расман тан олинган;

диспозитив нормалар – давлатлар ўзаро келишувга кўра қоидалар доирасидан четга чиқиши (башарти бу бошқа давлатлар манфаатларига зарар етказмаса) мумкин бўлган нормалар. Универсал ва маҳаллий аҳамиятга молик нормаларнинг аксариятини диспозитив нормалар ташкил этади. Бунда халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг ўта индивидуаллашганлиги ўз ифодасини топади. Диспозитив нормалар тўлиқ юридик кучга эга. Агар субъектлар бошқача тартиб ҳақида келишиб олмаган бўлса, диспозитив нормани бажаришлари шарт, бу норма бузилган тақдирда улар жавобгарликка тортилади. Норманинг диспозитив хусусияти мажбурий кучининг чекланганлигида эмас, балки субъектлар ўзаро муносабатларини умумий нормада кўзда тутилганидан бошқача тарзда тартибга солишга ҳақли эканлигини назарда тутишида намоён бўлади.

Амал қилиш соҳасига кўра:

универсал нормалар – жаҳоннинг барча ёки кўпчилик давлатлари иштирокидаги муносабатларни тартибга солади. Масалан, БМТ Устави, 1961йил. Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси қоидалари универсал хусусиятга эга;

минтақавий нормалар – бир географик минтақага мансуб давлатлар иштирокидаги муносабатларни тартибга солади. Бундай нормаларга Европа иттифоқи тўғрисидаги шартнома (1992 й.) мисол бўлади. Минтақавий нормалар тарихан универсал нормалардан олдин, универсал нормалар эса минтақавий нормалар

негзида вужудга келган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Айни вақтда универсал халқаро ҳуқуқ минтақавий тизимлар тараққиётига кўмаклашмоқда, нисбатан ривожланган минтақавий тизимларнинг ҳам, универсал тизимнинг ҳам тажрибасини улар билан ўртоқлашмоқда;

– **партикуляр ёки маҳаллий нормалар** – халқаро ҳуқуқнинг икки ёки бир неча субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Маҳаллий нормалар иштирокчилари доираси чекланган, кўпинча икки тарафлама муносабатларга нисбатан амал қилади. Уларнинг асосий манбаи шартномалардир. Аммо шундай хусусиятга эга бўлган одат нормалари ҳам мавжуд. Маҳаллий нормалар универсал нормалардан кўпроқдир. Улар универсал нормаларга нисбатан муҳим функцияларни бажаради, чунончи: муайян ҳолатларга нисбатан уларни конкретлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади; бундай ҳолларда уларни амалга оширишга кўмаклашади; умумий халқаро ҳуқуқ билан қамраб олинмаган муносабатларни тартибга солади. Маҳаллий нормалар нисбатан осон қабул қилинади, ўзгартирилади ва тугатилади. Улар тартибга солиш соҳасида тажриба тўплаб, умумий халқаро ҳуқуққа йўл очади. Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг изчиллиги таъминланади. Умуман олганда, маҳаллий нормалар халқаро ҳуқуқий тартибга солиш даражаси ва халқаро ҳаётда ҳуқуқнинг ўрнини ошириш манфаатларига хизмат қилади. Шу сабабли умумий халқаро ҳуқуқ маҳаллий асосда тартибга солиш учун кенг майдон яратади.

Таъсир кўрсатиш хусусиятига кўра:

– **тақиқловчи нормалар;**

– **рухсат берувчи нормалар;**

– **ваколат берувчи нормалар.** Тақиқламайдиган, балки субъектларнинг муайян ҳуқ-атворини, қўйилган мақсадга эришиш йўлида уларнинг муайян ҳаракатлар содир этишини белгилайдиган нормалар улуши кўпайиб бормоқда.

Тизимдаги функцияларига кўра:

– **моддий нормалар;**

– **процессуал нормалар,** яъни халқаро ҳуқуқни вужудга келтириш ва амалга ошириш жараёнларини тартибга солувчи нормалар.

Таркиб топиш усули ва амал қилиш шаклига, яъни манбасига кўра:

– **одат нормалари;**

– **шартнома нормалари;**

- халқаро ташкилотлар қарорларининг нормалари.

Ҳавола этувчи, яъни бошқа нормалар, ҳужжатларда белги-ланган қоидаларга риоя қилиш мажбуриятини юкловчи норма-лар ҳам бор. Ташкилий нормалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бир неча турлари фарқланади. Ташкилий нормаларнинг вазифа-си халқаро орган ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш-дан иборатдир. Фан-техника тараққиёти техникавий алоқалар жадал ривожланишига туртки берди. Уларни тартибга солиш зарурати техникавий нормалар тарқалишига олиб келди. Тех-никавий нормалар техникавий тизимлар фаолиятини эмас, бал-ки давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солади, улар-нинг зиммасига мазкур тизимлардан фойдаланувчилар белги-ланган қоидаларга риоя қилишини таъминлаш вазифасини юк-лайди. Ўз мазмунига кўра, ушбу нормалар техникавий, амал қилиш механизмига кўра эса халқаро ҳуқуқийдир.

3.2. Халқаро ҳуқуқ манбалари, уларнинг умумий тавсифи ва ўзаро нисбати. Кодекслаштириш

Халқаро ҳуқуқ манбалари икки маънода: моддий (жамият ҳаётининг моддий шароитлари) ва формал (ҳуқуқ нормалари ифодаланган шакл) маъноларда тушунилади. **Халқаро ҳуқуқ манбалари** давлатлар хоҳиш-иродасини мувофиқлаштириш на-тижаларининг давлатлар томонидан тан олинган, халқаро ҳуқуқий нормаларни қайд этиш шаклидир. Халқаро суд Стату-тининг 38-моддасига биноан, халқаро ҳуқуқ манбалари қуйида-гилардан иборат:

- халқаро шартнома;
- халқаро одат;
- миллий судларнинг қарорлари;
- халқаро ҳуқуқ назариялари - “ҳуқуқий нормаларни аниқ-лашнинг ёрдамчи воситаси” сифатида.

1. **Халқаро шартномалар** низолашаётган давлатлар томони-дан муайян тарзда тан олинган қоидаларни белгиловчи ҳужжат, яъни, халқаро шартнома – халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртаси-да уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки тугатиш юзасидан ёзма шаклда тузилган битим. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи асосан шартнома ҳуқуқидир.

Халқаро шартномаларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- барча давлатлар иштирок этиши мумкин бўлган, бутун

халқаро ҳамжамият учун мажбурий нормаларни ўз ичига олган умумий халқаро шартномалар;

- иштирокчилар сони чекланган махсус халқаро шартномалар.

2. **Халқаро одат** - ҳуқуқий норма сифатида тан олинган умумий амалиётнинг далили сифатида. Халқаро одат – халқаро ҳуқуқ субъектлари хулқ-атворининг такрорланувчи турдош ҳаракатлар натижасида вужудга келган ва ҳуқуқий норма сифатида тан олинган қоидаси. Ҳозирги даврда вақт омили муҳим роль ўйнамайди. Халқаро одат халқаро шартномадан шаклланиш усулига кўра ҳам, ҳуқуқий нормани ифодалашнинг ташқи шаклига кўра ҳам фарқ қилади. Халқаро одат замирида ушбу одатни яратаётган давлатларнинг хоҳиш-иродаси ётади. Одат нормаси кўпинча аниқ ва равшан ифодаланмайди, ёзма шаклда ҳам қайд этилмайди. Халқаро ҳуқуқнинг одат нормалари халқаро амалиётда шаклланади ва такрорланувчи бир хил ҳаракатлар натижасида пайдо бўлади. Одатга халқаро орган қарори асос солиши мумкин. Одат вужудга келиши билан унинг ҳуқуқий норма сифатида шаклланиш жараёни уни давлат томонидан тан олиш босқичига ўтади. Шартнома нормаларини давлат имзолаш йўли билан фаол тан олади, одат нормалари эса ҳужжатли равишда тасдиқланмайди ва шу боис одатни ҳуқуқий норма сифатида белгилаш учун ёрдамчи воситалардан фойдаланилади.

Шартнома билан одат ўртасида узвий алоқа мавжуд. Улар бир-бирини “озиклантиради”. Одат нормаси халқаро шартномада мустаҳкамланганидан сўнг шартнома нормасига айланиши мумкин, бунда у бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки янада ривожлантирилиши мумкин. Ўз навбатида, шартнома нормаси, агар у умум томонидан эътироф этилган бўлса, шартномада иштирок этмаётган давлатлар учун одат нормасига айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам халқаро ҳуқуқнинг бу манбалари ўртасида қатъий чегара бўлиши мумкин эмас.

Ёрдамчи манбалар халқаро ҳуқуқнинг муайян тамойили ёки нормаси вужудга келиши, ривожланиши, ўзгартирилиши, аниқлик киритиши ёки шарҳланиши жараёнининг муайян босқичлари натижасидир. Улар “ҳуқуқий нормаларни белгилаш учун ёрдамчи восита” сифатида амал қилади.

Ҳукуматлараро ташкилотлар қарорлари халқаро ҳуқуқнинг ёрдамчи манбалари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Бу ташкилотларнинг ички қонунчилик бўйича қарорлари (регламентлар, ташкилий тузилиш, бюджетга бадаллар киритиш ва б.) мажбу-

рий кучга эга. Бу БМТга ҳам тегишлидир. БМТ қабул қилувчи резолюциялар, БМТ Устави 18-моддасининг 2-бандига биноан мажбурий кучга эга бўлган резолюциялардан ташқари, тавсия этиш хусусиятига эга. Бир қанча халқаро ташкилотлар, масалан, БМТнинг ихтисослашган муассасалари ўз ваколати доирасида давлатлар учун мажбурий қарорлар қабул қилади (масалан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти регламенти ва б.). Аини ҳолда, техникавий нормалар тўғрисида сўз юритилади. Бу нормалар аъзо давлатларнинг очиқ ёки сукут билан ифодаланган розилигига кўра кучга киради, лекин давлатлар уларга эслатмалар киритиши мумкин. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг БМТ аъзолари учун мажбурий бўлган қарорлари халқаро ташкилотларнинг қарорлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Аммо бу қарорлар муайян ҳолатларга тегишли бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларини вужудга келтирмайди.

Халқаро ҳуқуқ ижодкорлигига давлат ички ҳуқуқи ёрдамчи манба сифатида жалб қилинади. Бунда давлатнинг бир тарафлама ҳужжатлари (баёноتلари, ноталари ва ҳ.к.) алоҳида роль ўйнайди. Ушбу ҳужжатлар халқаро ҳуқуқ манбаси бўлмаган (нормаларни вужудга келтирмаган) ҳолда, давлат учун муайян юридик мажбуриятларни вужудга келтириши мумкин.

Аҳолиси инглиз тилида сўзлашадиган давлатларда **суд қарорлари** халқаро ҳуқуқнинг мустақил манбаси сифатида эътироф этилади. Аммо БМТ Халқаро судининг қарорлари ҳуқуқнинг ёрдамчи манбаи сифатида, аввало, одат нормаларини юқорида қайд этилган тарзда муайянлаштиргани учун катта аҳамиятга эга.

Халқаро ҳуқуқ назариялари халқаро ҳуқуқий тизимда алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда турли мамлакатларнинг юристлари жамоа бўлиб билдирган фикрлари катта аҳамиятга эга. Бундай фикрлар Халқаро ҳуқуқ уюшмаси, Халқаро ҳуқуқ институти каби ташкилотларнинг ҳужжатларида ўз ифодасини топади.

Давлатлараро муносабатларда ҳуқуқ нормаларидан ташқари бошқа ижтимоий нормалар ҳам амал қилади. Булар, аввало, **халқаро ахлоқ нормаларидир**. Ахлоқ ижтимоий онгнинг алоҳида шакли сифатида давлатлар хоҳиш-иродасини мувофиқлаштириш маҳсули бўлган ҳуқуқдан фарқ қилади. Лекин ахлоқ ва ҳуқуқ доимо ўзаро таъсирга киришади, баъзан ахлоқ нормалари ҳуқуқ нормаларига айланади. Масалан, БМТ Устави “тинчлик” (“халқаро тинчлик”) категорияси руҳи билан суғорилган. Тўғри, халқаро

ҳуқуқ нормалари ва халқаро ахлоқ нормалари ижтимоий норма-ларнинг икки алоҳида соҳаларига тааллуқлидир.

Халқаро ҳуқуқни кодекслаштириш халқаро ҳуқуқ ижодкор-лигининг муҳим усулларидан биридир. **Кодекслаштириш – амал-даги нормаларни тизимга солиш жараёни бўлиб, у зиддиятлар-ни бартараф этади, камчиликлар ўрнини тўлдиради, эскирган нормаларни янгилари билан алмаштиради.**

Халқаро ҳуқуқни кодекслаштириш қуйидаги асосий усуллар билан амалга оширилади:

- давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг муайян соҳасида азалдан мавжуд халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларининг аниқ мазмунини белгилаш ҳамда таърифлаш йўли билан;

- эскирган нормаларни ўзгартириш ёки қайта кўриб чиқиш йўли билан;

- халқаро муносабатларнинг долзарб муаммоларини ҳисобга олган ҳолда янги норма ва тамойиллар ишлаб чиқиш йўли би-лан;

- бу тамойиллар ва нормаларни ягона халқаро ҳуқуқий ҳуж-жат (конвенциялар, шартномалар, битимлар)да ёки бир неча ҳужжатлар (конвенциялар, декларациялар, конференция резо-люциялари)да мувофиқлаштирилган кўринишда мустаҳкамлаш йўли билан.

Кодекслаштириш расмий ва норасмий бўлиши мумкин. Рас-мий кодекслаштириш шартномалар шаклида амалга оширилади. У ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, тўлалигича уруш қонунлари ва ҳуқуқига бағишланди. Россия ташаббусига кўра, Гаагада (1899 ва 1907 йиллар) чақирилган тинчлик конференци-ялари, Миллатлар Лигаси кодекслаштириш жараёнида муҳим роль ўйнади. Лекин бу борадаги ютуқлар БМТ ташкил этилган-нидан кейин қўлга киритилди. БМТ халқаро ҳуқуқни кодекс-лаштириш механизмини вужудга келтирди. Унда Бош ассамблея томонидан 5 йил муддатга сайланадиган 34 аъзодан иборат Хал-қаро ҳуқуқ комиссияси муҳим ўрин эгаллайди. Шартнома ҳуқуқи бўйича икки конвенция: дипломатия ва консуллик ҳуқуқи бўйи-ча конвенциялар, 1958 йилги Денгиз ҳуқуқи бўйича тўрт кон-венция қабул қилинди. Кодекслаштириш иши билан БМТнинг бошқа таркибий бўлинмалари (масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйи-ча комиссия) ҳам шуғулланади.

Норасмий кодекслаштириш тегишли тармоқлардаги жамо-ат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқшунос олимлар томонидан хусу-сий тартибда амалга оширилади. Норасмий кодекслаштириш-

нинг биринчи турига Халқаро Қизил Хоч томонидан тайёрланган, қуролли можароларга таалуқли гуманитар ҳуқуқ кодификацияси мисол бўлиши мумкин. Мазкур лойиҳалар асосида 1949 йил урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида тўрт Женева конвенцияси ва 1977 йилда уларга икки қўшимча баённома қабул қилинди.

3.3. Халқаро ташкилотларнинг қарорлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, турлари, юридик кучи, шаклланиш тартиби. Халқаро ташкилотларнинг ички ҳуқуқи

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти икки шаклда амалга оширилиши мумкин: 1) бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги; 2) давлатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ёрдами. Халқаро ҳуқуқ назариясида халқаро ташкилотлар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг уч асосий тури фарқланади: а) халқаро ташкилотлар томонидан халқаро битимлар тузиш; б) ташкилот фаолиятининг асосий масалалари бўйича аъзо мамлакатлар хулқ-атворини белгиловчи қарорлар қабул қилиш ёки ташқи тартибга солиш; в) ички ташкилий масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ёки ички ҳуқуқни яратиш. Шундай қилиб, халқаро ташкилотлар ҳужжатлари турли хусусият ва юридик кучга эга бўлиши мумкин.

Халқаро ташкилотларнинг иш жараёнида давлатларнинг хоҳиш-иродалари мувофиқлаштирилади, янги нормаларга эҳтиёж ва уларни яратиш имкониятлари (шу жумладан, кўп тарафлама шартномалар тузиш йўли билан) аниқланади. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини бошлаш учун замин ҳозирланади. Баъзан ташкилот ўз резолюцияларида шартномаларда мужассамланиши лозим бўлган тамойиллар ва нормаларни ҳам белгилайди.

Халқаро ташкилотлар қарорларини уларнинг органлари қабул қилади. Бу қарорларни аъзо давлатларнинг ваколатли органда ушбу ташкилот устави қоидалари ва белгиланган таомилга мувофиқ ўз хоҳиш-иродасини билдириши деб таърифлаш мумкин. Қарорларнинг шаклланиш жараёни жуда кўп омилларга, чунончи: таъсис ҳужжати қоидалари, таомил қоидалари, орган таркиби, ташкилот доирасида сиёсий кучларнинг жойлашишига боғлиқ бўлади.

Қарорларнинг шаклланиш жараёни ташаббус кўрсатишдан бошланади. Қарор қабул қилиш ташаббуси билан давлат, давлатлар гуруҳи, халқаро ташкилот органлари ёки мансабдор шахслар чиқиши мумкин. Қоида тариқасида, ташаббусчи муайян муаммони ўрганишни таклиф қилади. Бироқ баъзан у қарор лойиҳасини муҳокамага киритиши ҳам мумкин. Ўз қарорлар лойиҳаларини бошқа давлатлар, шунингдек, давлатлар гуруҳлари ҳам киритиши мумкин.

Айрим ҳолларда халқаро ташкилот органларида қарорлар овозга қўйилмасдан, аккламация йўли билан ёки эътирозларсиз қабул қилиниши ҳам мумкин. Бундай усуллар кўпинча таомилга оид масалаларга нисбатан қўлланилади.

Халқаро ташкилотлар амалиётида консенсус асосида қарорлар қабул қилиш таомили тобора кенг ёйилмоқда. Консенсус органига аъзо давлатлар позицияси барчанинг фикри ҳамда манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ва ҳамма рози бўлган тақдирда мувофиқлаштириш йўли билан белгиланади. Қарорнинг мувофиқлаштирилган матни орган раиси томонидан овозга қўйилмасдан эълон қилинади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни нуқтаи назаридан халқаро ташкилотларнинг қарорлари юридик жиҳатдан мажбурий ва тавсия хусусиятига эга қарорларга бўлинади. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши икки хил юридик ҳужжатлар қабул қилиши мумкин: 1) тавсиялар, яъни давлат ўз фаолиятида рияз этиши таклиф қилинадиган муайян усул ва таомилларни назарда тутувчи ҳужжатлар; 2) бажарилиши БМТга аъзо бўлган барча давлатларнинг мажбурият кучи билан таъминланувчи юридик жиҳатдан мажбурий қарорлар. Хавфсизлик Кенгаши қабул қилувчи тавсиялар ва мажбурий қарорларнинг асосий шакли резолюциялардир. Ҳозиргача 700 дан ортиқ резолюция қабул қилинган. Сўнгги йилларда Хавфсизлик Кенгаши раисининг баёнотлари ҳам сезиларли роль ўйнамоқда (бундай баёнотлар сони 100 тадан ошиб кетди).

Халқаро ташкилотлар қабул қилувчи яқуний ҳужжатлар мазмуни ва сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятига қараб, халқаро ҳуқуқнинг бевосита манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, ЕХХТнинг 1975 йилги, умуман ЕХХТнинг бошқа яқуний ҳужжатлари. Бир қанча ихтисослашган муассасалар (Жаҳон почта уюшмаси, Электр алоқа халқаро уюшмаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ҳ.к.) ўз ваколати доирасида давлатлар учун мажбу-

рий бўлган хулқ-атвор нормаларини белгиловчи турли норматив регламентлар қабул қилади. Регламентлар икки асосий усулда – розиликни билдирувчи сукут билан (масалан, ЖССТнинг санитария соҳасидаги регламентлари) ёки ошкора тарзда маъқуллаш, масалан, ратификация қилиш йўли билан (Жаҳон почта уюшмаси) қабул қилинади.

Тавсия кўринишидаги резолюциялар кўпинча дастлабки қоидалар бўлиб, пировардида умумий ҳуқуқнинг одат нормаларига айланади. Бундан ташқари, тавсия кўринишидаги резолюцияларнинг қоидалари шартнома нормаларига айланиб, халқаро ҳуқуқдан ўрин олади. Масалан, БМТ Бош ассамблеясининг резолюциялари инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар мажмуаси, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатларнинг яратилишида муҳим роль ўйнади. Юқорида айтилганлар БМТнинг ихтисослашган муассасалари: ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқаларга ҳам тегишли.

БМТ Халқаро судининг қарорлари алоҳида диққатга сазовордир. Мазкур ташкилот ҳуқуқ ижод қилувчи эмас, балки ҳуқуқни қўлловчи орган ҳисобланади. Шу сабабли суд қарорлари халқаро ҳуқуқ нормаларини вужудга келтирмайди. Халқаро суд қарорлари низоси шу судда кўрилган давлатлар томонидан ижро этиш учун мажбурийдир.

Халқаро ташкилотларнинг ички ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти тўғрисидаги масала халқаро ҳуқуқ фанидаги энг баҳсли муаммолар қаторига киради. “Халқаро ташкилотларнинг ички ҳуқуқи” атамаси дастлабки халқаро ташкилотлар тузилганидан сўнг маъмурий уюшмалар ўз ички фаолияти масалалари бўйича қабул қиладиган қоидаларни ифодалаш учун муомалага киритилди. Халқаро ҳуқуқий адабиётларда “халқаро ташкилотлар ички ҳуқуқи” тушунчасининг умумий эътироф этилган таърифи ҳозирча мавжуд эмас. Ушбу муаммо билан шуғулланган россиялик олимларнинг аксарияти халқаро ташкилотлар ички ҳуқуқи уларнинг ички фаолияти масалаларини тартибга солишни қайд этади. Масалан, С.В.Черниченко халқаро ташкилотлар ички ҳуқуқини халқаро ташкилот тузилиши, унинг ўз функцияларини амалга ошириш тартиби, ички бўлинмаларининг ўзаро муносабатлари, шунингдек, ташкилот мансабдор шахслари ва хизматчиларининг мақоми ҳамда функцияларини тартибга солувчи нормалар мажмуи деб таърифлайди.

В.И.Маргиев ички ҳуқуқ тартибга солувчи муносабатлар қато-

рига нафақат халқаро ташкилотларнинг органлари ўртасидаги алоқаларни, балки аъзо давлатларнинг ташкилот доирасидаги, ташкилот билан аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, котибият мансабдор шахслари ва хизматчилари ўртасидаги муносабатларни ҳам киритиш мумкин. Бу муносабатлар таомил қоидалари, молиявий ва ходимларга тегишли қоидалар ҳамда ташкилотнинг бошқа ҳужжатларида белгиланган нормалар билан тартибга солинади.

“Халқаро ташкилотлар ички ҳуқуқи” тушунчасига нисбатан ёндашувларнинг ҳар хиллигига қарамай, ушбу масалани тадқиқ қилувчи муаллифларнинг деярли барчаси унга халқаро ташкилотларнинг функциялари, тузилиши ва ички бўлимларининг ўзаро муносабатларини, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг мақоми ҳамда функцияларини, шунингдек халқаро ташкилотлар турли органларининг регламентлари, таомил қоидаларида белгиланган нормалар ва ташкилот ички ҳаёти масалаларига оид қарорларини киритадилар.

Халқаро ҳуқуқда халқаро ташкилотларнинг ички ҳуқуқи нормаларини таркиб топтириш масалаларини тартибга солувчи умумий ҳужжат йўқ. Халқаро ташкилотлар амалиёти шуни кўрсатадики, уларнинг уставларида белгиланган қоидалар ва ташкилот олий органларининг қарорлари ички ҳуқуқ нормаларини таркиб топтириш механизмига юридик асос бўлиши мумкин. Ҳар бир халқаро ташкилотда, унинг мақсад ва вазифаларига қараб, ваколатлар, шу жумладан, ташкилотни ички тартибга солиш масалалари бўйича ваколатлар ҳажми ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли халқаро ташкилотларнинг ички ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги ваколатини, фақат уларнинг фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжатлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида белгилаш мумкин. Қоида тариқасида, халқаро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ички ҳуқуқни таркиб топтириш таомилини махсус тартибга солмайди. Лекин уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ички ҳуқуқни таркиб топтириш билан боғлиқ айрим қоидалар, одатда, таъсис ҳужжатларининг ташкилот органлари функциялари ва ваколатлари кўрсатиладиган бобда ифодаланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро ҳуқуқ нормалари” тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. “Халқаро ҳуқуқий муносабатлар” тушунчаси нимани англатади?
3. Халқаро ҳуқуқ нормалари қандай таснифланади (классификация қилинади)?
4. Халқаро ҳуқуқий институт нима?
5. Халқаро ҳуқуқ манбаларининг қандай турлари бор?
6. Халқаро ҳуқуқни системалаштириш ва кодификация қилиш деганда нима тушунилади?
7. Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларига тавсиф беринг.
8. Халқаро ҳуқуқ манбаларини яратишда БМТнинг роли қандай?
9. “Халқаро ҳуқуқ соҳаси” тушунчасини изоҳлаб беринг.
10. Халқаро ҳуқуқ (jus cogens) нормасининг хусусиятлари нималардан иборат?
11. Халқаро ҳуқуқ тизими нимани англатади?
12. Халқаро ҳуқуқ давлатлари ташқи сиёсати ва дипломатиясида қандай ўринга эга?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. Т., Адолат, 2003.
2. Лукашук И.И. Нормы международного права в международной нормативной системе. М., СПАРК, 1997.
3. Лукашук И.И. Нормы международного права в правовой системе России М., СПАРК, 1997.
4. Лукашук И.И. Нормы международного права. М., СПАРК, 1997.
5. Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. Т., Адолат. 1997, 320 б.
6. Международное право. Под редакцией Колосова Ю.М., Кузнецова В.И. М., 1995, 608 стр.
7. Миронов Н.В. Международное право: нормы и их юридическая сила. М., МО, 1980.
8. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
9. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Т., Адолат, 2001, 220 б.

-
10. Тункин Г.И. Теория международного права. М., МО, 1970.
 11. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. М., НИМН, 1999, 334-стр
 12. Шестаков Л.Н. Императивные нормы (jus cogens) в системе современного международного права. М., МО, 1998
 13. Алексидзе Л.А. Некоторые вопросы теории международного права: императивные нормы (jus cogens). Тбилиси, 1982.
 14. Даниленко Г.М. Обычай в современном международном праве. М., 1988.
 15. Мовчан А.П. Кодификация и прогрессивное развитие международного права. М., 1972.
 16. Действующее международное право. В трех томах. Т I. -М., 1996. Разд. II.

4-мавзу. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари

4.1. *“Халқаро ҳуқуқ тамойиллари” тушунчаси ва уларнинг таснифи.*

4.2. *Халқаро ҳуқуқ асосий тамойилларининг мазмун-моҳияти.*

4.1. “Халқаро ҳуқуқ тамойиллари” тушунчаси ва уларнинг таснифи

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у асосий тамойиллар мажмуасига эга. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари деганда, олий юридик кучга эга бўлган умумий нормалар тушунилади. Бу тамойиллар алоҳида сиёсий ва маънавий кучга ҳам эга. Шу боисдан дипломатик амалиётда улар одатда халқаро ҳуқуқ тамойиллари деб аталади. Бугунги кунда сиёсий аҳамиятга молик қарор асосий тамойилларга таянсагина ишончли ҳисобланади. Барча муҳим халқаро ҳужжатларда шу тамойилларга ҳаволалар мавжудлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ушбу қонданинг муҳимлиги халқаро амалиётда қайд этилади.

Тамойиллар тарихан белгиланган бўлиб, бир томондан, улар халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ тизими фаолияти учун зарур. Бошқа томондан, улар муайян тарихий шароитларда мавжуд бўлади ва амал қилади. Тамойиллар давлатлар ва бутун халқаро ҳамжамиятнинг туб манфаатларини акс эттиради. Субъектив томондан улар давлатлар халқаро муносабатлар тизимининг қонуниятларини, ўз миллий ва умумий манфаатларини қай даражада тушуниб етганлигини акс эттиради.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи тамойиллари субъектларнинг асосий, универсал, умумэтироф этилган қоидалари бўлиб, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи ўзагини ташкил этади. Улар бошқа барча халқаро ҳуқуқий нормалар қонунийлиги мезони бўлиб, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи нормалари тизимининг сифат хусусиятини белгилайди.

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари, таъбир жоиз бўлса, субъектлар хулқ-атвори қоидалари, қўлланмасидир. Улар ижтимоий амалиёт натижаси, халқаро ҳуқуқнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган асослари сифатида юзага келади. Халқаро ҳуқуқ тамойили халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлар учун мажбурий бўлган нормасидир.

Ҳуқуқ тамойилларидан ҳуқуқий онг тамойилларини – одамлар, ижтимоий ҳаракат, сиёсий партияларнинг муайян ижтимоий муносабатлар қандай тартибга солиниши кераклиги ҳақидаги субъектив қарашларини фарқлаш лозим. Ҳуқуқ тамойили – нарсалар ва ҳодисалар, ижтимоий амалиёт, жамият тараққиёти қонуниятлари ҳақидаги субъектив қарашлар эмас, балки мазкур жараёнлар объектив тартибининг норматив инъикосидир.

Халқаро ҳуқуқ доирасида тамойилларнинг ҳар хил турлари мавжуд. Улар орасида тамойил-ғоялар алоҳида ўрин эгаллаб, унга тинчлик ва ҳамкорлик, инсонпарварлик, демократия ғоялар киради. Улар БМТ Уставида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт ва бошқа кўплаб ҳужжатларда, муайян нормаларда акс этади ва уларнинг амал қилишини йўлга солиб туради. Айни вақтда, улар ўз ҳолича ҳам халқаро муносабатларни тартибга солади.

Кўп сонли халқаро ҳужжатларда асосий тамойиллар рўйхати бир хил эмас, аммо энг муҳим универсал ҳужжатлар, чунончи, БМТ Устави, 1970 йилги халқаро ҳуқуқнинг БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатларга тегишли тамойиллари тўғрисидаги декларацияга мос келади. Ушбу ҳужжатларда қуйидаги тамойиллар қайд этилган:

- куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан қўрқитмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- аралашмаслик;
- ҳамкорлик;
- халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши;
- давлатларнинг суверен тенглиги;
- халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш.

1975 йилги ЕХХТнинг якуний ҳужжати келтирилган рўйхатни уч тамойил билан тўлдирди: чегаралар дахлсизлиги, ҳудудий яхлитлик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш. Сўнгги икки тамойил 1970 йил Декларацияда мустақил тамойил сифатида қайд этилмаган, лекин бошқа тамойиллар мазмунида акс эттирилган эди. Чегаралар дахлсизлиги тамойили эса универсал тарзда тан олинмади, шу боис минтақавий хусусиятга эга.

Тамойиллар ҳақидаги икки тарафлама ҳужжатлар (декларациялар, шартномалар)га сиёсий ва бошқа тамойиллар, масалан, дунёнинг узвийлиги, тенг хавфсизлик, яхши қўшничилик, инсониятнинг умумий меросини сақлаб қолиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар ҳам киритилади.

Асосий тамойилларни мазмун жиҳатдан шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий тамойиллари: куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан кўрқитмаслик (хужум қилмаслик) тамойили, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, давлат чегаралари дахлсизлиги ҳамда давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги.

2. Давлатлар ҳамкорлигининг асосий тамойиллари: давлатларнинг суверен тенглиги; давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш, давлатларнинг ҳамкорлиги.

3. Халқ (миллат)лар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари: халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили.

Халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари унинг тамойилларига қатъий риоя қилиши шарт, чунки бу тамойилларнинг ҳар қандай тарзда бузилиши муқаррар равишда халқаро муносабатлар иштирокчиларининг қонуний манфаатларига дахл этади. Халқаро ҳуқуқ тамойилини бекор қилиш учун ижтимоий амалиётни ҳам бекор қилиш лозимки, айрим давлатлар ёки давлатлар гуруҳи бунга қодир эмас. Шу сабабли ҳар қандай давлат тамойилларни бузиш орқали ижтимоий амалиётга бир тарафлама “тузатиш киритиш”га интилишларга муносабат билдириши шарт. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари халқаро ҳуқуқий нормалар тизимининг қонунийлик мезони эканлигини англатади. Тамойиллар субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг бирон сабабга кўра муайян нормалар билан тартибга солинмаган соҳаларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Асосий тамойиллар кўпроқ назарий хусусиятга эга. Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларини бир нечта асосларга кўра таснифлаш мумкин: 1) мустаҳкамланиш шаклига кўра ёзилган тамойиллар ва одат тамойиллари фарқланади, аммо улар тенг юридик кучга эга; 2) тарихийлигига кўра қулдорлик, феодализм, капитализм даврида вужудга келган; уставдан олдинги; Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган устав тамойиллари; халқаро ҳуқуқнинг уставдан кейинги – энг янги тамойиллари, чунончи, умумий ва тўлиқ қуролсизланиш тамойили, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлатлараро ҳамкорлик тамойили фарқланади; 3) тамойиллар билан ҳимоя қилина-

ётган муносабатларнинг муҳимлик даражаси ва аҳамиятига кўра. Ушбу мезонга кўра шундай тизимни тузиш керакки, унда биринчи ўринда умуминсоний қадриятларни таъминловчи тамойиллар (инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш), иккинчи ўринда – бевосита давлат манфаатлари билан боғлиқ тамойиллар (давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик) туриши лозим; 4) ҳамкорлик субъектига кўра тамойилларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: а) тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилувчи; б) давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни таъминловчи; в) инсон, халқ ва миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тамойиллар.

Халқаро оммавий ҳуқуқ тамойилларининг муайян ўзига хос хусусиятлари:

- универсаллик, яъни халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари унга риоя қилиши шарт;

- жаҳон ҳамжамияти эътироф этиши зарурлиги (бу халқаро оммавий ҳуқуқ тизимининг умумий хусусиятидан келиб чиқади);

- идеал тамойилларнинг мавжудлиги (масалан, амалга ошмай келаётган тинчлик ва ҳамкорлик тамойили);

- ўзаро боғлиқлик, яъни улар ўз функцияларини фақат ўзаро алоқадор элементлар тизими сифатида қаралган тақдирдагина бажариши мумкинлиги;

- халқаро ҳуқуқнинг янги субъектлари ёки ҳамкорликнинг янги соҳаси пайдо бўлганида тартибга солиш устувор аҳамият касб этиши (“ўйин қоидалари”ни белгилаш ёки халқаро ҳуқуқдаги “камчиликлар” ўрнини тўлдириш);

- иерархик хусусият (масалан, куч ишлатмаслик тамойили асосий ўринни эгаллайди).

Халқаро ҳуқуқий тамойиллар мажмуаси икки асосий функцияга эга: 1) халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзаро алоқа қилиш асосларини норматив чегаралар ўрнатиш йўли билан белгилашдан иборат барқарорлаштириш функцияси; 2) моҳияти халқаро муносабатлар амалиётидаги янгиликларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган ривожлантириш функцияси.

Халқаро ҳуқуқ тамойилларини шарҳлаш ва қўллашда уларнинг ўзаро боғлиқ эканлиги ва уларга бошқа тамойиллар нуқтаи назаридан қаралиши лозимлигини ёдда тутиш зарур.

Шундай қилиб, тамойиллар умуминсоний қадриятлар мажмуасини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Унинг замирида тинчлик ва ҳамкорлик, инсон ҳуқуқлари каби муҳим қадриятлар ётади, улар халқаро ҳуқуқ фаолияти ҳамда тараққиётининг гоъвий асоси

бўлиб хизмат қилади. Тамойиллар – халқаро қонунийлик мезони, халқаро ҳуқуқий тартибот негизи бўлиб, унинг сиёсий-ҳуқуқий қиёфасини белгилайди.

4.2. Халқаро ҳуқуқ асосий тамойилларининг мазмуни

Куч ишлатмаслик тамойили. Халқаро ҳаётда давлатларни бошқарувчи ҳокимият йўқлиги туфайли куч субъектларнинг ўз ихтиёрида бўлади. Бундай шароитда бирдан-бир йўл – куч ишлатишнинг ҳуқуқий доирасини белгилаш. Келажак авлодларни уруш офатларидан халос этиш, қуролли кучлар фақат умумий манфаатларда қўлланилишини назарда тутадиган амалиётни қабул қилиш БМТ Уставида бош мақсад сифатида белгиланган. Унга кўра, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш фақат икки ҳолда қўлланилиши мумкин. Биринчидан, тинчликка хавф туғилган, тинчлик ҳар қандай тарзда бузилган ёки агрессия содир этилган ҳолда БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига биноан (VII боб). Иккинчидан, қуролли ҳужум содир этилган ҳолда ўзини ўзи мудофаа қилиш учун токи Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун зарур чора-тадбирлар қўрмагунича (51-модда). Ушбу тамойилнинг мазмунини ёритувчи ҳужжатлар БМТ доирасида кўп қабул қилинган. Халқаро муносабатларда куч ишлатиш билан қўрқитиш ёки уни қўллашдан воз кечиш тамойилининг самарадорлигини кучайтириш тўғрисидаги декларация (1987 йил) алоҳида диққатга сазовордир.

Куч ишлатмаслик тамойилига кўра қуйидагилар тақиқланади: давлат қуролли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужум қилиши; ҳудудни тўлиқ ёки қисман аннексия қилиш; бир давлат бошқа давлатга қарши бостириб кирмасдан ҳар қандай қуролни қўллаши; бир давлат қуролли кучлари бошқа давлатнинг қуролли кучларига ҳужум қилиши; битимга кўра, муайян давлат ҳудудидаги бошқа давлатнинг қуролли кучларидан битим шартларига зид равишда фойдаланиш; бундай битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг бошқа давлат қуролли кучлари олиб чиқиб кетилмаслиги; бошқа давлат ҳудудига унга қарши қуролли куч қўллаш мақсадида қуролланган бандалар, гуруҳлар, шунингдек, мунтазам кучлар ёки ёлланган шахсларни юбориш.

Низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойили. Низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойили қуйидаги ҳужжатларда мустақамланган: Халқаро тўқнашувларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги Гаага конвенцияси(1907 йил); БМТ Устави; Халқаро ҳуқуқнинг БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатларга тегишли тамойиллари тўғрисидаги декларация; ЕХХТ Якуний ҳужжати тамойиллари декларацияси; Куч ишлатиш билан қўрқитиш тамойилининг самарадорлигини кучайтириш тўғрисидаги декларация. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилининг норматив мазмуни: давлатлар ўз халқаро низоларини тинч йўл билан ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солмайдиган тарзда, тез ва одилона ҳал қилишга интилишлари лозим.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили. БМТ Уставининг 55-моддасига кўра, “БМТ: а) аҳоли турмуш даражасини яхшилашга, аҳолини тўлиқ иш билан таъминлашга, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, ривожланиш учун шарт-шароит яратишга...; с) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари умумий тарзда ҳурмат қилиниши ва уларга риоя этилишига... кўмаклашади”. 56-моддага кўра, “Ташкилотнинг барча Аъзолари 55-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун баҳамжиҳат ва мустақил Ташкилот билан ҳамкорликда иш олиб бориш мажбуриятини оладилар”. Давлатларнинг бурчлари бу ерда умумий тарзда баён этилган. Шу боисдан Устав қабул қилинган пайтдан ҳозирга қадар давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилининг норматив мазмунини муайянлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу 1948 йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва 1966 йил қабул қилинган икки пакт: фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда тўлиқ ва универсал тарзда амалга оширилган.

Суверен тенглик тамойили. Давлатлар бир-бирининг суверен тенглиги ва ўзига хослигини, шунингдек, суверенитетга хос бўлган барча ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари шарт. Ҳар бир давлат ўз қонун ва маъмурий қоидаларини белгилашга ҳақли. Барча давлатлар тенг равишда асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Унинг ижтимоий вазифаси – давлатларнинг манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда, шунингдек, бошқа халқаро масалаларни муҳокама қилишда барча давлатларнинг юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш. БМТ Устави 2-

моддасининг биринчи бандига биноан: “Ташкилот ўзининг барча Аъзолари суверен тенглиги тамойилига асосланади”.

Аралашмаслик тамойили. БМТ Устави 2-моддасининг еттинчи бандига мувофиқ, Ташкилот “ҳар қандай давлатнинг ички ваколатига мансуб ишларга аралашшига ҳақли эмас”. Ушбу қоида халқаро муносабатларнинг ҳар қандай иштирокчиларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Шунга қарамай, аралашшиш бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Бевосита аралашшиш ички ваколатга мансуб айрим ёки барча масалаларни ҳал қилишда бир давлатнинг бошқа давлатни ўз хоҳиш-иродасига очиқ-ойдин бўйсундиришини англатади. Билвосита аралашшиш – давлатнинг ўзи томонидан эмас, балки унинг назорати остидаги шахслар ёки ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ҳарбий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни англатади.

Худудий яхлитлик тамойили. Худуд давлатнинг моддий негизи, унинг мавжудлигининг зарур шарти ҳисобланади. БМТ Устави давлатларнинг худудий дахлсизлигига қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклайди. Ушбу тамойилга зид равишда муайян худудни эгаллаш ноқонуний деб топилади.

Чегараларнинг дахлсизлиги тамойили. БМТ Уставига кўра, бир давлатнинг бошқа ҳар қандай давлатнинг худудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллиги ёки бирлигига қарши куч ишлатиш тақиқланади; бошқа давлат худуди ҳарбий оккупация ёки эгаллаш объектига айлантирилиши мумкин эмас; куч ишлатиш йўли билан эгалланган худудлар қонуний деб топилмайди. 1975 йил ЕХХТнинг Якуний ҳужжатида чегараларнинг дахлсизлиги тамойили халқаро ҳуқуқнинг мустақил тамойили сифатида ажратилган. Бунга кўра, иштирокчи давлатлар ҳар бир иштирокчи давлатнинг худудий яхлитлигини ҳурмат қилиши лозим; улар БМТ Устави мақсади ва тамойилларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари зарур.

Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили. Барча халқлар ўз сиёсий мақомини эркин белгилаши, ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга оширишга ҳақли. Ҳар бир давлат бу ҳуқуқни ҳурмат қилиши шарт. Тузилган давлатларга нисбатан икки талаб қўйилади:

- ҳар бир давлат халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этадиган ҳар қандай зўравонлик ҳаракатларидан ўзини тийиши шарт;

- давлатлар ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва бирлигини қисман ёки тўлиқ бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Ҳамкорлик тамойили. Ушбу тамойил давлатларга улар қайси тизимга мансублигидан қатъи назар бир-бири билан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини юклайди. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари - тинчлик ва хавфсизликни сақлаш; инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш; турли соҳаларда халқаро алоқаларни амалга оширишдан иборат.

Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили. Давлатларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари юридик кучини тан олиш тўғрисидаги битими мустақамлаган. 1969 йил Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясида шундай деб белгиланган: “Амалдаги ҳар бир шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурий бўлиб, виждонан бажарилиши лозим”. Конвенциянинг давомида шундай дейилади: “Иштирокчи шартномани бажармаганлигини оқлаш учун ўз ички ҳуқуқи қоидаларига ҳавола қилиши мумкин эмас”. Давлат учинчи давлатлар олдида олган мажбуриятларига зид келадиган мажбуриятни олиши мумкин эмас; халқаро мажбуриятлардан ўзбошимчалик билан воз кечиш ёки уларни қайта кўриш тақиқланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари қандай аҳамиятга эга?
2. Халқаро ҳуқуқ тамойилларининг қандай характерли жиҳатлари мавжуд?
3. Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили нимани англатади?
4. Куч ишлатмаслик тамойилини қандай тушунасиз?
5. Давлат чегаралари дахлсизлиги тамойили деганда нимани тушунасиз?
6. Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойили нимани англатади?
7. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилини қандай тушунасиз?
8. Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили нимани англатади?
9. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилини тушунтириб беринг.
10. Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили нимани англатади?

11. Халқаро ҳамкорлик тамойилини қандай тушунасиз?
12. Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили нимани англатади?
13. Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида қандай акс этган?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., “Адолат”, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., “Ўзбекистон”, 2005.
4. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда -Т., “Ўзбекистон”, 2000.
6. Бараташвили Д.И. Принцип суверенного равенства государств в международном праве. -М., 1978.
7. Во имя мира. Международно-правовые проблемы европейской безопасности. - М., 1977.
8. Действующее международное право. В трех томах. Т. I. М., 1996. - Разд. III.
9. Кузнецов В.И., Тузмухамедов Р.А., Ушаков Н.А. От Декрета о мире к Декларации мира. М., 1972.
10. Клименко Б.М., Ушаков Н.А. Нерушимость границ – условие международного мира. М., 1975.
11. Курс международного права. В семи томах: Т.2. М., 1989. - С. 148 – 192, 209—235.
12. Левин Д.Б. Принцип мирного разрешения международных споров. - М., 1977.
13. Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. - Т., “Адолат”, 1997, 320 б.
14. Менжинский В.И. Неприменение силы в международных отношениях. - М., 1976.

15. Международное право. Учебник. Под редакцией Колосова Ю.М. Кузнецова В.И. М., 1995, 608 стр.
16. Одилокориёв Х.Т., Очилов Б.Э. Хозирги замон халқаро ҳуқуқи. Т., ЖИДУ, 2002, 528 б
17. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. - Т., "Адолат", 2001, 220 б.
18. Тункин Г.И. Теория международного права. М., МО, 1970.
19. Ушаков Н.А. Невмешательство во внутренние дела государств. - М., 1971.
20. Хакимов Т.Т. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан -Т., Ўзбекистон, 1997
21. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. -Т., Ўзбекистон, 1995.
22. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. -М., НИМН, 1999, 334 стр.
23. Шестаков Л.Н. Императивные нормы (jus cogens) в системе современного международного права.

5-мавзу. Халқаро ҳуқуқ субъектлари

- 5.1. Халқаро ҳуқуқ субъектлари: тушунчаси, турлари, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.
- 5.2. Давлатлар - халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти сифатида. Халқаро ҳуқуқда давлат суверенитети.
- 5.3. Халқаро ҳуқуқий тан олиш, унинг турлари ва юридик оқибатлари. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик.

5.1. Халқаро ҳуқуқ субъектлари: тушунчаси, турлари, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари

Халқаро ҳуқуқда унинг субъектлари рўйхати келтирилган нормалар йўқ. “Халқаро ҳуқуқ субъектлари” тушунчасига берилган таъриф ва уларнинг доираси расмий эмас, балки назарий хусусиятга эга. Айни вақтда халқаро ҳуқуқ субъектчилиги – тегишли нормалар билан қатъий тартибга солинадиган объектив категория.

Ҳуқуқ субъектчилиги – шахс (халқаро шахс)нинг шундай бир хоссасики, у мавжуд бўлган ҳолда мазкур шахс ҳуқуқ субъектига айланади. Олимларнинг фикрича, “ҳуқуқ субъекти” ва “ҳуқуқ субъектчилиги” тушунчалари мазмунан бир хил категориядир. Халқаро муносабат иштирокчисининг мустақил халқаро ҳаракатларга, ўз хоҳиш-иродасини ҳуқуқий тарзда баён этишга қодирлиги халқаро ҳуқуқ субъектининг муҳим хоссасидир. Лекин халқаро шахсда мустақил хоҳиш-ирода бўлмаса, у юқорида зикр этилган ҳаракатларга қодир бўлмайди.

Шу боис халқаро ҳуқуқ субъектчилиги замирида айнан хоҳиш-ирода ётади. Халқаро муносабатлар иштирокчисига халқаро миқёсда муайян ҳаракатларни бажариш имконини берувчи мустақил хоҳиш-ироданинг мавжудлиги ҳуқуқ субъектининг ҳаётмамотини белгиловчи муҳим омилдир. Хоҳиш-иродасиз (бу ерда у, табиийки, психологик категория эмас, балки ижтимоий категория сифатида тушунилади) халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши мумкин эмас. Адабиётларда халқаро ҳуқуқ субъектчилигининг хоҳиш-иродадан бошқа асослари ҳам илгари сурилган. Масалан, халқаро ҳуқуқ субъектчилигининг асосий мезони суверенитет эканлигини назарда тутадиган концепция узоқ вақт мо-

байнида амал қилиб келди. Бу ёндашувни жуда кўл олимлар рад этган бўлса-да, у ҳанузгача мавжуд.

Албатта, давлат учун суверенитет пировард натижада ҳуқуқ субъектлилиги манбаи бўлиб хизмат қилади. Лекин бу ерда икки ҳолатни назарда тутиш керак. Биринчидан, давлат ҳокимиятининг хоссаси сифатидаги суверенитет эмас, балки унинг муайян ифодаси – давлатга хос бўлган, унга халқаро ҳаракатларни мустақил бажариш имкониятини берадиган суверен хоҳиш-ирода давлатнинг ҳуқуқ субъектлилиги тўғрисида сўз юритиш имконини берувчи муҳим омил ҳисобланади. Иккинчидан, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари (айниқса, халқаро ташкилотлар) давлат суверенитетига эга бўлмайди. Шу боис халқаро ҳуқуқ субъектларининг юридик белгиларини муайян субъектнинг халқаро ҳуқуқий муносабатлардаги аҳамиятини белгиловчи ўзига хос хусусиятларига боғлаш тўғри бўлмайди.

Юқорида айтилганлардан халқаро ҳуқуқ субъектлилиги ҳақида қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин. Биринчидан, халқаро ҳуқуқ субъектлилиги - халқаро шахслар ҳуқуқий нормаларга кўра эгаллайдиган юридик хосса. Дарҳақиқат, халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари юридик асосда вужудга келади. Янги давлатнинг ташкил топганлиги расман таъсис ҳужжатлари (конституциявий ҳужжатлар, декларациялар, баёнотлар, халқаро шартномалар ва б.)да қайд этилади ва юридик жиҳатдан расмийлаштирилади. Ўз миллий озодлиги учун кураш олиб бораётган миллат суверен давлат ташкил топишидан олдин тузиладиган миллий сиёсий ташкилот орқали персонификация қилинади. Бу ташкилотнинг тузилганлигини у тегишли юридик ҳужжат қабул қилиш йўли билан эълон қилади. Иккинчидан, халқаро ҳуқуқ субъектлилиги нафақат юридик, балки ижтимоий-сиёсий хоссадир. Халқаро ҳуқуқ субъектлари сиёсий тузилмалардир; уларнинг вужудга келиши ва мавжудлиги ижтимоий жараёнлар билан белгиланади. Учинчидан, муайян сиёсий тузилманинг халқаро майдондаги ижтимоий хоҳиш-иродасининг эркинлиги халқаро ҳуқуқ субъектлилигининг асоси ҳисобланади. Халқаро майдонда мазкур тузилма мақсад ва манфаатларига мос келадиган фаолиятни мустақил амалга ошириш имконини берувчи эркин хоҳиш-ироданинг мавжудлиги, мазкур халқаро шахсда ҳуқуқ субъектлилигининг бош мезони бўлиб хизмат қилади. Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ субъектлилигининг мазмуни халқаро муносабатлар иштирокчиси халқаро майдонда мустақил ҳаракат қилиш юридик қобилятига эга эканлигидан иборатдир.

Бу қобилият унинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини мустақил амалга ошириши, халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишда иштирок этиши ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлашида намоён бўлади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларига ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларига мувофиқ юзга келадиган халқаро ҳуқуқ ва бурчларнинг ташувчисидир. Таъмининча халқаро ҳуқуқ субъектчилиги шахснинг халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиш юридик қобилиятидир. Халқаро ҳуқуқ субъектчилиги ўз келиб чиқишига кўра, ҳақиқий ва юридик бўлади. Шу боис халқаро ҳуқуқ субъектларининг икки тоифаси: **бирламчи** (суверен) ва **иккиламчи** (носуверен) субъектлар мавжуд. Уларнинг фарқи шундан иборатки, халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектларини ҳеч ким яратмайди. Иккиламчи субъектларни эса бирламчи субъектлар таркиб топтиради. Иккиламчи субъектларнинг ҳуқуқ лаёқати уларни ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларда белгилаб қўйилади.

Халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектлари.

1. Давлатлар. Белгилари: ҳудуд, аҳоли, ҳокимият органлари (органлар тизими).

2. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун кураш олиб бораётган миллатлар. Миллат – муайян ҳудудда яшовчи кишиларнинг сиёсат, иқтисодиёт, маданият, ижтимоий ҳаёт ва тилнинг ягоналиги билан тавсифланадиган тарихий бирлик. Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиш учун миллатлар: ўз тақдирини ўзи белгилаш имконини берувчи ҳудудга, бутун миллат номидан иш кўриш имконини берувчи сиёсий ташкилотга, ҳарбий тузилмага эга бўлиши, халқаро ташкилотлар томонидан тан олинishi лозим. Миллатнинг ҳуқуқ субъекти сифатида шаклланиши, собиқ мустамлакалар ҳудудида янги давлатнинг вужудга келиши халқларнинг ўз озодлиги учун кураши, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириши билан боғлиқ.

Халқаро ҳуқуқнинг иккиламчи субъектлари:

1. Халқаро ташкилотларнинг икки тури мавжуд:

– халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар – ҳукуматлараро шарт-номалар асосида тузилади;

– идораларо ташкилотлар;

– халқаро ноҳукумат ташкилотлар (халқ дипломатияси органлари) – ноҳукумат, нодавлат ташкилотлари ва шахслар томонидан тузилади.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар универсал хусусиятга

эга бўлиб, дунё миқёсида (БМТ) ва минтақа миқёсида (ЕХХТ, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши ва б.) фаолият олиб боради. Лекин барча халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъектлигининг юқорида кўрсатилган белгиларига эга ё эга эмаслиги тўғрисидаги масала ҳал қилингани йўқ. Хусусан, халқаро ноҳуқумат (жамоат) ташкилотларида уларни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиш учун зарур белгилар мавжуд эмас. Халқаро ҳуқуқ нормаларини таркиб топтириш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш қобилияти шундай белгилар жумласидандир. Аини вақтда, халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмаган ноҳуқумат ташкилотлари халқаро ҳуқуқ субъектлигининг баъзи жиҳатларига, шу жумладан, халқаро ҳуқуқий нормалар билан белгиланган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишлари мумкин.

2. **Давлатнамо субъектлар** (Ватикан, Сан-Марино, Монако, Андорра, Римдаги Мальта ордени). Улар иккиламчи субъектлар қаторига киради, чунки улар шартнома асосида тузилади. Давлатнамо субъектлар, одатда, “эркин шаҳарлар”га ҳужум қилмаслик тўғрисида қўшни давлатлар билан тузилган шартнома асосида вужудга келади. Бу “эркин шаҳарлар” кейинчалик оз сонли армияси, чегараси, суверенитетига эга бўлган давлатнамо тузилмаларга айланади. Масалан, Ватикан Италия билан шундай шартномага эга.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқий муносабатлар **айрим турларининг иштирокчилари** ҳам мавжуд. Уларга қувғиндаги ҳуқуматлар, қўзғолон кўтарган тараф, уруш олиб бораётган томон киради. Лекин уларнинг халқаро ҳуқуқ субъектлиги масаласи давлатларнинг келишувига кўра ҳал қилинади. Уларнинг якка ҳуқуқ субъектлиги жуда чекланган.

Шахснинг халқаро ҳуқуқ субъектлиги масаласи халқаро ҳуқуқ фанидаги энг баҳсли масалалардан биридир. Унга нисбатан ёндашувлар жуда ранг-баранг: кимдир шахснинг халқаро ҳуқуқ субъектлигини тўлиқ инкор этса, кимдир уни халқаро ҳуқуқнинг бирдан-бир субъекти сифатида эътироф этади ва ҳ.к.

5.2. Давлатлар - халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти сифатида. Халқаро ҳуқуқда давлат суверенитети

Халқаро ҳуқуқда давлат деганда, суверен давлатга хос бўлган барча белгиларга эга мамлакат тушунилади. Лекин ҳар қандай мамлакат ҳам халқаро ҳуқуқий маънода давлат ва халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олмайди (масалан, мустамлака мамлакатлар).

Янги давлатлар - халқаро ҳуқуқ субъектлари ташкил топшининг турли усуллари мавжуд:

-социал инқилоблар ва миллий-озодлик ҳаракатлари натижасида. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин собиқ мустамлакалар ва қарам ҳудудлар ўрнида 100 дан ортиқ мустақил давлатлар ташкил топди;

-икки ёки бир неча давлатнинг бир давлатга бирлашишидан (1964 йил икки давлат – Танганьика ва Занзибар бирлашиб, Танзания ташкил топди; 1990 йил немислар яшайдиган икки давлат – ГДР ва ГФР ягона немис давлатига бирлашди);

-бир давлатнинг икки ёки бир неча давлатга бўлиниши (1960 йил Мали Федерацияси икки давлат – Мали Республикаси ва Сенегал Республикасига бўлинди; 1991 йил Собиқ СССР 15 мустақил суверен давлатга бўлинди; 1993 йил Чехословакия икки давлат – Чехия ва Словакияга бўлинди; собиқ Югославия ҳудудида бир неча мустақил давлат ташкил топди);

-муайян ҳудуднинг бир қисмини ажралиб чиқиши ва унда мустақил давлатнинг эълон қилиниши (1965 йил Сингапур Малайзия Федерациясидан, 1971 йил – Бангладеш Покистон таркибидан ажралиб чиқди);

-халқаро ташкилот қарори билан (1947 йил ноябрда БМТ қабул қилган 181- резолюцияга биноан Фаластин ҳудудида икки мустақил давлат – яҳудийлар (Исроил) ва араблар (Фаластин) давлати ташкил қилинди).

Халқаро ҳуқуқ субъектлари давлат тузилишига кўра, унитар ва федератив бўлиши мумкин. Федерация – давлат-ҳуқуқий бирлашмаси (иттифоқ давлат), халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти. Федерация субъектлари, одатда, халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланмайди. Лекин мамлакат қонунчилиги (конституцияси) федерация субъектларига ташқи сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ муайян ҳуқуқ бериши мумкин. Аммо бу федерация субъектини халқаро ҳуқуқ субъекти деб тан олиш учун асос

бўлмайди. Федерациядан конфедерацияни, яъни давлатларнинг халқаро ҳуқуқий бирлашмасини (суверен давлатлар иттифоқи) фарқлаш лозим. Конфедерация халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланмайди, чунки бундай мақомга конфедерация аъзолари эга бўлади. Конфедерация ўз моҳиятига кўра халқаро ташкилотга ўхшайди. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида конфедерациялар (классик кўринишда) мавжуд эмас.

Юридик шаклига кўра, тенг ҳуқуқли бўлган давлатлар халқаро майдонда ўз сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа хусусиятларига кўра икки гуруҳга – **буюк** ва **кичик давлатларга** бўлинади. Буюк давлат мақоми аниқ белгиланмаган. Илгари устунлик қилган ҳарбий-сиёсий мезон ўтмишга чекинмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзолик сўнги йилларда мазкур ташкилот ўзининг олдинги мавқеини йўқотаётганлиги, шунингдек, унга аъзо бўлмаган давлатларнинг жаҳон миқёсидаги аҳамияти ошиб бораётганлиги туфайли мезон сифатида қаралмаяпти. Шунга қарамай, буюк давлат мақоми халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига кучлироқ таъсир кўрсатиш имконияти билан узвий боғлиқ бўлиб, бу пировард натижада ҳуқуқ лаёқати ҳажмини ҳам кенгайтиради.

Суверенитет, ҳудуд, аҳоли ва ҳокимият давлатнинг энг муҳим белгиларидир.

Суверенитет – давлатнинг ўз чегаралари доирасида устунлиги ва халқаро ишларда мустақиллиги. Мутлақ суверенитет мавжуд эмас, чунки барча давлатлар ўзаро боғланган бўлиб, қоида тариқасида, давлат ташқи майдонда ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш учун ўз суверенитетининг бир қисмидан воз кечади. Бу давлатнинг халқаро ишлардаги ҳаракат эркинлиги чекланишида намоён бўлади. Барча давлатлар, уларнинг иқтисодий қудрати ҳар хил эканлигига қарамай, юридик жиҳатдан тенг ҳисобланади. Бу – халқаро ҳуқуқнинг асосий суверен тенглик тамойилининг моҳиятини ташкил этади. Халқаро ишларда давлатларнинг суверен тенглигидан давлатлар иммунитетини келиб чиқади. Давлатлар иммунитетини тамойили бир давлатнинг амалдорлари (дипломатлари) давлат мулки ва ҳ.к. ўз ҳудудида ҳам, чет элда ҳам суд тартибида жавобгар бўлмаслигини англатади. Иммунитет икки шаклда – мутлақ (чекланмаган) ва чекланган шаклда мавжуд бўлиши мумкин. Чекланган иммунитет давлат киришган ҳуқуқий муносабатлар мазмунини аниқлаш тамойилига кўра белгиланади. Масалан, ГФР Федерал кон-

ституциявий судининг 1963 йил қарорида иммунитетнинг “чет давлат ўз суверен ҳокимиятини амалга ошириш тартибида ёки фуқаро сифатида, яъни хусусий ҳуқуқ доирасида ҳаракат қилаётганлигига боғлиқ” бўлиши қайд этилган.

Суверенитет белгилари:

1) **худудий устунлик** (ушбу давлат худудида фақат шу давлат қонунлари амал қилади);

2) **худудий яхлитлик** (давлат худуди унинг олий органи ёки халқининг розилигисиз камайтирилиши ҳам, кенгайтирилиши ҳам мумкин эмас);

3) **давлатнинг бирон-бир субъектга** (шу жумладан, ташкилотлар, жисмоний шахслар ва мамлакатнинг ичидаги ёки ундан ташқаридаги ҳар қандай халқаро ташкилотларга) **расман қарам эмаслиги**.

“Суверенитет” тушунчаси билан “юрисдикция” (суверен ҳуқуқлар) тушунчаси узвий боғлиқдир. Юрисдикция деганда, суверенитет моҳиятидан келиб чиқадиган давлатнинг ўз ҳокимиятини нафақат ўз миллий худудидаги, балки ундан ташқаридаги жисмоний ва юридик шахсларнинг объектлари ҳамда ҳаракатларига татбиқ этиш бўйича муайян ҳуқуқлари тушунилади. Ҳажмига кўра - тўлиқ ва чекланган, амал қилиш доирасига кўра - территориял ва экстерриториял, ҳокимият хусусиятига кўра - қонун чиқариш, ижро этиш, суд юрисдикцияси фарқланади.

Тўлиқ юрисдикция давлатнинг хулқ-атвори белгилаш ва ўз фармойишлари бажарилишини мавжуд барча қонуний воситалар билан таъминловчи ҳокимиятга эга эканлигини англатади. Чекланган юрисдикция деганда, давлат хулқ-атвори белгилаши мумкинлиги, лекин у фармойишларнинг бажарилишини таъминловчи воситалардан фойдаланишда муайян даражада чекланганлиги тушунилади.

Худудий устунлик тамойилига кўра давлат ўз худуди доирасида тўлиқ юрисдикцияни, шахсий устунлик тамойилига кўра эса ўзининг чет элдаги фуқароларига нисбатан чекланган юрисдикцияни амалга оширади.

Давлатлар ўзига хос универсал ҳуқуқий лаёқатга эга бўлсада, уларда бу давлатларни халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида тавсифлаш учун муҳим бўлган айрим ҳуқуқ ва бурчлар ҳам мавжуд. Халқаро ҳуқуқ назариясида давлат асосий ҳуқуқларининг бузилиши унинг мавжудлигига хавф туғдиради, давлатнинг ўз асосий бурчларини бузиши эса бошқа давлатлар мав-

жудлиги ва халқаро ҳамжамиятнинг нормал фаолиятига хавф туғдиради, деган қараш шаклланган.

Давлатнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг муҳим тамойилларидан келиб чиқади. Гарчи бу ҳуқуқ ва бурчларнинг умумий эътироф этилган рўйхати мавжуд бўлмаса-да, давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эга бўладиган қуйидаги ҳуқуқларни қайд этиш мумкин:

- мустақиллик ҳамда ўз қонуний ҳуқуқларини эркин амалга ошириш, ўз ҳудуди устидан ва унинг чегарасидаги барча шахс ва нарсалар устидан, халқаро ҳуқуқда эътироф этилган иммунитетларга риоя қилган ҳолда юрисдикцияни амалга ошириш ҳуқуқи;

- бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ;

- ўзини қуролли ҳужумдан жамоа бўлиб ва яқка тартибда мудофаа қилиш ҳуқуқи.

Давлатнинг асосий халқаро ҳуқуқий мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- бошқа давлатларнинг ички ва ташқи ишларига аралашмаслик;

- бошқа давлат ҳудудида ўзаро уруш чиқармаслик;

- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

- ўз ҳудудида тинчликка хавф солмайдиган вазиятни қарор топтириш;

- халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан низоларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш;

- бошқа давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан ёхуд халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келмайдиган бошқа ҳаракатлардан ўзини тийиш;

- юқоридаги мажбуриятни бузган ёки БМТ огоҳлантириш ёки мажбурлаш чораларини қўллаётган бошқа давлатга ёрдам кўрсатмаслик;

- бошқа давлат куч ишлатмаслик мажбуриятини бузиш йўли билан эгаллаган ҳудудни тан олмаслик;

- ўз мажбуриятларини виждонан бажариш.

5.3. Халқаро ҳуқуқий тан олиш, унинг турлари ва юридик оқибатлари. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик

Халқаро ҳуқуқий тан олиш орқали давлат халқаро ҳуқуқнинг янги субъекти вужудга келганлиги, субъект у билан дипломатик алоқалар ҳамда халқаро ҳуқуққа асосланган бошқа муносабатлар ўрнатишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Халқаро ҳуқуқий тан олишнинг икки асосий назарияси мавжуд: 1) **конститутив назария**; 2) **декларатив назария**. Биринчи назарияга кўра, халқаро ҳуқуқнинг мавжуд субъектлари томонидан дестинатор (тан олиш адресати)нинг тан олиниши, унинг халқаро ҳуқуқий ҳолатида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу назария иккита камчиликка эга. Биринчидан, амалиётда янги тузилмалар (давлатлар, ҳукуматлар ва ҳ.к.) давлатлараро муносабатларда тан олинмай туриб ҳам киришишлари мумкин. Иккинчидан, янги тузилма халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши учун уни мавжуд давлатлардан қанчаси тан олиши лозимлиги аниқ эмас.

Декларатив назария шундан келиб чиқадики, тан олиш унинг тегишли ҳуқуқий мақомга эга бўлишини англамайди, балки халқаро ҳуқуқнинг янги субъекти вужудга келганини қайд этади ва у билан алоқа қилишни енгиллаштиради. Бу назария демократик хусусиятга эгаллиги ва давлат мақомининг ҳуқуқий масалаларига кўпроқ эътибор бергани учун, ҳозирда халқаро ҳуқуқий доктринада кўп қўлланади.

Тан олиш шакллари:

Де-факто (de facto) тан олиш – давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатмасдан, иқтисодий муносабатлар ўрнатиш орқали уни тан олиш.

Де-юре (de jure) тан олиш – тан олинган давлатда дипломатик ваколатхоналар, миссиялар очиш. Бу шакл очиқ ифодаланган ёки назарда тутилган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг тегишли бўлажак субъектини де-юре тан олиш нияти қайд этилган махсус нота берилади.

“**ad hoc**” - умумий атама бўлиб, «махсус, ушбу мақсад учун мўлжалланган» деган маънони англатади.

“**ad hoc**” тан олиш – муайян ҳолат учун тан олиш.

“**ad hoc**” **арбитражи** – муайян ҳолат юзасидан тузилади.

Тан олишнинг шакллари ўртасидаги фарқлар тан олувчи ва тан олинувчи тарафлар учун келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат-

лар ҳажмида намоён бўлади. Де-факто тан олишда бу ҳажм кичикроқдир. Де-факто тан олиш – давлат ёки ҳукумат анча яшовчан эканлигига ишонч билдириш. Де-факто тан олиш де-юре тан олишга айланиши мумкин ва аксинча. Масалан, 1911 йил Франция Финляндиядан ишонч ёрлигини чақириб олди ва кейинчалик уни яна қайтариб берди. Шунинг таъкидлаш лозимки, халқаро судлар самарали ҳукумат мавжудлиги исботланган ҳолда де-факто ва де-юре тан олишларни бир хил кучга эга деб эътироф этадилар. Кўрсатилган фарқ фақат ҳукуматларни сиёсий тан олиш нуқтаи назаридан амал қилади.

Тан олишнинг анъанавий ва дастлабки турлари фарқланади.

Анъанавий тан олиш турлари:

– давлатлар муайян янги давлат миллий-озодлик кураши, социал инқилоб, муайян ҳудуднинг ажралиб чиқиши, бир давлат мустақил қисмлар – суверен давлатларга ажралиши натижасида вужудга келган халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида ташкил топган ҳолларда тан олинади;

– ҳукуматлар, одатда, инқилоб ёки давлат тўнтариши натижасида, яъни ноконституциявий йўл билан ҳокимиятга янги ҳукумат келган ҳолларда тан олинади. Бунда бошқа давлатлар, қоида тариқасида, қуйидаги мезонларни ҳисобга олади: янги ҳукуматнинг мамлакатдаги ҳудуд ва ҳокимиятни амалда назорат қилиши; мамлакат аҳолиси янги ҳукуматни қай даражада қўллаб-қувватлаши; янги ҳукуматнинг ўз халқаро мажбуриятларини бажаришга тайёрлиги ва қодирлиги.

Дастлабки (оралиқ) тан олиш турлари:

– миллатларни тан олиш;

– қўзғолон кўтарган ёки уруш олиб бораётган тарафни тан олиш, урушаётган тараф – қуролли можаролар ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ва қуролли кураш бошланиши муносабати билан юзага келадиган халқаро ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси;

– эмиграциядаги ҳукуматни тан олиш; бу ерда ушбу ҳукумат фаолиятининг самарадорлик даражаси мезон бўлади.

Дастлабки тан олиш турлари воқеалар ривожини кутиш жараёнида қўлланилади. Воқеалар ривожини янги давлат ташкил топишига ёки ҳокимият инқилобий йўл билан эгалланган мамлакатда вазиятнинг барқарорлашувига олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқий ворислик деганда, тегишли ҳудуднинг халқаро муносабатлари учун жавобгар бўлиш ҳамда шу пайтгача мавжуд

ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширишда бир давлат ўрнини бошқа давлат эгаллаши тушунилади. Ушбу таърифдан кўринадики, ҳуқуқ ва бурчлар бир давлатдан бошқа давлатга ўтаётганида давлатнинг уч энг муҳим белгиси (ҳокимият, аҳоли ва ҳудуд) дан айнан ҳудуд ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳуқуқий ворислик халқаро ҳуқуқнинг анча эски институти бўлиб, у сўнгги ўн йилликлар халқаро амалиётида кенг тарқалди. Ўтган асрнинг 60-70-йилларида ғарб мамлакатларининг собиқ мустамлакалари ўрнида ташкил топган (80 га яқин) мустақил давлатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик концепцияси қўлланди. Ушбу концепция ижтимоий-сиёсий тузум ўзгариши муносабати билан Россияда (унинг ўрнида 1917 йил – РСФСР, 1922 йил – СССР ташкил топди), Хитойда (1949 йил Хитой халқ Республикаси деб эълон қилинди), Кубада (1959 йил мустабид тузум ағдарилганидан сўнг) қўлланган.

Ҳуқуқий ворисликни амалга оширишда, унда қанча давлат иштирок этаётган бўлмасин, доим икки тараф: халқаро муносабатлар учун жавобгарликни тўлиқ ёки қисман топшираётган давлат ва ворис давлат, яъни бу жавобгарликни ўзига олаётган давлат фарқланади. Ҳуқуқий ворислик билан боғлиқ кўпгина ҳолатлар давлатлар ягона қоидаларга амал қилмаганлигини, барча масалалар муайян шарт-шароит, юзага келган сиёсий вазиятга қараб ҳал қилинганлигини кўрсатади. Баъзан ҳуқуқий ворисликнинг муҳим жиҳатлари бўйича давлатларнинг фикри бир жойдан чиқмайди. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ГФР Германия рейхи ҳуқуқ субъекти ва тарихий-сиёсий воқелик сифатида ҳеч қачон барҳам топмаганидан келиб чиқди. ГФРга шу ҳолатни ўзида мужассамлаштирган давлат сифатида қаралди. Бундан фарқли ўлароқ, бошқа ҳукуматлар, шу жумладан, совет ҳукумати уруш натижасида Германия рейхи барҳам топди, ГФР олдинги Германиянинг ҳуқуқий ворисларидан биридир, деган фикрни илгари сурди.

БМТ доирасида ҳуқуқий ворислик ҳақида икки конвенция: 1978 йил Шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенцияси ва 1983 йил Давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинди. “Халқаро муносабатларнинг ишончлироқ ҳуқуқий негизини таъминлаш” воситаси сифатида қабул қилинган бу икки конвенция 1993 йилгача кучга кириши учун зарур ратифика-

циялар сони 15 та бўлмаганлиги учун кучга кирмай қолди. Шунга қарамай, бу конвенциялар кўриб чиқиляётган соҳада энг нуфузли ҳужжатлар ҳисобланади. Уларда ҳуқуқий ворислик масалаларини ҳал қилиш учун умумий мўлжаллар жамланган.

Шартномалар масаласига келсак, ҳуқуқий ворислик чегаралар ва улардаги тартибга, шунингдек, чет давлат фойдасига белгиланган ҳар қандай ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ мажбуриятларга тегишли шартномаларга нисбатан амал қилмайди. Масалан, Германия қўшилаётганида 1950 йил Польша ва ГДР ўртасида тузилган шартномага биноан белгиланган Одер-Нейссе бўйича ўтган чегарага шубҳа билдирилмади.

Ҳуқуқий ворислик қуйидаги ҳолларда вужудга келади:

- мавжуд давлатлар бирлашаётганида уларнинг барча шартномалари ўз кучини сақлаб қолган, лекин бирлашган давлат ҳудудининг ҳуқуқий ворислик пайтида улар ўз кучини сақлаган ҳудудига нисбатан қўлланганида;

- давлатларни бўлишда;

- давлатнинг бир қисми ажралиб чиққанида;

- бир давлат ҳудудининг муайян қисми бошқа давлатга ўтказилганида шартнома бўйича белгиланган чегараларнинг ҳаракатчанлиги тамойили амал қилади. Бунга қўра, шартномада белгиланган чегаралар давлат чегараларига қўшилиб кенгайди ёки камаяди. Ёки бўлмаса, аввалги давлатнинг шартномалари берилган ҳудудга нисбатан ўз кучини йўқотади, ворис давлатнинг шартномалари эса кучга киради.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро ҳуқуқ субъекти” тушунчаси нимани англатади?
2. Оддий ва мураккаб давлатлар ҳамда уларнинг иттифоқлари деганда нимани тушунасиз?
3. Уларнинг барчаси халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
4. Халқаро ҳуқуқда суверенитет масаласи қандай аҳамиятга эга?
5. Миллатлар ва халқлар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
6. Давлатга ўхшаш тузилмалар ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
7. Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти ролида иштирок эта оладими?
8. Халқаро ҳуқуқий тан олиш нимани англатади?
9. Халқаро ҳуқуқий тан олишнинг қандай шакллари мавжуд?
10. Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги деганда нимани тушунасиз?
11. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақоми нималарда намоён бўлади?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., «Адолат», 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Алексеев С.С. Философия права. -М., Норма, 1998.
4. Аваков М.М. Правопреемство освободившихся государств. -М., 1983.
5. Захарова Н. В. Правопреемство государств. -М., 1973.
6. Богуславский М.М., Цыбуков В.В. Новая конвенция о правопреемстве государств// Советское государство и право. 1984. - №3.
7. Колосов Ю.М. Ответственность в международном праве. -М., 1975.
8. Клапас Илиас. Правопреемство и континуитет в международном праве// Московский журнал международного права. 1992. - №4.

9. Клименко Б.М. Проблемы правопреемства на территории бывшего Союза ССР// Московский журнал международного права. М 1992. №1.
10. Международное право (учебник). Под редакцией Колосова Ю.М., Кузнецова В.И. -М., 1995, 608 стр.
11. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
12. Расканой С.Б. Объективная ответственность государств в международном праве. Киев, 1985.
13. Рыбаков Ю.М. Международные договоры и правопреемство / / Международная жизнь. - 1978. - №11.
14. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. - Т., Адолат, 2001, 220 б.
15. Тункин Г.И. Теория международного права. -М., МО. 1970.
16. Ушаков Ю.Н. Основания международной ответственности. -М., МО. 1985
17. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. -Т., «Ўзбекистон», 1995.
18. Хакимов Т.Т. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан. Т., «Ўзбекистон», 1997.
19. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. -М., НИМН, 1999, 334-стр.
20. Черниченко С.В. Международное право: современные теоретические проблемы. -М., 1993.

6-мавзу. Худуд ва бошқа майдонлар

- 6.1. *Халқаро ҳуқуқда ҳудуд: тушунчаси, тартибга солиш объектлари, турлари. Демилитаризация ва нейтрализация қилинган ҳудудлар.*
- 6.2. *Давлат ҳудуди: тушунчаси ва турлари. Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги.*
- 6.3. *Давлат чегаралари: таърифи, турлари, белгилаш, ўзгартириш ва қўриқлаш тартиби.*
- 6.4. *Халқаро дарёлар. Дунайда кема қатнови тартиби тўғрисидаги 1948 йил 18 август Конвенцияси.*

6.1. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд: тушунчаси, тартибга солиш объектлари, турлари. Демилитаризация ва нейтрализация қилинган ҳудудлар

Халқаро ҳуқуқда ҳудудга доир умумэътироф этилган тушунчалар шаклланган. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд деганда (кенг маънода) Ер қуррасининг қуруқлик ва сувдаги турли майдонлари, ер ости ва ҳаво бўшлиғи – инсон яшайдиган табиий ва моддий муҳит, шунингдек, фазо бўшлиғи (космос) ва ундаги осмон жисмлари тушунилади.

Бутун ҳудуд мавжуд ҳуқуқий режимга мувофиқ уч турга бўлинади:

- 1) давлат ҳудуди;
- 2) халқаро режим амал қиладиган ҳудуд;
- 3) аралаш режимли ҳудуд.

Муайян давлатнинг суверенитети остидаги, яъни муайян давлатга қарашли бўлган ҳудуд давлат ҳудуди ҳисобланади. Бу ҳудуд доирасида давлат ўз ҳудудий устунлигини амалга оширади. Ҳарбий оккупация рўй берган ва ҳудуд халқаро ҳуқуқий ижарага олинган ҳолларда бу қоида айрим вақтинчалик истиснолар бўлиши мумкин.

Халқаро режим амал қиладиган ҳудудларга давлат ҳудудидан ташқарида жойлашган, муайян бир давлатга қарашли бўлмаган, балки барча давлатлар халқаро ҳуқуққа мувофиқ фойдаланадиган ер майдонлари киради. Бу, аввало, очиқ денгиз, унинг устидаги ҳаво бўшлиғи ва континентал шельфдан ташқаридаги денгизнинг чуқур тубларидир.

Аралаш режимли ҳудудлар – бир пайтнинг ўзида ҳам халқ-

аро ҳуқуқ нормалари, ҳам миллий ҳуқуқ нормалари амал қиладиган ҳудудлардир. Аралаш режимли ҳудудларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга континентал шельф ва иқтисодий зона киради. Бу ҳудудлар давлатлар суверенитети остида бўлмайди ва давлат ҳудудлари таркибига кирмайди, лекин денгиз соҳилида жойлашган ҳар бир давлат ўзига туташ континентал шельф ва денгиз иқтисодий зонасидаги табиий ресурсларни текшириш ва қазиб олиш, шунингдек, бу ҳудудларнинг табиий муҳитини қўриқлаш суверен ҳуқуқларига эга бўлади. Шу ҳуқуқлар доирасида ҳар бир давлат кўрсатилган фаолият турларини тартибга солувчи қонун ва қоидалар қабул қилади. Қолган ҳолларда континентал шельф ва иқтисодий зонада халқаро денгиз ҳуқуқи тамойиллари ва нормалари амал қилади. Иккинчи гуруҳга – қирғоқбўйи давлатларининг ҳудудий сувлари қуйиладиган халқаро дарёлар ва бўғозлар ҳамда қирғоқбўйи давлатлари ҳудуди таркибига кирувчи халқаро каналлар киради.

1959 йил Антарктика шартномасига кўра, Антарктикада алоҳида халқаро ҳуқуқий режим ўрнатилган. Ушбу шартномага бинотан, Антарктика тўлиқ демилитаризация қилинган ва илмий тадқиқотлар ўтказиш учун барча мамлакатларга очиқдир. Антарктиканинг биронта ҳам қисми бирон давлат суверенитети остида эмас. Лекин, шунга қарамай, айрим давлатларнинг Антарктика ерларига даъвогарлиги сақланиб қолаётир.

Космик бўшлиқ ер ҳудуди доирасидан ташқарида жойлашган ва унинг ҳуқуқий режими халқаро космик ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари, хусусан, 1967 йил 27 январда қабул қилинган Космик бўшлиқ, шу жумладан Ой ва бошқа осмон жисмларини тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлар фаолиятининг тамойиллари тўғрисидаги шартнома билан белгиланади. Космик бўшлиқни ҳеч ким бирон-бир тарзда миллий ўзлаштириши мумкин эмас. У барча давлатлар тадқиқ қилиши ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида фойдаланиши учун очиқдир.

Ҳудудни демилитаризация қилиш – шундай бир халқаро ҳуқуқий режимки, унга мувофиқ ҳудудда ҳарбий фаолиятнинг муайян турлари ҳамда шакллари, чунончи, қуроли кучлар ва қурол-яроғларни жойлаштириш ҳамда сақлаш, ҳарбий иншоот ва базалар қуриш, ҳарбий машқлар ва манёврлар ўтказиш тақиқланади ёки чекланади.

Демилитаризация тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин, унинг ҳажми халқаро шартномада белгилаб қўйилади.

Тўлиқ демилитаризация қилиш – эски ҳарбий иншоотлар ва истеҳкомларни бузиб ташлаш ҳамда янгиларини қуришни тақиқлаш; ички тартибни сақлаш учун зарур полициячиларнинг оз сонли отрядларидан ташқари, қуроли кучлар сақлашни тақиқлаш; ҳарбий материалларни ташиш ва олиб кириш, ҳарбий таълим ва ҳарбий хизматта олишни тақиқлаш; демилитаризация қилинган ҳудуд устидан ҳарбий самолётлар учиб ўтишини тақиқлаш.

Қисман демилитаризация қилиш қуйидаги тадбирлар ўтказилишини назарда тутади: муайян ҳарбий объектларни тугатиш, янги ҳарбий иншоотлар қуришни тақиқлаш; қуроли кучлар сони ва айрим турдаги қуроллар қувватини чеклаш (масалан, оммавий қирғин қуролини жойлаштиришни тақиқлаш) ва ҳ.к.

Ҳудудни нейтралзация қилиш – халқаро шартнома билан белгиланган муайян ҳудудда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш ёки бу ҳудуддан ҳарбий ҳаракатлар олиб боришда фойдаланишнинг тақиқланиши.

Давлат чегаралари четида жойлашган муайян ҳудудлар демилитаризация ва нейтралзация қилинади. Қўпинча бундай зоналар сулҳ тузиш чоғида белгиланадиган муваққат демаркация чизиқларининг икки тарафида ташкил этилади (масалан, 1953 йил – Кореяда, 1954 йил – Вьетнамда сулҳ битими тузишда ташкил этилган).

Кема қатнови эркинлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида айрим халқаро сув йўллари демилитаризация қилинади. 1888 йил Константинополь конвенциясига биноан, Сувайш канали нейтралзация қилинган ҳисобланади, чунки у ерда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш мумкин эмас. Айни вақтда, бу канал демилитаризация қилинган ҳисобланади, чунки унинг иккала қирғоғида 3 денгиз миляси доирасида ҳарбий истеҳкомлар қуриш тақиқланган. 1903 йил АҚШ ва Панама ўртасида тузилган Шартномага биноан Панама канали доимий нейтрал деб эълон қилинган. Бу қоида АҚШ ва Панама ўртасида 1977 йил тузилган янги шартномаларда ҳам тасдиқланган.

Айрим орол ва архипелагларни демилитаризация ҳамда нейтралзация қилиш катта аҳамиятга эгадир. Масалан, Шпицберген архипелаги демилитаризация ва нейтралзация қилинган. 1920 йил 9 февралда имзоланган шартномага биноан, архипелаг устидан Норвегиянинг суверенитети тан олинган, архипелагнинг

Ўзи эса демилитаризация ва нейтрализация қилинган ҳудуд деб эълон қилинган. Фан-техника тараққиёти натижасида демилитаризация ва нейтрализация қилиш институтининг қўйидаги янги шакллари вужудга келди: а) ядро қуролидан холи зоналар ташкил этиш; б) космик бўшлиқни, шу жумладан, Ой ва бошқа осмон жисмларини демилитаризация ва нейтрализация қилиш; в) денгиз ҳамда океанлар тубини демилитаризация ва нейтрализация қилиш.

Ядро қуролидан холи зона шундай бир ҳудудки, унда халқаро шартномага асосан, ядро қуролини жойлаштириш, ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш ва қўллаш тақиқланади.

Ядро қуролидан холи зона қисман демилитаризация қилинган ҳисобланади, чунки унинг доирасида ядро қуроли жойлаштирилиши мумкин эмас. Айни вақтда, у қисман нейтрализация қилинган ҳисобланади, чунки қуроли можаро рўй берган ҳолда, бу ерда ядро қуролини қўллаш тақиқланади.

Космик бўшлиқни қисман демилитаризация қилиш 1963 йил Уч муҳитда ядро синовлари ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома билан белгиланади. Мазкур шартнома ўз иштирокчиларига космик бўшлиқда ядро қуроли портлатилишини тақиқлаш, бунинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик мажбуриятини юклайди. Космос тўғрисидаги шартнома (1967 йил) ўз иштирокчиларига ер яқинидаги орбитага ядро қуролига эга объектларни ёки оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини чиқармаслик, осмон жисмларида ядро қуролини ўрнатмаслик, уни космик бўшлиқда бирон-бир тарзда жойлаштирамаслик мажбуриятини юклайди. Космос тўғрисидаги Шартномада Ой ва бошқа осмон жисмлари тўлиқ демилитаризация қилиниши қайд этилган, яъни давлатларга Ой ва бошқа осмон жисмларидан фақат тинчлик мақсадида фойдаланиш мажбурияти юкланган, осмон жисмларида ҳарбий базалар, иншоотлар ва истехкомлар қуриш, ҳар қандай қуролини синовдан ўтказиш ва ҳарбий машқлар ўтказиш тақиқланган.

1971 йилги Денгиз туби тўғрисидаги шартномага мувофиқ, денгиз ва океанлар туби қисман демилитаризация қилинган, чунки 12 денгиз миляси (территориал сувлар) доирасидан ташқарида ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг барча турларини жойлаштириш тақиқланади.

1967 йилда Лотин Америкаси мамлакатлари бу минтақада ядро қуролини тақиқлаш тўғрисида Шартнома (Тлателолко Шартномаси) имзоладилар. Ушбу Шартнома давлатларга ўз ҳудудида ядро қуролини сақлаш, ундан фойдаланиш, уни синовдан

ўтказиш ва ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик, шунингдек, бу қуролини ҳеч кимдан олмаслик мажбуриятини юклайди. 1978 йил Собиқ СССР мазкур Шартномага қўшилди.

1985 йил августда Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган 13 давлат томонидан мазкур ҳудудни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш тўғрисидаги Шартнома (Раротонг Шартномаси)ни имзоланди. Ушбу Шартномага биноан тарафлар ҳар қандай ядро қурилмаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва синовдан ўтказишдан воз кечишларини эълон қилди; ядро қуроллини ўз ҳудудига олиб кириш; ҳар қандай ядро портлашларини амалга ошириш, шунингдек, бу ҳудудга радиоактив чиқиндиларни ташлаш ва кўмиш қатъиян ман этилди. Шартнома ушбу ҳудудда кема қатнови эркинлигини кафолатлайди; минтақа давлатларининг портларига бортида ядро қуроли бўлган чет эл кемаларининг кириши тўғрисидаги масала шартномага аъзо ҳар бир мамлакат билан алоҳида ҳал қилинади.

6.2. Давлат ҳудуди: тушунчаси ва турлари. Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги

Давлат ҳудуди – давлатнинг суверенитети остида бўлган, яъни муайян давлатга қарашли бўлган ҳудуд. Давлат ўз ҳудудида ўзининг ҳудудий устунлигини амалга оширади. Давлат ҳудуди таркибига қуруқлик ва сув, унинг ер ости бойликлари, қуруқлик ва сув устидаги ҳаво бўшлиғи киради. Уларнинг доираси давлат чегараси билан белгиланади.

Давлат чегаралари доирасидаги бутун қуруқлик давлатнинг қуруқликдаги ҳудуди ҳисобланади. Давлатнинг сув ҳудудини ички (миллий) сувлар ва территориал денгиз ташкил этади. Бу икки сув ҳудудининг фарқи чет эл ноҳарбий ва ҳарбий кемалари қатновининг режимлари билан белгиланади. 1982 йилги Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги БМТ Конвенциясига биноан, ички сувларга қуйидагилар киради:

1) территориал денгиз кенглигини ҳисоблаш учун қабул қилинган тўғри асосий чизиқлардан қирғоқ тарафда жойлашган денгиз сувлари, шу жумладан, архипелаг давлатлар сувлари;

2) порт сувлари;

3) қирғоқлари бир давлатга қарашли бўлган кўрфазларнинг сувлари, башарти, уларнинг кенлиги 24 денгиз милясидан ошмаса, шунингдек, тарихий кўрфазлар.

Бир давлат ҳудуди доирасида жойлашган дарёлар, кўл ва

бошқа сув ҳавзаларининг сувлари ҳам ички сувлар ҳисобланади. Қирғоқбўйи денгиз сувлари минтақаси территориал денгиз ҳисобланади. Бу минтақа кенглиги 1982 йилги Конвенцияга биноан 12 денгиз милясидан ошмаслиги лозим.

Давлат ўз ҳудуди доирасида ҳудудий устунликни амалга оширади. Бу устунлик давлатлар суверенитетининг таркибий қисми ҳисобланади. Давлатнинг устунлиги мазкур давлат ҳокимияти унинг ҳудуди доирасида жойлашган барча шахслар ва ташкилотларга нисбатан олий ҳокимият ҳисобланишини, давлат ҳудудида бошқа давлатнинг ҳокимияти амалга оширилиши мумкин эмаслигини англатади. Давлатнинг олий ҳокимияти унинг ҳудуди доирасида қонунчилик, ижро, маъмурий ва суд соҳаларидаги давлат органлари тизими томонидан амалга оширилади.

Ҳудудий устунлик яна шунда намоён бўладики, давлат ўз ҳудуди доирасида, агар халқаро шартномаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўз фуқаролари ва чет эл фуқароларига нисбатан ҳокимият йўли билан мажбурлашнинг барча қонуний воситаларини қўллаши мумкин. Бир давлат қонунлари унинг ҳудудидан ташқарида амал қилиши мумкин бўлса, ҳокимият йўли билан мажбурлаш воситаларини қўллаш, қоида тариқасида, фақат давлатнинг ўз ҳудуди доираси билан чекланади. Бирон-бир давлат ўз ҳокимияти йўли билан мажбурлаш воситаларини чет давлат ҳудудида қўллаши мумкин эмас.

Ҳудудий устунлик, табиийки, давлат юрисдикциясини, яъни суд ва маъмурий органларнинг ушбу ҳудудда барча ишларни ўз ваколати доирасида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ҳуқуқларини ҳам қамраб олади. “Ҳудудий устунлик” тушунчаси “юрисдикция” тушунчасидан анча кенг, чунки у давлат ҳокимиятини унинг барча конституциявий шаклларида тўлиқ ифодалайди. Лекин давлатнинг тўлиқ ва мутлақ ҳокимияти унинг ҳудуди доираси билан чекланса, давлат юрисдикцияси айрим ҳолларда унинг ҳудудидан ташқарида ҳам амал қилади.

Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, давлат юрисдикцияси унинг территориал денгизи доирасидан, бинобарин, унинг ҳудудидан ташқаридаги денгиз сувларида бўлиб турган шахслар, қурилмалар, иншоот ва транспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилади. Давлат очиқ денгиздаги ўз ҳарбий кемалари, чет давлат ҳудудидан ташқаридаги, айрим ҳолларда, чет давлат ҳудудидаги ўз ҳаво кемалари, ўзи космосга учирган объектлар ва уларнинг экипажлари устидан мутлақ юрисдикцияни амалга оширади.

Давлат ҳудуди нафақат ушбу давлатнинг олий ҳокимияти

амалга ошириладиган макон, балки куруқлик ва сувлар, ҳаво бўшлиғи ва ер остидан иборат табиий муҳит ҳамдир. Бу муҳит саноат ва қишлоқ хўжалигида, инсоннинг одатдаги кундалик фаолиятида фойдаланиладиган табиий ресурсларни ҳам ўз ичига олади. Буларнинг барчаси давлат ҳудудининг моддий мазмунини ташкил этади ва халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўзи жойлашган давлатга қарашли бўлади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига асосан, ҳеч ким давлатни унга қарашли бўлган ҳудуддан ва унга тегишли бўлган табиий ресурслардан зўрлик ишлатиш йўли билан маҳрум этишга ҳақли эмас. Давлат ҳудудининг дахлсизлиги ва яхлитлиги, давлат чегараларининг дахлсизлиги ва бузилмаслиги тамойиллари шундан далолат беради.

БМТ Устави ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги (дахлсизлиги) ва сиёсий мустақиллигига қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишни тақиқлайди. 1970 йилги халқаро ҳуқуқнинг БМТ Уставига мувофиқ, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка доир тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда БМТ Устави 2-моддаси тўртинчи бандига берилган шарҳда ҳудудий яхлитлик (дахлсизлик) тамойилининг қўпгина унсурлари ўз аксини топган. Хусусан, ҳар бир давлат “бошқа ҳар қандай давлат ёки мамлакатнинг миллий бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим”лиги белгилаб қўйилган. “Давлат ҳудуди Устав қоидаларини бузган ҳолда куч ишлатиш натижаси бўлган ҳарбий оккупация объекти бўлиши мумкин эмас”лиги қайд этилган. Шу муносабат билан куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш воситасида эгалланган ҳудудлар қонуний деб тан олиниши мумкин эмас. Лекин, маълумки, қонун қайтар кучга эга эмас. Шу боис Декларацияда юқорида келтирилган қоидалар БМТ Устави қоидаларига ёки Устав қабул қилингунга қадар тузилган ва халқаро ҳуқуққа биноан юридик кучга эга бўлган ҳар қандай халқаро битимларга зид деб шарҳланмаслиги лозимлиги айтиб қўйилган.

1975 йил Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг якуний ҳужжатида давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига тўлақонли таъриф берилган: “Иштирокчи давлатлар ҳар бир иштирокчи давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қиладилар. Шунга мувофиқ улар БМТ Уставининг мақсадлари ва тамойилларига мос келмайдиган, ҳар қандай иштирокчи давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллиги ёки бирлигига қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан, хусу-

сан, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан иборат бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тиядилар. Иштирокчи давлатлар бир-бирининг ҳудудини халқаро ҳуқуқ қоидаларига зид равишда ҳарбий оккупация ёки куч қўллаш билан боғлиқ бошқа бевосита ёки билвосита чора-тадбирлар объектига ёхуд шундай чора-тадбирлар ёрдамида ёки уларни амалга ошириш билан қўрқитиб эгаллаш объектига айлантиришдан тенг асосда ўзларини тиядилар. Бундай оккупация ёки эгаллаш қонуний деб тан олинмайди”.

ЕХХКнинг яқуний ҳужжатига биноан, бир-бирининг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш мажбуриятини олган давлатлар “БМТ Уставининг мақсадлари ва тамойилларига мос келмайдиган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари лозим”. Бу ерда ҳудудий яхлитлик ёки дахлсизликка қарши ҳар қандай ҳаракатлар тўғрисида сўз юритилмоқда. Масалан, ҳудудий суверен розилигисиз чет эл ҳудудидан ҳар қандай транспорт воситаларининг ўтиши (транзити) нафақат чегаралар дахлсизлигини, балки давлат ҳудудининг дахлсизлигини бузиш ҳисобланади, чунки транзит учун айнан шу ҳудуддан фойдаланилади. Барча табиий ресурслар давлат ҳудудининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Бинобарин, ҳудуд дахлсиз бўлса, унинг таркибий қисмлари, яъни табиий ресурслари ҳам табиий кўринишда дахлсиз бўлади. Шу боис чет давлатлар ёки чет эллик шахслар ҳудудий сувереннинг розилигисиз бу ресурсларни эгаллаши ҳам ҳудудий дахлсизликни бузиш ҳисобланади.

Қўшни давлатлар билан ҳамкорлик жараёнида баъзан давлат ҳудудини унга чет элдан бирон-бир таъсир кўрсатилиши натижасида зарар етиши хавфи, яъни ушбу ҳудуд ёки унинг муайян таркибий қисмлари табиий ҳолатининг ёмонлашиши хавфи пайдо бўлади. Давлатнинг ўз ҳудудидан фойдаланиши бошқа давлат ҳудудининг табиий ҳолатига зиён етказмаслиги керак.

6.3. Давлат чегаралари: таърифи, турлари, белгилаш, ўзгартириш ва қўриқлаш тартиби

Муайян давлат ҳудудини мазкур давлатнинг суверенитети амал қилмайдиган бошқа ҳудуддан ажратиб турадиган чизик ва бу чизик бўйлаб ўтган вертикал текислик давлат чегараси ҳисобланади. Давлат ҳудудининг қуруқлик, сув ва ҳаводаги чегаралари фарқланади. Қуруқликдаги чегаралар чегарадош давлатлар ўртасида тузилган шартномалар асосида белгиланади ва шу шартномаларга асосан ҳудудда қайд этилади. Қуруқликдаги чегараларнинг уч тури мавжуд:

1) орфографик чегаралар – жой рельефидан келиб чиқиб ўтказилади;

2) геометрик чегаралар – икки нуқта ўртасида тортилган тўғри чизик бўйлаб ўтказилади;

3) астрономик чегаралар – меридианлар ва параллеллар бўйлаб ўтказилади.

Сув чегаралари дарё, кўл, денгиз ҳамда бошқа сув ҳавзалари чегараларига бўлинади.

Дарё чегаралари қирғоқбўйи давлатлари ўртасида тузилган шартномаларга биноан белгиланади ва тальвег чизиги (энг катта чуқурликдаги чизик) бўйича ёки дарё ўртасидан, кўлларда ва бошқа сув ҳавзаларида давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри чизик бўйича ўтказилади.

Давлатнинг денгиздаги чегаралари – давлат территориал денгизининг ташқи чегаралари ёки қўшни давлатлар денгиз ҳудудларини ажратувчи чизиклар. Территориал денгизнинг ташқи чегаралари қирғоқбўйи давлатининг қонун ҳужжатлари билан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларига мувофиқ белгиланади. 1982 йилги БМТнинг Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциясида ҳар бир давлат ўз территориал денгизи кенглигини 12 денгиз милясигача чегарада белгилаши мумкинлиги қайд этилган. Қўшни давлатлар ўртасида территориал денгиз чегаралари уларнинг келишувига биноан белгиланади. Бунда бир қанча халқаро қоидалар амал қилади. Масалан, башарти икки давлат ўртасида бошқача тартиб назарда тутилган битим тузилмаган бўлса, улар ўз территориал денгизи чегарасини ўрта чизикдан нарига ўтказишга ҳақли эмас. Лекин тарихан таркиб топ-

ган ёки бошқа алоҳида ҳолатларга кўра, чегарани бошқача тартибда ўтказиш зарур бўлган ҳолларда бу қоида амал қилмайди.

Хаводаги чегаралар – баландликдаги (96 км. баландликдаги горизонтал текислик) ва ёнлама (қуруқлик ёки денгиз бўйлаб ўтган давлат чегараси чизиғи устидан ўтувчи вертикал текислик) чегаралар. Денгиз сатҳи устида давлатнинг ёнлама ҳаво чегаралари доирасида белгиланади.

Ҳозирги даврда қуруқлик ва сувдаги чегаралар, қоида тариқасида, чегарадош давлатлар ўртасида тузилган шартномага биноан белгиланади ва шартномага кўра белгиланган чегаралар деб аталади. Бундай ҳолларда қуруқликдаги (қисман сувдаги) чегара чизигининг ўтиши халқаро шартномада муфассал тавсифланади ва чегара чизигининг шу тавсифга мос келадиган ҳолати харитада қайд этилади. Ушбу харита мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шартномага кўра, чегарани белгилаш жараёни делимитация деб аталади. Чегаранинг қуруқликдаги чизигини жойда белгилаш учун чегарадош давлатлар қўшма комиссия тузадилар. Бу комиссия чегаранинг жойдаги ҳолатини махсус чегара белгилари ўрнатиш (чегарани демаркация қилиш) йўли билан белгилайди.

Шартномага кўра, белгиланадиган чегаралардан ташқари тарихан таркиб топган чегаралар, яъни аниқ ҳолати чегарадош давлатлар ўртасида тузилган шартномада белгиланмаган ва мустақкамлаб қўйилмаган, лекин узоқ давр мобайнида улар шу жойда риоя қилиб келган ва чегарадош давлатлар томонидан муайян тарзда тан олинган чегаралар ҳам мавжуд. Бундай тан олиш мазкур чегаранинг ҳолатига нисбатан халқаро ҳуқуқий одатни вужудга келтиради ва шу асосда уни чегарадош давлатлар учун юридик жиҳатдан мажбурий қилиб қўяди. Бундай чегараларнинг ҳолати чегарадош давлатларнинг турли битимларида, шу жумладан, демаркация тўғрисидаги битимларда тасдиқланиши мумкин.

Чегарадош давлатлар ўз чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш учун ўзаро чегараларининг муайян режимини белгилашлари мумкин. Ушбу режим жойдаги чегара чизиқларини лозим даражада сақлаш бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, шунингдек, уни кесиб ўтиш тартибини ҳам ўз ичига олади. Чегара режими давлатлар ўртасида тузиладиган битимлар, уларнинг ички қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланиши мумкин. Чегара режими тўғрисидаги шартномалар одатда жойдаги чегара

ра чизигининг келиб чиқиши ва белгиланиши, чегара белгиларига қараб туриш, чегарани текшириш бўйича қўшма комиссиялар, чегара вакиллари (комиссарлари), чегара бўйлаб ўтган сувлардан ва чегарани кесиб ўтувчи темир йўл ҳамда шосселардан фойдаланиш тўғрисидаги қоидаларни, шунингдек, давлат чегараси яқинида ов қилиш, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги ҳамда кончилик иши тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади.

Давлат чегараси ўзгаришининг қуйидаги асослари мавжуд:

1) миллат ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириши, миллатлар ва халқларнинг бўлиниши ёки тикланиши натижасида янги чегараларнинг белгиланиши ёхуд эски чегараларнинг тикланиши;

2) чегарадош давлатлар чегаралар қулайроқ жойлашиши учун давлат ҳудудларининг кичик участкаларини алмашиши;

3) чегарани демаркация қилиш жараёнида кичик участкаларни алмашиш.

Давлат чегараси қуйидаги йўллар билан белгиланади:

– демаркация қилиш – табиий ёки тарихий омиллар натижасида ўзгарган ёки ўзгариши мумкин бўлган чегара чизигига чегарадош давлатлар томонидан аниқлик киритиш йўли билан. (Редемаркация – аввал демаркация қилинган чегарани илгари ўрнатилган чегара белгиларини таъмирлаш орқали текшириш.);

– делимитация қилиш – давлатлар ўртасида чегараларни биринчи марта белгилаш йўли билан.

Чегараларнинг дахлсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш, уларни қўриқлаш мақсадида чегарадош давлатларнинг ички қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ махсус чегара режими белгиланади. Бу режим:

– давлат чегарасини сақлаш;

– давлат чегарасидан шахслар ва транспорт воситалари кесиб ўтиши;

– давлат чегарасидан товар ва ҳайвонларни олиб ўтиш;

– давлат чегарасидан шахслар, транспорт воситалари, товар ва ҳайвонларни ўтказиш;

– давлат чегарасида хўжалик, саноат ва бошқа фаолият олиб бориш;

– чет давлатлар билан кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартибини назарда тутати.

1999 йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика-

си Қонунига биноан, давлат чегарасини қўриқлаш мамлакат хавфсизлигини таъминлаш давлат тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш давлат бошқарув органлари, чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа органлар томонидан амалга оширилади. Бу органларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги ваколатлари юқорида зикр этилган Қонунда белгилаб қўйилган.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан, давлат чегараси қуйидагича белгиланади: қуруқликда – ўзига хос нуқталар, рельефнинг чизиклари ёки аниқ кўриниб турган жойлар бўйича; кема қатнайдиған дарёларда – дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема қатнамайдиған дарё ва жилғаларда – уларнинг ўртаси ёки дарё асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув ҳавзаларида – Давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизик бўйича. Дарё, жилға, кўл ёки бошқа сув ҳавзаси орқали ўтадиған давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими муайян томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади; сув омборларида ва бошқа сунъий сув ҳавзаларида – улар сув билан тўлдирилгунга қадар Давлат чегарасининг мазкур жойдан ўтган чизигига мувофиқ равишда; дарёлар, жилғалар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари орқали ўтувчи кўприкда, тўғон ва бошқа иншоотларда – давлат чегараси сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб.

6.4. Халқаро дарёлар. Дунайда кема қатнови тартиби тўғрисидаги 1948 йил 18 август Конвенцияси

Халқаро дарёлар – икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар. Халқаро дарёлар бўйлаб кема қатнови масалалари халқаро дарёлар тўғрисидаги масаланинг халқаро ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил этади. Лекин халқаро кема қатнови ҳозирги даврда халқаро дарёларнинг ягона мезони ҳисобланмайди, чунки ушбу дарёларнинг сувларидан саноат ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида кенг фойдаланилади. Халқаро дарёлар бир неча давлатлар ҳудудидан ўтиши ёки уларни ажратиши қирғоқбўйи давлатлари манфаатларининг кесилушини вужудга келтирадими, бу уларнинг мазкур дарёга оид ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Бу ерда асосий қоида шундан иборатки, қирғоқ бўйида жойлашган ҳар қандай давлат халқаро дарё сувидан шундай фойдаланиши керакки, бошқа қирғоқбўйи давлатларининг шу дарё сувидан фойдаланиш ҳуқуқларига жиддий зарар етмасин. Барча қирғоқбўйи давлатлари халқаро дарёлар сувидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Бундай ҳолат барча қирғоқбўйи давлатлари ўртасида тегишли шартнома тузишни тақозо этади.

Халқаро дарёлар, қоида тариқасида, бир неча давлатлар орқали ўтадиган халқаро кема қатнови учун – очиқ дарёларга ва бир неча давлатлар ҳудудини ажратадиган – чегараолди дарёларига бўлиниши мумкин. Лекин бу тасниф шартлидир, чунки айтиб бериш дарё маълум участкада бир неча давлат ҳудудини кесиб ўтиши, бошқа участкада эса уларни ажратиши мумкин. Худди шунингдек, халқаро кема қатнови режими ҳам чегараолди дарёсида мавжуд бўлиши ва бир неча давлат ҳудудидан ўтувчи дарёда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Лекин барча ҳолларда бу дарёлар халқаро дарёлар ҳисобланади, чунки халқаро шартнома бўлмаган тақдирда ҳам қирғоқбўйи давлатлари ушбу дарёлардан ҳар қандай тарзда фойдаланишга нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланади.

Халқаро дарёлар бўйлаб кема қатнови тартиби қирғоқбўйи давлатлари томонидан белгиланиши лозим. Фақат қирғоқбўйи давлатлари бошқа давлат ҳудуди таркибига кирувчи дарё сувлари орқали ва фақат қирғоқбўйи давлатлари ўртасида тузил-

ган шартномага асосан ўз кемаларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Айни вақтда, қирғоқбўйи давлатлари кўпинча ўз савдо фаолияти манфаатини кўзлаб барча мамлакатларнинг савдо кемаларига қатнаш эркинлигини беради. Лекин бу уларнинг бурчи эмас, балки ҳуқуқидир. Шу боис ноқирғоқбўйи мамлакатларининг кемалари, агар халқаро шартномада бошқача қоида белги-ланмаган бўлса, халқаро дарёлар орқали ўтиш ҳуқуқига эга эмас.

1921 йилда қабул қилинган Халқаро аҳамиятга молик Нави-гация сув йўлларининг режими тўғрисидаги Барселона конвенцияси ва Статутида халқаро дарёлар бўйлаб кема қатновига оид бир қанча қоидалар белгилаб қўйилди. Лекин бу қоидалар кенг тарқалмаган. Халқаро ҳуқуқ уюшмаси бу қоидаларни қайта кўриш ташаббуси билан чиқди. 1966 йил ўзининг Хельсинкидаги конференциясида халқаро дарёлар сувидан фойдаланишнинг тур-лари ҳақидаги моддалар лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан ҳар бир қирғоқбўйи давлати халқаро дарё бўйлаб эркин кема қатнови ҳуқуқига эга. Қирғоқбўйи давлатлари бундай ҳуқуқни ноқирғоқбўйи давлатларига бе-ришлари ҳам мумкин. Хельсинки қоидалари давлатлар учун мажбурий расмий конвенция ҳисобланмайди. Лекин уларнинг аксарияти халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш анъаналарини акс эттиради.

Халқаро дарёлардан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланила-ди, хусусан, гидроэлектростанциялар ва суғориш учун тўғон-лар қуриш, ишлаб чиқариш сувларини оқизиш, балиқчилик, ёғоч оқизиш. Сўнгги йилларда халқаро дарёлардан фойдаланиш-нинг бундай турлари кенг тарқалмоқда. Халқаро дарёлардан кема қатнови билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ барча масалалар қирғоқбўйи давлатлари ўртасида ту-зилган битимларга асосан ҳал қилинади ёки ҳал қилиниши ло-зим. Бу соҳада ягона умумий ҳужжат – 1966 йил Хельсинки қоидалари бўлиб, уларда дарё сувларини тақсимлаш, унинг иф-лосланишининг олдини олиш, ёғоч оқизишга оид моддалар жам-ланган.

Халқаро дарёларда гидроэлектростанциялар қуриш пайтида юзага келадиган масалаларни тартибга солишнинг умумий қоида-лари 1923 йил қабул қилинган. Бир неча давлатлар аҳамиятига молик Оқар сувлар гидроэнергияси тўғрисидаги Женева конвен-циясида белгилаб қўйилган. Хусусан, бошқа давлатнинг ҳудуди-

даги жойнинг физик ўзгаришига олиб келиши ёки унга жиддий зарар етказиши мумкин бўлган гидроэнергиядан фойдаланиш билан боғлиқ барча ишлар манфаатдор давлатлар ўртасида тузилган битимга асосан бажарилиши лозим. Халқаро амалиёт ҳам шу йўлдан боради.

Сувдан оқилона фойдаланиш тамойилига мувофиқ қирғоқ-бўйи давлати бошқа давлатга жиддий зиён етказиши мумкин бўлган сув ифлосланишининг ёки мавжуд ифлосланиш кўпайишининг барча шаклларига барҳам бериши лозим. Бу тамойилга оид жуда кўп битимлар тузилган.

Дарё сувларидан кема қатнови билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланишнинг барча турлари бошқа давлатнинг chegarалари доирасидаги балиқ ресурсларига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис қирғоқбўйи давлатлари ўртасида мазкур масала юзасидан низо чиқиши мумкин бўлган ҳолларда улар ҳам тегишли битимлар тузишлари лозим.

Дунай – узунлиги жиҳатидан Европада (Волгадан кейин) иккинчи ўринда турадиган дарё. У Германия, Австрия, Словакия, Венгрия, Хорватия, Югославия, Болгария, Руминия, Украина орқали оқиб ўтади. Дунайнинг ҳуқуқий ҳолати 1948 йил 18 августда Белградда тузилган Дунайда кема қатнови режими тўғрисидаги Конвенция ва 1998 йил 26 мартда қабул қилинган Конвенцияга қўшимча баённома билан белгиланади.

Дунайда кема қатнови эркинлигининг асосий тамойили Конвенциянинг 1-моддасида қайд этилган: “Дунайда навигация порт ва навигация йиғимларига ҳамда савдо кемалари қатнови шартларига нисбатан барча давлатларнинг фуқаролари, савдо кемалари ва товарлари учун эркин ва очик бўлиши лозим”.

Конвенция Дунайнинг кема қатнайидиган қисмида, то у Қора денгизга бориб қўйилгунга қадар, 2415 км. узунликдаги масофада амал қилади.

Белград конвенцияси Дунай бўйлаб сузаётган кемаларнинг белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда таъмирлаш, захираларни тўлдириш ва бошқа мақсадларда портларга кириш ҳуқуқини белгилайди, Дунай бўйида жойлашган давлатларнинг муайян манфаатларини ҳимоя қилади.

Кемалардан порт йиғимлари ёки хизматлар учун ҳақ ундиришда уларни бирон сабабга кўра камситишга йўл қўймаслик тўғрисидаги қоида муҳим аҳамиятга эга. Конвенция Дунайнинг айрим участкаларида транзит йиғимлари ундиришга йўл қўймайди.

Дунай бўйида жойлашган барча давлатлар ва Россия Федерацияси Белград конвенциясига аъзо.

Дунай комиссияси, доимий ишлайдиган орган сифатида, Белград Конвенциясига биноан тузилган бўлиб, 1949 йил ноябрдан бошлаб фаолият кўрсатиб келади. Ушбу ҳукуматлараро ташкилот Будапештда жойлашган.

Дунай комиссиясининг ваколатига қуйидагилар киради: Конвенция қоидаларининг бажарилишини назорат қилиш, кема қатнови манфаатларида Дунай бўйида жойлашган давлатлар таклиф ва лойиҳалари негизида асосий ишларнинг умумий режасини, кема қатновининг ягона тизимини тузиш, Дунай бўйлаб кема қатновининг асосий қоидаларини белгилаш, Дунайда божхона, дарё ва санитария назорати қоидаларини бир хиллаштириш.

Дунай комиссиясига 11 давлат – Дунай бўйида жойлашган барча давлатлар ҳамда собиқ СССРнинг ҳуқуқий вориси сифатида Россия Федерацияси аъзо.

ГФР ҳудуди орқали ўтадиган Майн-Дунай бирлаштирувчи канали Германиянинг ички сув йўли ҳисобланади. У миллий йўл мақомига эга бўлиб, канал бўйлаб кема қатнови учун рухсат олиш талаб этилади. Ушбу каналда ҳам, Майн дарёсининг каналлаштирилган участкасида ҳам қатнов учун ундириладиган йиғим кемаларнинг тоифалари (юк кемаси, йўловчи кема ва ҳ.к.) бўйича белгиланган.

Яна бир катта халқаро дарё – Рейн дарёси бўлиб, унда кема қатнови Рейн бўйлаб кема қатнови тўғрисидаги қайта кўрилган Мангейм конвенцияси (1868 йил) билан тартибга солинади.

Ушбу ҳужжатнинг 1-моддасига биноан, барча мамлакатларнинг савдо кемалари учун Базелдан очиқ денгизгача бўлган узунликда кема қатнови эркинлиги Рейн бўйлаб кема қатнови режимининг асосий тамойили ҳисобланади. Лекин ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида Рейн дарёси ҳавзасида жойлашган мамлакатлар қаторига кирмайдиган учинчи мамлакатларнинг кемалари учун мазкур дарё бўйлаб қатнаш шартлари анча қатъийлашди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ҳуқуқда “ҳудуд” тушунчаси моҳияти?
2. Давлат ҳудуди қандай турларга бўлинади?
3. Давлат ҳудуди таркибига нималар киради?
4. Давлат ҳудудининг юридик ҳолати қандай белгиланади?
5. “Давлат чегараси” ибораси орқали нима тушунилади?
6. Давлат чегараларининг қандай турлари мавжуд?
7. Давлат чегараларини ўзгартириш халқаро ҳуқуқда белгиланганми?
8. Қандай ҳолатларда ҳудудий низолар вужудга келиши мумкин ва улар қандай ҳал этилади?
9. Халқаро дарёларнинг ҳуқуқий мақоми қандай белгиланади?
10. Қуролсизлантирилган ва бетараф (нейтрал) ҳудудлар ҳуқуқий мақоми қандай?
11. Антарктиканинг ҳуқуқий мақоми қандай?
12. “Халқаро денгиз майдони” тушунчаси ва таркиби қандай?
13. Халқаро ҳаво майдони нима?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., «Адолат», 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари -Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда -Т., «Ўзбекистон», 2000.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т., «Ўзбекистон», 2005.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.
6. Ашавский Б.М. Межправительственные конференции. -М., 1980.
7. Боярс Ю.Р. Вопросы гражданства в международном праве. М., 1986.
8. Действующее международное право. В трёх томах. Т.1. -М., 1996. Рахд. V
9. Действующее международное право в 3-х томах. Ю.М.Колосов, С.Кривчикова. -М., Московский независимый институт международного права, 1997
10. Зайцева О.Г. Международные организации. -М., 1989.

11. Клименко Б.М. Мирное решение территориальных споров. -М., 1982
12. Клименко Б.М. Государственная территория. -М., 1974.
13. Курс международного права. В семи томах. Т. 3. -М., 1990. -Гл. 1, Т. 2. -М., 1989. Гл. 5 и 6.
14. Крылов С.Б. Правотворческая деятельность международных организаций. -М., 1988.
15. Международные пакты о правах человека, (Сб. документов). СПб, Россия - Нева, 1993.
16. Моисеев Е.Г. Правовой статус СНГ. -М., Юристъ. 1995.
17. Права и свободы личности. Международный документ, комм. 2х ред. Н.И.Полежаева. -М., 1995.
18. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ Дарслик. -Т., «Адолат», 2001, 220 б.
19. Талалаев А.И. Право международных договоров: договоры с участием международных организаций. -М., МО, 1989.
20. Талалаев А.И. Право международных договоров: действие и применение договоров. -М., МО, 1985.
21. Талалаев А.И. Право международных договоров: общие вопросы. -М., МО, 1980.
22. Умарахунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. -Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1998, 316 стр.
23. Шибаева Е.Н. Право международных организаций. -М., МО. 1986

7-мавзу. Аҳоли

- 7.1. Аҳоли ҳолатини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш.
- 7.2. Фуқароликнинг халқаро ҳуқуқий масалалари.
- 7.3. Чет элликлар учун белгиланган режим.
- 7.4. Бошпана бериш ҳуқуқи.

7.1. Аҳоли ҳолатини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш

“Аҳоли” тушунчаси. “Аҳоли” деганда муайян давлат ҳудудида истиқомат қилувчи одамлар мажмуи тушунилади.

Ҳар қандай давлатнинг аҳолиси шу давлат фуқароларидан, чет эл фуқаролари (одатдаги чет эл фуқаролари, яъни иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар) ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ташкил топади. Аҳолининг айрим оралиқ тоифалари ҳам мавжуд бўлиб, улар юқорида зикр этилган асосий тоифалардан бирига киради (масалан, қўшфуқароликка эга бўлган шахслар тегишли давлатларнинг фуқаролари қаторига киради).

Ижтимоий-иқтисодий шароит давлат, миллат, халқ каби муайян қонуниятларга мувофиқ ривожланадиган ва фаолият олиб борадиган доимий бирликлар пайдо бўлишига олиб келади. Бу бирликлар доирасида одамлар ўртасидаги алоқалар тизимли хусусият касб этади.

7.2. Фуқароликнинг халқаро ҳуқуқий масалалари

“Фуқаролик” тушунчаси. Фуқаролик шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларида ифодаланади. Баъзан фуқаролик шахснинг давлатга мансублиги деб аталади. Фуқаролик – доимий ҳуқуқий алоқа, чунки фуқаро чет элга чиқиб кетганида ҳам унинг фуқаролиги, қоида тариқасида, ўз-ўзидан барҳам топмайди.

Айрим давлатлар қонунчилигида шахсларнинг давлатга мансублигини ифодалаш учун турли атамалар қўлланилади. Республика бошқарув шакли амал қиладиган мамлакатларда, одатда, “фуқаролик” атамаси қўлланади, монархик бошқарув шакли амал

қиладиган мамлакатларда “табаалик” атамаси ҳам учраб туради. АҚШ, Буюк Британия ва бошқа айрим давлатларнинг қонунчилигида шахснинг давлатга мансублигини ифодаловчи жуда кўп атамалар мавжуд.

Масалан, инглиз-америка назарияси ва амалиётида “citizen” (фуқаро) ва “subject” (табаа) атамалари билан бир қаторда, “national” атамаси ҳам кенг тарқалган бўлиб, уни “муайян миллатга мансуб шахс” (юридик маънода) деб таржима қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда моҳият – эътибори билан бир хил маънони англатадиган атамаларнинг кўплиги ўтмиш мустамлакачилик тузумлари билан боғлиқ. Мустамлака давлатлар амалиётида “фуқаролик” атамаси дастлаб сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига тўла ҳажмда эга бўлган шахсларга нисбатангина қўлланган. Мустамлакаларнинг туб аҳолиси айтилган давлатга юридик жиҳатдан мансуб (nationals, ressortissants ва ҳ.к.) деб ҳисобланган. Мустамлакачиликка барҳам берилиши натижасида юқорида зикр этилган атамаларнинг дастлабки маъносиди ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг айримлари умуман муомаладан чиқарилди, лекин уларнинг кўп сонлилиги ҳанузгача сақланиб келмоқда.

Фуқаролик, умуман олганда, давлат ички қонунчилиги билан тартибга солинади. Муайян давлатда фуқаролик тўғрисида қонун бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу ерда гап фуқароликни расман тартибга солиш ҳақида кетаётгани йўқ. Фуқаролик – давлатчилик билан узвий боғлиқ бўлган тушунча. Фуқаролик тўғрисида қонуннинг йўқлиги ташқи алоқалар соҳасидаги фаолиятни муайян даражада мураккаблаштириши мумкин бўлсада, лекин фуқаролик йўқлигини англатмайди. Нима бўлганда ҳам, фуқароликни тартибга солиш – ички масала, давлатнинг ички ваколати соҳаси. Фуқароликни олиш ва йўқотиш қоидалари давлатнинг ички қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ҳар бир давлат бу соҳада мустақил иш олиб борганлиги учун турли давлатларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари тўқнашиши (коллизияси) муқаррардир. Бундай тўқнашувлар халқаро аҳамиятта молик ихтилофлар ва можароларга сабаб бўлиши мумкин. Уларга барҳам бериш ёки олдини олиш учун давлатлар кўпинча халқаро шартнома тузадилар, яъни халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларини ишлаб чиқадиладар.

Фуқароликни олиш ва йўқотиш. Фуқароликни олишни шартли равишда икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ умумий тартибда, иккинчи гуруҳ эса фавқулодда тартибда фу-

қароликни олиш усулларини қамраб олади. Умумий тартибда фуқароликни олиш усуллари муайян даражада доимий, давлатлар қонунчилиги учун одатий ҳисобланади. Уларга: а) туғилганда фуқароликни олиш, б) муайян давлат фуқаролигига қабул қилиниш (натурализация) натижасида фуқароликни олиш киради. Давлатлар амалиётида кам учрайдиган фуқароликни туҳфа қилиш ҳам шу гуруҳга киради.

Фавқулодда тартибда фуқароликни олиш усулларига қуйидагилар киради: шахслар гуруҳига фуқаролик бериш ёки жамоавий натурализация (муайян кўриниши – трансферт), оптация (фуқароликни танлаш), реинтеграция (фуқароликни тиклаш).

Туғилганда фуқаролик олиш фуқароликни олишнинг энг оддий, кенг тарқалган усулидир. Турли давлатларнинг қонунчилиги ушбу масала бўйича қуйидаги икки тамойилдан бирига: қон ҳуқуқига (*jus sanguinis*) ёки замин ҳуқуқига (*jus soli*) асосланади. Баъзан доктринада қон ҳуқуқи бўйича фуқароликни олиш келиб чиқишига кўра фуқароликни олиш деб, замин ҳуқуқи бўйича фуқароликни олиш эса туғилганда фуқароликни олиш деб аталади. Қон ҳуқуқи – шахс туғилган жойидан қатъи назар, ота-онасининг фуқаролигини олишини англатади; замин ҳуқуқи – шахс ота-онасининг фуқаролигидан қатъи назар, туғилган жойининг фуқаролигини олишини англатади. Жаҳоннинг кўпгина давлатларида қон ҳуқуқи бўйича фуқароликни олиш тамойили амал қилади. Ўзбекистон қонунчилиги ҳам умуман олганда қон ҳуқуқига асосланади. Одатда, умуман қон ҳуқуқига асосланадиган давлатлар айрим ҳолларда замин ҳуқуқидан ҳам келиб чиқади.

Замин ҳуқуқи АҚШ ва Лотин Америкаси давлатлари қонунчилигига хос. Лекин унда қон ҳуқуқи ҳам муайян даражада амал қилади (одатда, тегишли давлатлар фуқароларининг чет элда туғилган фарзандларига нисбатан). Давлатлар ўз фуқаролигини аралаш никоҳлардан туғилган шахслар олиши имкониятларини чеклайдиган нормаларни ўз қонунчилигига киритишга ҳаракат қилади. Бу турли сабаблар билан, хусусан, ўз фуқаролари чет давлат фуқаролигини олиши, яъни қўшфуқароликнинг вужудга келишига (бу давлатлараро муносабатларда муаммолар туғилишига олиб келиши мумкин) йўл қўймасликка интилиш билан изоҳланади.

Қон ҳуқуқи тамойилига амал қиладиган давлатлар кўпинча ўз фуқаролигини чет элда у ерда доимий яшайдиган фуқаро-

лардан туғилган шахслар (айниқса, отаси ёки онаси чет эл фуқароси бўлса) олиши имкониятини ҳам чеклайди. Натурализация (тублашиш) – манфаатдор шахснинг илтимосига кўра, уни якка тартибда фуқароликка қабул қилиш. Миллий қонунчиликда бу атама қўлланмайди, лекин халқаро ҳуқуқ назариясида умумэтироф этилган. Натурализация – ихтиёрий тадбир. Мажбурий натурализация халқаро ҳуқуққа зид бўлиб, уни амалга оширишга уринишлар доим қаршилик нотаси билдирилишига сабаб бўлган. Амалиётда бундай воқеалар бўлган. Хусусан, Лотин Америкасидаги айрим мамлакатлар ўтган асрда ўз худудида узоқ вақт яшаб келаётган чет элликларга ўз фуқаролигини мажбурий тартибда беришга ҳаракат қилишган.

Натурализация, одатда, жуда кўп давлатларда қонунда назарда тутилган муайян шартлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Шахснинг мазкур давлат худудида муайян вақт (5, 7, баъзан 10 йил) яшаши, қоида тариқасида, энг муҳим шартдир. Натурализациянинг бошқа шартлари, масалан, мулкӣ ҳолат билан боғлиқ шартлар ҳам назарда тутилади. Агар манфаатдор шахс мазкур давлатга муайян хизматлар кўрсатган, унинг қуролли кучларида хизмат қилган, давлат хизматида муайян вазифани бажарган бўлса, натурализация имконияти анча енгиллашади.

Фуқароликка қабул қилиш таомили давлатларнинг ички қонунчилиги билан белгиланади. Натурализация таомилининг тўрт турини қайд этиш мумкин:

1) давлат ҳокимияти олий органлари томонидан амалга ошириладиган натурализация;

2) давлат бошқаруви органлари, чунончи, ҳукумат ёки давлат бошқарувининг марказий тармоқ органлари (одатда, ички ишлар идоралари) томонидан амалга ошириладиган натурализация;

3) давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан амалга ошириладиган натурализация (жуда кам учрайди);

4) суд тартибда натурализация қилиш (бу ҳам жуда кам учрайди).

Айрим давлатлар қонунчилигида назарда тутиладиган муайян шахсларга фуқаролик беришнинг соддалаштирилган тартиби – рўйхатга олиш (ўз фуқаролигини тасдиқлаш тўғрисида сўз юритилмаган ҳолларда), фарзандликка олиш, никоҳ тузиш натижасида фуқароликни олиш натурализациянинг турлари ҳисобланади. Сўнгги икки усул баъзан фуқаролик олишнинг оилавий

усули деб ҳам аталади. Ота-онаси натурализация қилиниши муносабати билан вояга етмаган болаларнинг ўз-ўзидан фуқароликни олиши ҳам шу усулга киради.

Кўпгина давлатларда никоҳга кирган аёл дарҳол ўз эрининг фуқаролигини олишига рухсат этилмайди. Бу ҳолат 1957 йил Эрли хотиннинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенцияда ўз аксини топган.

Фуқароликни тухфа қилиш, натурализациядан фарқли ўларок, манфаатдор шахснинг илтимосига кўра эмас, давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари ташаббусига биноан амалга оширилади. Одатда фуқаролик давлат олдида алоҳида хизматлар кўрсатган шахсларга тухфа қилинади.

Фавқулодда тартибда фуқароликни олиш ўз номига кўра фуқаролик олишнинг умумий, доимий тартибидан истисно тариқасида амал қилади. Бундай фавқулодда тартиб ё халқаро шартномаларда, ё махсус қонунларда назарда тутилади. У муайян муддатга белгиланади ва қоида тариқасида, фақат шахсларнинг муайян тоифаларига тегишли бўлади. Тажриба шуни кўрсатадики, фавқулодда тартибда фуқаролик бериш оммавий кўчишга олиб келадиган ҳолат, шунингдек, ҳудудий ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Шахслар гуруҳига фуқаролик бериш – муайян ҳудуд аҳолисига соддалаштирилган тартибда фуқаролик бериш ёхуд кўчириб келинган шахсларга соддалаштирилган тартибда фуқаролик бериш.

Трансферт – муайян ҳудуд аҳолисининг у яшаётган ҳудуд бошқа давлатга топширилиши муносабати билан бир давлат фуқаролигидан бошқа давлат фуқаролигига ўтиши шахслар гуруҳига фуқаролик беришнинг алоҳида туридир. Ўз-ўзидан трансферт қилиш топширилаётган ҳудуд аҳолисининг муайян қисмида эътироз уйғотиши мумкин, шу боис унга, одатда, оптация (фуқароликни танлаш) ҳуқуқи берилади.

Оптация (фуқароликни танлаш) доим ҳам фуқаролик олиш усули сифатида амал қилавермайди. Масалан, қўшфуқаролик тўғрисидаги конвенцияларда оптация имконияти назарда тутилади. Агар бирор давлат фуқароси бир вақтнинг ўзида чет эл фуқароси ҳам бўлса, унга икки фуқароликдан бирини танлаш ҳуқуқи берилади. Айни ҳолда у фуқароликни олмайди, чунки бу ерда оптация фақат фуқароликлардан бирининг йўқолишига олиб келади. Лекин айрим ҳолларда оптация фуқаролик олишнинг мустақил усули сифатида амал қилади. Масалан, 1957 йил

25 мартда СССР ва Польша ўртасида тузилган репатриация тўғрисидаги битимга мувофиқ, оптация шундай роль ўйнаган. Ушбу битим шартларига кўра СССРдан ПХРга репатриация қилинган шахслар СССР-Польша давлат чегарасини кесиб ўтган пайтдан бошлаб, СССР фуқаролигини йўқотганлар ва Польша фуқаролигини олганлар.

Ниҳоят, фавқулодда тартибда фуқаролик олиш усуллари-дан бири – реинтеграция ёки фуқароликни тиклаш. Муайян ҳолатда фуқароликни тиклашнинг алоҳида тартиби тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинади. Айрим мамлакатларда фуқароликни тиклаш имконияти фуқаролик тўғрисидаги махсус қонун ҳужжатларида эмас, балки умумий қонунчиликда назарда тутилади. Бу ҳолда фуқароликни тиклаш фуқаролик олишнинг мустақил усули сифатида амал қилмайди, балки натурализациянинг соддалаштирилган тартиби ҳисобланади.

Фуқароликни йўқотиш масаласига келсак, унинг уч шаклини қайд этиш мумкин: фуқароликни ўз-ўзидан йўқотиш; фуқароликдан чиқиш; фуқароликдан маҳрум қилиш.

Фуқароликни ўз-ўзидан йўқотиш миллий амалиётда фақат халқаро битимларда ва махсус қонун ҳужжатларида учрайди. Ваҳоланки, АҚШда бу фуқароликни йўқотишнинг одатдаги шаклидир. АҚШда экспатриация эркинлиги доктринаси амал қилади. Агар АҚШ фуқароси бўлган муайян шахс чет элда натурализация қилинган бўлса, у ўз-ўзидан Қўшма Штатлар фуқаролигини йўқотади. АҚШ қонунчилигида фуқароликни ўз-ўзидан йўқотишнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилган (масалан, АҚШ фуқароси чет давлатдаги сайловда иштирок этгани ҳолда).

Ғарб доктринасида экспатриация эркинлиги халқаро ҳуқуқий нормадир, деган ёндашув мавжуд. Унга кўра, бирон-бир давлатда натурализация қилинган шахс ўзининг олдинги фуқаролигини йўқотган деб ҳисобланиши лозим. Лекин амалиёт буни рад этади. Экспатриация эркинлиги жуда кўп давлатларда тан олинмаган. Буюк Британия 1948 йилда ундан воз кечди. Халқаро ҳуқуқий норма сифатида у фақат халқаро шартномада назарда тутилган тақдирда амал қилади (шартнома иштирокчилари учун).

Фуқароликдан чиқиш – манфаатдор шахснинг илтимосига кўра давлатнинг ваколатли органлари қабул қилган қарорга асосан фуқароликни йўқотиш. Фуқароликни йўқотишнинг ушбу шакли Ўзбекистон қонунчилигига ҳам хосдир.

Фуқароликдан маҳрум қилишда жазо унсурлари мужассам-

лашади. Фуқароликдан чиқишдан фарқли ўларок, фуқароликдан маҳрум қилиш давлат органларининг ташаббусига биноан ва қоида тариқасида, мазкур давлатга душманлик руҳидаги фаолият билан шуғулланган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Фуқароликдан маҳрум қилиш: умумий қонунчиликда назарда тутилган муайян шароитда (масалан, алдаш йўли билан фуқаролик олинган ҳолда); муайян шахсга ёки шахслар тоифасига тегишли махсус ҳужжатга асосан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фуқароликдан маҳрум қилиш имконияти назарда тутилмаган.

Қўшфуқаролик – муайян шахс икки ёки ундан ортиқ давлатнинг фуқаролигига эгаллиги. Шундай қилиб, бу атама қўшфуқаролиликни ҳам қамраб олади. Қўшфуқаролик турли давлатларнинг фуқаролик тўғрисидаги (масалан, қон ҳуқуқи ва замин ҳуқуқига асосланган) қонунлари тўқнашуви натижасида вужудга келади.

Амалиётда давлат суверенитетидан келиб чиқадиган қоида шаклланган бўлиб, унга асосан фуқароси чет эл фуқаролигига ҳам эга бўлган давлат унга фақат ўз фуқароси деб қарайди. Бунда мазкур давлат унинг фуқароси чет эл фуқаролигини олишига ижобий ёки салбий муносабатда бўлиши аҳамият касб этмайди.

Айрим давлатлар қўшфуқароликни маъқуллайди (одатда, сиёсий нуқтаи назардан). Масалан, Россия Федерацияси Конституцияси 2-моддаси биринчи қисмида шундай деб қайд этилган: “Россия Федерацияси фуқароси Россия Федерациясининг федерал қонуни ёки халқаро шартномасига мувофиқ чет давлат фуқаролигига (қўшфуқароликка) эга бўлиши мумкин”.

Қўшфуқаролик муайян салбий оқибатларга ҳам олиб келади. Улар орасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин: а) қўшфуқароликка эга шахсларга дипломатик ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ натижалар; б) қўшфуқароликка эга шахсларнинг ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ натижалар.

Биринчи ҳолда икки вазият юзага келиши мумкин. Биринчи вазият; қўшфуқароликка эга бўлган шахсни дипломатик ҳимоя қилишни мазкур шахс фуқароси бўлган давлатлардан бири, иккинчи давлатга қарши амалга оширишга ҳаракат қилади. Бу ҳолда дипломатик ҳимоя масаласи ўз-ўзидан бекор бўлади. Аниқроғи, бундай ёрдам кўрсатишга уриниш мумкин, лекин у тегишли шахс ҳимоя амалга оширилаётган давлат фуқароси эканлигига асосланган ҳолда рад этилади. Иккинчи вазият; қўшфуқароликка эга шахс учинчи давлат ҳудудида яшамокда ва бу ерда маз-

кур шахсга у фуқароси бўлган давлатларнинг дипломатик ҳимояси талаб этилмоқда. Шахс яшаб турган давлатнинг ҳокимият органлари одатда бундай вазиятда қўшфуқароликка эга шахс амалда яқинроқ алоқага (самарали фуқаролик тамойили) эга бўлган давлатнинг фуқаролиги билан ҳисоблашади (масалан, мазкур шахс доимий яшайдиган ёки тилида сўзлашадиган давлат фуқаролиги ва ҳ.к.). Бу мезонлар мукамал эмас. Ҳуқуқий нуқтаи назардан бу вазиятни ҳал қилиш мумкин эмас. Фақат бир йўл бор – икки тарафлама ёки кўп тарафлама халқаро битим тузиш. Халқаро суд органлари ёки арбитражларнинг бундай масалалар бўйича самарали фуқаролик тамойилига асосланган қарорлари ғарб давлатлари амалиётида тарқалган эди, лекин улар умумий қоидага айланиб қолмади. Бундай қарорлар айрим ҳолатларга тегишли бўлиб, иккала манфаатдор давлат суд ёки арбитражга мурожаат этиши натижасида қабул қилиниши мумкин.

Иккинчи ҳолга келсак, бу ерда муаммо қўшфуқароликка эга эркаклар, қоида тариқасида, ўзи фуқаролигини олган ҳар бир давлатда мажбурий ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ. Амалда бунинг иложи йўқ, шундай қилиб, ўзи фуқаролигини олган давлатлардан бирида мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган қўшфуқароликка эга шахс бошқа давлат ҳудудида муқаррар равишда ё ҳарбий мажбуриятни ўташдан бўйин товлагани учун, ё чет давлат армиясида руҳсатсиз хизмат қилгани учун, ё иккала қилмиши учун бирварақайига жиноий жавобгарликка тортилади. Бу муаммони фақат бир йўл – халқаро битим тузиш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

Қўшфуқаролик масалаларига бағишланган халқаро шартномаларнинг икки тури мавжуд:

Биринчиси - қўш фуқароликнинг оқибатларини тугатишга қаратилган шартномалар (дипломатик ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматни ўташ муносабати билан). Бундай битимлар қўшфуқароликка чек қўймайди. 1930 йил Фуқаролик тўғрисидаги қонунлар тўқнашувига оид баъзи бир масалалар тўғрисидаги Гаага конвенцияси, 1963 йил Кўпфуқаролик тўғрисидаги Страсбург кўп тарафлама конвенциясининг II боби ва бир қанча икки тарафлама шартномалар шулар жумласидандир. Ғарбий Европа давлатларининг аксариятида шундай икки тарафлама шартномалар амал қилади. Уларнинг кўпчилиги фақат бир масалага - қўшфуқароликка эга шахсларнинг ҳарбий хизматни ўташига бағишланади.

Кўрсатилган шартномаларнинг барчаси оралиқ вазифани бажаради, яъни давлатларнинг фуқаролик соҳасидаги манфаатлари тўқнашувининг сабабини эмас, балки оқибатини бартараф этади. Масалан, 1967 йил 10 июлда СССР билан Канада ўртасида ноталар алмашиш йўли билан битим тузилди. Битимга кўра, Канада ўз ҳудудига ташриф буюрган совет фуқаролари бу ердан чиқиб кетишига қаршилик қилмаслик мажбуриятини олди, башарти улар Канада фуқаролигига ҳам эга бўлгани ҳолда, бу ерга совет паспорти ва Канада визаси билан келган бўлса. СССР ва Канада фуқаролигига эга бўлган шахсларга нисбатан шундай иш тутиш мажбуриятини СССР ҳам ўз зиммасига олди.

Россиянинг Туркменистон ва Тожикистон билан тузган шартномалари ҳам юқорида кўрсатилган битимлар тоифасига кирди. 1993 йил 23 декабрда Ашхабодда Россия ва Туркменистон ўртасида қўшфуқаролик масалаларини тартибга солиш тўғрисида Битим, 1995 йил 7 сентябрда эса Москвада Россия ва Тожикистон ўртасида шу масалаларни тартибга солиш тўғрисида шартнома имзоланди. Иккала ҳолда ҳам тарафлар ўз фуқароларининг бошқа тараф фуқаролигини олиш ҳуқуқини тан олишга рози бўлди. Улар, шунингдек, иккала тарафнинг фуқаролигига эга бўлган шахслар ўзлари доимий яшаётган мамлакатда мажбурий ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида келишиб олдилар. Бундан ташқари, иккала тараф фуқаролигига эга бўлган шахслар ҳар бир тарафнинг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланишга ҳақли эканлиги назарда тутилади. Учинчи давлатда бундай шахсларни улар ҳудудида доимий яшаётган тараф ёки уларнинг илтимосига кўра, бошқа тараф ўз ҳимояси ва ҳомийлигига олади. Иккала тарафнинг фуқаролигига эга бўлган шахслар ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлиқ фойдаланишлари, шунингдек, ўзи ҳудудида доимий яшаётган мамлакатда бурчларини бажаришлари битимда ҳам, шартномада ҳам назарда тутилган.

Қўшфуқаролик тўғрисидаги шартномаларнинг иккинчи тури - қўшфуқароликка барҳам беришга қаратилган шартномалар.

Совет Иттифоқи амалиётида бундай турдаги биринчи шартнома Монголия билан 1937 йилда тузилган эди. Ушбу битим натурализация натижасида қўшфуқароликнинг вужудга келиш имкониятини бартараф этарди. СССР иштирок этган қўшфуқаролик тўғрисидаги шартномаларнинг асосий қисми 1956-1958 йилларда тузилган. Қўшфуқаролик тўғрисидаги биринчи конвенцияни Совет Иттифоқи 1956 йил Югославия билан тузди,

сўнгра бошқа бир қанча давлатлар билан ҳам шундай конвенция тузилди. Ушбу конвенцияларга асосан, қўшфуқароликка эга бўлган шахс муайян вақт ичида шу фуқароликлардан бирини танлаши мумкин эди. Агар белгиланган муддат ичида шахс ўз танлаш ҳуқуқини амалга оширмаган бўлса, у ҳудудида доимий равишда яшайдиган мамлакат фуқаролигини сақлаб қоларди. Шарқий Европадаги бошқа айрим давлатлар – Болгария, Руминия, Польша, Чехословакия, Венгрия ҳам шундай икки тарафлама конвенциялар тузиш йўлидан борди. СССР иштирокидаги конвенциялар ўзига хос хусусиятга эга эди – улар бир йил муддат давомида амал қиларди. Тўғри, айрим ҳолларда муайян конвенциялар муддати узайтирилди, лекин бу муаммони ҳал қилмасди. Конвенцияларнинг амал қилиш муддати тугганидан сўнг аралаш никоҳлар тузилишда давом этар, улардан қўшфуқароликка эга бўлган болалар туғиларди.

Шу муносабат билан қўш фуқаролик тўғрисида янги конвенциялар тузишга зарурат туғилди. 60-70-йиллар давомида СССР Шарқий Европадаги кўпгина давлатлар, ГДР, шунингдек, Монголия билан шундай конвенциялар ёки шартномалар тузди.

Бу шартномалар деярли бир типли бўлиб, қўшфуқароликка эга шахсларга оптация ҳуқуқини берарди. Вояга етмаганлар учун фуқароликни уларнинг ота-оналари танларди. Тегишли шартнома кучга кирганидан сўнг аралаш никоҳлардан туғилган болаларнинг фуқаролигини ҳам уларнинг ота-оналари танлаши мумкин эди.

1996 йил 19 январда МДХга аъзо мамлакатлар ўртасида тузилган конвенцияда бир тараф ҳудудига доимий яшаш учун кўчиб ўтган бошқа тараф фуқаролари фуқаролик олишининг соддалаштирилган (регистрацион) тартиби ҳамда улар тарк этаётган тараф фуқаролигидан чиқишнинг соддалаштирилган (регистрацион) тартиби (муайян шартларга риоя қилинган ҳолда) назарда тутилган.

Фуқароликка эга эмаслик. Бирор давлатнинг фуқаролигига эга бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар сифатида тан олинади. Фуқароликка эга эмаслик ҳолати мутлақ ва нисбий бўлиши мумкин.

Фуқароликка мутлақо эга эмаслик – туғилгандан бошлаб фуқароликка эга эмаслик. Фуқароликка нисбий эга эмаслик – фуқароликни йўқотиш натижасида вужудга келган фуқароликка эга эмаслик. Фуқароликка эга эмаслик ҳолати ҳуқуқий анома-

лия ҳисобланади. Давлатлар унга қарши кураш олиб борадилар, уни чеклашга ҳаракат қиладилар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар) ҳуқуқсиз бўлмасликлари керак. Умуман олганда, уларнинг ҳуқуқий ҳолати ўзлари яшаб турган давлат қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Барча давлатлар инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари ва шунга мувофиқ, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун тегишли режимни таъминлашлари лозим. Ҳар бир давлатда бундай режим ўзига хос хусусиятга эгадир.

Фуқаролиги бўлмаган шахсларга бағишланган икки кўп тарафлама конвенция: Апатридлар мақоми тўғрисидаги конвенция (1954 йил) ва Фуқароликка эга эмаслик ҳолатларини камайтириш тўғрисидаги конвенция (1961 йил) мавжуд. 1954 йилги Конвенциясининг мақсади фуқароликка эга эмаслик ҳолатларига барҳам беришдан эмас, балки аъзо давлатлар ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахслар учун муайян режим ўрнатишдан иборатдир. У мазкур шахсларнинг мақомини, мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилади, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун тадбиркорлик эркинлиги, таълим олиш, ишга жойлашиш каби соҳаларда маълум имтиёзларни назарда тутади.

1961 йил Конвенцияни ишлаб чиқиш чоғида манфаатдор давлатлар ўртасида ихтилофлар шу қадар кучли бўлдики, натижада ушбу ҳужжатнинг амал қилиш соҳаси анча тор бўлиб қолди. Конвенциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда фуқаролиги бўлмаган шахслар Конвенция иштирокчилари унинг қарорларини бажармаганлиги устидан шикоят билан бевосита мурожаат этишлари мумкин бўлган халқаро орган ташкил этиш назарда тутилган қоидалар мавжуд. БМТ Бош ассамблеясининг қарорига биноан, кўрсатилган орган вазифалари БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари зиммасига юкланган.

Фуқаролик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигининг далиллари. Шахсда муайян давлат фуқаролиги мавжудлигининг далили сифатида қайси ҳужжат ва фактлар хизмат қилиши мумкинлиги ички қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Кўпгина мамлакатларда, айниқса, ички паспортлар мавжуд бўлмаган мамлакатларда фуқаролик масалалари суд тартибида ҳал қилинади.

Қочоқлар ва кўчирилган шахслар. Қочоқлар – таъқиб, ҳарбий ҳаракат ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида ўзлари доимий яшаб турган мамлакатни (кўпинча ўзлари фуқароси бўлган мамлакатни) тарк этган шахслар. Халқаро ҳуқуқ соҳасига

“қочоқлар” тушунчаси Биринчи жаҳон урушидан кейин кирди. Қочоқлар муаммоси бир қанча халқаро шартномаларда ўз аксини топган. БМТ доирасида бу муаммони ҳал қилишга кўмаклашиш учун Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси тузилган. Бошқарма Устави БМТ Бош ассамблеясининг 1950 йил 14 декабрдаги 428 (V)-сон резолюциясига биноан қабул қилинган, 1951 йил 28 июлда қочоқлар мақоми тўғрисида кўп тарафлама Конвенция қабул қилинган. 1966 йил 16 декабрда Бош ассамблея қочоқлар мақомига тааллуқли Баённома қабул қилди. Ушбу ҳужжатда Конвенцияга айрим ўзгартишлар киритиш назарда тутилган. Бу Баённома 1967 йил 4 ноябрда кучга кирди.

Қочоқлар муаммоси билан регионал миқёсда шуғулланадиган халқаро органлар ҳам мавжуд. Улар доимий ва муваққат асосда тузилиши мумкин.

“Қочоқлар” атамаси халқаро ташкилотлар резолюция ва шартномаларида ҳар хил маънода қўлланади. У, масалан, ўз фуқаролиги мамлакатини ёки одатдаги яшаш жойини табиий офат натижасида тарк этган шахсларга тегишли бўлмаслиги мумкин. 1951 йилги Конвенцияда “қочоқлар” тушунчасига нисбатан айрим чеклашлар назарда тутилган бў;иб, улар тегишли шахслар ўз фуқаролиги мамлакатини ёки одатдаги яшаш жойини тарк этишига сабаб бўлган воқеаларнинг рўй бериш вақти билан боғлиқ (1951 йил 1 январга қадар). 1967 йил Баённомасида бу тушунча кенгайтирилган.

Конвенция ва Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармасининг Уставида “қочоқлар” тушунчасига ирқи, дини, фуқаролиги, муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги ёки сиёсий эътиқодига кўра таъқиб қурбони бўлишдан қўрқиб, ўз мамлакатини тарк этган шахслар киритилган. Улар кўпинча *de facto* – фуқаролиги бўлмаган шахслар деб аталади, чунки уларнинг мақоми амалда фуқаролиги бўлмаган шахслар мақомидан фарқ қилмайди.

Сиёсий қочоқлар тоифасига мансублик сиёсий бошпана олишга даъвогар бўлиш учун асос сифатида қаралиши мумкин. Лекин, пировард натижада мазкур масала қандай тартибга солиниши қочоқлар турган давлатнинг қонунчилиги ва сиёсатига боғлиқ бўлади.

Кўчирилган шахслар – Иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчилар ва уларнинг малайлари томонидан оккупация қилинган ҳудудлардан турли ишларда фойдаланиш учун зўравонлик

йўли билан олиб кетилган шахслар. Уруш тугаганидан сўнг Совет Иттифоқи бир қанча давлатлар билан кўчирилган совет фуқароларини репатриация қилиш тўғрисида битимлар тузди. Қочоқлар муаммосини ҳал қилиш ва улар ўз Ватанларига қайтишига кўмаклашиш учун 1946 йил Қочоқлар ишлари бўйича халқаро ташкилот тузилди. У Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси тузилиши муносабати билан тугатилди.

1961 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенцияда “кўчирилган шахслар” атамаси учрамайди. Сўнгги йилларда Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси амалиётида бу атамани “ички” қочоқлар, яъни ўз мамлакатининг муайян қисмини ноихтиёр равишда тарк этган ва унинг бошқа бир қисмига кўчишга мажбур бўлган шахсларнинг айрим тоифаларига нисбатан қўллаш ҳолатлари кузатилмоқда. Баъзан бундай шахслар “кўчишга мажбур бўлганлар” деб аталади.

7.3. Чет элликлар учун белгиланган режим

“Чет эллик” тушунчаси. Чет элликлар учун махсус режим давлатларнинг ички қонун ҳужжатлари билан уларнинг халқаро мажбуриятларидан келиб чиқиб белгиланади.

“Чет эллик” тушунчасининг икки хил таърифи мавжуд. Уларнинг биринчиси умумий, назарий хусусиятга эга. Чет эллик – исталган давлат ҳудудида бўлиб, бу давлатнинг фуқароси бўлмаган ва бошқа давлат фуқаролигига эга бўлган шахс. Амалиёт давлат доирасида бу таъриф тўлиқ эмаслигини кўрсатади. Чет эл фуқароси бўлиш ва ўзи яшаб турган давлат ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланиши мумкин. Иккинчи таъриф одатда давлатнинг ички ҳуқуқида учрайди. У соф амалий, ички аҳамиятга молик, чунки муайян давлатда қайси шахслар чет эллик ҳисобланишини белгилайди. Бу таърифнинг модификациялари жуда кўп.

Иккинчи таъриф қуйидаги мазмунга эга. Яшаб турган мамлакати фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигининг далиллари мавжуд бўлган шахслар чет эл фуқаролари деб тан олинади.

“Чет эллик” атамаси ўрнига “чет эл фуқароси” атамасининг қўлланиши ўринлидир, чунки бир қанча давлатларнинг қонунчилиги амалиётида “чет эллик” атамаси кенг маънода қўлланади

ва нафақат чет эл фуқароларини, балки фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам камраб олади.

Юқорида келтирилган таърифлар ўртасидаги фарқ эътиборни тортади. Муайян шахсни чет эл фуқаролари қаторига киритиш учун у, ўзи яшаб турган мамлакат фуқароси бўлмаган ҳолда, чет давлат фуқаролигига эга бўлишининг ўзи кифоя эмас, у мазкур фуқароликка эга эканлигининг далиллари, аввало, амалдаги чет эл паспорти ёки унга тенглаштирилган шахсий гувоҳномага ҳам эга бўлиши лозим. Бундай далилларга эга бўлмаган шахс чет эл фуқароси сифатида қараладиган ҳолатлар ҳам мавжуд (масалан, у ҳужжатларини ўғирлатган бўлса). Лекин бундай ҳолатлар жуда кам учрайди.

Агар чет эл фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаган ва унинг эгаси бу муддатни узайтириш имкониятига эга бўлмаса, бундай шахс ўзи яшаб турган давлат ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида тан олинishi мумкин (одатда у мазкур давлатда доимий яшашга рухсат олган тақдирда).

Чет эллик ўз фуқаролиги давлатининг дипломатик ҳимоясига умид қилишга ҳақлидир. Унинг бошқа давлат ҳудудида қонуний яшаётгани бундай ҳимояни олишини енгиллаштиради. Агар чет эллик бошқа давлат ҳудудида ноқонуний яшаётган бўлса, бу давлат мазкур шахсда чет эл фуқаролиги амалда мавжудлигига шубҳа қилишга, шунингдек, уни ўз ҳудудидан чиқариб юбориш, ўз ҳудудига ноқонуний киргани учун жавобгарликка тортишга ҳақлидир.

Чет элликлар учун белгиланган “режим” тушунчаси ва унинг турлари. Чет элликлар учун белгиланган режим (чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати) одатда, чет элликларнинг муайян давлат ҳудудидаги ҳуқуқ ва бурчлари мажмуи сифатида таърифланади.

Анъанага кўра, чет элликлар учун белгиланадиган режимнинг уч тури фарқланади: миллий режим, мумкин қадар қулайлик бериш режими ва махсус режим.

Миллий режим муайян соҳада чет элликларни улар яшаб турган давлат фуқароларига тенглаштиришни англатади.

Мумкин қадар қулайлик бериш режими муайян соҳада чет элликларга мазкур давлат ҳудудида ҳуқуқий жиҳатдан энг қулай ҳолатдаги ҳар қандай учинчи давлат фуқароларига назарда тутилган ҳуқуқлар бериш ва (ёки) бурчларни белгилашни англатади. Мумкин қадар қулайлик бериш тўғрисидаги клаузула, одат-

да, савдо шартномаларида учрайди. Мумкин қадар қулайлик бериш режими амалда ҳавола хусусиятига эга бўлиб, пировард натижада, ё махсус, ё миллий режимнинг белгиланишида ўз ифодасини топади.

Махсус режим чет элликларга шу соҳада тегишли давлат фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчлардан фарқ қиладиган ҳуқуқларнинг берилиши ва (ёки) бурчларнинг белгиланишини англатади. Кўпинча бу тегишли ҳуқуқ ва бурчларни санаш йўли билан амалга оширилади. Масалан, миллий амалиётда чегарадош давлатлар билан тузилган айрим шартномаларда чегараолди ҳудуди аҳолиси ўз қариндошлари билан кўришиш учун давлат чегарасидан ўтишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган. Махсус режим салбий хусусиятга ҳам эга, яъни фақат чет элликларга нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқий чеклашлар мажмуидан иборат бўлиши мумкин (масалан, чет элликларни ҳаво кемаси экипажи таркибига киритишни тақиқлаш).

Бирон-бир давлатда чет элликлар режимининг фақат бир тури мавжуд эмас. Унинг ҳар хил турлари доимо уйғунликда учрайди: бир соҳада – миллий режим, бошқа соҳада – махсус режим.

Чет элликларнинг ўз фуқаролиги давлати ва яшаб турган давлати билан муносабатларининг умумий тавсифи. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан чет эл фуқароси ҳолатининг мураккаблиги шундан иборатки, у икки тарафга; ўзи яшаб турган давлатнинг ҳуқуқий тартиботига ва ўз фуқаролиги давлатининг қонунларига бўйсунди. Чет эллик яшаб турган давлатнинг қонунлари ва у фуқаролигига эга давлатнинг қонунлари бирон-бир масалада бир-бирига зид бўлган ҳолларда муайян қийинчиликлар туғилиши мумкин. Бу ҳолда мазкур асосларнинг рақобати (рақобатлашувчи юрисдикция) юзага келади.

Чет эллик ҳуқуқлардан фойдаланиши ёки ўз фуқаролигидан келиб чиқадиган (яъни, ўз фуқаролиги давлатининг қонунчилигида назарда тутилган) бурчларни фақат ўзи яшаб турган давлатда йўл қўйилган, унинг суверенитети ва хавфсизлигига зид келмайдиган даражада бажариши мумкин. Бошқа томондан, у яшаб турган давлат, чет элликлар учун режимни белгилар экан, халқаро ҳуқуқнинг ва у имзо чеккан шартномаларнинг умумэтироф этилган тамоийилларини бузмаслиги лозим.

Назария ва амалиётда “чет элликлар билан муомала қилишнинг минимал халқаро стандарти” тушунчаси учрайди. Унга чет

элликларнинг ҳуқуқларини белгилайдиган ҳар қандай давлатнинг қонунчилиги мос келиши лозим бўлган ҳуқуқий андоза сифатида қаралади. У анча номуайян бўлиб, мос келадиган шартнома амалиёти ва халқаро одатлар билан белгиланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин минимал халқаро стандартни инсон ҳуқуқлари билан боғлашга уриниш кузатилади ва у чет элликлар режимини белгилашда инсон ҳуқуқларини камситмасликни талаб қилади.

Чет элликлар режимига халқаро ҳуқуқ таъсирининг энг муҳим жиҳатлари: чет элликларнинг сиёсий ҳуқуқлари, чет элликларнинг ҳарбий хизмати, чет элликларнинг кириши ва чиқишини тартибга солиш, чет элликларга нисбатан давлатнинг жинойий юрисдикцияси чегараларининг белгиланиши, чет элликларнинг фуқаролиги давлати, уларга кўрсатадиган дипломатик ҳимояга тегишли бўлган ҳолларида намоён бўлади.

Чет элликларнинг сиёсий ҳуқуқлари. Баъзан чет эллик ўзи яшаб турган мамлакатда сиёсий ҳуқуқлардан қай даражада фойдаланади, деган савол туғилади. Бу ерда, аввало, сўз сайлов ҳуқуқи тўғрисида юритилмоқда: одатда бу ҳуқуқ чет элликларга берилмайди. Лекин уларга сайлов ҳуқуқини бериш халқаро ҳуқуққа зид эмас, чунки бу ҳуқуқдан фойдаланиш фақат чет элликларнинг ўзига боғлиқ, ҳеч ким уларни бу ҳуқуқдан амалда фойдаланишга мажбурлай олмайди. Амалиёт буни тасдиқлайди. Чет элликларга сайлов ҳуқуқи берилган ҳолатлар тарихда маълум.

Бошқа сиёсий ҳуқуқларга келсак, уларни чет элликларга бериш давлат суверенитети ва хавфсизлиги билан белгиланади.

Чет элликларнинг ҳарбий хизматни ўташи. Чет элликлар ҳарбий хизматга мажбур ҳисобланмайди, чунки бу халқаро ҳуқуққа зиддир. Бунда чет эллик ўз хоҳиш-иродасига зид равишда, ўз ватанига қарши қурол кўтариладиган вазиятга тушиб қолиши мумкин, деган тахминдан келиб чиқилади. Лекин айрим давлатлар қонунчилигида вақти-вақти билан бу қоидадан чекиниш кузатилади.

Чет элликларнинг айрим тоифаларини мажбурий ҳарбий хизматга жалб қилиш манфаатдор давлатларда эътироз туғдирмайдиган ҳолатлар учрайди, лекин бундай амалиёт ё одатларга, ё шартномаларга асосланади.

Чет эл қуроли кучларида ихтиёрий равишда хизмат қилиш халқаро ҳуқуққа зид эмас. Тўғри, чет эл армиясида ихтиёрий равишда хизмат қилган шахслар ўз фуқаролиги давлатида бу-

нинг учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Лекин бу масала халқаро ҳуқуқ соҳасига кирмайди. Кўнгиллилар, агар улар чет эл армиясида хизмат қилишга ўз фуқаролиги давлатидан рухсат олмаган бўлсалар, жавобгарликка тортилиш хавфини била туриб иш кўрадилар.

Давлатлар, суверенитет ташувчилари сифатида, ўз ҳудудига кириш ва ундан чиқиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, бунинг учун ички хусусиятга эга бўлган чоралар кўрилади.

Давлатга кириш ва ундан чиқиш тартиби. Ҳозирги даврда деярли барча давлатларда ўз фуқароларининг ва чет элликларнинг мамлакатга кириши ҳамда чиқишига рухсат берадиган тартиб амал қилади. Баъзан бу тартиб халқаро шартномалар асосида анча соддалаштирилади, лекин бу мазкур тартиб бекор қилинган, деган маънони англатмайди. Турли мамлакатларда кириш ва чиқишга рухсат олишнинг турли таомили белгиланган.

Кириш ва чиқишга рухсат берувчи тартиб мамлакатга кириш ёки ундан чиқишда чет элликка ҳам, ўз фуқаросига ҳам давлат рад этиши мумкинлигини назарда тутати. Бир қарашда, давлатнинг ўз фуқаролари ва чет элликлар ўртасида жиддий фарқ йўқдек туюлади. Лекин бу фарқ давлатнинг ички қонунчилигида кириш ёки чиқишга илтимосномалар бериш тартиби, хужжатлар шакллари, рад этиш учун асослар ва шу кабиларда намоён бўлиши мумкин. Халқаро ҳуқуқ соҳасида ўз фуқаролари ва чет элликларнинг кириши ва чиқиши ўртасида жиддий фарқ мавжуд бўлиб, у давлатнинг ички ҳуқуқида доим ҳам ўз аксини топавермайди, лекин давлатларнинг ташқи алоқалари соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари билан белгиланади.

Бу фарқ шундан иборатки, давлатнинг ваколатли органлари ўз фуқароларининг чет элга чиқиш тўғрисидаги илтимосномасини белгиланган тартибда кўриб чиқар экан, чиқишга рухсат беришни такрор-такрор рад этишлари мумкин. Бу давлатнинг ички ишидир, чунки айти пайтда унинг ўз фуқаролари билан муносабатлари тўғрисида сўз юритилмоқда. Чиқишни рад этиш давлат томонидан белгиланган муайян муддат (масалан, олти ой) давомида амал қилиши лозим. Чет элга чиқишни доимий рад этиш мумкин эмас. Бундай қонунчиликда умумий шаклда мустаҳкамланишига инсон ҳуқуқларини (хусусан, ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқини) бузилиши сифатида қараш мумкин. Лекин айти ҳолда муайян шахсларнинг чет элга чиқиши тўғри-

сида сўз юритилаётгани ва ҳар бир рад жавоби муайян муддат ичида амал қилгани учун давлат бундай ҳолларда қандай иш тутишни мустақил ҳал қилишга ҳақлидир.

Чет элга чиқиш тўғрисида илтимос билан мазкур давлат ҳудудида яшаётган чет эллик мурожаат қилганда вазият ўзгаради. Давлат унга ўз ҳудудидан чиқишни сурункали равишда рад эта олмайди, чунки чет эллик шахс фуқаролигига эга бўлган давлатнинг дипломатик ваколатхонаси муқаррар равишда унга чиқиш имкониятини беришни ёки ҳеч бўлмаса рад этиш сабабларини асосли тарзда тушунтиришни талаб қилади. Чет элликнинг чет элга чиқиши фақат у суд ёки тергов остида бўлган ёхуд ўзи яшаб турган давлат билан уруш ҳолатида бўлган давлатнинг фуқароси ҳисобланган ҳолда ёки бошқа баъзи сабабларга кўра кечиктирилиши мумкин. Шундай қилиб, чет элликнинг чиқишига тўсқинлик қилмаслик мажбурияти, юқорида зикр этилган ҳолатлардан ташқари, давлатда чет элликларнинг ўзига нисбатан эмас, балки уларнинг фуқаролиги давлатига нисбатан мавжуд бўлади.

Чет элликнинг ўз ҳудудига кириш ҳақидаги илтимосини кўриб чиқар экан, давлат унга буни такрор-такрор рад этиши мумкин, чунки давлат фуқаролигига эга бўлмаган шахсларни ўз ҳудудига киритишга мажбур эмас. Бошқа бирон-бир давлат ҳам бундай киритишни талаб қилишга ҳақли эмас, чунки бу чет элликка киришга рухсат бермаётган давлатнинг ички ишларига ара-лашиш ҳисобланади.

Давлат чет элда бўлиб турган ўз фуқароларига ҳам ўз ҳудудига киришни рад этиши мумкин (агар бундай рад этиш унинг қонунчилигида назарда тутилган бўлса). Лекин бу бошқа давлатлар унинг фуқаролари ўз ҳудудида бўлишига эътироз билдиргунга қадар давом этиши мумкин. Халқаро ҳуқуқда шаклланган одат нормасига кўра, давлат ўз фуқаросини қабул қилиши шарт, башарти бошқа давлатлар унга муайян сабабларга кўра ўз ҳудудида бўлиб туришга рухсат бермаётган бўлса. Бу мажбурият мазкур фуқарога нисбатан эмас, балки у ҳудудида бўлиб турган давлатга нисбатан амал қилади.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг Якуний ҳужжати қабул қилинганидан сўнг кириш ва чиқиш тартибининг соддалашуви ҳамда эркинлашуви кузатилмоқда. Бу жараёнга бир қанча халқаро ҳужжатлар имконият яратмоқда. Лекин бу ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам юридик жиҳатдан мажбурий эмас.

Улар кириш ва чиқишга рухсат олиш тартибини бекор қилиш мақсадини кўзламаган ҳолда, кишилар мамлакатлар бўйлаб ўз ихтиёрига кўра ҳаракатланиш имкониятларини мумкин қадар кенгайтиришга қаратилгандир.

Кириш ва чиқишни енгиллаштиришга интилиш, аввало, давлатларнинг ўз фуқароларига нисбатан сезилади. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга мувофиқ, мамлакатни, шу жумладан, ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқи фақат қонунга асосан ва давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини ёхуд бошқаларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш учун чекланиши мумкин. Лекин Пактнинг бу чекловчи қоидалари ҳаддан ташқари кенг шарҳланиши мумкин. БМТ доирасида бундай шарҳлашга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватловчилар кўпаймоқда. Ҳозирги даврда чиқишни рад этиш учун асослар қонунда муайян тарзда ва аниқ кўрсатилиши лозимлиги умумэътироф этилган. Бу масалани ҳал қилиш давлатнинг муайян органлари эътиборига ҳавола қилиниши мумкин эмас.

Пактда фуқароларни ўз мамлакатига киришдан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиш мумкин эмаслиги ҳам қайд этилган. БМТ материаллари бу қоида ўз фуқароларини ўз ҳудудига киритишнинг визали тартиби номақбуллигини тан олиш сифатида шарҳланаётганидан далолат беради.

Жиноий юрисдикция. Ҳар бир давлат ўз фуқароларига нисбатан ўз жиноий юрисдикцияси чегараларини мустақил белгилайди. Давлатлар ўз фуқароларини улар ўз ҳудудида, айрим ҳолларда эса чет элда содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортади. Чет элликлар, умуман олганда, ўзлари яшаб турган давлат ҳудудида содир этган барча жиноятлар учун шу давлат қонунига кўра жавобгар бўлади.

Баъзан сиёсий фикр-мулоҳазаларга кўра, чет элликлар ўзлари яшаб турган мамлакатда жазоланмайди ва ундан чиқариб юборилади.

Айни вақтда, халқаро ҳуқуқда мавжуд умумэътироф этилган одат нормасига кўра, чет эллик бошқа давлатда содир этган жиноят учун ўзи яшаб турган давлат ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, башарти, бу жиноятлар у яшаб турган давлатга дахлдор бўлмаса. Бу ҳолда уни бошқа давлатга топшириш тўғрисидаги масала юзага келиши мумкин. Лекин жиноятчиларни топшириш мажбурияти фақат шартномалар асосида мавжуд бўлади. Ҳарбий жиноятчиларни топши-

риш бундан мустасно бўлиб, у нафақат шартномаларда, балки одатда ҳам мустаҳкамланган тамойилларга асосланади.

Чет элликларга уларнинг фуқаролиги давлати тақдим этадиган дипломатик ҳимоя. Фуқароларни чет элда дипломатик ҳимоя қилиш – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг муҳим институти. Дипломатик ҳимоя кенг маънога эга ҳуқуқий атамадир. У дипломатик ҳимояни айнан дипломатик ваколатхона тақдим этиши лозимлигини англамайди. Давлатнинг ўз фуқароларини ҳимоя қилиши, одатда, консуллик муассасаларининг вазифаси ҳисобланади.

Дипломатик ҳимоя нафақат давлатнинг ўз фуқароларини чет элда ҳимоя қилишини ўз ичига олади, балки манфаатдор давлатнинг тегишли ваколатхона орқали мазкур давлат фуқароси содир этишда айбланаётган ҳаракатлар ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини ҳам назарда тутаети.

Тўғри, дипломатик ҳимоя тақдим этаётган давлат маҳаллий қонунчилик доирасидан четга чиқиши мумкин эмас. Дипломатик ҳимоя ўз фуқаросини, агар у айбдор бўлса, жазодан озод қилишни чексиз талаб қилиш ҳуқуқини англамайди.

Дипломатик ҳимоя, аввало, муайян шахс ёки шахсларга нисбатан чет элликлар режимига риоя қилинишини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Агар чет эллик ўзи яшаб турган давлат қонунларини чиндан ҳам бузган бўлса, дипломатик ҳимоя ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши ҳолатларини аниқлаш, зарур ҳолда адвокатларни танлаш ва ҳ.к.дан иборат бўлади.

Агар дипломатик ҳимоя қилиш чоғида муайян шахс ёки шахсларга нисбатан улар яшаб турган давлатнинг қонунларига зид иш тутилгани аниқланган бўлса, манфаатдор давлат тегишли қонун ҳужжатларига риоя қилишни ва зарур ҳолда айбдорларни жазолаш, жабрланувчига компенсация тўлаш ва ҳ.к.ни талаб қилишга ҳақлидир.

Шу ўринда савол туғилади: давлат ўз фуқаросига дипломатик ҳимоя тақдим этиши шартми ёки у бунга ҳақлими? Давлат ички ҳуқуқи институти сифатидаги дипломатик ҳимояни ва халқаро ҳуқуқ институти сифатидаги дипломатик ҳимояни фарқлаш лозим. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлат ўзининг чет элда бўлиб турган фуқаросига дипломатик ҳимоя тақдим этишга ҳақлидир. Бошқа давлатлар бу ҳуқуқни ҳурмат қилишлари шарт. Муайян давлат ўзининг бу ҳуқуқидан фойдаланадими, йўқми, бу аввало, унинг қонунчилигига ва сиёсий фикр-мулоҳазаларига боғлиқ. Давлат ички ҳуқуқи нуқтаи назаридан вази-

ятлар ҳар хил бўлиши мумкин. Давлатнинг ички ҳуқуқида чет элда бўлиб турган фуқаронинг ҳуқуқлари бузилган ҳолда, унга ҳимоя тақдим этиш назарда тутилиши мумкин. Лекин давлатнинг ички ҳуқуқи дипломатик ҳимоя тақдим этиш масаласини ҳал қилишни дипломатик ва консуллик муассасалари эътиборига ҳавола этиши ҳам мумкин. Бу ҳолда ички ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлат ўзининг чет элдаги фуқароларига дипломатик ҳимоя тақдим этишга мажбур эмас.

7.4. Бошпана бериш ҳуқуқи

«Сиёсий бошпана» тушунчаси ва уни бериш шартлари. «Сиёсий бошпана» деганда давлат муайян шахс ёки шахсларга ўз фуқаролиги мамлакатида ёки одатдаги яшаш жойида сиёсий сабабларга кўра амалга оширилган таъқиблардан яшириниш имкониятини бериши тушунилади. Сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилиш деганда нафақат сиёсий эътиқодлари учун, балки ижтимоий фаолияти, диний эътиқоди, муайян ирқ ёки миллатга мансублиги ва шу қабилар учун таъқиб қилиш тушунилади.

Худудий ва дипломатик бошпана фарқланади. Худудий бошпана - муайян шахс ёки шахсларга сиёсий таъқиблардан ўз худудида яшириниш имкониятини бериш. Дипломатик бошпана - муайян шахс ёки шахсларга сиёсий таъқиблардан чет давлатнинг дипломатик ваколатхонаси, консуллик ваколатхонаси биносида ёки чет давлатнинг ҳарбий кemasида яшириниш имкониятини бериш. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида шакллланган умумий қоидага кўра, дипломатик бошпана бериш тақиқланади, лекин Лотин Америкасида бундай бошпана бериш имконияти тан олинади.

Халқаро ҳуқуқ институти сифатидаги бошпана бериш ҳуқуқи ва давлат ички ҳуқуқи сифатидаги бошпана бериш ҳуқуқини фарқлаш лозим. Биринчи ҳолда сиёсий бошпана бериш билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий нормалар, иккинчи ҳолда давлат ички нормалари мажмуи тўғрисида сўз юритилади. Шундай қилиб, тегишли юридик нормаларни қабул қилган давлатлар сони қанча бўлса, сиёсий бошпана бериш давлат ички ҳуқуқи институтлари сони ҳам шунчадир.

Сиёсий бошпана сўраб мурожаат этиш ўз ҳолича бундай бошпана ўз-ўзидан берилишини аниқламайди.

Халқаро ҳуқуқда сиёсий бошпана бериш институти, асосан, одат ҳуқуқи билан боғлиқ. БМТ доирасида бу нормаларни кодекслаштиришга ҳаракат қилинган. БМТ Бош ассамблеяси 1967 йил 14 декабрда ҳудудий бошпана тўғрисида Декларация (2312/XXII сон резолюция) қабул қилган.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳудудий бошпана беришга тааллуқли энг муҳим қоидаси қуйидаги мазмунга эга (у Декларация 1-моддасининг биринчи бандида мустаҳкамлаб қўйилган): муайян давлат ўз суверенитетини амалга ошириш тартибида тақдим этадиган бошпана қолган барча давлатлар томонидан ҳурмат қилиниши лозим. Бошқача айтганда, бошпана бериш – давлатнинг суверен ҳуқуқи. У муайян шахс ёки шахсларга бошпана бериши ҳам, бошпана беришни рад этиши ҳам мумкин. Лекин давлат муайян шахс ёки шахсларга бошпана бериб, ўзининг бошпана бериш ҳуқуқидан фойдаланган бўлса, бу ҳолат бир қанча халқаро ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Сиёсий бошпана бериш учун асослар ва унинг таомили (суд таомили, маъмурий таомил), шунингдек, бошпана олган шахсларнинг мақоми давлатнинг ички қонунчилигига боғлиқ бўлади.

Сиёсий бошпана бериш асослари ички қонунчиликка боғлиқ бўлса, давлатларнинг муайян тоифага мансуб шахсларга бундай бошпана бермаслик мажбурияти халқаро ҳуқуқ нормалари (тамойиллари, шартнома ва одат нормалари)да назарда тутилади. Бу қоида ҳудудий бошпана тўғрисидаги Декларация 1-моддаси иккинчи бандида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, тинчликка қарши жиноят, ҳарбий жиноят ёки инсониятга қарши жиноят содир этган деб ҳисоблаш учун жиддий асослар мавжуд бўлган шахснинг бошпана қидириш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи тан олинмайди. “Ҳарбий жиноятчилар” ва “инсониятга қарши жиноятда айбдор шахслар” тушунчалари бир қанча халқаро ҳужжатларда, хусусан, 1968 йил Ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан муддатлар ўтиши қоидаси қўлланмаслиги тўғрисидаги конвенцияда ва 1945 йил 8 августда имзоланган Лондон битимининг узвий қисми ҳисобланган Нюрнберг трибунали Уставида акс эттирилган. Устав тамойиллари Бош Ассамблеянинг 1946 йил 11 декабрь резолюциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари сифатида қайд этилган.

Сиёсий бошпана беришнинг халқаро ҳуқуқий оқибатлари. Сиёсий бошпана беришнинг асосий халқаро ҳуқуқий оқибати дав-

латнинг бундай бошпана олган шахсни топширмаслик мажбурия-тидир. Худудий бошпана тўғрисидаги Декларацияда давлат бу мажбуриятни халқаро ҳамжамият олдида бажариши қайд этилган.

Бу ерда сиёсий бошпана беришни муайян шахсга маълум давлат худудида доимий яшашга рухсат бериш билан адаштирмаслик керак. Сўнгги ҳолатда давлат ўз зиммасига ҳеч қандай халқаро ҳуқуқий мажбурият олмайди.

Кўпинча сиёсий бошпанага ўзи ташлаб кетган давлатда сиёсий жиноятчи ҳисобланадиган шахс даъвогар бўлади. Шу муносабат билан мазкур шахс сиёсий жиноятчи эканлиги ёки бундай эмаслигини, у сиёсий бошпана олишга даъвогар бўла олиш-олмаслигини баҳолаш ҳуқуқига ким эга бўлади, деган савол туғилади. Бу ерда кўпинча низоли ҳолатлар юзага келади. Худудий бошпана тўғрисидаги Декларацияда мустаҳкамланган тамойилга кўра, бу масалани бошпана бераётган давлат ҳал қилади.

Умумий жиноят содир этган шахсга бошпана берилиши мумкин эмас, деган қонидани унда эътироф этилган.

Кўпгина халқаро шартномаларда белгиланган қоидага мувофиқ, давлат бошлиғини ўлдирган ёки унинг жонига қасд қилган шахс сиёсий жиноятчи ҳисобланмайди, яъни топширилиши мумкин. Тўғри, бу норма фақат шартнома билан белгилаб қўйилган тақдирда амал қилади. Баъзан у ички қонунчиликда ҳам мустаҳкамлаб қўйилади. 1957 йил Фарбий Европа давлатлари жиноятчиларни топшириш тўғрисида Европа конвенциясини туздилар. Юқорида зикр этилган норма шу конвенцияда ўз аксини топди. Илгари у 1937 йилги Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияда мустаҳкамлаб қўйилган эди (бу Конвенция кучга кирмай қолди).

Сиёсий бошпана беришнинг иккинчи халқаро ҳуқуқий оқиба-ти шундан иборатки, муайян шахсга бундай бошпана берган давлат мазкур шахснинг ҳуқуқлари чет элда бузилган ҳолда уни квазидипломатик ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу масала, айтайлик, муайян сабабларга кўра бошпана олган шахс учинчи мамлакатга вақтинчалик чиққан ҳолларда юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда шахснинг ўзи квазидипломатик ҳимоя олиш ҳуқуқига эга бўладими, йўқми – бу тегишли давлатнинг ички қонунчилигига боғлиқ, лекин бошпана берган давлат халқаро ҳуқуқий маънода, яъни мазкур шахснинг ҳуқуқлари бузилган давлатга нисбатан ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади. Кўрсатилган ҳимоя квазидипломатик деб аталишининг сабаби шундаки, у сиртдан (давлат ўз фуқароларига кўрсатадиган) дипломатик ҳимояга ўхшаш бўлиб, ундан айнан унинг ўз фуқароларига кўрсатилмаслиги билан фарқ қилади. У манфаатдор шахс-

ларнинг фуқаролиги билан эмас, балки махсус мақоми билан белгиланади.

Бошпана олган шахсга ҳатто у тарк этишга мажбур бўлган давлатга нисбатан, масалан, уни мазкур давлат агентлари ўғирлаганида квазидипломатик ҳимоя тақдим этиш масаласи туғилган ҳолатлар амалиётда учрайди.

Сиёсий бошпана беришнинг учинчи халқаро ҳуқуқий оқибати шундан иборатки, муайян шахсга сиёсий бошпана берган давлат унинг фаолияти учун жавобгар бўлади. Бошқача айтганда, у бундай шахслар сиёсий бошпана олган шахслар мақомидан фойдаланаётган даврда ўзлари қочиб келган давлатларга нисбатан зўравонлик ҳаракатлари содир этишига йўл қўймаслиги шарт. Бу мазкур шахслар ўзлари тарк этган давлат тузумини танқид қилмасликлари керак деган маънони англатмайди. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари бундай танқидга йўл қўяди ва у бошпана берган давлатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Худудий бошпана тўғрисидаги Декларацияда (4-модда) сиёсий бошпана олган шахслар муайян ҳаракатлар содир этиши мумкин эмаслиги ҳақидаги фикр кенгроқ таърифланган: “Бошпана берган давлат бошпана олган шахсларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва тамойилларига зид бўлган фаолият билан шуғулланишига рухсат бермаслиги лозим”. Бошпана олиш ҳуқуқи шахсларга бевосита халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан берилмайди. У шахсларнинг ҳуқуқи сифатида давлат ички ҳуқуқи доирасида мавжуд бўлади. Халқаро ҳуқуқ нормалари фақат давлатнинг муайян тоифага мансуб шахсларга сиёсий бошпана бериш ҳуқуқини ва бошқа давлатларнинг бу ҳуқуқни ҳурмат қилиш бурчини мустаҳкамлаб қўяди.

Сиёсий эмигрантни бошпана излашга мажбур қилган ҳолатлар барҳам топган ёки сиёсий эмигрант ўзига бошпана берган давлатнинг фуқаролигини олган тақдирда сиёсий бошпана тугатилади. Сиёсий эмигрант ўзига бошпана берган давлатнинг фуқаролигини олган ҳолда мазкур давлат унда ўз худудидан бошпана олган шахсларга берадиган муайян имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ҳуқуқда “аҳоли” тушунчаси нимани англатади?
2. Халқаро ҳуқуқда “фуқаролик институтлари”нинг аҳамияти қандай?
3. Фуқароликни қабул қилиш ва тугатишнинг қандай усуллари мавжуд?

4. Икки фуқаролик мавжудми?
5. “Фуқаросизлик” нима?
6. Қандай ҳужжатлар билан фуқароликни олиш, фуқароликнинг йўқлиги тасдиқланади?
7. Қочоқлар тоифаси нимани билдиради?
8. Кўчирилган шахслар кимлар?
9. Чет элликлар тоифасига кимлар киради?
10. Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай?
11. Чет элликларнинг ўз давлати ва ҳудудида турган давлат билан ўзаро муносабатлари қандай?
12. Давлатга кириш ва ундан чиқиб кетиш тартиби қандай белгиланади?
13. “Сиёсий бошпана” тушунчаси нимани англатади?
14. “Сиёсий бошпана” беришнинг қандай шартлари мавжуд?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., «Адолат», 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т., «Ўзбекистон», 2000.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., «Ўзбекистон», 2005.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.
6. Ашавский Б.М. Межправительственные конференции. -М., 1980.
7. Боярс Ю.Р. Вопросы гражданства в международном праве. -М., 1986.
8. Галенская Л.Н. Право убежища. М., 1968.
9. Действующее международное право. В трёх томах. Т.,1. -М., 1996. Раҳд V
10. Действующее международное право в 3-х томах. Ю.М.Колосов, С.Кривчикова. -М., Московский независимый институт международного права, 1997
11. Зайцева О.Г. Международные организации. -М., 1989.
12. Клименко Б.М. Мирное решение территориальных споров. -М., 1982
13. Курс международного права. В семи томах. Т. 3. М., 1990. - Гл. 1, Т. 2. -М., 1989. - Гл. 5 и 6.
14. Клименко Б.М. Государственная территория. -М., 1974.
15. Крылов С.Б. Правотворческая деятельность международных организаций. -М., 1988.
16. Международные пакты о правах человека, (Сб. документов). - СПб, Россия - Нева, 1993.
17. Черниченко С.В. Международно-правовые вопросы гражданства. - М., 1968.

8-мавзу. Халқаро шартномалар

- 8.1. *Халқаро шартнома: тушунчаси, турлари. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси. 1969 йил.*
- 8.2. *Халқаро шартномаларни тузиш босқичлари. Ратификация қилиш. Шартноманинг кучга кириши. Шартномани рўйхатдан ўтказиш.*
- 8.3. *Халқаро шартномаларнинг шакли ва тузилиши. Халқаро шартномаларда эслатмалар ва уларни шарҳлаш.*
- 8.4. *Халқаро шартномаларнинг ҳақиқий эмаслиги, уларни тўхтатиш ва амал қилишини тўхтатиб туриш. Денонсация қилиш.*

8.1. Халқаро шартнома: тушунчаси, турлари.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси (1969 йил)

Халқаро шартнома ва битимлар тузиш давлатлар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ҳуқуқий ҳамкорлигининг энг кенг тарқалган шаклларида биридир. **Халқаро шартнома** – халқаро ҳуқуқнинг икки ёки ундан ортиқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш йўли билан тартибга солинадиган келишуви. Халқаро шартнома халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади. Айни вақтда, у давлатнинг ташқи функцияларини амалга оширишининг муҳим воситаси ҳамдир. Ҳозирги вақтда жаҳонда ярим миллиондан ортиқ кўп тарафлама ва икки тарафлама халқаро шартномалар мавжуд. Халқаро шартномалар ҳуқуқининг асосий манбалари қуйидагилардир: Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси (1969 йил); Шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий вориблиги тўғрисидаги Вена конвенцияси (1978 йил); Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси (1986 йил). Халқаро шартномалар тузиш, уларни бажариш ва денонсация қилиш тартибига доир қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгилаб қўйилган.

Халқаро амалиётда халқаро муносабатларнинг турли маса-

лалари бўйича давлатларнинг келишилган позициялари ўз аксини топган бошқа ҳужжатлар ҳам қўлланади. Масалан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Кенгаш доирасида Якуний ҳужжат (1975 йил) ва Янги Европа учун Париж хартияси (1989 йил) каби ҳужжатлар амал қилади. Бу ҳужжатлар сиртдан шартномаларни эслатади, лекин ЕХХКга аъзо давлатлар бу ҳужжатларни шартнома шаклида тузишни хоҳламадилар. Ушбу ҳужжатлар БМТ Котибиятида рўйхатдан ўтказилмади. Ваҳоланки, БМТ Уставининг 102-моддасида шу талаб назарда тутилган.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг моддий ҳамда номоддий неъматлар, ҳаракатлар ва ҳаракатлардан ўзини тийишга доир муносабатлари халқаро шартноманинг объекти ҳисобланади. Халқаро шартноманинг объектини давлатлар ўзи белгилайди. Шакланган халқаро амалиётга кўра, халқаро ишларга доир масала ҳам, давлатнинг ички ишларига тегишли масала ҳам халқаро шартнома объекти бўлиши мумкин. Лекин давлатлар ўзларининг мутлақ ваколатига кирувчи масалаларни шартномалар объектига айлантирмайдилар. Қоида тариқасида, шартнома объекти шартноманинг номида акс эттирилади.

Халқаро шартноманинг мақсади деганда, халқаро ҳуқуқ субъектлари шартнома тузиш орқали амалга ошириш ёки эришишни кўзлаётган нарса ёки ҳодиса тушунилади. Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун шартномадан восита сифатида фойдаланади. Мақсад, одатда, шартнома муқаддимаси ёки дастлабки моддаларида белгиланади. Масалан, БМТ Уставининг 1-моддасида БМТ Уставини қабул қилиш ва уни тузиш мақсадлари таърифланган.

Халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномаларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган барча субъектлари шартнома тарафлари (субъектлари) бўлиши мумкин. Вена конвенциясининг (1969 йил) 6-моддасига биноан, “ҳар бир давлат шартномалар тузиш ҳуқуқ лаёқатига эгадир”. Ўз навбатида, халқаро ташкилотнинг шартномалар тузиш ҳуқуқ лаёқати “шу ташкилотнинг қоидалари билан тартибга солинади” (Вена конвенциясининг (1986 йил) 6-моддаси). Қоидалар деганда, хусусан, “ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари, уларга мувофиқ қабул қилинган қарорлар ва резолюциялар, шунингдек, мазкур ташкилотнинг таркиб топган амалиёти” тушунилади (1986 йил Вена конвенцияси 1-моддаси биринчи банди). Бошқача қилиб айтганда, давлатларнинг шартно-

маларга нисбатан ҳуқуқ лаёқати чекланмаган ва улар ҳар қандай масалалар бўйича шартномалар тузишлари мумкин бўлса, халқаро ташкилотларнинг шартномалар тузиш ҳуқуқ лаёқати, аввало, уларнинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Амалиётдан келиб чиқиб, Вена конвенцияларининг (1969 йил) (1986 йил) биринчи моддаларида “музокараларда иштирок этаётган давлат”, “музокараларда иштирок этаётган ташкилот”, “аҳдлашаётган давлат”, “аҳдлашаётган ташкилот”, “иштирокчи”, “учинчи давлат” ва “учинчи ташкилот” тушунчаларидан фойдаланилади.

Музокараларда иштирок этаётган давлат – шартнома матнини тузиш ва қабул қилишда иштирок этган давлат, аҳдлашаётган давлат – шартнома кучга кирган ё кирмаганлигидан қатъи назар, унинг мажбурийлигига рози бўлган давлат. Шартнома иштирокчилари қаторига шартнома ўзи учун мажбурий кучга эга бўлишига розилик билдирган давлатлар киради. Шартномага қўшилмаган давлатлар учинчи давлатлар деб аталади. Давлатларга нисбатан айtilган фикрларнинг барчаси халқаро ташкилотларга ҳам тааллуқлидир.

Вена конвенциясида (1969 йил) халқаро шартномалар турли ижтимоий-иқтисодий тизимларга мансуб давлатлар ўртасида ҳамкорлик воситаси сифатида муҳим роль ўйнаши қайд этилган. Халқаро шартномаларда шартнома ҳуқуқининг турли-туман масалалари, чунончи, халқаро шартномалар тузиш тартиби, уларнинг учинчи давлатлар учун аҳамияти, шартномаларнинг ҳақиқий эмаслиги учун асослар, эслатма бериш ҳуқуқи, бири-бирини тан олмайдиган давлатларнинг шартномада иштирок этиши, давлатларнинг универсал шартномаларда иштирок этиш ҳуқуқи, депозитарий функциялари ва халқаро шартномалар ҳуқуқининг бошқа муҳим масалалари муҳокама қилинади. Вена конвенцияси (1969 йил) халқаро шартномалар ҳуқуқининг асосий манбаи ҳисобланади.

Халқаро шартномаларнинг таснифи ва турлари.

1. Иштирокчилар сонига кўра:

– **икки тарафлама халқаро шартномалар.** Халқаро шартномалар, асосан, икки тарафлама бўлади. Бир тарафда бир давлат, иккинчи тарафда бир неча давлат иштирок этувчи шартномалар ҳам икки тарафлама шартномалар ҳисобланади (масалан, 1947 йилги тинчлик шартномалари);

– **кўп тарафлама халқаро шартномалар.** Кўп тарафлама шартномаларга барча давлатлар иштирок этиши мўлжалланган уни-

версал (умумий) шартномалар ва иштирокчилари сони чекланган шартномалар киради. Шартномаларнинг биринчи турига, масалан, Вена конвенциялари (1969, 1986 йил), иккинчи турига – Европа Иқтисодий ҳамжамияти тузиш тўғрисидаги Рим шартномаси (1957 йил) киради.

2. Тартибга солиш объектларига кўра:

– **сиёсий халқаро шартномалар** (иттифоқ тузиш, ҳужум қилмаслик, нейтралитет тўғрисида, қуролсизланиш соҳасида ва ҳ.к.);

– **иқтисодий халқаро шартномалар** (савдо битимлари, заёмлар, кредитлар ва ҳ.к. тўғрисидаги битимлар);

махсус халқаро шартномалар (ҳарбий, транспорт бўйича, алоқа соҳасида ва ҳ.к.).

3. Ҳудудий таъсирга кўра:

– **универсал халқаро шартномалар.** Вена конвенциясига (1969 йил) биноан, халқаро ҳуқуқни кодекслаштириш ва ривожлантириш масалаларига тегишли ёки объект ва мақсади халқаро ҳамжамият аҳамиятига молик бўлган халқаро шартномалар универсал халқаро шартномалар ҳисобланади;

– **маҳаллий халқаро шартномалар** – иштирокчи давлатлар сони чекланган халқаро шартномалар (масалан, бир географик минтақа давлатлари иштирок этувчи шартномалар).

4. Халқаро шартномада иштирок этиш имкониятига кўра:

– **очиқ халқаро шартномалар**, яъни бошқа (учинчи) давлатлар қўшилиш ҳуқуқига эга бўлган шартномалар;

– **ёпиқ халқаро шартномалар.** Қўшилиш учун иштирокчиларнинг розилиги талаб этиладиган шартномалар ёпиқ шартномалар ҳисобланади. Масалан, Вена конвенцияси (1986 йил) очиқ, Рим шартномаси (1957 йил) ёпиқ шартномадир.

5. Амал қилиш муддатига кўра:

– **муддатли халқаро шартномалар**, яъни муайян муддатга тузиладиган шартномалар;

– **муддатсиз халқаро шартномалар** (масалан, СССР ва АҚШ ўртасида тузилган 1973 йилги Ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги битим).

Шартнома тили – шартнома матни тузиладиган тил. Уни ахдлашаётган тарафларнинг ўзи белгилайди. Икки тарафлама шартнома, қоида тариқасида, ахдлашаётган икки тарафнинг тилида тузилади. Айни вақтда, улар бошқа бир тилни танлашлари ҳам мумкин. Баъзан ахдлашаётган тарафлар икки тилидан ташқари улар учинчи (нейтрал) тилда ҳам матн тузадилар. Шар-

тнома матнини шарҳлашга айнан шу учинчи тилдаги матн асос бўлади. Кўп тарафлама шартномалар аҳдлашаётган тарафлар белгилаган тилда тузилади. БМТ доирасида, БМТ муассасалари ёки бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги шартномалар шу ташкилот расмий тилларида тузилади.

Ўрта асрларда барча шартномалар одатда латин тилида ёзилар эди. XVII асрдан латин тилини француз тили сиқиб чиқарди ва XX аср бошида француз тили билан бир қаторда инглиз тили ҳам дипломатия тилига айланди. XX асрда халқаро шартномаларни умумэътироф этилган бир тилда тузиш одатидан воз кечилди.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг рус тили халқаро тил сифатида тан олинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин рус тили дипломатия майдонида айниқса кенг қўлланила бошланди. Масалан, БМТ Устави рус, француз, инглиз, хитой ва испан тилларида тузилган. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили (ўзбек тили) ва аҳдлашаётган бошқа тарафнинг (тарафларнинг) тили ҳисобланади.

8.2. Халқаро шартномаларни тузиш босқичлари.

Ратификация қилиш. Шартноманинг кучга кириши. Шартномани рўйхатдан ўтказиш

Вена конвенцияларида (1969 ва 1986 йил) “шартнома тузиш” тушунчасига таъриф берилмаган. Халқаро амалиётдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, халқаро шартнома тузиш давлатнинг музокаралар олиб боришдан шартнома кучга киргунга қадар бўлган барча ҳаракатларини англатади. Халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқи давлатларнинг асосий ҳуқуқлари қаторига кирди ва уларнинг ўз суверенитетини амалга оширишини ифода этади, шу боис халқаро шартномалар тузиш ваколатига эга органлар одатда мамлакат конституциясида белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Президент “музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди” (93-модданинг тўртинчи банди). Шартномани имзолаш чоғида ваколатли шахслар ваколатларни алмашадилар. Давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, Ташқи ишлар вазири ваколатга муҳтож эмас.

Халқаро шартномани тузиш жараёни босқичларга бўлиниши мумкин. Халқаро шартномани тузиш босқичларига шартнома матнини тузиш ва қабул қилиш, шартнома матнларининг айнан бир хиллигини аниқлаш ҳамда унинг мажбурийлигига розилик билдириш киради.

Қоида тариқасида, шартнома тузишга шартнома ташаббуси, яъни бир давлат ёки давлатлар гуруҳининг муайян шартномани тузиш тўғрисидаги таклифи туртки беради. Таклиф билан бир вақтда шартнома матнининг лойиҳаси ҳам тақдим этилади. Шартнома матнини тайёрлаш одатдаги дипломатик каналлар орқали, халқаро конференция ва халқаро ташкилотларда музокаралар олиб бориш йўли билан амалга оширилади. Шартноманинг мазмуни, мақсади, номи ва ҳ.к. айнан музокаралар босқичида келишилади. Шу боисдан музокаралар халқаро шартноманинг шаклланиш жараёнидаги асосий босқичларидан биридир. Шартнома матнини тайёрлаш юзасидан давлатлар ўртасидаги музокаралар шартнома матнини қабул қилиш билан якунланади. Халқаро амалиёт халқаро конференциялар ва халқаро ташкилотларда шартнома матнини қабул қилишнинг янги шаклини ишлаб чиқди. Бунда шартнома матни иштирокчиларнинг биронтаси ҳам эътироз билдирмаган тақдирда овозга қўйилмасдан, иштирокчиларнинг позицияларини мувофиқлаштириш йўли билан қабул қилинади. Шартнома матнини қабул қилишнинг мазкур шакли консенсус деб аталади.

Музокаралар якунланганидан сўнг халқаро шартнома матнларининг айнийлиги (аутентиклиги)ни аниқлаш зарур. Шартнома матнлари шартнома иштирокчиларининг тилларида расмийлаштирилади. Бунда ҳар хил тилда тузилган матнлар ўз мантиқий мазмунига кўра бир-бирига мос келиши шарт.

Давлатлар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари шартноманинг мажбурийлигига розилик билдириши шартнома тузишнинг охириги босқичи ҳисобланади. Розилик билдиришнинг қуйидаги усуллари назарда тутилган: шартномани имзолаш, парафирлаш, шартномани ташкил этувчи ҳужжатлар алмашиш, шартномани ратификация қилиш, уни қабул қилиш, тасдиқлаш, унга қўшилиш ёки тарафлар келишган бошқа ҳар қандай усуллар.

Парафирлаш – шартнома матнини тарафларнинг вакиллари исм-шарифининг бош ҳарфлари билан дастлабки тарзда имзолаш; бу шартноманинг мазкур матни тарафлар ўртасида келишилганидан ва бирон-бир тараф уни ўзгартириши мумкин эмас.

лигидан далолат беради. Шартноманинг мажбурийлигига розилик билдиришнинг энг кенг тарқалган усули уни имзолашдир. Имзолаш, яъни давлатнинг мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятни бажаришга розилиги: а) шартнома матнининг ҳақиқийлиги тасдиқланганлигини; б) тарафлар шартнома қайд этилган мажбуриятларнинг мазмунига қўшилишини англатади. Агар шартномани ратификация қилиш назарда тутилмаган бўлса, уни имзолаш халқаро шартномани узил-кесил юридик кучга киритадиган яқунловчи босқич эканлигини англатиши мумкин. Ad referendum (шартли равишда) имзолаш мавжуд бўлиб, у мазкур имзолаш тегишли давлат ёки халқаро ташкилот томонидан тасдиқланиши лозимлигини англатади. Халқаро шартномаларни имзолашга оид баъзи тушунчалар мавжуд. **Скрепали имзолаш** - халқаро шартноманинг ташқи ишлар идораси бошлиғи томонидан имзоланиши. **Альтернат қондаси** - икки тарафлама шартномада ҳар бир тараф ўз нухасини биринчи бўлиб имзолайди. Қўп тарафлама шартномада шартнома лотин алифбоси тартибида навбатма-навбат имзоланади.

Шартноманинг мажбурийлигига розилик билдиришнинг навбатдаги усули **ратификация**дир. Вена конвенцияларига мувофиқ, ратификация - халқаро аҳамиятга молик тадбир. Ратификация халқаро ҳуқуқ шартномалар мажбурий аҳамият касб этиши учун зарур деб тан оладиган таомилни англатади. Ратификация қилиниши лозим бўлган халқаро шартномалар доирасини шартнома тарафлари белгилайди, шунингдек, давлатнинг ўзи ҳам белгилаб қўяди. Масалан, 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ имзоланган халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар Олий Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади. Ратификация қилиш тўғрисидаги қарор ваколатли органнинг ҳужжатини қабул қилиш йўли билан, шунингдек, ратификация ёрлиғи деб аталадиган махсус ҳужжат билан расмийлаштирилади. Ратификация ёрлиғи - давлатнинг ваколатли органи халқаро шартномани кўриб чиққанлигидан гувоҳлик берувчи ва халқаро шартнома давлат учун мажбурийлигига рози эканлигини ифодаловчи махсус ҳужжат. Бу икки тарафлама шартномалар тузилган ҳолларда ратификация ёрлиқларини алмашиш ва кўп тарафлама шартномалар тузилган ҳолларда уларни депозита-

рийга сақлашга топширишни англатади. Халқаро шартнома ратификация қилинганидан сўнг давлат учун мажбурий кучга киради.

Депозитарий – кўп тарафлама халқаро шартноманинг ва унга тегишли бўлган барча ҳужжатларнинг асл матнини сақловчи давлат ёки халқаро ташкилот. Депозитарийни давлатларнинг ўзлари белгилайди. Одатда, ҳудудда шартнома имзоланган давлат депозитарий сифатида белгиланади. Халқаро шартномаларнинг депозитарийси вазифасини кўпинча БМТ Бош котиби бажаради. Депозитарийнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат: шартнома нусхаларини иштирокчи давлатларга юбориш; шартнома иштирокчиларига унга янги давлатлар қўшилгани ёки шартномадан айрим давлатлар чиққани, шартномага киритилган эслатмалар ҳақида маълумот бериш. Депозитарий шартномани БМТ Котибиятида рўйхатдан ўтказади.

Агар давлат халқаро шартномани ишлаб чиқишда бошдан иштирок этмаган бўлса, у шартномага унда назарда тутилган шартларда қўшилиши (уни қабул қилиши) мумкин.

Рўйхатдан ўтказиш ва эълон қилиш халқаро шартноманинг шаклланиш жараёнини яқунлайди. Ҳозирги вақтда халқаро шартномани рўйхатдан ўтказиш талаби БМТ Уставининг 102-моддасида қайд этилган бўлиб, унга биноан БМТ аъзоси бўлган ҳар қандай давлат томонидан тузилган халқаро битим БМТ Котибиятида рўйхатдан ўтказилиши ва эълон қилиниши лозим. Шартноманинг рўйхатдан ўтказилганлиги унинг кучга киришига, шунингдек, унинг мазмуни, амал қилиши ва ҳ.к.га таъсир этмайди. БМТда рўйхатдан ўтказилган барча шартномалар БМТнинг махсус тўпламларида эълон қилинади.

Халқаро шартномаларни давлат ичида эълон қилиш **промульгация** деб аталади. Масалан, Россия Федерациясида давлат томонидан тузилган халқаро шартномалар “Халқаро шартномалар ахборотномаси”да эълон қилинади.

Халқаро шартномалар ҳуқуқида “учинчи давлат” тушунчаси мавжуд. Учинчи давлат – муайян халқаро шартнома иштирокчиси бўлмаган ҳар қандай давлат. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 34-моддасига биноан, шартнома “учинчи тарафнинг розилигисиз шу учинчи тараф учун ҳуқуқлар ёки бурчларни вужудга келтирмайди”. Халқаро шартнома унинг иштирокчиси бўлмаган давлатларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл этиши мумкин эмас, шунингдек, у учинчи давлатларни уларнинг ажралмас ҳуқуқларидан ҳам маҳрум қила олмайди.

Лекин учинчи давлат аниқ розилик билдирган тақдирда, унинг

учун шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келиши мумкин. Бунда учинчи давлатларга бериладиган ёки юкландиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар халқаро ҳуқуқнинг императив нормалари ҳамда тамойилларига зид келмаслиги керак. Вена конвенциясига кўра, учинчи давлатлар учун мажбуриятларни назарда тутувчи шартномалар (35-модда) ва улар учун муайян ҳуқуқларни назарда тутувчи шартномалар (36-модда) фарқланади. Конвенцияда шундай деб қайд этилган: “Шартномада белгиланган муайян норма учинчи давлат учун халқаро ҳуқуқнинг одат нормаси сифатида мажбурий аҳамият касб этишига ҳеч нарса монелик қилмайди” (38-модда).

8.3. Халқаро шартномаларнинг шакли ва тузилиши.

Халқаро шартномаларда эслатмалар ва уларни шарҳлаш

Халқаро шартномалар шакли. Шартнома, қоида тариқасида, ёзма шаклда тузилади. Лекин Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенцияси оғзаки шаклни (“жентльменлик келишуви”ни) ҳам тан олади. Бироқ оғзаки шаклда шартномалар жуда кам тузилади, шу боис халқаро шартномаларнинг энг кенг тарқалган шакли ёзма шакл ҳисобланади. Зотан, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари айнан ёзма шаклда аниқ ва муайян тарзда қайд этилади.

Халқаро шартнома ўзаро боғланган нормаларнинг ягона тизимидир. Бу нормалар жамулжам ҳолда ва ҳар бири алоҳида тарафлар учун мажбурийдир.

Халқаро шартнома тузилиши деганда, шартноманинг таркибий қисмлари тушунилади. Унга шартноманинг номи, муқаддимаси, асосий ва яқунловчи қисмлари, тарафларнинг имзолари кирази.

Муқаддима шартноманинг муҳим қисмидир. Унда, одатда, шартноманинг тарафлари (иштирокчилари), шартнома тузиш ваколати берилган шахслар, уларнинг ваколатлари кўрсатилади. Кўпинча муқаддимада тарафларни шартнома тузишга даъват этган мақсад ва сабаблар баён қилинади. Бундан ташқари, муқаддимадан шартномани шарҳлашда ҳам фойдаланилади.

Шартноманинг асосий қисми моддаларга бўлинади, айрим

моддалар гуруҳларга (БМТнинг Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияси (1982 йил)), бобларга (БМТ Устави) ёки қисмларга (Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил)) бирлаштирилиши мумкин. Айрим шартномаларда моддалар, шунингдек, бўлимлар (боблар, қисмлар) номланиши ҳам мумкин.

Шартноманинг якунловчи қисмида уни кучга киритиш ва тўхтатиш шартлари, шартнома матни тузилган тил каби қоидалар баён этилади.

Шартномага ҳар хил иловалар (шартнома шартларини бажариш бўйича техник-юридик нормалар), баённомалар, хатлар, тарафларнинг ноталари илова қилиниши мумкин. Шартнома матнида назарда тутилган тарафларнинг келишувига биноан иловалар асосий шартноманинг ажралмас қисмини ташкил этиши ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлиши мумкин.

Шартнома матни, қоида тариқасида, бир ҳужжатда ифодаланлади. Лекин шартнома ноталар, хатлар алмашиш йўли билан тузилган ҳолларда унинг матни икки ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган ҳужжатларда (айни ҳолда аҳдлашаётган тарафлар алмашган ноталар ёки хатларда) ифодаланлади.

Шартномалар ҳар хил номланиши (масалан, конвенция, комюнике, битим, шартнома, хартия, устав, пакт, декларация, баённома, ҳужжат ва ҳ.к.) ёки номсиз бўлиши мумкин. Халқаро шартноманинг **мазмунига кўра** номлари:

- пакт - ҳарбий-сиёсий шартнома;
- битим - иқтисодий масалалар бўйича ҳукуматлараро шартнома;
- конвенция - техник (процессуал) масалалар бўйича шартнома;
- картель - жиноятчилар ва ҳарбий асирларни топшириш тўғрисидаги шартнома;
- конкордат - Ватикан билан тузилган шартнома.

Халқаро шартномага эслатма - халқаро шартнома тарафларидан бирининг шартнома муайян қоидаларини айти тарафга нисбатан қўллашни бекор қилиш ёки ўзгартириш нияти ҳақидаги бир тарафлама баёноти. Эслатма киритиш ҳуқуқи ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқидир.

Эслатма тарафлар шартнома ўзи учун мажбурийлигига розилик билдираётганида, хусусан, халқаро шартномани имзолаш, тасдиқлаш, ратификация қилиш пайтида киритилиши мумкин. Одатда, эслатма имзолаш чоғида ёзма равишда қайд этилади ёки ҳужжатга ёхуд ратификация ёрлигига киритиладики, бу ҳақда

шартнома депозитарийи шартноманинг бошқа тарафларига хабар бериши шарт. Шартноманинг ҳар бир иштирокчиси ўз эътирозлари ёки эслатмаларини тақдим этишга ҳақли. Эслатма киритган иштирокчи исталган пайтда уни бекор қилишга ҳақлидир.

Агар шартнома ратификация қилиниши лозим бўлса, уни имзолаш пайтида киритилган эслатма ратификация ёрлиғида ифодаланиши лозим. Шартнома иштирокчиларнинг чекланган сони ўртасида тузилган бўлса ёки объекти ва мақсадларидан у айрим иштирокчилар ўртасида қўлланиши лозимлиги англашилса, шартнома унинг барча иштирокчилари томонидан қабул қилиниши зарур, лекин тарафлардан бири эслатмага қарши эътироз билдирган бўлса, бу давлатлар мазкур шартномада иштирок этишига монелик қилмайди, бироқ эслатмага қарши эътироз билдирган давлат ва эслатмани киритган давлат ўртасида эслатма масаласига доир ҳуқуқий муносабат амал қилмайди.

Баъзан Халқаро ҳуқуқ доктринасида эслатмалар фақат кўп тарафлама шартномаларга киритилиши лозим, деган фикрлар билдирилади. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг амалиётида эслатмалар киритилган икки тарафлама шартномалар мавжуд. Масалан, АҚШ 1979 йил Панама каналининг доимий бетарафлиги ва амал қилиши тўғрисидаги икки тарафлама шартномага эслатма киритган. 1961 йил Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясида икки тарафлама шартномаларга эслатма киритиш мумкин эмаслиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Халқаро шартномани шарҳлаш – мақсади шартноманинг ҳақиқий мазмунини, шунингдек, тарафларнинг шартномани тузиш пайтидаги ниятини аниқлаш бўлган Вена конвенциясида икки тарафлама шартномаларга эслатма киритиш мумкин эмаслигидан иборат бўлган ҳуқуқий жараён. Шарҳлаш тамойилларига кўра, аввало, шартнома ҳолисона шарҳланиши лозим. Шартнома матни унинг муқаддимаси ва иловалари, шунингдек, шартномага тегишли бўлган барча битимлар билан муштарак ҳолда шарҳланиши зарур. Бунда бир ёки бир неча иштирокчилар томонидан шартномага оид тузилган ҳар қандай ҳужжат эътиборга олинади.

Агар шартнома унинг иштирокчилари томонидан шарҳланаётган бўлса, бундай шарҳлаш **аутентик шарҳлаш** деб аталади. Шарҳлашнинг мазкур тури олий юридик кучга эга.

Аутентик шарҳлаш билан бир қаторда, халқаро органлар

томонидан амалга ошириладиган халқаро шарҳлаш ҳам қўлла-нилади. Шарҳлашнинг ушбу шакли шартноманинг ўзида назарда тутилиши ёки унинг иштирокчилари томонидан алоҳида тартибда келишилиши мумкин. Масалан, 1993 йил Кимёвий қурол-яроғни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, жамғариш ва қўллашни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенцияда иштирокчилар унинг қоидаларини шарҳлаш юзасидан ўртада низо келиб чиққан ҳолларда ўзаро келишувга кўра, БМТ Халқаро судига мурожаат этишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Шартнома тузган давлатнинг органлари кўпинча шартнома-ни ёки унинг муайян қоидаларини шарҳлайдилар. Бу бир та-рафлама шарҳлашдир. Шарҳлашнинг мазкур тури давлат дои-расида амал қилади. У баёнот, декларация шаклида бўлиши ҳам мумкин. Бу баёнот ёки декларацияни давлатлар шартнома-ни имзолаш, ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ёки унга қўшилиш пайтида ҳам, кучга кирган халқаро шартномани амалда қўллаш пайтида ҳам билдиришлари мумкин.

Норасмий шарҳлаш ҳам мавжуд. У илмий жамоалар, айрим олимлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Халқаро шартнома кенг ёки тор доирада шарҳланиши мум-кин эмас. Шарҳлаш пайтида шартнома матнидан ташқари шарҳ-лашнинг қўшимча воситаларидан (тайёрлаш материаллари, шар-тнома тузиш ҳолатлари ва ҳ.к.) ва махсус усуллардан (грамма-тик, мантиқий, тарихий ва системали шарҳлаш усулларидан) фойдаланилиши мумкин. Грамматик шарҳлаш шартномадаги айрим сўзлар маъноси ва шартноманинг мазмунини грамматик ҳамда бошқа қоидалар асосида аниқлашдан иборатдир. Манти-қий шарҳлаш деганда шартноманинг муайян моддасини бошқа моддалар асосида ёки уларни бир-бирига солиштириш йўли билан шарҳлаш тушунилади. Бунда шартнома матнидан ягона, яхлит ҳужжат сифатида фойдаланиш лозим. Шартномани тизимли шарҳлаш унинг қоидаларини бошқа шартномаларга солишти-риш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

8.4. Халқаро шартномаларнинг ҳақиқий эмаслиги, уларни тўхтатиш ва амал қилишини тўхтатиб туриш. Денонсация қилиш

Халқаро иқтисодий муносабатларга доир шартномаларнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги масалани икки нуқтаи назардан: 1) иштирокчи мамлакатнинг ички ҳуқуқи, 2) халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан кўриб чиқиши мумкин.

Шартноманинг ҳақиқийлигини мамлакат ички ҳуқуқи нуқтаи назаридан таҳлил қилиш учун ушбу мамлакатда амалда бўлган қонунларга асосан халқаро шартномаларни имзолаш ва тасдиқлаш ҳуқуқига ким эга эканлигини билиш лозим. Шартноманинг ҳақиқийлигини халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан таҳлил қилиш учун эса шартноманинг мазмуни халқаро ҳуқуқ нормаларига қай даражада мос келишини аниқлаш зарур.

Шартнома ҳуқуқи шартномалар ҳақиқийлиги презумпциясидан келиб чиқади. Ушбу презумпция Вена конвенцияларида “*pacta sunt servanda*” тамойилини таърифлашда ўз аксини топган: “Амалдаги ҳар бир шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурий ва улар томонидан виждонан бажарилиши лозим” (26-модда). Шартноманинг ҳақиқийлиги икки жиҳат – процессуал ва моддий жиҳатларга эга. Биринчи жиҳат шартнома тузиш жараёнининг қонунийлигидан иборат. Шартнома унда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган тарафлар ўртасида тузилади, унинг мажбурийлигига розилик ички ҳуқуқнинг ўта муҳим аҳамиятга молик нормаларини бузмасдан ифодаланади. Моддий жиҳатдан ҳақиқийлик шундан иборатки, шартноманинг мазмуни халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан қонунийдир. Шу боис қонуний мазмунга эга бўлган ва қонуний тузилган шартнома ҳақиқий бўлади. Лекин яна бир жиҳат мавжуд. Шартнома халқаро ҳуқуқ доирасида амалга оширилиши лозим. Шартномани қўллаш амалиёти халқаро ҳуқуқ нормаларининг бузилишига олиб келса, унинг ҳақиқийлиги масаласи кўндаланг бўлади. Тарафлардан бири халқаро шартномани нариги тараф ундан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан фойдаланишда халқаро ҳуқуқ нормаларини бузганлигига асосланган ҳолда тўхтатган ҳолатлар халқаро амалиётда маълум.

Шартноманинг ҳақиқий эмаслиги мутлақ ва нисбий бўлиши мумкин. Мутлақ ҳақиқий эмаслик шартнома тузилган пайтдан эътиборан ҳақиқий эмаслигини англатади. Унинг асослари – вакилнинг мажбурлаши, давлатнинг мажбурлаши, умумий халқаро ҳуқуқнинг императив нормасига зидлик. Нисбий ҳақиқий

эмаслик баҳсли шартнома бўлиб, унинг асослари – хато, алдаш, вакилни пора эвазига оғдириш. Шартноманинг нисбий ҳақиқий эмаслиги ҳолатлари анча кам учрайди.

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига зид шартномаларнинг ҳақиқий эмаслиги умумий эътироф этилган. У БМТ Уставининг 103-моддасидан келиб чиқади. Вена конвенцияларининг 53-моддасига биноан: “Шартномани тузиш пайтида у умумий халқаро ҳуқуқнинг императив нормасига зид бўлса, бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас”. Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари императив нормалар орасида асосий ўрин эгаллайди. Янги императив норманинг вужудга келиши натижасида бунга қадар тузилган ва унга зид бўлган шартномалар ўз кучини йўқотади (Вена конвенцияларининг 64-моддаси). Ҳақиқий эмаслиги аниқланган шартнома қоидалари юридик кучга эга бўлмайди. Ҳар бир иштирокчи бошқа иштирокчидан шартнома амал қилгунга қадар таркиб топган қоидани тиклашни талаб қилишга ҳақлидир. Императив нормага зидлиги туфайли шартнома ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, иштирокчилар шартнома бўйича амалга оширилган ишларнинг оқибатларини мумкин қадар бартараф этишлари шарт. Шартноманинг тўхтатилиши унинг бажарилиши натижасида юзага келган иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмайди, башарти бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўз ҳолича янги нормага зид бўлмаса (Вена конвенцияларининг 71-моддаси).

Вена конвенциясида (1969 йил) халқаро шартнома қандай ҳолатларда ҳақиқий бўлмаслиги кўрсатилган. Халқаро шартнома қуйидаги ҳолларда ҳақиқий ҳисобланмайди:

- у ички конституциявий нормалар очиқ-ойдин бузилган ҳолда тузилган бўлса;

- шартнома бўйича мажбуриятта розилик янглиш берилган бўлса;

- давлат шартномани музокараларда иштирок этаётган бошқа давлатнинг алдови таъсирида тузган бўлса;

- давлатнинг розилиги унинг вакили музокараларда иштирок этаётган бошқа давлат томонидан пора эвазига оғдирилиши натижасида билдирилган бўлса;

- вакилнинг розилиги мажбурлов ёки унга қарши қаратилган кўрқитиш йўли билан олинган бўлса;

- тузилган пайтда шартнома халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига зид бўлса.

Барча давлатларнинг халқаро битимларни виждонан бажариши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг, халқаро ҳуқуқ самарали

амал қилишининг зарур шартидир. Бу қонданинг бузилиши халқаро муносабатлар кескинлашишига, баъзан айрим (айниқса, икки тарафлама) халқаро шартномаларнинг амал қилиши тўхтатилишига олиб келади. Шартномани тўхтатиш тартиби, одатда, унинг ўз қоидалари билан белгиланади. Қўпгина шартномаларда улардан чиқиш ёки уларнинг амал қилишини тиклаш шартлари белгилаб қўйилади. Бу халқаро шартномаларни тўхтатишнинг ички асослари, яъни шартноманинг ўзида ифодаланган асослардир.

Халқаро шартноманинг тўхтатилиши унинг ўз юридик кучини йўқотишидир.

Шартномани тўхтатиш учун асослар:

1. Халқаро шартноманинг бажарилиши.
2. Шартнома муддатининг ўтиши.
3. Тарафларнинг ўзаро розилиги.
4. Шартнома мақсадига эришилгани.
5. Умумий халқаро ҳуқуқнинг янги императив нормасининг вужудга келиши.

Денонсация – давлатнинг шартномада назарда тутилган шартлар, маълум тартиб ва муддатда огоҳлантирган ҳолда халқаро шарт-номадан бир тарафлама чиқиши. Масалан, Европадаги одатдаги қуроли кучлар тўғрисидаги Шартномада иштирокчи давлат мўлжалланган чиқишдан камида 150 кун олдин депозитарий ва бошқа иштирокчиларни огоҳлантирган ҳолда Шартномадан чиқиши мумкинлиги назарда тутилган (XIX модда иккинчи банди). Бир давлат қоидаларини бошқа давлатлар бузган ҳолларда улар ўртасида тузилган шартномани денонсация қилиши мумкин (XIX модда учинчи банди). Денонсация қилиш асослари шартномада белгилаб қўйилади.

Новация. Халқаро шартнома унинг иштирокчилари айна шу масала юзасидан янги шартнома тузиши натижасида тўхтатилиши ҳам мумкин.

Шартнома имзолашга мажбур қилиниб, алдаш, адашиш натижасида тузилган, *jus cogens* нормасига зид бўлган ҳолда, ҳақиқий эмас деб топилади.

Давлатнинг тугатилиши ёки унинг мақомини ўзгариши.

Ҳолатлар тубдан ўзгариши (*rebus sic stantibus*): чегараларни белгиловчи шартномаларга нисбатан ҳамда мазкур ҳолатларга ҳавола қилувчи тараф шартномани бузганида ҳолатларнинг ўзгариши натижасида қўлланиши мумкин эмас.

Бекор қилиш – шартномани бир тарафлама тартибда ҳақиқий эмас деб топиш. Агар шартноманинг қоидалари бошқа

тараф томонидан жиддий бузилган бўлса, давлат халқаро шартномани бекор қилишга ҳақли. Бундай бекор қилиш мазкур мамлакатлар ўртасида тузилган қолган шартномаларнинг амал қилишида акс этиши мумкин эмас. Шартномани бекор қилиш учун асос бўлиб қуйидагилар хизмат қилиши мумкин: халқаро шартнома субъектларининг тугатилиши; иштирокчининг халқаро шартнома қоидаларини жиддий бузиши; ҳолатларнинг тубдан ўзгариши.

Бекор қилиш шарти, одатда, давлатлар томонидан халқаро шартномани тузиш пайтида матнга махсус киритилади. Бу шарт бажарилган тақдирда шартнома тўхтатилган, унинг иштирокчилари эса мазкур шартнома бўйича олинган мажбуриятларни бажаришдан озод ҳисобланадилар.

Шартноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш – шартноманинг амал қилишини муайян (номуайян) муддатга тўхтатиб туриш. Шартноманинг амал қилишида вақтинчалик танаффус қилишга турли ҳолатлар сабаб бўлади. Шартноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш қуйидаги оқибатларга олиб келади (агар иштирокчилар бошқа қоида тўғрисида келишиб олмаган бўлсалар):

- иштирокчиларни шартнома тўхтатиб турилган вақт давомида ундан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан озод қилади;
- шартномада белгиланган иштирокчилар ўртасидаги бошқа ҳуқуқий муносабатларга таъсир этмайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро шартномалар ҳуқуқи” тушунчаси ва манбалари деганда нимани тушунасиз?
2. “Халқаро шартнома” тушунчаси ва унинг юридик табиати қандай?
3. Халқаро шартнома объекти ва мақсади деганда нима тушунилади?
4. Халқаро шартномалар қандай ва нима асосида таснифланади (классификация қилинади)?
5. Халқаро шартномаларнинг қандай турларини биласиз?
6. Шартномалар шакли, тузилиши ва номи бўйича қандай турларга эга?
7. Халқаро шартномаларнинг ҳаракати ва кучга кириш тартиби қандай?
8. Халқаро ҳуқуқий шартномалар ижроси қандай усуллар билан таъминланади?

9. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияларига тавсиф беринг.
10. Халқаро шартномаларнинг бекор қилиниши ва ҳаракатнинг тўхтатилиши тартиби қандай?
11. Халқаро шартномаларнинг ҳақиқийлиги деганда нима тушунилади?
12. Халқаро шартномаларни ратификация, денонсация ва пролонгация қилиш дегани нимани англатади?
13. Депозитарий нима дегани?
14. Давлатларнинг халқаро шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги нимани англатади?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., «Адолат», 2003
2. Бори Ф. Возникновение и развитие международного гуманитарного права, 2-е изд. испр. -М., МКК, 1994.
3. Гассер Г.П. Международное гуманитарное право. Введение (Перевод). -М., МКК, 1995.
4. Действующее международное право в 3-х томах. Ю.М.Колосов, С.Кривчикова. -М., Московский независимый институт международного права, 1997.
5. Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть. -М., 1997.
6. Международное гуманитарное право. -Т., 1998.
7. Международные пакты о правах человека: (Сб. документов). СПб, Россия, Нева, 1993.
8. Потапов В.И. Беженцы и международное право. -М.,1986.
9. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқук. -Т., «Адолат», 2001, 220 б.
10. Талалаев А.И. Право международных договоров: действие и применение договоров. -М., МО, 1985.
11. Талалаев А.И. Право международных договоров: договоры с участием международных организаций. -М., МО, 1989.
12. Умарахунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. -Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1998, 316 стр.
13. Шуршалов В.М. Основания действительности международных договоров. - М., 1957.

9-мавзу. Халқаро конференциялар

- 9.1. “Халқаро конференция” тушунчаси.
- 9.2. Халқаро конференцияларни тайёрлаш ва чақириш.
- 9.3. Процедура қоидалари ва қарорлар қабул қилиш тартиби.
- 9.4. Давлатлар делегациялари ва конференция органлари.
- 9.5. Халқаро конференция ҳужжатлари турлари ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти.

9.1. “Халқаро конференция” тушунчаси

Ҳозирги замон ҳукуматлараро конференцияси – иштирокчи суверен давлатларнинг мувофиқлаштирилган мақсадларга эришиш учун тузиладиган муваққат коллектив органи. Ҳар қандай ҳукуматлараро конференциянинг мақсадлари ва фаолияти халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига мос келиши лозим.

Иштирок этувчи субъектларга қараб, ҳукуматлараро халқаро конференциялар ва ноҳукумат халқаро конференциялар фарқланади. Ҳукуматлараро конференциялар кўп тарафлама дипломатия шакли ва халқаро музокараларнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳукуматлараро конференцияларнинг номларидаги фарқлар (съезд, конгресс, конференция, кенгаш) юридик аҳамиятга эга эмас.

1648 йил бўлиб ўтган Вестфалия конгрессини биринчи халқаро конференция деб ҳисоблаш мумкин.

Иштирокчилари доирасига қараб, фаолиятида жаҳоннинг исталган давлати иштирок этишга ҳақли бўлган универсал ҳамда муайян минтақага мансуб давлатлар қатнашадиган регионал ҳукуматлараро конференциялар фарқланади.

Кўпгина конференцияларга, айниқса, БМТ томонидан чақириладиган конференцияларга манфаатдор ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларнинг, шунингдек, унда иштирок этмаётган давлатларнинг вакиллари кузатувчилар сифатида қўйилади. Бундан ташқари, айрим ҳукуматлараро конференцияларга миллий-озодлик ҳаракатларининг вакиллари ҳам кузатувчилар сифатида таклиф қилинади.

Конференцияларни ўтказиш даражасига қараб, ҳукуматлар-

аро конференцияларда делегацияларга давлат ва ҳукумат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлари ёки бошқа расмий шахслар раҳбарлик қилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам делегация бошлиғи давлат ёки ҳукумат номидан иш олиб бориш ваколатига эга бўлиши муҳимдир.

Ҳукуматлараро конференциялар халқаро ташкилотлар (шу ташкилотлар доирасида ёки уларнинг ҳомийлигида) ёки ташаббусчи давлатлар томонидан чақирилади. Ҳукуматлараро ташкилот доирасида ёки ҳомийлигида конференциянинг чақирилиши унинг мустақил ad hoc халқаро органи сифатидаги хусусиятини ўзгартирмайди. Айрим конференциялар вақти-вақти билан чақирилади ва кўп йиллар давом этади (масалан, БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича Конференцияси 1973-1982 йилларда иш олиб борган).

Чақирилиш мақсадига қараб, тинчлик, сиёсий, иқтисодий, дипломатик характердаги ва махсус ҳукуматлараро конференциялар фарқланади. Конференциялар халқаро шартномаларни, шу жумладан, ҳукуматлараро ташкилотларнинг уставларини тайёрлаш ва қабул қилиш, муайян халқаро масалаларни муҳокама қилиш, фикр ҳамда ахборот алмашиш, шунингдек декларациялар, ҳаракат дастурлари, режалари шаклида тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида чақирилади.

9.2. Халқаро конференцияларни тайёрлаш ва чақириш

Конференция чақириш ҳақидаги таклиф (ташаббус) билан бир ёки бир неча давлат ёки халқаро ташкилот чиқиши мумкин. Шунингдек, конференциянинг чақирилишига миллий ёки халқаро ноҳукумат ташкилотлар фаолияти ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ниҳоят, бир конференция бошқа конференцияни чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Конференциялар пухта режалаштирилиши ва тайёрланиши лозим.

Конференцияга тайёргарлик уни чақириш мақсадини белгилашдан бошланади. Шу мақсаддан келиб чиқиб, унинг кун тартиби белгиланади. Кўпинча конференциянинг кун тартиби юзасидан давлатларнинг олдиндан келишилган фикрлари шакллантирилади. Вакиллик даражаси, конференцияни ўтказиш вақти ва жойи, процедура қоидалари ҳам олдиндан келишилади. Кон-

ференцияни чақириш юзасидан давлатларнинг фикр-мулоҳазаларини мувофиқлаштириш дипломатик каналлар орқали ёки махсус консултациялар доирасида амалга оширилади.

Давлатлар конференция иштирокчилари доираси, шунингдек, ундаги вакиллик даражасини белгилашда конференциянинг мақсади ва хусусиятидан келиб чиқадилар. Бунда конференцияда барча манфаатдор давлатларнинг иштирок этиши тамойилига ҳам, халқаро ҳуқуқий одатга кўра мажбурий бўлган вориыйлик тамойилига ҳам қатъий риоя қилиниши лозим.

Муайян давлатнинг конференцияда иштирок этаётган бир ёки бир нечта давлат томонидан тан олинмаганлиги уни конференцияга таклиф қилишга монелик қила олмайди.

Манфаатдор давлатнинг конференция бошида бевосита иштирок этмаганлиги унинг кейинги босқичларида мазкур давлатнинг иштирок этишини рад этиш учун асос бўла олмайди.

Конференцияга кузатувчиларни қўйиш масаласи унинг иштирокчилари доираси масаласи билан узвий боғлиқ. Кузатувчилар институти сўнги ўн йилликда анча кенг тарқалган бўлиб, конференцияларнинг қарорлари билан ўзини боғлашни хоҳламайдиган, лекин муҳокама қилинаётган муаммолар ҳал қилинишидан манфаатдор бўлган давлатларга конференцияда рўй бераётган воқеалардан огоҳ бўлиш имкониятини беради. Масалан, қўшилмаган мамлакатларнинг дастлабки конференцияларида Лотин Америкасининг айрим давлатлари кузатувчилари орқали иштирок этдилар, чунки қўшилмаслик гоёсига уларнинг муносабати ўша даврда ҳали шаклланмаган эди.

Бироқ, кузатувчилар иштирок этаётганлиги тегишли давлат конференциянинг расмий иштирокчисига айланишини англамайди. Кузатувчилар мажлисларда конференция иштирокчиларининг розилиги билан сўзга чиқишлари мумкин.

Конференциялар ҳукуматлараро ташкилотлар доирасида ёки уларнинг ҳомийлигида чақирилган ҳолларда уларнинг чақирилиш вақти ва жойи мазкур ташкилотларнинг тегишли резолюцияларида қайд этилади. Конференцияни ҳукуматлараро ташкилот чақирган ҳолда, у ё мазкур ташкилотнинг штаб-квартирасида, ё ташкилотга аъзо бирон-бир давлатнинг таклифига биноан унинг ҳудудида ўтказилади.

Конференцияни ўтказиш тартиби ва унинг бўлажак процедура қоидаларини олдиндан келишиш, қоида тариқасида, тайёргарлик жараёнидаги учрашувларда амалга оширилади.

Ҳар бир давлат конференцияда қатнашишга тайёргарлик

кўриш бўйича катта ва турли дипломатик ишларни амалга оширади. Бу ташқи алоқа органлари орқали икки тарафлама ва кўп тарафлама маслаҳатлар ўтказиш, хат алмашиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳозирги даврда конференцияларда ҳал қилинадиган масалаларнинг мураккаблиги ва серқирралилиги уларни баъзан бир неча босқичда ўтказишни тақозо қилмоқда (ҳар бир босқич бир неча сессиялардан иборат бўлиши мумкин). Умумий тайёргарлик иши иштирокчи давлатлар вакилларининг кўп тарафлама консультацияларида амалга оширилади. Конференциянинг ўзи уч асосий босқичдан иборат: 1) умумий вазифаларни белгилаш; 2) ҳужжатларни тайёрлаш; 3) уларни қабул қилиш. Ушбу босқичлар ўртасида ва иккинчи – ишчи босқич доирасида танаффус эълон қилинади. Бу танаффусдан делегациялар қўшимча йўл-йўриқлар олиш, ўз иттифоқчилари билан маслаҳатлашиш учун фойдаланади.

Масалан, Умумевропа кенгаши тузилишидан олдин Хельсинкида 1972 йил 22 ноябрдан 1973 йил 8 июнгача кўп тарафлама консультациялар ўтказилди. Бу консультациялар жараёнида топшириқлар тайёрланди ва Процедура қоидалари – “Хельсинкидаги консультацияларнинг якунловчи тавсиялари” ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат “Кўк китоб” номи билан ҳам машҳур. 1973 йил июль ойининг бошларида Ташқи ишлар вазирлари иштирокида кенгашнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Бу учрашувда вазирлар муҳим масалалар бўйича ўз мамлакатлари позициясини баён этиб, “Якунловчи тавсиялар”ни маъқуллади. 1973 йил 18 сентябрда Мувофиқлаштириш қўмитасининг мажлиси билан кенгашнинг иккинчи босқичи бошланди ва 22 ою 3 кун давом этди. Ушбу босқичнинг якунида Якунловчи ҳужжатга киритилган барча ҳужжатлар матни бўйича тўлиқ келишувга эришилди. 1975 йил 1 августда Европадаги 33 мамлакат, АҚШ ва Канаданинг олий раҳбарлари Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг якуний ҳужжати – “Яшил китоб”га имзо чекдилар. Бу кенгашнинг учинчи босқичи бўлди. Европа миқёсидаги кейинги учрашувлар учун икки босқичли иш тартиби назарда тутилди.

Конференциялар вакиллик даражаси кўриб чиқиладиган муаммоларнинг хусусияти ва аҳамияти билан белгиланади. У конференция жараёнида ўзгариши мумкин. Масалан, якуний ҳужжат тайёрлаш бўйича асосий топшириқларни белгилаб берган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг биринчи босқичи ташқи ишлар вазирлари даражасида; иккинчи –

ишчи босқич ташқи ишлар вазирлари, вазирлик департаментларининг бошлиқлари даражасида; учинчи, якуний босқич – олий даражада, давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтди. Конференциянинг олий даражада ўтказилиши унинг сиёсий аҳамиятини, қабул қилинган қарорлар кучини оширади.

9.3. Процедура қоидалари ва қарорлар қабул қилиш тартиби

Процедура қоидалари халқаро ташкилотлар ва конференцияларнинг ички ҳуқуқига мансуб юридик ҳужжатдир. Халқаро конференциялар процедура қоидаларининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш учун уларни қабул қилиш ва амалда қўллаш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Процедура қоидалари конференцияда иштирок этаётган делегациялар номидан қабул қилинади. Конференция ўз процедура қоидаларини тасдиқламаса, уни ўтказиш мумкин эмас.

Агар конференцияни БМТ чақираётган бўлса, процедура қоидалари лойиҳасини, одатда, БМТ ишлаб чиқади. Халқаро конференцияларнинг процедура қоидалари нормаларини уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга – БМТ Бош ассамблеясининг Процедура қоидаларидан кўчириб олинган нормалар киради. Иккинчи гуруҳга – БМТ Бош ассамблеясининг Процедура қоидаларидан олинган айрим қоидаларга асосланган нормалар киради. Учинчи гуруҳга – ё БМТ Котибияти, ё конференциянинг ўзи ишлаб чиққан қоидалар киради.

Процедура қоидалари конференциянинг ўзида узил-кесил тасдиқланганидан сўнг мажбурий хусусият касб этади. Конференция иштирокчилари ушбу процедура қоидаларига риоя этишлари лозим.

Конференциялар ўтказиш учун бирон-бир ягона процедура қоидалари ишлаб чиқилмаган, лекин амалиёт шунга олиб келдики, бу соҳадаги одат нормалари тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Процедура қоидалари конференциялар ишининг қуйидаги жиҳатларини тартибга солади: кун тартибини тасдиқлаш тартиби; конференциянинг раҳбар органларини сайлаш (одатда, конференция раиси, унинг бир нечта ўринбосари, бош маърузачи сайланади ва улар конференция бюросини ташкил этади); ёрдамчи органлар – қўмиталар ва ишчи гуруҳлар тузиш, шу-

нингдек, уларнинг раислари ва маърузачиларни сайлаш тартиби; конференция котибиятини шакллантириш тартиби ва унинг мажбуриятлари (маърузалар ва ҳужжатлар конференция тилларига ўтирилишини таъминлаш, ҳужжатларни тарқатиш, мажлисларнинг баённомаларини юритиш ва ҳ.к.); ишни бошлаш учун зарур кворумни аниқлаш (одатда, рўйхатга олинган делегацияларнинг кўпчилиги); раиснинг ваколатлари; сўзга чиқиш навбати; процедура қоидаларини овозга қўйиш навбати; таклиф ва тузатишлар киритиш, шунингдек, уларни кун тартибидан чиқариш тартиби; овоз беришни ўтказиш тартиби; кузатувчиларнинг иштирок этиш шартлари; процедура қоидаларини ўзгартириш тартиби.

Овозга қўйилган масалалар юзасидан сўзга чиқиш овоз берилишидан олдин ёки кейин амалга оширилиши мумкин. Овоз бериш мамлакатларнинг номи кўрсатилган тахтачани кўтариш ёки электрон аппаратура ёрдамида тегишли тугмани босиш йўли билан амалга оширилади. Исталган делегациянинг таклифига биноан овоз бериш номма-ном ўтказилиши мумкин. Бу ҳолда ҳар бир делегация қайси усулда овоз берганлиги баённомаларда қайд этилади.

Айрим процедура қоидаларига кўра қарорни қабул қилиш учун иштирокчилар умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз бериши талаб қилинади, лекин процедура юзасидан қарорлар доим оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Амалда кўпинча консенсус қоидаси қўлланади.

Овозга қўйилаётган ҳужжатга тузатишлар муайян кетма-кетликда киритилади. Дастлаб тузатиш, сўнгра таклиф овозга қўйилади. Тузатишлар бир нечта бўлган ҳолда овозга қўйилаётган мавзу таклифнинг мазмунидан узоқроқ бўлган тузатишдан бошланади. Дастлабки таклифга ниманидир қўшимча қиладиган, ундан муайян қисмни чиқариб ташлайдиган ёки ўзгартириш киритадиган таклиф тузатиш ҳисобланади. Агар тузатиш ҳужжат моҳиятини ўзгартириб юборса, у тузатиш деб эмас, балки рақобатчи гап сифатида овозга қўйилади.

Исталган делегациянинг илтимосига кўра, тузатиш қисмларга бўлиб овозга қўйилиши мумкин. Агар тузатишнинг биронта ҳам қисми қабул қилинмаган бўлса, у овозга қўйилмайди. Ҳужжатнинг бир неча қисми қабул қилинган бўлса, ҳужжат тўлалигича овозга қўйилиши шарт.

Делегациялар ҳужжатни кўпчилик овоз билан қабул қилиш

ёки рад этиш учун тактик курашда процедура қоидаларидан фойдаланадилар.

Конференция иши олиб борилаётган тиллар расмий (маърузалар ва конференциянинг барча расмий қарорлари эълон қилинадиган) ёки ишчи (баённомалар юритиладиган) тил бўлади. Қоида тарқасида, расмий тилларнинг фақат бир нечтаси ишчи тил сифатида қабул қилинадик, бу ҳужжатларни эълон қилиш харажатларини анча камайтиради.

Халқаро ҳукуматлараро конференцияларнинг аксарияти халқаро шартномалар қабул қилиш мақсадида ўтказилади. Шу боис бундай конференциялар дипломатик конференциялар деб аталади.

Кўпгина конференцияларда якуний ҳужжат қабул қилинади. Ушбу ҳужжатда конференциянинг номи ёки мақсади, иштирокчилари, ўтказилган жой ва вақти кўрсатилади, конференция натижалар ва эришилган ютуқлар (масалан, конвенция, декларация, резолюция ва ҳ.к. қабул қилинганлиги) қайд этиб ўтилади.

9.4. Давлатлар делегациялари ва конференция органлари

Делегация таркиби конференциянинг процедура қоидалари билан белгиланади. Одатда, ҳар бир давлат делегацияси таркиби аккредитациядан ўтган вакиллардан, уларнинг ўринбосарларидан, шунингдек, маслаҳатчилар, экспертлар ва техник ходимлардан ташкил топади. Ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан ёки уларнинг ҳомийлигида чақириладиган конференциялардаги делегация таркибига доир умумий қоидалар Универсал халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги тўғрисидаги Вена конвенцияси (1975 йил) билан тартибга солинади. Конвенциянинг 45-моддасида шундай дейилади: “Делегация бошлиғидан ташқари, делегация таркибига делегатлар, дипломатик ходимлар, маъмурий-техник ходимлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар кириши мумкин”.

Ҳар бир делегация, қоида тариқасида, бир давлат номидан иш кўради ва бир овозга эга бўлади. Конференцияларда давлатларнинг делегацияларига берилиши лозим бўлган имтиёз ва иммунитетлар ҳажми тўғрисидаги масала узоқ вақт мунозараларга сабаб бўлиб келди. Ҳозирги даврда конференциянинг хусусияти (сиёсий ёки техникавий)дан қатъи назар, унда иштирок этаётган делегациялар ва делегатлар расман ўзлари тегишли

бўлган суверен давлатларнинг манфаатларини ифода этадилар, бинобарин, улар ўз вазифаларини бажариш учун зарур барча имкониятларга эга бўлишлари лозим (1975 йил Вена конвенциясининг 51-моддаси).

Конференцияларнинг раҳбарлари делегациялар таркибидан сайланади. Одатда раис, раис ўринбосарлари, бош маърузачи; ҳар бир қўмита раиси, раис ўринбосари ва маърузачиси; таҳрир қўмитаси раиси, шунингдек, конференция ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган бошқа мансабдор шахслар сайланади. Бу мансабдор шахсларнинг барчаси вакилликни таъминлайдиган асосда сайланади.

Конференция раиси барча раҳбар шахслар орасида асосий ўринни эгаллайди. Шу боис делегациялар унинг номзодига катта аҳамият берадилар. Конференция қайси давлат ҳудудига ўтказилаётган бўлса, шу давлат делегациясининг вакилини ёки ташаббускор мамлакат вакилини раис қилиб сайлаш амалиёти мавжуд. Шунингдек, ротация тамойили ҳам қўлланилади. Бунда раис вазифасини иштирок этаётган барча давлатлар делегацияларининг бошлиқлари навбатма-навбат бажаради. Халқаро ташкилотлар доирасида ёки ҳомийлигида чақириладиган конференцияларда раислик қилиш масаласи сиёсий мулоҳазалар, шакланган анъаналар, тўпланган тажрибага қараб ҳал қилинади.

Раиснинг вазифаси: конференциянинг пленар мажлисларида раислик қилиш, уларни очиш ва ёпиш, музокараларга раҳбарлик қилиш, сўз бериш, масалаларни овозга қўйиш ва қарорларни эълон қилишдан иборат. Раис конференцияга маърузачиларга бериладиган вақтни чегаралашни таклиф қилиши, ҳар бир вакилнинг исталган масала бўйича маърузалари сонини чеклаши, маърузачиларни рўйхатга киритишни тўхтатиши, музокараларни тўхтатиши ёки мажлисни ёпиқ деб эълон қилиши мумкин. Раис воситачи вазифасини бажаради ва делегацияларга ўртадаги муайян ихтилофларни бартараф этишга ёрдам беради. Бунда ёрдамнинг қуйидаги турларини фарқлаш лозим: консултациялар ўтказишга вақт бериш; норасмий музокаралар ўтказишга фаол қўмаклашиш ва ҳ.к.

Бош маърузачи ушбу вазифани конференцияга нисбатан ҳам, марказий қўмитага нисбатан ҳам амалга оширади. Бош маърузачи функциялари, одатда, ҳукуматлараро конференцияларнинг процедура қоидаларида махсус белгилаб қўйилмайди. Кодификацион конференцияларда кун тартибига киритилган масала бўйича бош маърузачи вазифасини, одатда, БМТнинг Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссияси махсус маърузачиси бажаради.

Қўмиталар, кичик қўмиталар ва комиссияларнинг раҳбарларига келсак, кўпгина ҳукуматлараро конференцияларнинг процедура қоидаларида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар таҳлилидан келиб чиқиб, конференциянинг мансабдор шахсларига тааллуқли нормалар қўмиталар, кичик қўмиталар ва ишчи гуруҳларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилиши мумкин, деган хулосага келиш мумкин. Бунда бош қўмита, таҳрир қўмитаси, ваколатларни текшириш қўмитаси раислари ҳамда кичик қўмиталар ва ишчи гуруҳларнинг раислари, конференция раисидан фарқли ўлароқ, овоз беришда иштирок этишлари мумкин. Таркибидан конференция раиси сайланган делегация овоз беришда иштирок этади.

Ҳозирги ҳукуматлараро конференцияларнинг деярли барчасида бош қўмита тузилади. Унинг таркибига, қоида тариқасида, конференция раиси, унинг ўринбосарлари, бош маърузачи ва бош қўмиталарнинг мансабдор шахслари (раислари, баъзан уларнинг ўринбосарлари ва маърузачилари) киради. Бош қўмита ишида таҳрир қўмитасининг раиси ҳам иштирок этиши мумкин. Бош қўмитанинг вазифаси раисга конференция ишига умумий раҳбарлик қилишда ёрдам беришдан иборат. Бош қўмита конференция ишининг самарадорлигини оширишга кўмаклашиши лозим.

Котибият, қоида тариқасида, бош котиб (ижрочи котиб)дан ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташкил топади. Давлатлар томонидан чақириладиган конференцияларда қабул қилувчи мамлакатнинг (агар бу мамлакат иштирокчи бўлса) мансабдор шахсларидан бири бош котиб вазифасини бажаради. Бундай конференциялар котибиятининг ходимлари одатда, қабул қилаётган мамлакат тақдим этган шахслардан, баъзан конференцияда иштирок этаётган давлатлар делегацияларининг маъмурий-техник ходимларидан иборат бўлади. Ҳукуматлараро ташкилотлар доирасида ёки уларнинг ҳомийлигида чақириладиган конференцияларда котибият вазифаларини тегишли ҳукуматлараро ташкилотнинг бош котиб ёки унинг вакили раҳбарлигидаги котибияти бажаради.

Бош котиб (унинг вакили – ижрочи котиб) конференциянинг бош маъмурий мансабдор шахси ҳисобланади. У маъмурий-ижроия функцияларни бажаради. Унинг асосий вазифаси – котибият ходимларининг конференцияга хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятига раҳбарлик қилиш. Бош котиб ёки котибият персонали аъзоси қўриб чиқиладиган ҳар қандай масала юзасидан оғзаки ёки ёзма аризалар бериши, раис ёки делегацияларнинг илтимосига кўра

маълумотлар бериши мумкин. Бошқача айтганда, бош котиб ёки унинг вакили конференцияда кўрилаётган масалалар моҳиятига тегишли айрим функцияларни ҳам бажаради. Лекин бу функциялар процедура қоидалари билан қатъий чекланган бўлиб, маъмурий-ижроия функцияларига нисбатан ёрдамчи функциялар сифатида амал қилади. Котибият вазифасига конференция мажлисларининг расмий баённомаларини тузиш ва барча жорий техник ишларни бажариш (конференция ҳужжатларини кўпайтириш, тарқатиш, сўзланадиган нутқлар оғзаки таржимасини таъминлаш, ҳужжатларни архивларда сақлаш ва ҳ.к.) киради.

Асосий мунозара конференциянинг олий органи бўлган пленар мажлисларда ва кун тартибидаги масалалар юзасидан тузиладиган қўмиталарда бўлиб ўтади. Қўмита ўз ёрдамчи ишчи органларини тузишга ҳақлидир. Комиссиялар ва бошқа ишчи органларни тузиш, айниқса, ваколатларини белгилаш кўпинча кескин сиёсий-дипломатик курашда ўтади. Комиссиялар ҳамда конференциянинг бошқа ишчи органлари таркиби тўғрисидаги масала ҳам анча мураккабдир.

Пленар мажлис ва комиссияларда ҳужжатлар, резолюциялар лойиҳаларига тузатиш ва қўшимчалар киритилади. Яқунловчи ҳужжатларнинг узил-кесил матнларини тайёрлаш учун, одатда, таҳрир комиссияси тузилади. Бу комиссия таркибига конференциянинг барча ишчи тиллари вакиллари бўлган экспертлар киритилади.

Процедура қоидалари билан мажлисларнинг хусусияти масаласи ҳам тартибга солинади. Дастлабки йиғилиш ёки конференция бошида мажлислар очик ёхуд ёпиқ тарзда ўтиши масаласи ҳал қилинади. Ёпиқ мажлисларда фақат конференция иштирокчилари қатнашади, очик мажлисларга матбуот ва жамоатчилик вакиллари киритилади. Пленар мажлислар, одатда, очик, қўмиталар ва комиссияларнинг мажлислари эса кўпинча ёпиқ ҳолда ўтказилади. Масалан, Умумевропа кенгашида биринчи босқичнинг очилиши ва ёпилишига бағишланган мажлислар очик, иккинчи босқичдаги ишчи комиссияларнинг мажлислари ёпиқ, учинчи босқич мажлислари эса очик тарзда ўтказилган.

Ҳукуматлараро конференцияларда расмий мажлислардан ташқари, ҳужжатлар билан ишлашда комиссия ва кичик комиссияларнинг норасмий мажлислари (ишчи тиллардан бирида) ҳам

ўтказилади. Баъзан улар тўлиқ таркибда, баъзан фақат энг манфаатдор тарафлар иштирокида йигилади.

9.5. Халқаро конференция ҳужжатлари турлари ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти

Конференциялар ўз мақсадига эришганидан, яъни муайян битимлар тузилиб ёки музокараларнинг иштирокчилари тарафлар бир тўхтамга келиши мумкин эмас, деган хулосага келинганидан сўнг яқунланган ҳисобланади. Конференциянинг яқунланганлиги, одатда, якуний ҳужжат ёки баённома, декларация, баёнотлар билан расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларга барча иштирокчилар имзо чекади. Коммюнике тасдиқланиши ва матбуотда эълон қилиш учун тақдим этилиши мумкин.

Ҳукуматлараро конференцияларнинг яқунларига кўра, жорий иш материаллари жамланган ва уларнинг иш натижалари кўриб чиқилган ҳужжатлар эълон қилинади. Биринчи гуруҳга мажлисларнинг баённомалари, иккинчи гуруҳга халқаро ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳужжатлар (шартномалар, конвенциялар ва ҳ.к.) киради. Процедура билан боғлиқ ҳужжатларни ва конференция жараёнида муҳокама қилинган масалалар моҳиятига тегишли ҳужжатларни фарқлаш лозим.

Муваффақиятли яқунланган ҳукуматлараро конференция ишининг натижалари турли ҳуқуқий аҳамиятга молик бўлган, ҳар хил номланадиган ҳужжатларда ифодаланади. Бундай номларнинг умумий эътироф этилган таснифи мавжуд эмас.

Халқаро ҳуқуқда ҳукуматлараро конференциялар ҳужжатларининг бирон-бир мажбурий шакли (ёки уларнинг муҳим унсури – номи) белгиланган нормалар йўқ. Айрим номлар узок вақт қўлланилиши натижасида ҳукуматлараро конференцияларда қабул қилинадиган айрим турдаги ҳужжатлар учун доимий бўлиб қолган. Масалан, конференцияни тавсифловчи асосий фактлар жамланган ҳужжатлар кўпинча якуний ҳужжат деб аталади. Конференциянинг халқаро ҳуқуқ нормасини таркиб топтиришга қаратилган ҳужжатлари кўпинча конвенция деб аталади. Давлатлар ҳукуматлараро ташкилотларга тавсиялар берувчи ҳужжатлар резолюция ёки декларация деб аталади.

Дипломатик конференциялар ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорликнинг тур-

ли масалалари бўйича кўп тарафлама конвенциялар тузиш учун чақирилади.

Ҳозирги замон халқаро конференциялари кўпинча ўз фаолияти предмети юзасидан давлатлар ёки халқаро ташкилотларга чақириқлар, илтимослар, таклиф ва тавсиялар жамланган турли-туман резолюциялар қабул қилади. БМТ ҳомийлигида чақириладиган конференцияларда қабул қилинадиган резолюциялар бунинг ёрқин мисолидир. Хусусан, 1975 йил Венада бўлиб ўтган БМТнинг халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги масаласи бўйича конференцияси бир нечта резолюция қабул қилди. Улар орасида энг муҳимлари: ОАЕ ва ЛАГ томонидан тан олинган миллий-озодлик ҳаракатларининг кузатувчи сифатидаги мақоми тўғрисидаги резолюция, конференцияда қабул қилинган халқаро ташкилотларнинг бўлажак фаолияти тўғрисидаги конвенцияни қўллаш масалаларига тегишли резолюция. Халқаро конференцияларда қабул қилинадиган резолюциялар, адресатидан қатъи назар, тавсия хусусиятига эга бўлади. Ушбу резолюцияларда назарда тутилган тадбирлар ҳам тавсия хусусиятига эга бўлиб, уларнинг адресатлари учун юридик мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Резолюцияларда конференция ўтказилган мамлакат ҳукумати-га, унинг бошлиғи ва халқи, конференциянинг ижрочи котиби ва котибиятнинг бошқа аъзоларига, БМТ Бош котибига (конференция БМТ доирасида ёки унинг ҳомийлигида ўтказилган ҳолларда) ҳамда маслаҳатчи экспертга (яъни, кодификацион конференциялардаги махсус маърузачига) миннатдорчилик билдирилади.

Тавсия хусусиятига эга бўлган резолюциялар конференциянинг якуний ҳужжатига киритилиши ёки матн охирида илова тариқасида баён этилиши мумкин (бу ҳолда якуний ҳужжат матнида, одатда, уларнинг номлари рўйхати келтирилади).

Кўпгина халқаро конференциялар унинг ишини тавсифловчи асосий фактлар баён этилган якуний ҳужжат қабул қилиш билан якунланади. Аини вақтда, мазмуни оддий рўйхат, баённома ёки ҳисоботдан иборат бўлмаган якуний ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бундай якуний ҳужжатларда нафақат халқаро конференцияда қабул қилинган ҳужжатларнинг рўйхати, балки уларнинг матнлари ҳам келтирилади. Шу боис, якуний ҳужжатларнинг ҳуқуқий аҳамиятини улар замирида ётган келишувнинг мазмунидан келиб чиқиб белгилаш лозим. Конференция иштирокчилари бўлган давлатларнинг шу келишуви якуний ҳужжат қоидаларига юридик куч берилишига нисбатан уларнинг муносабати-

ни ифода этади. Бундан ташқари, халқаро конференциянинг якуний ҳужжатига халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва ушбу конференция ишига бевосита тааллуқли бўлган халқаро ҳуқуқий нормалар нуқтаи назаридан қараш лозим. Улар орасида қуйидаги ҳужжатлар мавжуд: мазкур конференцияни чақиришга асос бўлган халқаро ҳужжатлар; конференциянинг процедура қоидалари; мазкур конференцияда қабул қилинган муайян қарорлар, шу жумладан, ҳужжатга имзо чекиш чоғидаги давлатларнинг баёнотлари ва киритган эслатмалари ҳамда якуний ҳужжатга эслатмалар. Бунда конференцияда иштирок этган давлатларнинг якуний ҳужжатга юридик куч беришга нисбатан муносабатини ифодаловчи хоҳиш-иродасини аниқлашга асосий эътибор берилиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро конференция деганда нима тушунилади?
2. Халқаро конференцияларнинг қандай турлари бор?
3. Халқаро конференциянинг ўтказиш тартиби қандай?
4. Халқаро конференция қарорларининг турларини санаб беринг.

Адабиётлар

1. Действующее международное право. В 3-х томах. Ю.М.Колосов, С.Кривчикова. -М., Московский независимый институт международного права, 1997.
2. Ашавский Б.М. Межправительственные конференции. -М., 1980.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.
4. Курс международного права. В 7 томах. - Т. 6. -М., 1993. С. 5-31.
5. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. - Т., «Адолат», 2001, 220 б.

10-мавзу. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи

- 10.1. *“Халқаро ташкилотлар” тушунчаси, уларнинг таснифи, ҳуқуқий табиати ва тузилиши.*
- 10.2. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: ташкил топши тарихи, мақсад ва тамойиллари. БМТ Устави тузилиши ва мазмуни.*
- 10.3. *БМТ Бош ассамблеяси. БМТ Хавфсизлик Кенгаши. БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши.*

10.1. “Халқаро ташкилотлар” тушунчаси, уларнинг таснифи, ҳуқуқий табиати ва тузилиши

Ҳозирги замон халқаро муносабатларида халқаро ташкилотлар давлатларнинг ҳамкорлиги ва кўп тарафлама дипломатия шакли сифатида муҳим роль ўйнайди.

XIX асрда халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши жамият ҳаётининг кўпгина жабҳалари байналмилаллашувининг объектив натижаси бўлди. 1815 йил Рейн бўйлаб навигация Марказий комиссияси ташкил топган пайтдан эътиборан халқаро ташкилотлар ўз ваколатига эга бўла бошлади. Илк халқаро универсал ташкилотлар – Жаҳон телеграф уюшмаси (1865 йил) ва Жаҳон почта уюшмаси (1874 йил)нинг таъсис этилиши халқаро ташкилотларнинг ривожланишида янги босқич бўлди.

Ҳозирги замон халқаро ташкилотларига улар ваколатларининг янада кенгайиши ва тузилмасининг мураккаблашуви хосдир.

Ҳозирда мавжуд халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқалар (бугунги кунда уларнинг сони 4 мингдан ошиб кетди, шундан 300 тадан кўпроғи ҳукуматлараро ташкилотлар) халқаро ташкилотлар тизими тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Ушбу тизим марказида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) туради. Бу янги тузилмалар (қўшма органлар, мувофиқлаштирувчи органлар ва ҳ.) пайдо бўлишига олиб келаётир.

Халқаро ташкилот – аъзо давлатлар ўртасида тузилган шартномага биноан таъсис этилган ташкилот. Мазкур шартномага кўра, у халқаро ташкилот мақомига эга бўлади. Халқаро ташкилотларнинг **юридик табиатини** халқаро шартнома (таъсис ҳужжати) ташкил этади. Ушбу ҳужжатда ташкилотнинг мақсад ва вазифалари белгиланади, шунингдек, унинг ваколати, унга аъзо-

лик, қарорлар қабул қилиш тартиби ва бошқа масалалар тартибга солинади. Давлатлар халқаро ташкилот тузиш тўғрисида халқаро шартнома тузиб, бу ташкилот учун муайян ҳуқуқ ва муомала лаёқатини вужудга келтирар эканлар, ўзларининг бу ҳаракатлари билан халқаро ҳуқуқнинг янги субъектини қарор топтирадилар. Бундай халқаро ташкилот шартномага асосланган ҳуқуқ субъекти ҳисобланади; ташкилот ходимларининг имтиёз ва иммунитетлари дипломатик имтиёз ва иммунитетларга тенглаштирилади.

“Халқаро ташкилотлар” атамаси давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилотларга нисбатан ҳам, ноҳукумат ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланади.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) фаолият предметига кўра – сиёсий, иқтисодий, кредит-молия, савдо, соғлиқни сақлаш ва бошқа ташкилотлар;

2) иштирокчилари доирасига кўра – фаолият мақсади ва предмети жаҳоннинг барча давлатлари манфаатларига дахлдор бўлган халқаро универсал ташкилотлар (БМТ, БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари) ва фаолияти муайян минтақаларга нисбатан татбиқ этиладиган регионал халқаро ташкилотлар (ЛАГ, ОАЕ, ОАГ);

3) янги аъзолар қабул қилиш тартибига кўра – очиқ (ҳар қандай давлат ўз ихтиёрига кўра аъзо бўлиши мумкин) ёки ёпиқ (аъзоликка қабул қилиш дастлабки таъсисчиларнинг таклифига биноан амалга оширилади) халқаро ташкилотлар. Ёпиқ ташкилотга НАТО мисол бўлади;

4) фаолият соҳасига кўра – умумий ваколатга эга халқаро ташкилотлар (БМТ, ОАЕ, ОАГ) ва махсус ваколатга эга халқаро ташкилотлар (масалан, БМТнинг ихтисослашган муассасалари – МОТ, ВПС);

5) фаолият мақсад ва тамойилларига кўра – қонуний ёки ноқонуний халқаро ташкилотлар;

6) аъзолари сонига кўра – жаҳон миқёсида ёки муайян гуруҳ доирасидаги халқаро ташкилотлар;

7) ваколатининг хусусиятига кўра – давлатлараро ва миллатларни, аниқроғи, давлатларни бирлаштирувчи халқаро ташкилотлар. Биринчи гуруҳга мақсади давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат бўлган халқаро ташкилотлар киради. Давлатларни бирлаштирувчи халқаро ташкилотларнинг мақсади ин-

теграциядир. Уларнинг қарорлари аъзо давлатлар фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан татбиқ этилади. Бундай ташкилот унсурлари муайян даражада Европа Иттифоқига хосдир.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотнинг белгилари:

1. Камида уч давлатнинг аъзолиги.
2. Доимий органлари ва штаб-квартирасининг мавжудлиги.
3. Таъсис шартномаси тузилганлиги.
4. Аъзо давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш.
5. Ички ишларга аралашмаслик.
6. Қарорлар қабул қилиш тартибининг белгиланганлиги.

Шуларни ҳисобга олиб қайд этиш мумкинки, халқаро ҳукуматлараро ташкилот – халқаро шартнома асосида умумий мақсадга эришиш учун таъсис этилган, доимий органга эга бўлган ва аъзо давлатларнинг умумий манфаатида уларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда иш олиб борадиган давлатлар бирлашмаси. Бундай ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

Халқаро ноҳукумат ташкилотлари давлатлараро шартнома асосида тузилмайди, у фуқаро ёки юридик шахсларни бирлаштиради (масалан, Халқаро ҳуқуқ уюшмаси, Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси, Жаҳон илмий ходимлар федерацияси ва б.).

Халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

а) сиёсий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий халқаро ноҳукумат ташкилотлари, касаба уюшмалари;

б) хотин-қизлар ташкилотлари, оила ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ташкилотлар;

в) ёшлар, спорт, илмий, маданий-маърифий ташкилотлар;

г) матбуот, кино, радио, телевидение соҳасидаги ташкилот ва бошқалар.

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг иккиламчи ёки ҳосила субъектлари ҳисобланади ва давлатлар томонидан тузилади. Янги халқаро ташкилот тузиш жараёни уч босқичдан ўтади: таъсис ҳужжати қабул қилиш, ташкилотнинг моддий тузилмасини вужудга келтириш, ташкилот ўз фаолиятини бошлаганидан далолат берувчи бош органларни чақириш.

Халқаро ташкилотлар тузилмасини халқаро ташкилот органи – унинг таркибий бўғини ташкил этади. Бу органлар халқаро ташкилотнинг таъсис ёки бошқа ҳужжатлари асосида тузилади.

Органга муайян ваколат ва функциялар берилади, у ички тузилишга ҳамда қарорлар қабул қилиш тартибига эга бўлади. Ҳукуматлараро орган халқаро ташкилотнинг энг муҳим органи бўлиб, унинг таркибига аъзо давлатлар ўз вакилларини тайинлайди.

Аъзолик хусусиятига кўра органлар:

- ҳукуматлараро;
- парламентлараро (Европа Иттифоқига хос бўлиб, аҳоли сонига мутаносиб равишда сайланадиган парламентларнинг делегатларидан ташкил топади);

- маъмурий (халқаро ташкилотда хизматда бўлган халқаро мансабдор шахслардан ташкил топади);

- ўз номидан иш олиб бораётган шахслардан ташкил топади.

Халқаро конференциялар – муайян масалани муҳокама қилиш ва унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида тузилган аъзо давлатларнинг вақтинчалик жамоавий органи (конгресс, съезд, конференция, кенгаш) ҳам мавжуд.

Давлатларнинг халқаро ташкилот тузиш тўғрисидаги мувофиқлаштирилган хоҳиш-иродаси икки усулда: халқаро шартномада ҳамда мавжуд халқаро ташкилот қароридида қайд этилиши мумкин.

Халқаро шартнома тузиш кенг тарқалган усулдир. Бу шартнома матнини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун халқаро конференция чақирилиши лозим. Ушбу шартнома ташкилотнинг таъсис ҳужжати бўлиб қолади. Халқаро ташкилотлар соддалаштирилган тартибда, бошқа халқаро ташкилот томонидан қарор қабул қилиш шаклида тузилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда давлатларнинг халқаро ташкилот тузиш ҳақидаги мувофиқлаштирилган хоҳиш-иродаси таъсис резолюцияси учун овоз бериш йўли билан аниқланади. Бу резолюция қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Иккинчи босқич ташкилотнинг моддий тузилмасини вужудга келтиришни назарда тутаяди. Шу мақсадда кўпинча махсус тайёрлов органларидан фойдаланилади. Тайёрлов органлари алоҳида халқаро шартнома ёки тузилаётган ташкилот уставига илова асосида ёхуд бошқа халқаро ташкилот резолюциясига асосан таъсис этилади. Бу ҳужжатларда орган таркиби, унинг ваколати ва вазифалари белгилаб қўйилади. Бундай орган фаолияти ташкилотнинг бўлажак органлари тартиб-қоидалари лойиҳаларини тайёрлаш, штаб-квартира тузишнинг барча масалаларини ишлаб чиқиш, бош органлар фаолиятининг дастлабки кун тар-

тибини тузиш, унинг барча масалаларига тегишли ҳужжатлар ва тавсияларни тайёрлашга қаратилади.

Бош органларни чақириш ва уларнинг иш бошлаши халқаро ташкилотни тузиш жараёнини яқунлайди.

Халқаро ташкилотларга аъзо бўлмаган давлатлар халқаро ташкилотлар органлари ишида қатнашиш учун ўз кузатувчиларини юборишлари мумкин, башарти, бу ташкилот қоидаларида белгиланган бўлса. Айрим ташкилотларда аъзо бўлмаган давлатларга доимий кузатувчилар миссияларини аккредитация қилишга рухсат этилади. Масалан, БМТ ҳузурида Ватикан, Швейцария, ОАГ ҳузурида 30 та давлат, шундай миссияга эга.

Ташкилотни тугатиш ҳам аъзо давлатларнинг мувофиқлаштирилган хоҳиш-иродасига кўра амалга оширилади. Кўпинча ташкилотни тугатиш унинг тарқатилиши тўғрисидаги баённомани имзолаш йўли билан амалга оширилади.

10.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: ташкил топиш тарихи, мақсад ва тамойиллари. БМТ Устави тузилиши ва мазмуни

БМТ Иккинчи жаҳон уруши даврида, инсоният келажакда бундай даҳшатли урушларга йўл қўймаслик йўлларини излаётган пайтда тузилди.

1941 йил 14 августда АҚШ президенти Франклин Делано Рузвельт ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг бош вазири Уинстон Черчилль ҳужжатга имзо чекиб, унда “урушда ҳам, тинчликда ҳам бошқа озод халқлар билан баҳамжиҳат иш олиб бориш” мажбуриятини олдилар. Тинчлик ва хавфсизликни барқарор этиш йўлидаги халқаро ҳамкорлик тамойиллари тўплами кейинчалик Атлантика хартияси деб номланди. БМТнинг илк шакл-шамойили Вашингтондаги Конференцияда, 1944 йил сентябрь – октябрь ойларида бўлиб ўтган мажлисларда вужудга келди. Бу Конференцияда АҚШ, Бирлашган Қироллик, СССР ва Хитой бўлажак ташкилотнинг мақсадлари, тузилиши ва вазифалари ҳақида келишиб олдилар. 1945 йил 25 апрелда Бирлашган Миллатлар (бу номни Рузвельт таклиф қилди)нинг Сан-Францискодаги Кенгашида 50 мамлакат тўпланди ва улар 19 боб, 111 моддадан иборат БМТ Уставини қабул қилдилар. 24 октябрда Устав Хавфсизлик Кенгашининг

беш доимий аъзоси, унга имзо чеккан давлатларнинг кўпчилиги томонидан ратификация қилинди ва кучга кирди. Шундан бери 24 октябрь халқаро календарда БМТ ташкил топган кун деб белгиланган.

Иттифоқчи давлатларнинг 1943 йил Москвада бўлиб ўтган конференцияси БМТ ташкил топиши йўлида муҳим босқич бўлди. СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Хитой томонидан имзоланган 1943 йил 30 октябрь Декларациясида бу давлатлар халқаро тинчлик ва хавфсизликни барқарор этиш учун барча тинчликсевар давлатларнинг суверен тенглиги тамойилига асосланган умумий халқаро ташкилотни мумкин қадар тезроқ таъсис этиш зарурлигини тан олишларини қайд этдилар.

БМТ, Уставда кўрсатилганидек, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши қоидасига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал этишда халқлар ўртасида ҳамкорлик бўлишини таъминлашни кўзда тутиб, шу умумий мақсадга эришишда миллатлар ҳаракатини уйғунлаштириб турадиган марказ ҳисобланади.

БМТ жаҳондаги энг нуфузли универсал ҳукуматлараро халқаро ташкилот ҳисобланади. БМТ ўз аъзоларининг суверен тенглигига асосланади. БМТ давлатларнинг ички ишларига аралашмайди. Унинг Уставида қайд этилган барча мажбуриятларни зиммасига оладиган давлатлар БМТга аъзо бўла олади. БМТ Уставига дастлаб 51 давлат имзо чеккан бўлса, 2000 йилда уларнинг сони 189 га етди. БМТнинг доимий иш ўрни (штаб-квартираси) Нью-Йоркда бўлиб, янги аъзолар БМТ Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ, БМТ Бош ассамблеяси қарори билан қабул қилинади. БМТ аъзолари халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишлари лозим. Устав қоидаларини доимо бузиб турадиган давлат, Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ, Бош Ассамблея қарори билан БМТ аъзолигидан чиқарилади.

БМТнинг мақсадлари:

1. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни асраш ҳамда шу мақсадда тинчликка қарши таҳдидларни бартараф этиш, агрессия ҳаракатлари ёки тинчликни бузувчи бошқа ҳаракатларга барҳам бериш учун самарали чора-тадбирлар кўриш, халқаро низоларни ёки тинчликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган

бошқа можароларни тинч йўл билан, одиллик ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ тартибга солиш ёки ҳал қилиш.

2. Миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни тенг ҳуқуқликлик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилини ҳурмат қилган ҳолда ривожлантириш, шунингдек, жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш учун бошқа тегишли чоралар кўриш.

3. Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар аҳамиятга молик халқаро муаммоларни ҳал қилишда, инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Шу умумий мақсадларга эришиш йўлида миллатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун марказ бўлиб хизмат қилиш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун БМТ ва унинг аъзолари куйидаги тамойилларга мувофиқ фаолият олиб боради:

1) ташкилот барча аъзоларининг суверен тенглиги тамойилига асосланиш;

2) БМТнинг барча аъзоларининг Уставга кўра, ўз зиммаларига олган мажбуриятларни виждонан бажариши;

3) БМТнинг барча аъзолари ўз халқаро низоларини тинч йўл билан, халқаро тинчлик ва хавфсизликка ва адолатга таҳдид солмасдан ҳал қилиши;

4) БМТнинг барча аъзолари ўз халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан ҳамда БМТ мақсадларига зид бўлган бошқа ҳаракатлардан ўзларини тийиши;

5) БМТнинг барча аъзолари Ташкилот ўз Уставига мувофиқ амалга оширадиган барча ишларда унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб, БМТ превентив ёки мажбурий хусусиятга эга чора кўрган ҳар қандай мамлакатга ёрдам беришдан ўзларини тийиш;

6) БМТ аъзоси бўлмаган давлатларнинг ушбу халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун зарур бўлган тамойилларга мувофиқ иш кўришини таъминлаш;

7) ушбу Устав БМТга давлатларнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқини бермайди ва БМТ аъзоларидан бундай ишларни ушбу Устав тартибида ҳал қилишга тақдим этишни талаб қилмайди;

8) давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

9) инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш;

10) халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши;

11) ҳамкорлик ва қуролсизланиш.

БМТнинг асосий органлари: Бош ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС), БМТ Котибияти ва Халқаро суди.

БМТ бюджети аъзо давлатларнинг аъзолик бадалларидан таркиб топади. Унинг умумий харажатлари Маъмурий ва бюджет масалалари бўйича Қўмита томонидан белгиланади ва Бош ассамблея томонидан аъзолар умумий сонининг камида учдан икки қисмидан кўпчилиги томонидан қабул қилинган қарорга биноан тасдиқланади. Бош ассамблея қабул қилган қарор БМТга аъзо давлатлар учун мажбурий юридик кучга эгадир. Бюджет тасдиқланганидан сўнг унинг даромад қисми Бадаллар бўйича қўмита томонидан аъзо давлатлар ўртасида бадаллар шкаласига мувофиқ тақсимланади. Доимий бюджет, яъни аъзолик бадаллари ҳисобига таркиб топадиган бюджетдан ташқари, БМТ аъзо давлатлардан ва бошқа манбалардан (масалан, ноширлик фаолиятидан) ҳам бадаллар олиб туради.

БМТ Уставининг тузилиши ва мазмуни: БМТ мақсадлари ва тамойиллари, ташкилот аъзолари, органлар, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, тинчликка хавф солувчи ва агрессияга қарши ҳаракатлар, ўзини ўзи бошқарувчи ҳудудлар, регионал битимлар, халқаро васийлик тизими, халқаро суд масалаларидан иборат.

10.3. БМТ Бош ассамблеяси. БМТ Хавфсизлик Кенгаши. БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши

Бош ассамблея – БМТнинг асосий органларидан бири, барча аъзоларининг умумий йиғилишидан иборат бўлиб, бутун БМТга тегишли вазифалар ҳамда ваколатларнинг муҳим қисмини бажаради. Бош ассамблея БМТнинг барча асосий органлари орасида энг ваколатлисидир. Бош ассамблея шу органларни шакллантиришда иштирок этади. У БМТга аъзо ҳамма давлатлар ўз вакилларига эга бўлган ягона орган. Мазкур вакиллар кўпи билан 5 делегат ва яна шунча делегат ўринбосари ва зарур миқдордаги маслаҳатчилар ва экспертлардан ташкил топади. БМТга аъзо давлатларнинг барчаси БМТ Бош ассамблеясида тенг ҳуқуқли, яъни ҳар бири бир овозга эга. Делегациялар мажлислар залида давлатнинг инглиз тилидаги расмий номига мувофиқ алифбо тар-

тибида жойлашади. БМТ Бош ассамблеяси БМТ Устави доирасидаги ёки унинг ҳар қандай органи ваколат ҳамда вазифаларига доир ҳар қандай масала ёхуд ишни, бирон-бир давлат ёки Хавфсизлик Қўмитаси ўртага қўйган масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, БМТ аъзолари ва (ёки) Хавфсизлик Кенгашига оид тавсияларни бериш ваколатига эга.

БМТ Бош ассамблеяси Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоларини (доимий аъзолари БМТ Устави 23-моддасида кўрсатилган), Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш аъзоларини сайлайди; Хавфсизлик Кенгаши билан бирга Халқаро суд судьяларини сайлашда қатнашади; Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига биноан БМТ Бош котибини тайинлайди; Хавфсизлик Кенгашининг ва БМТ бошқа органларининг йиллик ҳамда махсус маърузаларини қабул қилиб, кўриб чиқади; БМТ бюджетини муҳокама этиб, тасдиқлайди. БМТ Бош ассамблеяси навбатдаги йиллик сессияга (у одатда сентябрь ойининг учинчи сешанбасида очилади), шунингдек, махсус ёки (1950 йилдан) фавқулодда сессияга йиғилади. Махсус сессиялар Хавфсизлик Кенгаши, БМТ аъзоларининг кўпчилиги ёки булар маъқуллаган ҳолда БМТ аъзоларидан бирининг талаби билан чақирилади. БМТ Бош ассамблеясининг ҳар бир сессиясида раис ва унинг 21 ўринбосари сайланади. Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг вакиллари сессия раиси этиб сайланмайди. Шунингдек, иккита процедура қўмитаси тузилади. БМТ Бош Ассамблеясининг 7 та бош қўмита ва 2 та доимий қўмитаси мавжуд. Бош ассамблея тавсия тусидаги резолюцияларни қабул қилади.

Бош ассамблея дунё миқёсида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш халқаро ҳуқуқий тизимининг шаклланишига ва инсон ҳуқуқларини рағбатлантиришнинг пухта ишлаб чиқилган, мураккаб ҳамда қудратли механизми вужудга келишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Хавфсизлик Кенгаши – БМТнинг асосий доимий ишловчи сиёсий органи. БМТ Устави 24-моддасига биноан халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун асосий жавобгарлик БМТ Хавфсизлик Кенгаши зиммасига юклатилган. Унинг фаолият доираси БМТ Устави (V-VII боблар)да аниқ кўрсатилган ва давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш соҳасида кенг ваколатлар берилган. У халқаро можаро ёхуд низоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатни текшириш ваколатига, тинчликка ҳар қандай таҳдид ва уни бузиш

ёки агрессия ҳолларини аниқлаш ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш ёхуд тиклаш юзасидан тегишли тadbирларни белгилаш ҳамда тавсиялар бериш ҳуқуқига эгадир.

Хавфсизлик Кенгаши БМТга аъзо 15 давлат, яъни 5 доимий ва 10 муваққат аъзодан иборат. БМТ Устави 23-моддасига кўра, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларидир. Муваққат аъзолар эса Бош ассамблея томонидан 2 йиллик муддатга сайланади, унинг ҳар бир сессиясида 5 муваққат аъзо қайта сайланиши шарт. Муваққат аъзолар ўрни қуйидагича тақсимланади: Осиё ва Африка давлатларидан – 5 аъзо, Шарқий Европа давлатларидан – 1 аъзо, Лотин Америкаси давлатларидан – 2 аъзо, Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар (Канада, Австралия, Янги Зеландия)дан – 2 аъзо. БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо ҳар бир давлат унда бир вакилга эга бўлади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши узлуксиз ишлайди, унинг мажлислари орасидаги танаффуслар 2 ҳафтадан ошмаслиги шарт. Мазкур мажлисларда давлатлар вакили инглиз тилидаги расмий номи бўйича алифбо тартибида бир ой мобайнида навбатма-навбат раислик қилади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлислари очик бўлади, узрли сабабларга биноан мажлис ёпиқ деб эълон қилинган ҳоллар бундан мустасно.

БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) – БМТнинг асосий органларидан бири. Унинг халқаро ва ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги вазифалари ижроси учун масъул ташкилот. БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши БМТ Бош ассамблеяси сайлайдиган 55 аъзодан иборат; уларнинг учдан бири ҳар йили қайтадан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари бўлган давлатлар эса узлуксиз аъзолар этиб сайланади.

БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ўз ваколатига биноан иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларга оид халқаро масалалар юзасидан тadbқиқотлар ўтказди ва маърузалар тайёрлайди; инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурматлашни рағбатлантириш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқади; БМТ Бош ассамблеясига тақдим этиш учун ўз фаолияти доирасига кирадиган масалалар бўйича конвенцияларнинг лойиҳаларини тайёрлайди, мазкур масалалар юзасидан конференциялар ўтказди. У ўз фаолиятида ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий, техникавий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш ишига катта аҳамият беради. Олий органи –

сессия бўлиб, у йилига икки марта: баҳорда – Нью-Йоркда, ёзда – Женевада ўтказилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ташкилот нима ва улар қандай таснифланади?
2. Халқаро ташкилотларнинг юридик табиати қандай?
3. Халқаро ташкилотнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва функциялари нималардан иборат?
4. Халқаро ташкилотнинг қандай органлари бор?
5. Халқаро ташкилотлар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби қандай?
6. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қандай ташкилот ва унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни?
7. БМТнинг қандай асосий органлари бор?
8. БМТнинг ихтисослашган муассасалари фаолияти ва уларнинг сони нечта?
9. Халқаро суднинг асосий функциялари нималардан иборат?
10. Минтақавий халқаро ташкилотлар деганда нима тушунилади?
11. Бугунги кунда қандай минтақавий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда?
12. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини айтинг.
13. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг қандай мақсад ва вазифалари мавжуд?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. - Т., «Адолат», 2003
2. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар. -Т., «Адолат», 2002, 270 б.
3. Действующее международное право. В 3-х томах. Ю.М.Колосов, С.Кривчикова.-М., Московский независимый институт международного права, 1997.
4. Зайцева О.Г. Международные организации: принятие решений. – М., 1989.

5. Каримов И.А. Выступление на Ташкентском совещании-семинаре по безопасности и сотрудничеству в Центральной Азии// Народное слово, 1995. 16 сентября
6. Каримов И.А. Выступление на 48-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН (28 сентября 1993 г.)- Т., «Ўзбекистон», 1994., С. 129-139.
7. Коваленко И.И. Международные неправительственные организации. - М., 1976. -
8. Крылов Н.Б. Правотворческая деятельность международных организаций. - М., 1988.
9. Кривчикова Э.С. Основы теории права международных организаций - М., 1979.
10. Лупарев Г.Н. Правовое положение личности в зарубежных странах. Учебное пособие. Алматы, 2001, 216 стр.
11. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., «Адолат», 2001, 220 б.
12. Талалаев А.И. Право международных договоров: договоры с участием международных организаций. -М., МО, 1989.
13. Фёдоров В.Н. ООН и проблемы войны и мира. - М., 1988.
14. Хусанов О, Каримова О, Азизов Х. ва бош. Инсон ҳуқуқлари. -Т., «Адолат», 1997.
15. Шибаева И.И. Право международных организаций. - М., 1976.

11-мавзу. Ташқи алоқалар ҳуқуқи

11.1. *Ташқи алоқалар ҳуқуқи: тушунчаси, институтлари, манба ва субъектлари.*

11.2. *Давлатларнинг ташқи алоқа органлари.*

11.3. *Дипломатик ваколатхоналар. Дипломатик имтиёз ва иммунитетлар. Дипломатик корпус.*

11.4. *Консуллик муассасалари: тушунчаси, турлари, таркиби. Консуллар даражалари. Иммунитет ва имтиёзлар.*

11.1. Ташқи алоқалар ҳуқуқи: тушунчаси, институтлари, манба ва субъектлари

Дипломатия ва консуллик ҳуқуқи (ташқи алоқалар ҳуқуқи)ни – халқаро ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида уларнинг ташқи ишлар органлари томонидан ўрнатиладиган ва қувватланадиган расмий алоқалар ҳамда муносабатларни тартибга солувчи тармоғи деб таърифлаш мумкин.

Ташқи алоқалар ҳуқуқи давлатлар ўртасидаги расмий муносабатларни тартибга солади. Бу – халқаро ҳуқуқнинг энг қадимги тармоқларидан бири. У қадимда тинч даврда давлатлар ўртасидаги расмий алоқалар мажмуи сифатида вужудга келган дипломатик фаолиятнинг натижасидир.

Ташқи алоқалар ҳуқуқи ўзаро боғланган тўрт қисмдан иборат: а) дипломатия ҳуқуқи; б) махсус миссиялар ҳуқуқи; в) давлатларнинг халқаро ташкилотларга нисбатан муносабатларига ёки халқаро конференциялар доирасидаги муносабатларга татбиқ этиладиган дипломатия ҳуқуқи; г) консуллик ҳуқуқи.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликдаги ҳинд ҳуқуқий ёдгорлиги – Ману қонунларида дипломатия ҳуқуқи урушга йўл қўймаслик ва тинчликни мустаҳкамлашдан иборат деб қайд этилган. “Подшо” бўлимида шундай дейилган: “Тинчлик ва унинг тескари-си (уруш) элчиларга боғлиқ, чунки фақат улар тинчликни яратдилар ва уриштирадилар. Тинчлик ёки урушга сабаб бўлувчи ишлар уларнинг ҳукмидадир”. Қадимги Римда элчилик ва шартномалар муқаддасдир, деган юридик тушунча (*jus et sacra legationis*) вужудга келди. Ташқи алоқалар махсус органлари – қоҳинлардан иборат алоҳида комиссия (мажлис) – фециаллар тузилди.

Кейинчалик дипломатик фаолият янада такомиллашди ва му-

раккаблашиб борди. Шуни қайд этиш лозимки, ташқи алоқалар ҳуқуқи, аввало, элчилик ҳуқуқи, яъни элчининг ҳолатини белгиловчи нормалар мажмуи сифатида вужудга келди ва ривожланди. XX аср бошига келиб, элчилик ҳуқуқининг дипломатия ҳуқуқига, яъни давлатлар ўртасидаги расмий муносабатларни тартибга солувчи нормалар мажмуига айланиш жараёни бошланди. Элчилик ҳуқуқи билан бир вақтда дипломатик хизмат ҳам вужудга келди ва ривожланди. XIX аср охири – XX аср бошларида дипломатик ва консуллик хизматларининг қўшилиш жараёни кузатила бошланди. Бу ягона ташқи сиёсий хизматнинг ташкил топишига олиб келди, консуллар ва дипломатик вакилларнинг вазифалари ҳали анча фарқ қилса-да, дипломатик муносабатлар ҳамда консуллик алоқалари, ташкилотлари бирлашди.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг хоссаларига эга бўлган иштирокчилар ўзаро алоқа қиладиган, уларнинг мазкур алоқаларни амалга ошириш учун махсус тузилган расмий органлари иш олиб борадиган, сиёсий аҳамиятга молик ҳукуматлараро алоқалар ташқи алоқалар ҳуқуқининг объекти ҳисобланади.

Шартнома ва одат ташқи алоқалар ҳуқуқининг асосий манбаларидир. Агар дипломатия ҳуқуқида яқин вақтгача деярли барча масалалар одат нормалари асосида ҳал қилинган бўлса, консуллик ҳуқуқида, аксинча, икки тарафлама консуллик шартномалари доим ҳал қилувчи роль ўйнаб келган. XX асрнинг ўрталаригача Вена баённомаси қўшимчалар (1815 йил), (1818 йил Аахен баённомаси) билан бирга дипломатия ва консуллик ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб келди. XX асрнинг иккинчи ярмида дипломатия ва консуллик ҳуқуқини кодекслаштириш амалга оширилди: Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1961 йил), Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси (1963 йил), Махсус миссиялар тўғрисидаги Конвенция (1969 йил), халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги Конвенция (1973 йил), Универсал халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги тўғрисидаги Конвенция (1975 йил) қабул қилинди.

Ташқи алоқаларнинг манбаи базасига миллий ҳуқуқ таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, ташқи алоқаларни амалга ошириш учун мўлжалланган аппаратни ҳар бир давлат ўзида амал қиладиган ички ҳуқуқ ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда таркиб топтиради ва унга тегишли ваколатлар берилади. Ушбу органлар фа-

олият олиб бориши учун давлатнинг ички қонун-қоидалари асос ҳужжатлар бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ халқаро муносабатларни бевосита тартибга солса, давлатнинг ички ҳуқуқи бу муносабатларни билвосита тартибга солади.

Давлатнинг махсус органлар томонидан амалга ошириладиган расмий ташқи алоқаларини шахслар ва жамоат ташкилотлари иштирок этиши мумкин бўлган халқаро алоқалар (халқ дипломатияси)дан фарқлаш лозим. Ташқи алоқаларда давлат ўз суверенитетига кўра, халқаро ҳуқуқий ҳуқуқ субъектчилигига эга яхлит тузилма, ягона ижтимоий организм сифатида иштирок этади.

Дипломатик ҳуқуқ ва консуллик ҳуқуқи ташқи алоқалар ҳуқуқининг асосий институтларидир.

Дипломатия ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқ тармоғи, давлатнинг ташқи ишлар органлари мақоми ва вазифаларини тартибга солувчи нормалар мажмуи.

Дипломатия ҳуқуқи тизими – дипломатиянинг асосий шакллари, чунончи, дипломатик ваколатхоналар ёки махсус миссиялар орқали амалга ошириладиган икки тарафлама дипломатия; делегациялар томонидан халқаро конференцияларда ва халқаро ташкилотлар органларининг сессияларида, шунингдек, давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарига мос келади. **Дипломатия ҳуқуқи** давлат элчилик ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур. Элчилик ҳуқуқи қуйидагилардан ташкил топади:

- давлатнинг чет элда дипломатик ваколатхоналар очиш ҳуқуқидан иборат фаол элчилик ҳуқуқи;

- давлатнинг хорижий элчихоналарни қабул қилиш ҳуқуқидан иборат бўлган пассив элчилик ҳуқуқи.

Консуллик ҳуқуқини – консуллик муассасалари ва уларнинг ходимлари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда уларнинг мақоми, вазифалари, ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи халқаро ҳуқуқий тамойиллар ва нормалар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин.

Тарихан консуллик муносабатлари, аввало, халқаро савдо ва савдо кемалари қатнови билан боғлиқ муносабатлар сифатида шаклланган. Консулларга узоқ вақт мобайнида сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган давлат маслаҳатчилари ва ёрдамчилари сифатида қаралган. Бу мансабдор шахсларнинг вазифаси – чет давлат ҳудудида ўз давлати фуқароси бўлган савдогарлар ва бошқа шахслар ҳамда ташкилотларга ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган.

Вақт ўтиши билан консуллик муассасалари ваколатига кирадиган масалалар доираси кенгайиб борди, уларнинг вазифалари кўп қирралли хусусият касб этди. Ҳозирги даврда консуллик муассасаларининг вазифаси давлатлар ўртасида нафақат иқтисодий, савдо алоқаларини, балки илмий-техник, маданий ва сайёҳлик, айрим ҳолларда эса – сиёсий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатдир. Хуллас, **консуллик ҳуқуқи** давлатлар ўртасидаги консуллик муносабатларини, шу жумладан, консуллар мақоми ва вазифаларини тартибга солувчи нормалар мажмуидир.

Консуллик муносабатлари халқаро маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлиб, бир давлат жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини бошқа давлат ҳудудида ҳимоя қилиш учун мўлжаллангандир.

Консуллик муносабатлари давлатлар ўртасида дипломатик алоқалар бўлмаган ҳолда ҳам мавжуд бўлиши мумкин (масалан, давлат де-факто тан олинган ҳолда). Шунга қарамай, дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши консуллик муносабатларининг тан олинишига сабаб бўлади.

11.2. Давлатнинг ташқи алоқа органлари

Давлатнинг ташқи алоқа органлари давлатнинг **ички ва хорижий** органларига бўлинади.

Давлатнинг ташқи алоқа ички органлари шу давлат ҳудудида иш олиб боради, ўз навбатида, **конституциявий ҳамда ихтисослашган** бўлади. Конституциявий органларни ҳар бир давлат мустақил равишда тузади. Уларнинг мавжудлиги давлатнинг конституциясида бевосита назарда тутилади. Ихтисослашган органларни тузиш ҳам ички ҳуқуқ ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, лекин уларнинг вужудга келиши муайян даражада тегишли халқаро шартномаларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Ушбу шартномаларга асосан унга аъзо бўлган давлат муайян соҳада ташқи алоқаларни амалга оширади.

Конституциявий органларга **олий қонунчилик органи**, давлат бошлиғи, ҳукумат ва унинг бошлиғи киради.

Давлатнинг ташқи алоқа ички органлари орасида парламент муҳим ўрин эгаллайди. Ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда парламентнинг роли унинг давлат ҳокимияти орган-

лари тизимидаги олий вакиллик органи сифатидаги ўрни билан белгиланади.

Парламентларнинг ташқи алоқалар соҳасидаги анъанавий ваколатлари қуйидагилардан иборат: уруш, тинчлик, ҳудудий ўзгаришлар масалаларини ҳал қилиш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, ташқи сиёсий тадбирларга харажатларни белгилаш.

Давлат бошлиғи – халқаро муносабатларда давлатнинг олий вакили сифатида иш олиб боради. Давлатнинг ташқи алоқа ички органларининг ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатлари, асосан, мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидаги ваколатларга эга:

- мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради (93-модда, учинчи банд);

- музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига рияз этилишини таъминлайди (93-модда, тўртинчи банд);

- ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади (93-модда, бешинчи банд);

- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади (93-модда, олтинчи банд);

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади (93-модда, йигирма иккинчи банд).

Ҳукумат бошлиғи ва, умуман, ҳукумат ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилайди ва тегишли масалаларни парламент ҳамда давлат бошлиғи муҳокамасига ва тасдиғига киритади, ташқи сиёсат соҳасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилди.

Давлатнинг ташқи алоқалар ички махсус органлари давлатни унинг ташқи алоқаларининг фақат бир соҳасида иш олиб боради. Вазирлик ва маҳкамалар давлатнинг ички қонунлари билан белгиланган тартибда давлатнинг ташқи алоқалар ички махсус органлари бўлиши мумкин. Масалан, ташқи ишлар маҳкамаси

– давлатнинг ташқи алоқаларига бевосита оператив раҳбарлик қиладиган орган. Унинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат: давлат ташқи сиёсатининг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш; давлатнинг ташқи сиёсий курсини амалга ошириш; давлатнинг суверенитети, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва бошқа манфаатлари халқаро майдонда дипломатик воситалар билан ҳимоя қилинишини таъминлаш; Ўз мамлакати фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан мамлакатнинг дипломатик ҳамда консуллик муносабатларини таъминлаш.

Давлатларнинг ташқи алоқалар хорижий органлари икки гуруҳга – доимий ва муваққат органларга бўлинади. **Доимий органлар:** давлатларнинг улар дипломатик муносабатлар ўрнатган мамлакатларда аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналари (элчихоналар ва миссиялар); консуллик ваколатхоналари, савдо ваколатхоналари; давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналаридан иборат. **Муваққат органлар:** бошқа давлатларга турли маросим ва тадбирларда иштирок этиш, музокаралар олиб бориш ва бошқа вазифалар учун юбориладиган турли махсус миссиялар; халқаро конференциялардаги делегация ва кузатувчилар гуруҳлари; халқаро ташкилотлар ва уларнинг органлари сессияларида қатнашиш учун юборилган делегациялардан иборат.

11.3. Дипломатик ваколатхоналар. Дипломатик имтиёз ва иммунитетлар. Дипломатик корпус

Дипломатик ваколатхона – бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудида улар ўртасида расмий муносабатларни амалга ошириш учун мўлжалланган органи.

Дипломатик ваколатхонага Фавқулодда ва Мухтор элчи, Фавқулодда ва Мухтор вакил, Ишлар бўйича вакил раҳбарлик қилиши мумкин. Дипломатик ваколатхона бошлигини, қоида тариқасида, давлат бошлиғи тайинлайди. Бир давлатдаги дипломатик вакил айна вақтда бошқа давлатда (ёки бир неча давлатларда) дипломатик вакил бўлиши ҳам мумкин, башарти, қабул қилаётган бирон-бир давлат бунга эътироз билдирмаса.

Дипломатик вакилни тайинлаш ва қабул қилиш таомили **аккредитация** деб аталади. Вакил ўзи тайинланган мамлакатга етиб келгач, **агреман** – шу мамлакатнинг айна шу шахс мазкур лаво-

зимга тайинланишига розилигини олиши керак. Мамлакат ўз қарорини асосламасдан агреман беришдан бош тортиши ҳам мумкин. Дипломатик вакил агреман олганидан сўнг ўз давлати бошлиғидан ишонч ёрлиғи – унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатни олади, сўнгра ўзи тайинланган давлат бошлиғига топширади. Ишонч ёрлиғининг бир нусхаси Ташқи ишлар вазирлиги бошлиғига, иккинчи нусхаси давлат бошлиғига топширилади.

Дипломатик вакилнинг миссиясига унинг давлати ташаббусига кўра (истеъфо бериш, янги лавозимга тайинланиш, касаллик) ёхуд у тайинланган мамлакат ташаббуси билан (вакилни номатлуб шахс – *persona non grata* деб топиш) барҳам берилади.

Дипломатик вакиллик раҳбари ўзи тайинланган мамлакатда ўз давлатининг фуқаролари ва юридик шахслари учун олий вакил ҳисобланади. У ўз вазифасини бажаришга, қоида тариқасида, унга ишонч ёрлиғи, яъни унинг шахс ва мақомини тасдиқловчи ҳужжат топширилганидан сўнг киришади. Ишонч ёрлиғи давлат бошлиғи томонидан имзоланади. Бир давлатдаги дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг мажмуи дипломатик корпус деб аталади.

Дипломатик ваколатхона ваколатхона бошлиғи, дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташкил топади. Дипломатик ваколатхонага фақат ўз давлати фуқаролари аъзо бўлиши мумкин. Ваколатхона жойлашган давлат фуқаролари хизмат кўрсатувчи ходимлар таркибига фақат уларнинг мамлакати розилиги билан киритилиши мумкин.

Давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари аввало, БМТ ҳузурида, унинг ихтисослашган муассасалари ва регионал ташкилотлар ҳузурида тузилади.

Дипломатик ваколатхоналарнинг турлари:

1. Элчихона – унга Фавқулодда ва Мухтор Элчи раҳбарлик қилади.
2. Миссия – унга Мухтор вакил ёки Ишлар бўйича вакил раҳбарлик қилади.

Дипломатик ваколатхона функциялари:

1. Вакиллик – тайинланган давлатда ўз давлати номидан иш кўради.
2. Ҳимоя қилиш – тайинланган давлат ҳудудида доимий яшаётган ўз давлати фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, ўз давлатининг шу ердаги ваколатхоналарини ҳимоя қилиш.
3. Ахборот бериш.
4. Консуллик – дипломатик ваколатхоналар консуллик функцияларини бажаришга ҳақли.

Дипломатик корпус – бир давлатнинг бошқа давлат ҳудуди-

даги дипломатик вакиллари мажмуи. Дипломатик корпусга декан раҳбарлик қилади. Декан лавозимига, қоида тариқасида, мазкур мамлакатда қолган аккредитация қилинган вакиллarga қараганда кўпроқ вақтдан бери ишлаётган шахс тайинланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий аҳамиятга молик халқаро муносабатларда дипломатлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро иммунитетта эга халқаро юридик шахслар сифатида иш олиб боради.

Дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлар:

1. Дипломатик ваколатхона биносининг дахлсизлиги.
2. Дипломатик ваколатхона транспорт воситасининг дахлсизлиги.
3. Дипломатик ваколатхона архивларининг дахлсизлиги.
4. Фискал иммунитет (ваколатхона ва унинг аъзолари ўз фаолияти билан боғлиқ барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилинади).

5. Ўз давлат байроғи ва гербидан фойдаланиш ҳуқуқи, навбатдан ташқари телефон, телеграф алоқаси ва бошқа алоқани амалга ошириш ҳуқуқи, шу жумладан, кодлардан фойдаланиш имконияти.

6. Шахсий иммунитет – дипломатик вакиллар, яъни дипломатик даражага эга бўлган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари қамоққа олиниши ёки ушлаб турилиши мумкин эмас, уларнинг доимий ва вақтинчалик яшаш жойи ва мол-мулки дахлсиздир, улар жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикциядан иммунитетта эга бўладилар.

7. Дипломат гувоҳлик беришга мажбур эмас.

8. Дипломат божхона чегарасидан ўтишда иммунитетта эга бўлади.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг дипломатик имтиёз ва иммунитетлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида халқаро иммунитетлардан фойдаланади. Турли мамлакатларда мол-мулк сотиб олишда, турли давлатларнинг фуқаролари билан мулкий хусусиятга эга бўлган битимлар тузишда ҳукуматлараро ташкилотлар ўзларининг бу муносабатларини бирон-бир давлатнинг миллий ҳуқуқига ҳам, миллий юрисдикциясига ҳам бўйсундирмайдилар. Ҳукуматлараро ташкилот миллий судга жавобгар сифатида жалб қилиниши мумкин эмас. Унинг мол-мулкига нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилмайди.

Ҳукуматлараро ташкилотларнинг иммунитетлари шартномадан келиб чиқади ва қоида тариқасида, уларнинг таъсис ҳужжатлари (уставлари)да ёки бошқа халқаро ҳуқуқий битимларда мустақамлаб қўйилади.

Ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро иммунитетлардан аъзо давлатларга қараганда бошқача асосда фойдаланадилар. Давлат иммунитетлари у суверен тузилма эканлигига асосланади. Ҳукуматлараро ташкилотнинг халқаро иммунитетлари фақат шартнома асосида вужудга келиши мумкин ва фақат функционал заруратига кўра берилади. Ҳукуматлараро ташкилотларга халқаро иммунитетлар улар ўзининг халқаро аҳамиятга молик ваколатини мустақил равишда ва монеликларсиз амалга оширишига имконият яратиш мақсадида тақдим этилади.

Иммунитетларнинг функционал зарурлиги ғояси БМТ Уставининг 104 ва 105-моддаларида ўз аксини топган. Иккала модда ҳам умумий тарзда таърифланган бўлиб, қуйидаги қоидаларни ўз ичига олади: БМТ ўзининг ҳар бир аъзоси ҳудудида ўз функцияларини бажариш ва мақсадларига эришиш учун зарур ҳуқуқ лаёқати, имтиёз ҳамда иммунитетларга эга бўлади.

Амалда АҚШ ҳудудидаги халқаро муассасаларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг асосий қисми халқаро ташкилотларнинг ички қоидалари билан тартибга солинади, АҚШ қонунчилиги бунда ёрдамчи роль ўйнайди, у фақат халқаро ташкилот қоидаларига қўшимча сифатда ва муайян масалалар мазкур қоидалар билан тартибга солинмаганлиги учун амал қилади.

БМТ ва АҚШ ҳукуматининг ташкилот иммунитетлари тўғрисидаги битими халқаро ташкилотлар ўзлари жойлашган мамлакат ҳукумати билан тузган халқаро шартномалар орасидаги илк битимлардан бўлган. Бундай битимлар муайян схемага кўра ишлаб чиқилади ва қоида тариқасида, халқаро иммунитетларнинг қуйидаги тўпламини ўз ичига олади: а) миллий қонунчиликнинг амал қилиш доирасига кирмаслик, б) маҳаллий суд иш юритувининг қўлланилишидан иммунитет, в) ҳукуматлараро ташкилот мулкани ҳимоя қилиш чора-тадбирлари.

11.4. Консуллик муассасалари: тушунчаси, турлари, таркиби. Консуллар даражалари. Иммунитет ва имтиёзлар

Консуллик муассасаси – тегишли халқаро битимга кўра давлатнинг чет давлат ҳудудида жойлашган ва ўз давлати, унинг фуқаролари ҳамда ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича консуллик вазифаларини бажарувчи ташқи алоқалар доимий органи. Дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганлиги, агар

шартномада бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, консуллик муносабатлари ўрнатилганлигини ҳам англатади. Консуллик алоқалари дипломатик алоқалар ўрнатилмаган ҳолда ҳам ўрнатилиши ва қувватланиши мумкин. Дипломатик алоқаларнинг узилиши ўз-ўзидан консуллик алоқаларининг ҳам узилишига сабаб бўлмайди. Консуллик муносабатларининг ўрнатилиши ва муайян консуллик муассасаси очилиши орасидаги вақтда узилиш бўлиши мумкин. Давлатлар консуллик муносабатларини ўзаро келишув асосида ўрнатади. Консуллик муассасалари ва уларнинг мансabdор шахслари консуллик имтиёзлари ва иммунитетларидан фойдаланадилар. Улар Ўзбекистон давлатининг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини чет элда ҳимоя қилади, Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ривожланишига, иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий алоқалар ва туризмнинг кенгайишига кўмаклашади.

Ҳозирги вақтда консуллик амалиётига консуллик муассасаларининг икки тури: дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик бўлимлари ва мустақил (алоҳида) консуллик муассасалари мавжуд.

Консуллик муассасаларининг қуйидаги даражалари жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган:

- бош консулликлар;
- консулликлар;
- вице-консулликлар;
- консул агентликлари.

Консуллар даражалари – консулларнинг алоҳида хизмат унвонлари бўлиб, одатда, уларнинг лавозимларига мос келади. Улар Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясига (1963 йил) кўра тўрт гуруҳга бўлинади: бош консуллар, консуллар, вице-консуллар, консул агентлари. Қолган консуллик мансabdор шахсларининг ягона таснифи йўқ. Консуллар даражаларини бериш давлатнинг ўз ички иши ҳисобланади. Бош консуллик шта-тида фақат бир бош консул – консуллик муассасаси бошлиғи бўлиши мумкин. Консул лавозимни эгаллаган пайтдан ўз миссиясини бажаришга киришган ҳисобланади, бунинг учун консуллик патенти ва экзекватурасини олиши лозим.

Консуллик патенти – консулни тайинлаган давлатнинг ваколатли органлари томонидан бериладиган ва тегишли шахс мустақил консуллик муассасаси бошлиғи этиб тайинланганини тасдиқлайдиган ҳужжат. Патентда тайинланган шахснинг тўлиқ исми,

фуқаролиги, даражаси, эгаллаган лавозими, консуллик округи ва консуллик жойлашган манзил кўрсатилади. Бу ҳужжат консуллик жойлашган давлатнинг ҳукуматига юборилади.

Консуллик патентини олган қабул қилувчи давлат ҳукумати консул этиб тайинланган шахсга экзекватурани, яъни консуллик округида ўз вазифаларини бажаришга рухсат бериш масаласини ҳал қилади. Экзекватура алоҳида ҳужжат кўринишида бўлиши ёки консуллик патентида рухсат берувчи ёзув шаклида қайд этилиши мумкин. Экзекватура олингунга қадар консуллик вазифаларини бажаришга вақтинчалик рухсат берилиши мумкин. Экзекватура бериш рад этилиши мумкин. Бунда рад этиш сабаблари кўрсатилмайди. Консулнинг миссияси қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин: консулни ўз давлати чақириб олганида; консул бўлиб турган давлат экзекватурани бекор қилганида; консуллик патентининг муддати тугаганида; ушбу жойда консуллик муассасаси ёпилганида; консуллик муносабатлари тўхтатилганида; уруш бошланганида; консул вафот этганида; консуллик округи худуди ушбу давлат суверенитети остидан чиққанида.

Консуллик фаолиятининг умумий вазифаларига мувофиқ унинг тузилиши шаклланади. Консуллик муассасалари таркибида доим консуллик учун анъанавий ҳисобланган паспорт-виза операциялари, иқтисодий ва маданий алоқалар масалалари ва ҳ.к. билан шуғулланувчи бўлим ёки ходимлар бўлади.

Консуллар корпуси – 1) муайян давлатда жойлашган чет эл консуллик муассасалари бошлиқларининг мажмуи; 2) кенг маънода – муайян давлатдаги консуллик муассасаларининг барча мансабдор шахслари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари. Консуллар корпуси таркибига штатсиз (фахрий) консуллар ва дипломатик ваколатхоналар консуллик бўлимларининг ходимлари киради. Консуллик корпуси халқаро ҳуқуқнинг бирон-бир нормасида назарда тутилмаган, у ҳам дипломатик корпус каби юридик шахс ҳисобланмайди. У дуайен (декан) шахсида, асосан, маросим (протокол) функцияларини бажаради. Дипломатик корпусдан фарқли ўларок, муайян мамлакатда бир давлатнинг бир нечта консуллик корпуслари иш олиб бориши мумкин.

Консуллик мансабдор шахси деганда консуллик вазифаларини бажариш топширилган шахслар – бош консул, консул, вице-консул, консул агенти, консуллик муассасасининг котиби, шунингдек, консуллик муассасасига хизматга тайёрлаш тартибида юборилган шахс (стажер) тушунилади. Халқаро ҳуқуқий доктринада “консул” йиғма атамаси кўп қўлланилади.

Консулларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари – консуллик муассасалари жойлашган давлат бу муассасаларга, мансабдор шахс ва ходимларига улар ўз вазифаларини монеликсиз бажаришларини таъминлаш мақсадида берадиган ҳуқуқ ҳамда имтиёзлар. Консулларнинг имтиёз ва иммунитетларига қуйидагилар киради: консуллик биносида ўз давлатининг байроғини кўтариш ҳуқуқи; ўз ҳукумати, мамлакатининг дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасалари билан монеликсиз боғланиш ҳуқуқи; солиқлар ва бошқа ҳар қандай йиғимлардан озод бўлиш ҳуқуқи. Консулларнинг имтиёз ва иммунитетлари консуллик бинолари, архивлари ва ҳужжатларининг дахлсизлигини ҳам назарда тутати. Консуллик мансабдор шахсларининг иммунитетлари уларнинг шахсий дахлсизлигини ўз ичига олади; улар оғир жиноят содир этган тақдирда фақат ваколатли суд органларининг қарорига биноан қамоққа ёки ҳибсга олинишлари мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Дипломатия” ибораси қачон пайдо бўлган?
2. “Дипломатик ҳуқуқ” тушунчасини изоҳланг?
3. Дипломатик ҳуқуқ манбаларига нималар киради?
4. Дипломатик ҳуқуққа оид асосий халқаро ҳужжатлар қайси?
5. Дипломатик ваколатхоналар қандай функцияларни бажаради?
6. Дипломатик корпус деганда нимани тушунасиз?
7. Дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларининг ваколатхона жойлашган давлатга нисбатан қандай мажбуриятлари мавжуд?
8. Дипломатик ваколатхона ходимларининг қандай иммунитет ва имтиёзлари бор?
9. Дипломатик ваколатхона даражалари қандай?
10. “Консуллик ҳуқуқ” тушунчасининг моҳияти.
11. Консуллик ҳуқуқига оид асосий халқаро ҳужжатларни санаб беринг.
12. Консуллик ҳуқуқ манбалари нимани англатади?
13. Консуллик муассасаларининг қандай тоифа ва ходимлари мавжуд?
14. Консуллик муассасалари ва унинг ходимлари қандай иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланадилар?
15. Қайси халқаро ҳужжат консуллик муассасаларининг фаолиятига асос бўла олади?
16. Махсус миссияларнинг функцияларини санаб беринг.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., «Ўзбекистон», 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси .-Т., «Адолат», 2003.
3. “Фуқаролик тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси (1992 йил қонуни) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 6-сон. -Т., «Адолат», 1994.
4. Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Устави (1996 йил 29 август) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 14-сон. -Т., «Адолат», 1997.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий давлатлардаги Дипломатик ваколатхона бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш” тўғрисидаги 1992 йил 3 июль Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Дипломатик ходимларга дипломатия класслари ва даражаларини белгилаш тўғрисида”ги 1992 йил 5 июль Қонуни.
7. 1961 йил Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси. Система “Pravo”.
8. 1963 йилги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси. Система “Pravo”.
9. Блищенко И.П., Дурденевский В.Н. Дипломатическое и консульское право. М., 1962.
10. Виноградов В.М. Эпизоды из дипломатической практики. М., 1993.
11. Вопросы дипломатического протокола и протокольной практики в СССР. М., 1977.
12. Демин Ю.Г. Статус дипломатических представительств и их персонал. М., 1995 .
13. Дипломатический словарь. -Т. I-III. М., 1971.
14. Левин Б.Д. Дипломатия, ее сущность, методы и формы. -М., 1962.
15. Маматкулов А. Халқаро ҳуқуқ. -Т., «Адолат», 1997. 142 б.
16. Мурадян А.А. Самая благородная наука об основных понятиях международно-политической теории.- М., 1990.
17. Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
18. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. - Т., «Адолат», 2001, 220 б.

12-мавзу. Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик

12.1. *Халқаро ҳуқуқ субъектларининг “халқаро ҳуқуқий жавобгарли”ги тушунчаси ва унинг асослари. “Халқаро ҳуқуқбузарлик” тушунчаси ва унинг турлари.*

12.2. *Халқаро жавобгарликнинг тур ва шакллари.*

12.1. Халқаро ҳуқуқ субъектларининг “халқаро ҳуқуқий жавобгарли”ги тушунчаси ва унинг асослари. “Халқаро ҳуқуқбузарлик” тушунчаси ва унинг турлари

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик – халқаро ҳуқуқнинг одат ҳуқуқи нормалари негизида шаклланган қадимги институтларидан бири. Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик нормалари халқаро ҳуқуқнинг турли тармоқларида, чунончи, халқаро ҳуқуқ субъектчилиги ҳуқуқи, халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқида жамланган. Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик – халқаро ҳуқуқ субъектининг муайян ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги халқаро ҳуқуқ нормаларининг бузилишига олиб келган ҳолларда келиб чиқади.

Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик халқаро ҳуқуқбузарликнинг ва уни содир этган субъектнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан баҳоланиши бўлиб, ҳуқуқбузарга нисбатан муайян чоралар кўрилиши билан тавсифланади.

1928 йил Халқаро адлия доимий палатаси (БМТ Халқаро судининг ўтмишдоши) ўз зиммасига олинган ҳар қандай мажбуриятнинг бузилиши, бунинг натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини келтириб чиқаришини тан олиш халқаро ҳуқуқ тамойили ва умумий ҳуқуқий концепциядир, деб қайд этди. Бошқача айтганда, халқаро ҳуқуқда жавобгарлик шартномаларга риоя қилмасликнинг муқаррар оқибати ҳисобланади. Шу муносабат билан кўрсатилган ҳолат шартноманинг ўзида айтилиши шарт эмас.

Мазкур қоидадан қуйидагилар келиб чиқади: 1) халқаро ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлиш мажбурияти халқаро одат ҳуқуқининг умумэътироф этилган нормасидир; 2) халқаро ҳуқуқда шартнома бўйича ва ҳуқуқбузарлик бўйича жавобгарлик фарқланмайди. Шартномада назарда тутилганидан қатъи на-

зар, унинг бузилиши бир тарафдан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини, иккинчи тарафдан эса ўз ҳаракатлари учун жавоб бериш бурчини келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқда жавобгарликни – давлат ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти, халқаро аҳамиятга молик ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилган ва халқаро битимларда шундай ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилган қилмишлар содир этган ҳолда халқаро муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини ўз ичига оловчи халқаро ҳуқуқий институт, деб таърифлаш мумкин.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик, давлат нафақат ўз ҳуқуқбузарлиги натижасида етказилган зарарни бартараф этишга мажбурлигини, балки жабрланган тараф ўз бузилган манфаатларини қаноатлантириш (чегарани тиклаш, матбуотда кечирим сўрашни талаб қилиш ва ҳ.к.) ҳуқуқига эга эканлигини ҳам англатади.

Халқаро ҳуқуқнинг шартнома ёки одат нормалари бузилишининг юридик оқибатлари ҳуқуқбузар давлат, жабрланган давлат ёки давлатлар гуруҳига ёки бутун халқаро ҳамжамиятга, шунингдек, халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларига ҳам дахл этиши мумкин. Жавобгарлик шакллари ва ҳажми ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражаси, етказилган зарар миқдори, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва хавфлилиқ даражасига қараб турли хил бўлиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

а) агрессия, геноцид, аппаратид, ирқий камситиш, уруш қонунлари ва одатларини бузганлик учун, мустамлака мамлакатлар ҳамда халқларга мустақиллик беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик;

б) ҳуқуқбузар давлат (ҳуқуқбузар давлатлар гуруҳи)нинг ўз зиммасига халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларига, айрим ҳолларда – уларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига етказган зарарни қоплаш мажбуриятини олиши;

в) содир этилган ҳуқуқбузарликка жавобан ҳуқуқбузар давлатга нисбатан халқаро ҳуқуққа мувофиқ мажбурлов чораларининг, шу жумладан, БМТ Устави 41-моддаси ёки 42-моддасига биноан иқтисодий қамал жорий этиш ва қуролли кучлардан фойдаланиш чораларининг қўлланилиши.

Давлатларнинг халқаро ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисидаги масала илк бор Биринчи жаҳон урушидан кейин, халқаро муносабатларда урушнинг жиноят экани ҳақидаги ғоя мустаҳкамлана бошлагач юзага келди. Бу ғоя бир қанча халқаро ҳуқуқий ҳуж-

жатлар орқали ўтиб, аста-секин халқаро ҳуқуқнинг амалдаги ва анча таъсирчан тамойилига айланди. Ушбу жавобгарликни белгилашга илк уринишлар Биринчи жаҳон урушидан кейин Миллатлар Лигасининг таъсис этилиши билан боғлиқ. Ушбу ташкилот Статутининг муқаддимасида урушнинг олдини олиш бўйича баъзи мажбуриятлар қабул қилиш ва “халқаро ҳуқуқнинг бундан буён ҳукуматлар хулқ-атворининг ҳақиқий қондаси сифатида тан олинадиган қондаларига қатъий риоя қилиш” зарурлиги қайд этилган. Статутда, шунингдек, Лига аъзолари бир-бирининг ҳудудий яхлитлигини ва сиёсий мустақиллигини ҳимоя қилишлари ва уларни ҳар қандай ташқи хужумлардан муҳофаза этишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

1943 йил октябрда СССР, АҚШ ва Буюк Британия Ташқи ишлар вазирларининг Москвада бўлиб ўтган конференциясида қабул қилинган гитлерчиларнинг содир этган ваҳшийликлари учун жавобгарлиги тўғрисидаги Декларация халқаро жавобгарлик институтининг ишлаб чиқилишига асос солган дастлабки энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди.

1946 йил 1 октябрда Халқаро ҳарбий трибунал ҳукми чиқарилди. Бу ҳукм шу йилнинг декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олинди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган Резолюцияда БМТ Бош Ассамблеяси Нюрнберг трибунали Уставида ишлаб чиқилган ва унинг ҳукмида ўз аксини топган халқаро ҳуқуқ тамойилларини тасдиқлаши, бундан буён у универсал аҳамиятга моликлиги қайд этилди.

Шу тариқа халқаро жиноят содир этган давлатни халқаро ҳуқуқий жавобгарликка тортиш бўйича биринчи прецедент вужудга келди. Лекин мазкур институтнинг ривожланиш суръатлари унча катта бўлмади: жаҳоннинг кўпгина мамлакатларини қаноатлантирадиган ечимларни топиш жуда қийин иш бўлиб қолаётир.

Кейинчалик, Нюрнберг ва Токио процессларидан сўнг, агрессия, тинчлик ва инсонийликка қарши жиноятлар учун давлатларнинг жавобгарлиги масалаларида БМТнинг асосий органи — Хавфсизлик Кенгаши муҳим роль ўйнай бошлади. БМТ Уставига мувофиқ, Хавфсизлик Кенгашига халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, давлатлар ўртасида қуроли тўқнашувлар ва тинчликка қарши бошқа ҳаракатларга йўл қўймаслик соҳасида кенг ваколатлар берилган.

Тинчлик ва инсонийликка қарши жиноятлар ҳамда ҳарбий жиноятлар, шунингдек, муддатлар ўтиши қондаси қўлланмай-

диган бошқа халқаро жинойятлар учун фуқароларнинг жиноий жавобгарлиги халқаро миқёсда эътироф этилди ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Бунда қилмишлари давлат ва давлат органларининг жиноий фаолияти билан боғлиқ бўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Мазкур жавобгарлик 1945 ва 1946 йилда бўлиб ўтган Халқаро трибуналларнинг уставларида, халқаро аҳамиятга молик жинойятларга тегишли бошқа халқаро конвенцияларда ўз аксини топди.

Шундай қилиб, жавобгарлик институти халқаро ҳуқуқнинг умумий институти ҳисобланиб, унинг нормалари давлатлар ўртасидаги барча муносабатларда ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилади.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик асослари. Жавобгарлик муайян асослар мавжуд бўлган ҳолда келиб чиқади. Халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро ҳуқуқий жавобгарлигига унинг халқаро ҳуқуқбузарликни содир этиши сабаб бўлади.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг юридик, ҳақиқий ва процессуал асослари фарқланади. Улар ўртасида яқин алоқа мавжуд. Бир томондан, ҳуқуқда муайян ҳаракатлар содир этиш мажбурияти ёки тақиқ мавжуд бўлмаса, ҳуқуқбузарлик тўғрисида, бинобарин, жавобгарлик тўғрисида ҳам сўз юритилиши мумкин эмас. Бошқа томондан, субъектнинг хулқ-атворида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмаса, жавобгарлик тўғрисидаги масала кўтарилиши мумкин эмас.

Юридик асослар деганда, халқаро ҳуқуқ субъектларининг шундай халқаро ҳуқуқий мажбуриятлари тушуниладики, уларга мувофиқ муайян қилмиш халқаро ҳуқуқбузарлик деб аталади. Бошқача айтганда, халқаро ҳуқуқбузарликда халқаро ҳуқуқ нормасининг ўзи эмас, балки субъектларнинг халқаро хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш мажбуриятлари бузилади. Қуйидагилар жавобгарликнинг юридик асослари ҳисобланади: шартнома, одат, халқаро суд ва арбитражларнинг қарорлари, халқаро ташкилотларнинг резолюциялари, шунингдек, давлатларнинг муайян давлат учун юридик жиҳатдан мажбурий хулқ-атвор қоидаларини белгиловчи бир тарафлама халқаро ҳуқуқий мажбуриятлари.

Ҳақиқий асослар жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлган асослардир. Бунда жавобгарликнинг ҳақиқий асоси сифатида амал қиладиган халқаро ҳуқуқбузарликнинг унсурларини аниқ белгилаш зарур. Масалан, қуйидаги ҳолларда давлат халқаро ҳуқуқбузарлик содир этган ҳисобланади: а) халқаро ҳуқуққа биноан ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилган муайян ҳаракат ёки

ҳаракатсизлик содир этганида, б) давлатнинг муайян хулқ-атвори мазкур давлатнинг халқаро мажбуриятига зид бўлган ҳолда.

12.2. Халқаро жавобгарликнинг тур ва шакллари

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик шакли – халқаро ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ёки давлат учун кўнгилсиз ҳолатларни вужудга келтириш усули. Ҳар қандай халқаро ҳуқуқбузарлик қуйидаги оқибатлар мажмуини назарда тутати: 1) ҳуқуқбузар давлатнинг status quo antening тикланиши, 2) ҳуқуқбузар давлатнинг жавобгар бўлиши, 3) status quo antening тиклаш ва жавобгарликни амалга ошириш учун можарони тартибга солишнинг тинч воситаларини қўллаш, 4) жабрланган субъектларнинг зарур ҳолда жавобгарликни таъминлашнинг мажбурий чораларига мурожаат этиши.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг икки шакли – номоддий ва моддий халқаро ҳуқуқий жавобгарлик фарқланади.

Номоддий (сиёсий, маънавий) жавобгарлик сатисфакция, репрессалия, жамоавий санкциялар кўринишида амалга оширилиши мумкин. **Сатисфакция** – ҳуқуқбузар давлатнинг жабрланган давлат томонидан қўйилган ва оддий тиклаш (ресторация) доирасидан четга чиқадиган талабларни қондириши. Одатдаги ва фавқулодда сатисфакция фарқланади.

Одатдаги сатисфакция – ҳуқуқбузар давлатнинг жабрланган давлат қўйган қонуний номоддий талабларни қондириши. Сатисфакциянинг мақсади – жабрланган давлатга етказилган номоддий зарарни, аввало, унинг шаъни ва кадр-қимматига етказилган зарарни қоплаш. Халқаро ҳуқуқбузарлик моддий зарар етказмаган ҳолда, ҳуқуқбузар давлатнинг жавобгарлиги фақат сатисфакция ёрдамида амалга оширилади. Сатисфакциянинг одатдаги шакллари: кечирим сўраш; афсусланиш, ҳамдардлик ёки таъзия билдириш; халқаро ҳуқуқбузарлик содир этишга дахлдор шахсларга моддий жавобгарлик юклаш; уларни жиноий ёки маъмурий таъқиб қилиш; халқаро мажбуриятларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган махсус қонунлар қабул қилиш ва ҳ.к.

Фавқулодда сатисфакция халқаро жиноят содир этган давлатнинг суверенитети ва ҳуқуқ лаёқатини вақтинчалик чеклашнинг ҳар хил турларидан иборатдир. Унинг мақсади – халқаро

жиноят содир этилишининг сабабларини бартараф этиш ва унинг бундан буён содир этилмаслигини кафолатлаш.

Фавқулодда сатисфакциялар сифатида қуйидагилар амал қилиши мумкин: ҳуқуқбузар давлатнинг қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимияти органлари ваколатларини вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки чеклаш; сиёсий тизимнинг айрим таркибий қисмларини қайта тузиш ва давлат халқаро жиноят содир этишига кўмаклашган ижтимоий институтларни тугатиш; ҳудудни қисман ёки тўлиқ оккупация қилиш ва ҳ.к.

Репрессалия – жабрланган субъект томонидан жавоб тариқасида амалга ошириладиган зўравонлик ҳаракатлари (масалан, чет эл балиқчилик кемасини браконьерлик учун ушлаш).

Репрессалиядан реторсияни – ҳуқуқбузарликни ташкил этмайдиган нодўстона ҳаракатларга жавобни фарқлаш лозим (масалан, нодўстона баёнотга жавобан элчини чақриб олиш).

Моддий жавобгарлик етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятида мужассамлашади. Бу жавобгарлик репарация (реституция, субституция, ресторация) шаклида амалга оширилиши мумкин. **Репарация** – моддий зарарни пул, товар, хизматлар билан қоплаш. Етказилган ҳақиқий (бевосита ва билвосита) моддий зарар қопланиши лозим. Бой берилган фойда, одатда, қопланмайди. **Фавқулодда репарация** – халқаро жиноят содир этган давлатнинг ўз моддий ресурсларини тасарруф этиш ҳуқуқини вақтинчалик чеклаш. Унинг мақсади нафақат жабрланган субъектларга етказилган моддий зарарни қоплаш, балки халқаро жиноят содир этилишига имконият яратувчи омилларни бартараф этишдан ҳам иборатдир.

Реституция – зарар етказилгунга қадар бўлган ҳолатни тиклаш. **Субституция** – ноқонуний эгалланган ёки шикастланган мол-мулк, бинолар, санъат асарлари ва ҳ.к.ни ўхшаш ва тенг қимматли предметларга алмаштириш. **Ресторация** – ҳуқуқбузар давлатнинг олдинги ҳолатини тиклаши ва шу билан боғлиқ ҳар қандай кўнгилсиз оқибатларни тугатиши. Илгари моддий жавобгарликнинг контрибуция деб номланган тури – урушда ғолиб чиққан давлатнинг мағлуб давлатдан ўз ҳарбий харажатларини ундириши ҳам мавжуд бўлган.

Шартнома асосида моддий жавобгарликнинг мутлақ ёки объектив жавобгарлик каби турлари ҳам юзага келади. Бу ерда зарар етказувчи айбдор ёки айбдор эмаслигидан қатъи назар, яъни қонуний фаолият жараёнида етказилган зарар учун вужудга

келадиган жавобгарлик тўғрисида сўз юритилади. Жабрланган тараф бунинг учун ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва зарар ўртасидаги сабабий алоқани исботлаб бериши лозим.

Халқаро ҳуқуқий доктринада халқаро ҳуқуққа мувофиқ, ҳуқуқбузар давлатга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган халқаро ҳуқуқий санкциялар жавобгарлик шаклига кирадими, деган савол кўпдан бери муҳокама қилинади. Халқаро ҳуқуқий санкцияларни талқин қилишга нисбатан тўрт асосий ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашувга кўра, халқаро ҳуқуқий муносабатлар соҳасида мажбурлаш аппарати узоқ вақт мавжуд бўлмаган ҳамда халқаро ҳуқуқда “жиноят” ва “жазо” тушунчалари давлатнинг ички ҳуқуқи каби амал қилмаган. Қоплаш ёки қондириш ҳуқуқбузар давлатга нисбатан белгиланиши мумкин бўлган ягона санкция деб ҳисобланган.

Иккинчи ёндашув тарафдорлари халқаро ҳуқуқбузарликлар учун давлатнинг жиноий жавобгарлиги ғоясини ҳимоя қилганлар ва тегишли халқаро ташкилотларнинг мажбурлов чораларига, ҳуқуқбузар давлатга нисбатан жазо чоралари, яъни жавобгарликнинг алоҳида шакли сифатида қараганлар, чунки бундай чоралар оддий зарарни қоплаш доирасидан четга чиқади ва марказлашган тартибда қўлланади.

Учинчи ёндашув дастлабки икки ёндашувнинг аралаш кўриниши бўлиб, натижада “халқаро ҳуқуқий санкциялар” тушунчаси вақт ўтиши билан кенгроқ маъно касб этади, чунки ҳуқуқбузар давлат учун салбий хусусиятга эга бўлган барча оқибатларга халқаро ҳуқуқий санкциялар сифатида қаралади.

Ҳозирда мавжуд тўртинчи ёндашувга асосан, “халқаро ҳуқуқий санкциялар” тушунчаси муайян жабрланган давлатлар ҳам, халқаро ташкилотлар ҳам, ҳуқуқбузар давлат халқаро ҳуқуқбузарликни тўхтатиш ёки ўз жавобгарлигидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан бош тортган тақдирда унга нисбатан қўллаши мумкин бўлган мажбурлов чораларини қамраб олади.

Шундан келиб чиқиб, халқаро ҳуқуқий санкцияларга жавобгарлик шакллари сифатида эмас, балки унинг доирасидан четга чиқадиган, пировард мақсади халқаро ҳуқуқий тартиботни тиклаш учун шарт-шароит яратиш ва ҳуқуқбузар давлатнинг жавобгарлигини тегишли шакллардан амалга оширишдан иборат бўлган мажбурлов чоралари сифатида қаралади.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик” тушунчаси нимани билдиради?
2. Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик институти манбалари мавжудми?
3. Қимлар халқаро ҳуқуқий жавобгарлик субъекти бўлиши мумкин?
4. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликнинг қандай тур ва шакллари мавжуд?
5. Халқаро ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтирувчи қандай асослар мавжуд?
6. Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик қандай амалга оширилади?
7. “Халқаро жиноятлар” деганда нимани тушунасиз?
8. Халқаро жиноят содир этган жисмоний шахслар қандай жавобгарликка тортилади?
9. Халқаро жиноят содир этган халқаро ташкилотлар қандай жавобгарликка тортилади?
10. “Реституция” ва “репарация” нима?
11. “Репрессалия” ва “реторсия” нима?

Адабиётлар

1. Алексеев С.С. Философия права. -М., Норма, 1998.
2. Колосов Ю.М. Ответственность в международном праве. -М., 1975.
3. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
4. Раскалей С.Б. Объективная ответственность государств в международном праве. Киев. 1985.
5. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. - Т., «Адолат», 2001, 220 б.
6. Тункин Г.И. Теория международного права. -М., МО, 1970.
7. Ушаков Ю.Н. Основания международной ответственности. -М., МО, 1985.
8. Черниченко С.В. Теория международного права. В 2 томах. -М., НИМН, 1999, 334 стр.

13-мавзу. Халқаро низоларни тинч йўл билан тартибга солиш

- 13.1. Халқаро низоларни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий воситалари.
- 13.2. Халқаро низоларни судда ҳал қилиш. Халқаро ташкилотлар доирасида низоларни ҳал қилиш.

13.1. Халқаро низоларни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий воситалари

“Халқаро низолар” атамаси тор ва кенг маъноларда қўлланади. Биринчидан, бу муайян иштирокчилар, ўзаро эътирозлар ва маълум предмет билан тавсифланадиган вазият.

Иккинчидан, давлатлар ўртасидаги ҳар қандай можаролар.

БМТ Уставида можароларни таснифлаш учун “низо” ва “вазият” тушунчалари қўлланади.

Давлатлар айна бир предмет юзасидан ўзаро эътирозлар билдирган ҳолат **низо** бўлади. Давлатлар манфаатларининг тўқнашуви улар ўртасида муайян ихтилофларга сабаб бўлган, лекин ўзаро эътирозлар билдирилишига олиб келмаган ҳолат **вазият** деб аталади. “Вазият” “низо”га қараганда кенгроқ тушунчадир.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши можарони “низо” ёки “вазият” сифатида таснифлашидан келиб чиқадиган оқибатлар бир хил эмас. БМТ Устави 27-моддасининг учинчи бандига асосан низолашувчи тарафларидан бири бўлган Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси қарор қабул қилишда овоз бермайди. Бу қоида вазиятга тааллуқли эмас. Устав 36-моддасининг биринчи бандига биноан, Хавфсизлик Кенгаши низо ва вазиятни тартибга солиш таомили ва усулларини тавсия қилиши мумкин. 37 ва 38-моддаларга мувофиқ, Хавфсизлик Кенгаши тарафларга вазиятни эмас, балки низони ҳал қилиш шартларини тавсия қилиши мумкин. Вазиятга эмас, балки низога доир иш БМТ Халқаро судига кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин.

Низо ва вазиятларнинг икки тури фарқланади: биринчи турга мансуб низо ва вазиятларнинг давом этиши тинчлик ҳамда хавфсизликка хавф солса, иккинчи турга мансуб низо ва вазиятларнинг давом этиши бундай хавф билан боғлиқ эмас.

Низолар **юримдик** ва **сиёсий** бўлади. Бу тасниф низода юримдик

ёки сиёсий ҳолатлар устун эканлигидан келиб чиқилади. Халқаро юридик низолар арбитраж ва суд воситалари билан, сиёсий низолар эса давлатлар томонидан музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

Халқаро ҳуқуқда низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойили императив тамойил сифатида тан олинган бўлиб, унга кўра, халқаро низолар фақат тинч воситалар ёрдамида ҳал қилиниши лозим. Бу тамойил БМТ Уставида, шунингдек, ушбу Уставга мувофиқ ишлаб чиқилган бир қанча бошқа универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай ҳужжатлар орасида 1970 йил 24 октябрда қабул қилинган халқаро ҳуқуқнинг БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатларга тегишли тамойиллари тўғрисидаги декларация, 1975 йил 1 августда қабул қилинган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг Яқуний ҳужжати, 1982 йил қабул қилинган Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги Манила декларациясини қайд этиш мумкин. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилининг норматив мазмунига қуйидагилар киради:

1) давлатларнинг ўз халқаро низоларини тинч йўл билан, халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатга хавф солмайдиган тарзда ҳал қилиш мажбурияти;

2) давлатлар ўз халқаро низоларини тез ва одилона ҳал қилишга интилиши;

3) низолашган тарафлар низо юқорида зикр этилган тинч йўллардан бири билан ҳал қила олмаган бўлсалар, низо тинч йўл билан ҳал қилишнинг ўзаро келишилган йўлларини излашни давом эттиришлари шарт;

4) халқаро низо тарафлари бўлган давлатлар, шунингдек, бошқа давлатлар вазиятни ёмонлаштирадиган ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликка таҳдид соладиган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари, БМТ мақсад ва тамойилларига мувофиқ иш кўришлари лозим.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг барча воситалари икки гуруҳга бўлинади:

1. **Келишув воситалари** – низолашган тарафлар бевосита алоқа қилиши ва келишиши натижасида ҳал бўлади.

Музокаралар – тарафларнинг ўзаро маъқул тўхтамга келиш мақсадида бевосита алоқага киришиши. Қоида тариқасида, низолар дипломатик каналлар орқали ҳал қилинади. Музокаралар

конференцияларда, шуниндек, номалар алмашиш йўли ўтказилиши мумкин.

Консултациялар – музокара тури бўлиб, расмиятчилик камлиги билан фарқ қилади. Асосан, музокаралардан олдин ўтказилади.

Текшириш – низолашаётган тарафлар низога сабаб бўлаётган ёки уни келтириб чиқарган ҳақиқий ҳолатларни баҳолашда ҳар хил тўхтамга келган ҳолларда қўлланади. Бу ҳолда тенг асосда, баъзан учинчи давлат вакили бошчилигида халқаро тергов комиссияси тайинланади. Комиссия ишининг натижалари фактлар кўринишида маърузада баён этилади. Тарафлар тергов комиссияси хулосаларидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш эркинлигини сақлаб қолади.

Яхши хизматлар кўрсатиш – учинчи тарафнинг низолашаётган тарафлар ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш борасидаги фаолияти. Бундай хизматларни давлат ҳам, унинг мансабдор шахси ёки ташкилот ҳам кўрсатиши мумкин. Яхши хизматлар кўрсатишга розилик низонинг барча иштирокчиларидан олинishi лозим.

Воситачилик – низони ҳал қилиш усулларида бири бўлиб, бунда учинчи тараф ўзаро эътирозларни мувофиқлаштириш ва тарафлар учун мақбул бўлган ўз таклифларини киритиш мақсадида иштирок этади. Давлатлар ҳам, халқаро орган ва ташкилотлар ҳам, шунингдек, муайян шахслар воситачи бўлиши мумкин. Воситачиликнинг ўзига хос хусусияти – норасмийлик ва махфийлик. Воситачининг таклифлари тарафлар учун мажбурий эмас.

Яраштириш – фактларни аниқлаб, воситачиликни ўзида мужассамлаштиради. Одатда, келишув комиссияси томонидан амалга оширилади.

2. Суд воситалари.

Агар келишув таомилида асосий вазифа тарафлар уларнинг ўзаро хоҳиш-ихтиёрига кўра келишувга келишига ёрдам беришдан иборат бўлса, низони судда ҳал қилишда тарафлар келишуви суд ҳукмига асосланади. Шундай қилиб, халқаро арбитраж ва суд жараёнларининг асосий вазифаси низода иштирок этаётган давлатлар учун мажбурий юридик кучга эга қарорлар чиқаришдан иборатдир. Бунда низо халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан ҳал қилинади.

Халқаро арбитраж – халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг энг қадимий воситаларидан бири. Халқаро арбитраж деганда халқаро низоларни кўриб чиқиш ва тартибга солишнинг алоҳида таомили ҳамда муайян низони, маълум тоифага мансуб

низоларни ёки ахдлашаётган тарафлар ўртасидаги ҳар қандай низоларни ҳал қилиш учун давлатларнинг ўзаро келишувига кўра тузиладиган муваққат халқаро орган тушунилади. Халқаро арбитражнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уни шакллантириш ва иш тартибини низолашаётган давлатларнинг ўзи белгилайди.

Халқаро ҳуқуқда халқаро арбитражнинг икки шакли мавжуд: а) халқаро шартномаларда назарда тутилмаган, уларни шарҳлаш ва қўллашда юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилишга мўлжалланган халқаро (институцион ёки доимий) арбитраж; б) муайян низо бўйича тузиладиган *ad hoc* ёки алоҳида арбитраж.

Институцион арбитраж судлари келажакда иш олиб бориш ва ахдлашаётган тарафлар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилишга мўлжалланган. Институцион арбитражнинг доимий хусусияти шундан иборатки, у ҳақдаги битимни имзолаган давлатлар тегишли низо чиққан ҳолда ушбу арбитраж қаршисида жавоб беришлари шарт, яъни низо арбитражга бўйсунитиши ҳақида доимий мажбурият амал қилади. Шу жиҳатдан халқаро арбитраж халқаро судга ўхшаб кетади. Лекин институцион арбитраж тизимида юзага келган ҳар бир низо учун ўзаро келишувга кўра ҳакамлик суди ташкил этилади.

Ad hoc арбитражи низо чиққанидан сўнг тарафларнинг махсус келишувига кўра, мазкур низо бўйича қарор қабул қилиш учун тузилади ва ўз вазифасини адо этганидан сўнг тугатилади, яъни муваққат хусусиятга эга.

Арбитражнинг бу икки шакли мувозий тарзда амал қилади, лекин баъзан аралаш хусусиятга ҳам эга бўлади. Масалан, халқаро тўқнашувларни тинч йўл билан тартибга солиш тўғрисидаги Гаага конвенцияларига (1899 ва 1907 й.) мувофиқ тузилган ҳакамлик суди доимий палатасининг тузилишида *ad hoc* арбитражи ва институцион арбитраж унсурлари мужассамлашган, чунки суднинг вазифаси “халқаро низолар чиққан ҳолларда ҳакамлик судига мурожаат этиш имкониятини таъминлашдан иборат”.

Гаага конвенциясининг 41-моддаси (1907 й.). Низо чиққанидан сўнг тарафлар Гаага конвенцияларининг (1899 ва 1907 й.) қоидаларига биноан, *ad hoc* арбитраж суди таъсис этиш учун муросага келишлари лозим.

Ad hoc арбитраж судларини шакллантириш ва уларнинг иш тартибига доир процессуал нормалар (1899 ва 1907 й.) Гаага

конвенцияларида, 1928 йилги халқаро тўқнашувларни тинч йўл билан тартибга солиш тўғрисидаги умумий ҳужжатда (БМТ Бош ассамблеяси 1949 йил киритган тузатишлар билан), Арбитраж жараёнининг намунавий қоидаларида (1958 й.) белгилаб қўйилган. Санаб ўтилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари тавсия хусусиятига эга бўлиб, улар давлатлар томонидан арбитраж тўғрисида шартномаларни ишлаб чиқиш чоғида ўринли деб топилган даражада қўлланиши мумкин.

13.2. Халқаро низоларни судда ҳал қилиш. Халқаро ташкилотлар доирасида низоларни ҳал қилиш

Судда яраштириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- халқаро арбитраж ёки ҳакамлик суди давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқади. Арбитраж таркиби ва иш тартиби тарафлар ўртасида тузилган битим билан белгиланади;

- халқаро суд мунтазам ишлайдиган, мустақил судьялардан таркиб топган муассаса бўлиб, халқаро ҳуқуқ қоидаларига биноан халқаро низоларни ҳал қилади ва юридик жиҳатдан мажбурий қарорлар қабул қилади. БМТ Устави 7-моддасининг биринчи бандига биноан, халқаро суд БМТнинг асосий суд органларидан бири ҳисобланади. БМТ Уставининг 92-моддасига биноан, халқаро суд БМТнинг бош суд органидир. Унинг асосий вазифаси низолашаётган давлатлар топширган ҳар қандай халқаро низоларни ҳал қилишдан иборатдир. БМТ Устави 33-моддасининг биринчи бандида халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш воситалари санаб ўтилган бўлиб, улардан бири ишни судда, айнан мунтазам ишлайдиган халқаро судда кўришдир.

Халқаро суд (кейинги ўринларда Суд деб юритилади) фуқаролигидан қатъи назар, унинг мамлақатида олий суд лавозимларига тайинлаш учун қўйиладиган талабларни қаноатлантирадиган юксак маънавий фазилатга эга бўлган ёки халқаро ҳуқуқ соҳасида тан олинган таниқли юристлар ҳисобланган шахслардан сайланидиган мустақил судьялар ҳайъатини ташкил этувчи ўн беш кишидан иборат бўлади.

Суд уч йил муддатга қайта сайланиш ҳуқуқи билан Раис ва вице-раисни сайлайди. Сайлов мутлақ кўпчилик тамойилига кўра яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Агар раис судда кўрилаётган иш тарафи бўлган давлат фуқароси бўлса, у ўз

Ўрнини вице-раис ёки суд аъзоларидан бирига бўшатиб беради. Ушбу қоида вице-раисга нисбатан ҳам, суд аъзоларига нисбатан ҳам амал қилади. Суд Гаага шаҳрида жойлашган, лекин бу унга ўз вазифаларини бошқа исталган жойда бажаришига монелик қилмайди. Статут 23-моддасининг биринчига бандига биноан, Суд мунтазам иш олиб боради, суд вакациялари даври бундан мустасно бўлиб, уларнинг муддати ва давомийлигини Суд белгилайди.

Ҳар бир иш икки босқичдан – ёзма ва оғзаки босқичлардан ўтади. Ёзма босқич бир неча ой давом этади, чунки ҳар бир тараф ёзма тушунтиришлар тақдим этиши лозим. Оғзаки босқич иш тинглашга тайёр бўлганидан кейин бошланади. Бу босқич одатда бир неча кун, баъзан бир неча ҳафта давом этади. Тарафлар ўз вакиллари орқали иштирок этади. Муҳокама яқунланганидан сўнг Суднинг ёпиқ мажлиси бўлади. Очиқ мажлисда фақат Суд қарори эълон қилинади. Қарор судьяларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда масалани Раиснинг овози ҳал қилади.

Давлатлар Суд юрисдикциясини тан олишга мажбур эмаслар, лекин БМТ Уставининг 94-моддасига биноан, агар улар муайян иш бўйича Судни тан олган бўлсалар, мазкур иш бўйича унинг қарорини бажаришлари шарт.

Суд қарорлари қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Суд қарори эълон қилинганидан сўнг тарафлар фақат Судга қарорни шарҳлашни ёки ишнинг янгидан маълум бўлган ҳолатларига кўра, қарорни қайта кўришни сўраб, мурожаат этишлари мумкин.

94-модданинг иккинчи бандида Суд қарори ижро этилишини таъминлаш усули назарда тутилган. Агар иш бўйича тарафлардан бири Суд қарорига биноан унинг зиммасига юкланган мажбуриятни бажармаётган бўлса, бошқа тараф Хавфсизлик Кенгашига мурожаат этиши, Кенгаш эса, зарур деб топган ҳолда, тавсиялар бериши ёки қарор ижро этилишини таъминлаш учун чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Халқаро низоларни ҳал қилишда Европа Иттифоқи Суди муҳим роль ўйнайди. У халқаро низоларни тартибга солиш, ЕИнинг бошқа асосий органлари қабул қилган қонунлар ва қарорларни бекор қилиш, шунингдек, ЕИга аъзо давлатлардан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақлидир. Европа Иттифоқи Суди ЕИ ҳуқуқи нормаларини шарҳлаши ҳам мумкин.

ЕИ Судининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда ЕИ ҳуқуқининг барча субъектлари, юридик ва жисмоний шахслар, миллий суд органлари даъвогар сифатида иштирок этиши мумкин.

Суд таркибига олти йил муддатга сайланадиган 13 судья ва 6 бош адвокат киради. Суд иш юритуви ёзма ва оғзаки босқичлардан иборат. Иш ёпиқ мажлисда муҳокама қилинади. Қарор эса очик мажлисда эълон қилинади ва шу вақтдан эътиборан тарафлар учун мажбурий юридик кучга эга бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Европа Кенгашининг асосий суд органидир. У 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига аъзо мамлакатлар ўртасида Конвенция ҳамда унга Баённомаларнинг қоидаларини шарҳлаш ва амалда қўллаш масалалари юзасидан чиққан низоларни кўриб чиқади. Европа судининг мажбурий юрисдикцияси Суднинг инсон ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги индивидуал петицияларни кўриб чиқиш ҳуқуқига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Лекин муайян шахслар ва ноҳукумат ташкилотлар Европа судига бевосита мурожаат этиш имкониятига эга эмас. Петициялар дастлаб Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясида кўриб чиқилади. Ушбу комиссия мазкур петицияларни Европа судида кўриш учун қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Европа судининг қарорлари улар қарши қаратилган давлат ёки давлатлар учун мажбурийдир.

Халқаро низоларни тартибга солишда халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ муҳим роль ўйнайди. БМТ доирасида халқаро низолар ва можароларга йўл қўймаслик ҳамда уларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг жуда кўп воситалари назарда тутилган. Масалан:

- тинчлик ўрнатиш (низолашаётган тарафларни БМТ Уставида назарда тутилган тинч воситалар ёрдамида муросага келишга оғдириш, можарони тўхтатиш ва тинчлик сақланишини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар);

- тинчликни сақлаш (халқаро можаро чиққан ҳудудда БМТ ҳарбий, полиция ёки ноҳарбий кучларининг ҳозирлигини таъминлаш);

- можародан кейинги даврда тинч қурилиш (бундай низо қайта чиқишининг олдини олиш);

- превентив дипломатия (тарафлар ўртасида низо чиқишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар, низолар можароларга айланишига йўл қўймаслик, юзага келган можаролар миқёсини чеклаш);

- юридик низо чиққан ҳолда БМТнинг тинчликпарвар кучларидан фойдаланиш.

Хавфсизлик Кенгаши тинчликни сақлаш учун асосий жавобгар ҳисобланиб, низоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Кенгаш давлатлар ўртасида ихтилоф ёки низо чиқишига сабаб бўлган ҳар қандай ҳолат ёки вазиятни текшириши мумкин. Тарафларнинг ўзаро келишувига биноан, низо Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига киритилиши мумкин. БМТнинг исталган аъзоси тинчликни сақлаш учун муҳим аҳамиятга молик бўлган вазият ёки низонинг мавжудлиги тўғрисида хабар беришга ҳақлидир.

Бош ассамблея БМТ Устави доирасида ҳар қандай масала, шу жумладан, низоларни муҳокама қилиш ҳуқуқига эга. У низо ва вазиятни ҳал қилиш юзасидан тавсиялар бериши мумкин. Бош ассамблея Хавфсизлик Кенгаши эътиборини вазиятга қаратишга ҳақли.

Котибият БМТ Бош котиби орқали тарафларни муроСага келтириш вазифасини бажаради.

Халқаро низо ва вазиятларни тартибга солишда БМТнинг ихтисослашган органлари ҳам фаол иштирок этади.

Низоларни ҳал қилишда ЕХХТ ҳам катта роль ўйнайди. 1992 йилда ЕХХТ доирасида Яраштириш ва арбитраж бюроси тuzилди. Бу орган Бюро, Яраштириш ва Арбитраж комиссияларидан иборат. Палатага мурожаат этишдан олдин тарафлар музокара олиб бориш бўйича чоралар кўришлари лозим. Фақат шундан кейин низо Яраштириш комиссиясига кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин. Бу комиссия воситачи тарафларнинг вакилларида ташкил топади. Комиссия суд функцияларини эмас, балки сиёсий функцияларни бажаради. Комиссия ишининг натижалари низони тинч йўл билан ҳал қилиш юзасидан таклифлар сифатида қабул қилинади. Тарафлардан бири қарор билан келишган ҳолда у ЕХХТ Вазирлар кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Палата ҳузуридаги арбитражнинг юрисдикцияси факультатив хусусиятга эга. Тарафлар ўзаро келишувга кўра, низони арбитраж муҳокамасига киритишлари мумкин. **Директив яраштириш тўғрисидаги қоидалар** ЕХХТ ёки Катта мансабдор шахслар қўмитаси “исталган икки иштирокчи давлатга улар

оқилона давр ичида тартибга сола олмаган низони ҳал қилишда ёрдамлашиш учун яраштириш таомилидан фойдаланиш тўғрисида қўрсатма бериши мумкин”лигини назарда тутди. Бу таомил низони Яраштириш комиссияси муҳокамасига топширишдан иборат.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро гуманитар ҳуқуқ” тушунчасининг моҳияти?
2. Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг манбалари қандай?
3. Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг асосий тамойилларини санаб беринг.
4. Уруш олиб боришни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш зарурати борми?
5. Қандай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар уруш олиб боришни тартибга солади?
6. Урушни бошлаш акти нима, унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?
7. Кимлар уруш ҳаракатларининг иштирокчиси сифатида тан олинади?
8. Уруш олиб боришнинг восита ва усулларини тартибга солиб турувчи халқаро ҳуқуқий нормалар мавжудми?
9. Уруш қурбонлари ва маданий бойликларни халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш қайси халқаро ҳужжатларда қайд этилган?
10. Давлатлар урушда бетараф бўла оладиларми?
11. Бетараф давлатларнинг ҳуқуқий мақоми қандай халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади?
12. Урушнинг тугатилиши нимани англатади ва унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. -Т., «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократ-

- лаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., “Ўзбекистон”, 2005.
4. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. //Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.
 5. Анисимов Л.Н. Международно-правовые средства разрешения международных споров (конфликтов). -Л., 1975.
 6. Действующее международное право. В трех томах. - Т. 1. - М., 1996. - Разд. XIII.
 7. Левин Д.Б. Принцип мирного разрешения международных споров. - М., 1977.
 8. Кожевников Ф.И., Шармазанашвили Г.В. Международный Суд ООН. - М., 1971.
 9. Международное право. Учебник. Под ред. Колосова Ю.М., Кузнецова В.И. -М.,1995, 608 стр.
 10. Миронов И.В. Международное право: нормы и их юридическая сила. М., 1980.
 11. Осинцев Ю.В., Турбин Э.А. Борьба СССР за совершенствование процесса мирного урегулирования международных споров. М., 1973.
 12. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., “Адолат», 2001, 220 б.
 13. Тункин Г.И. Теория международного права. -М., МО, 1970
 14. Пушмин Э.А. Мирное разрешение международных споров (международно-правовые вопросы). - М., 1974.
 15. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. М., НИМН, 1999, 334 стр.
 16. Шестаков Л.Н. Императивные нормы в системе современного международного права. -М., 1981.
 17. Энтин М.Л. Суд Европейских сообществ. - М., 1987.
 18. Энтин М.Л. Международное судебное урегулирование. - М., 1984.

14-мавзу. Халқаро жиноят ҳуқуқи

- 14.1. “Халқаро жиноят ҳуқуқи” тушунчаси, унинг вужудга келиши, тамойиллари ва манбалари. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро органлар.
- 14.2. Халқаро жиноятлар: субъект ва объектлари. “Халқаро жиноятлар” тушунчаси ва унинг турлари.
- 14.3. Халқаро аҳамиятга молик жиноятларга қарши курашида давлатлар ҳамкорлигининг тур ва шакллари.

14.1. “Халқаро жиноят ҳуқуқи” тушунчаси, унинг вужудга келиши, тамойиллари ва манбалари. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро органлар

Халқаро жиноят ҳуқуқи – халқаро шартномаларда назарда тутилган жиноятларга қарши кураш соҳасида давлатларнинг ҳамкорлигини тартибга солувчи тамойиллар ва нормалар тизими. Халқаро ҳуқуқ тармоғи сифатида у XIX асрда шакллана бошлади ҳамда қуллик, қалбаки пул ясаш, бангифурушлик, урушнинг қонун ва одатларини бузиш каби жиноятларга қарши кураш соҳасида давлатлар тажрибасининг умумлаштирилишига қараб такомиллашиб борди.

Халқаро жиноят ҳуқуқининг асосий тамойиллари орасида қуйидагилар ажралиб туради:

- агрессив урушни тақиқлаш;
- халқаро ҳуқуққа биноан жиноий деб топилган ҳар қандай қилмишни содир этганлик учун жазонинг муқаррарлиги;
- агар давлат халқаро ҳуқуққа биноан тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар тоифасига мансуб деб топилган ҳаракатлар учун жазо белгиламаган бўлса, бу айбдор шахсни халқаро жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди;
- халқаро жиноят содир этган шахснинг мансаб мавқеи уни шахсий жавобгарликдан озод қилмайди;
- шахснинг ўз ҳуқумати ёки бошлигининг жиноий буйруғини ижро этганлиги бу шахсни жавобгарликдан озод қилмайди, башарти у буйруқни бажариш ёки бажармасликни онгли равишда танлаш имкониятига эга бўлган бўлса;
- халқаро жиноятда ёки халқаро аҳамиятга молик жиноятда

айбланган ҳар бир шахс ўз иши судда одилона кўрилиши ҳуқуқига эга;

- ҳарбий жиноятчиларга ва инсониятга қарши жиноятларга муддати ўтган қоидаларни қўлламаслик;

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.) 7-11-моддаларида эълон қилинган жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишнинг халқаро тамойиллари (айбсизлик презумпцияси, урушни тарғиб қилиш, қийноққа солишнинг тақиқланиши ва ҳ.к.).

Ҳозирги вақтда халқаро жиноят ҳуқуқи соҳасида кўп тарафлама универсал шартномалар тизими вужудга келган: Геноцид жиноятларига барҳам бериш ва улар учун жазога тортиш тўғрисидаги конвенция (1948 й.); Одамфурушликка ва учинчи шахсларнинг проституциядан фойдаланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1949 й.); Қуллик, қул савдоси ҳамда қулликка ўхшаш институтлар ва одатларга барҳам бериш тўғрисидаги қўшимча конвенция (1956 й.); Апартеид жиноятларига барҳам бериш ва улар учун жазога тортиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1973 й.); Ҳаво кемалари бортида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа айрим ҳаракатлар тўғрисидаги Токио конвенцияси (1963 й.); Ҳаво кемаларини гайриқонуний эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги Гаага конвенцияси (1970 й.); Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган гайриқонуний ҳаракатларга қарши кураш тўғрисидаги Монреаль конвенцияси (1971 й.); Гиёҳвандлик моддалари тўғрисидаги конвенция (1961 й.); Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция (1971 й.); Гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1988 й.); Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция (1973 й.); Шахсларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (1979 й.); Ядровий материални физик ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1980 й.) ва ҳ.к.

1872 йил бўлиб ўтган Биринчи пенитенциар конгрессда халқаро жиноят ва пенитенциар комиссияси (ХЖПК) тузилди.

БМТнинг ташкил топиши билан халқаро жиноятчиликка қарши курашда янги босқич бошланди. БМТ Уставига мувофиқ, мазкур муаммонинг турли жиҳатлари Бош ассамблея ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан мунтазам муҳокама қилинади. Айрим ҳолларда бу муаммоларни муҳокама қилишга

Хавфсизлик Кенгаши ҳам қўшилади. Унинг 1989 йил 14 июндаги 635-сон резолюциясига мувофиқ, фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) пластик портловчи моддаларни аниқлаш мақсадида уларни тамғалаш тўғрисидаги конвенцияни тайёрлади. Бу конвенция 1991 йил 79 давлат томонидан имзоланди. ИКАОдан ташқари, халқаро жинойтчиликка қарши кураш билан БМТнинг бошқа ихтисослашган муассасалари, шунингдек, кўпгина ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари ҳам шуғулланади.

Лекин асосий иш БМТ доирасида амалга оширилади. 1950 йил Бош ассамблея қарорига биноан, ХЖПК ўрнига Жинойтчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қўмитаси тузилди. Ушбу қўмита ЭКОСОС сессияларида 4 йил муддатга сайландиган 27 аъзодан иборат. Қўмита БМТ органларининг жинойтчиликка қарши кураш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришда ЭКОСОСга ёрдам берди, ушбу соҳада ҳамкорлик дастурларини тайёрлади, давлатлар ўртасида тажриба алмашишга кўмаклашди.

БМТ Бош ассамблеяси 1991 йил 18 декабрда қабул қилган қарорга биноан Қўмита ўз фаолиятини тўхтатди, унинг ўрнига ЭКОСОС таркибида Жинойтчиликнинг олдини олиш ва жинойт адлия бўйича комиссия тузилди. Ушбу комиссия таркибига ЭКОСОС 3 йил муддатга сайлайдиган 40 давлат вакиллари киритилди. Комиссиянинг вазифаси БМТнинг жинойтчиликка қарши кураш соҳасидаги раҳбар тамойилларини ишлаб чиқиш, БМТнинг шу соҳадаги дастурлари амалга оширилишини назорат қилиш, минтақавий ва минтақалараро институтларнинг тадбирларини мувофиқлаштиришда ёрдам беришдан иборат. Биринчи сессияда (Вена, 1992 йил апрель) Комиссия ўз фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олди. Улар орасида уюшган ва иқтисодий жинойтчилик, шу жумладан ноқонуний топилган пулларни қонунийлаштириш, атроф-муҳитни жинойт-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза қилиш ва бошқалар бор.

БМТ Бош ассамблеясининг 1950 йил 1 декабрдаги қарорига биноан, миллий корреспондентлар институти тузилди. Давлатларга жинойтчиликка қарши кураш ва жинойтчилар билан муомалада бўлиш соҳасида профессионал малака ёки тажрибага эга бўлган бир ёки бир неча вакиллар ёхуд илмий экспертларни БМТ Ижтимоий департаменти ҳузурида индивидуал корреспондентлар сифатида иш олиб бориш учун тайинлаш таклиф қилинди.

БМТнинг мазкур соҳадаги фаолиятида БМТ Котибияти дои-

расида тузилган Ижтимоий тараққиёт ва гуманитар масалалар бўйича марказ алоҳида ўрин эгаллайди. Бу Марказ қошида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жинойий адлия бўлими иш олиб боради. Айни вақтда, бўлим жиноятчиликнинг олдини олиш конгресслари котибияти ва комиссияси вазифаларини ҳам бажаради.

Фаолияти БМТ билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа кўпгина органлар ҳам мавжуд. Улар орасида Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (Интерпол)ни қайд этиш лозим.

Жиноят полицияси халқаро ташкилоти 1919 йил тузилган, лекин ҳозирги кўринишда Жиноят полицияси халқаро ташкилоти Устави қабул қилинган ва у 1956 йилдан бери фаолият кўрсатиб келади. Интерполнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- жиноят полицияси барча миллий органларнинг кенг миқёсда ҳамкорлик қилишини таъминлаш;
- жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш муассасаларини ривожлантириш.

Интерполга сиёсий, ҳарбий, диний ёки ирқий кўринишдаги бирон-бир фаолиятни амалга оширишга рухсат этилмайди.

Интерпол фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Жиноятларни рўйхатга олиш. Рўйхатга олиш объекти – халқаро аҳамиятга молик жиноятлар ва халқаро жиноятчилар ҳақидаги маълумотлар.
2. Халқаро қидирув. (Интерпол каналлари орқали қидирувнинг асосий тури – жиноятчиларни қидириш.)
3. Жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни қидириш, уларни кузатиш ва ҳаракатларини назорат қилиш.
4. Бедарак йўқолган шахсларни қидириш.
5. Ўғирланган ашёлар (транспорт воситалари, санъат асарлари, қурол-яроғ ва б.)ни қидириш.

14.2. Халқаро жиноятлар: субъект ва объектлари.

“Халқаро жиноятлар” тушунчаси ва унинг турлари

Ҳуқуқбузарлик объектининг мазмуни, ижтимоий хавфлилик даражаси ёки хусусиятларига қараб, халқаро ҳуқуқбузарлик ва халқаро жиноят фарқланади.

Халқаро ҳуқуқбузарлик – муайян давлатнинг бошқа давлат,

унинг органлари ёки фуқаролари ҳуқуқларини бузиши. Халқаро шартномаларга риоя этиш, дипломатик ваколатхона ёки унинг ходимлари дахлсизлиги, чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари – халқаро ҳуқуқбузарлик объекти, яъни тажовуз предмети бўлиши мумкин.

Халқаро жиноят – муайян давлат халқаро мажбуриятни бузиши натижасида юзага келадиган ва бир ёки бир неча давлатга хавф соладиган халқаро ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат. Халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, уруш, қонун ҳамда одатлари, агрессив уруш, геноцид, ирқчилик ва ирқий камситиш, қуллик, атмосферанинг ёки Жаҳон океани сувларининг оммавий ифлосланиши (экоцид) – халқаро жиноят объектлари бўлиши мумкин.

Халқаро жиноят содир этилган ҳолда нафақат жабрланган давлат, балки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ҳам ҳуқуқбузар давлатни жавобгарликка тортишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Халқаро ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолда эса фақат ҳуқуқлари бевосита бузилган давлат ҳуқуқбузар давлатни жавобгарликка тортишни талаб қилишга ҳақлидир.

Агрессия, геноцид, терроризм, инсон ҳуқуқларини оммавий тарзда бузиш халқаро жиноятлар ҳисобланади. Собиқ Югославия ҳудудида (1993 йил) халқаро гуманитар ҳуқуқни жиддий бузганлик учун жавобгар шахсларни суд тартибида кўриш учун тузилган Халқаро трибунал Уставида “геноцид” тушунчаси “муайян миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман қириб ташлаш ниятида содир этиладиган ҳаракатлар” сифатида таърифланган (4-модда).

Геноциддан ташқари, қуйидаги жиноятлар ҳам ўз норматив таърифига эга: апартеид (1973 йил конвенция), ирқчилик ва ирқий камситиш (1965 йил конвенция), ядро қуролини ҳарбий мақсадда қўллаш (1961 йил БМТ Бош ассамблеясининг ядро қуролини уруш мақсадларида қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги декларацияси).

Сўнгги йилларда терроризм, ёлланган жангарилардан фойдаланиш, уларни ўқитиб-ўргатиш ва маблағ билан таъминлаш, атроф-муҳитга қасддан ва жиддий зиён етказиш, инсон ҳуқуқларини оммавий тарзда бузиш каби хатти-ҳаракатлар ҳам халқаро жиноятлар сифатида тан олинди.

Халқаро жиноятлар учун халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари (давлатлар, халқаро ташкилотлар) ҳам, фуқаролар ҳам

жавобгар бўлиши мумкин (фуқаролар жиной жавобгарликка тортилади). Айни ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, айбдор фуқаролар давлат сиёсати доирасида амалга оширилган ҳаракатлари учун ҳам, ундан ташқарида содир этилган қилмишлари учун ҳам халқаро жавобгарликка тортилиши мумкин. Масалан, Халқаро терроризмга барҳам бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги декларацияга (1994 й.) мувофиқ, террорчилик ҳаракатлари содир этишда айбдор бўлган ҳар қандай шахслар жавобгарликка тортилиши шарт.

Жиноятлар халқаро ҳамжамият манфаатларига қай даражада дахлдорлигига қараб, икки гуруҳга ажратилади:

- халқаро жиноятлар – муайян шахс ёки шахслар гуруҳининг давлатлар халқаро жиноятлари, чунончи, агрессив уруш, апартеид ва ҳ.к. билан бевосита боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлари;

- халқаро аҳамиятга молик жиноятлар – муайян давлат сиёсати билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этиладиган, лекин нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқий тартиботга ҳам дахл этадиган, икки ёки ундан ортиқ давлатларга ижтимоий хавф туғдирадиган ҳуқуқбузарликлар (терроризм, гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва ҳ.к.).

Ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизлик, давлатлар ва халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари халқаро жиноят объекти бўлиши мумкин. Айни вақтда, халқаро ҳимоядан фойдаланаётган шахслар ҳам халқаро жиноят объектлари бўлишлари мумкин. Халқаро ҳимоядан фойдаланаётган шахслар ва дипломатик агентларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция 1973 йил 14 декабрда қабул қилинган. Ушбу Конвенцияга мувофиқ, халқаро ҳимоядан фойдаланаётган шахслар деганда, хусусан, давлат бошлиқлари, шунингдек, давлатларнинг ҳар қандай вакиллари ва мансабдор шахслари тушунилади.

Объектига қараб, халқаро жиноятларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- **тинчликка қарши жиноятлар** (халқаро шартномалар ёки аҳдномаларга зид равишда агрессив урушни режалаштириш, тайёрлаш, бошлаш ёки олиб бориш, бундай ҳаракатларнинг исталган бирини амалга оширишга қаратилган ҳар қандай режа ёки фитнада иштирок этиш);

- **ҳарбий жиноятлар** – уруш қонун ва одатларини жиддий

бузиш (оккупация қилинган ҳудудларнинг ноҳарбий аҳолисини ўлдириш, қийноққа солиш ёки мажбурий ишларга ҳайдаб кетиш, ҳарбий асирларни ёки денгиздаги шахсларни қийноққа солиш; гаровга олинган шахсларни ўлдириш; жамоат мулки ёки шахсий мулкни талон-торож қилиш; шаҳар ва қишлоқларни мақсадсиз вайрон қилиш; биологик экспериментлар ўтказиш; ҳарбий асир ёки ноҳарбий шахсни душман қуроли кучларида хизмат қилишга мажбурлаш; маданий, маиший, хайрия, ўқув, бадий ва илмий муассасаларни, тарихий ёдгорликларни, бадий ва илмий бойликларни эгаллаш, вайрон қилиш ёки қасддан йўқ қилиш);

инсониятга қарши жиноятлар - (ноҳарбий аҳолини ўлдириш, қириб ташлаш, азоблаш, сургун қилиш ва бошқа шафқатсизликлар содир этиш ёки сиёсий, ирқий ё диний сабабларга кўра таъқиб қилиш, қийнаш, қамаш, номусга тегиш, терроризм)нинг хусусияти шундаки, у тинчликка қарши ёки ҳарбий жиноятлар содир этиш мақсадида ёки шу муносабат билан содир этилади.

Ирқчилик, апартеид, геноцид ҳам инсониятга қарши жиноят саналади.

Халқаро аҳамиятга молик жиноятлар хавфлилик даражаси, жинойий тажовуз объекти ва бошқа белгиларга қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- халқаро муносабатлар барқарорлигига қарши жиноятлар (халқаро терроризм; шахсни гаровга олиш; ядровий материални ўғирлаш; жангариларни ёллаш, урушни тарғиб қилиш ва б.);

- давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётига зарар етказадиган жиноятлар (қалбаки пул ясаш; жинойий йўл билан олинган даромадларни қонунийлаштириш, гиёҳванд моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш, контрабанда, норасмий эмиграция, алоҳида иқтисодий зона ва континентал шельф ҳуқуқий режимини бузиш, халқларнинг маданий бойликларини ўғирлаш ва б.);

- инсоннинг шахсий ҳуқуқларига жинойий дахл этиш (қуллик; қул савдоси, аёллар ва болалар билан савдо қилиш, проституциядан учинчи шахсларнинг фойдаланиши; порнографик нарсаларни тарқатиш, қийноққа солиш ҳамда муомала ва жазонинг инсонийликка зид бошқа турлари, инсон ҳуқуқларини сурункали ва оммавий бузиш);

- очиқ денгизда содир этиладиган жиноятлар (қароқчилик;

сувости кабели ёки қувур йўлини узиш ва шикастлантириш, очик денгиздан рухсатсиз радиоолоқа қилиш; денгиз кемалари тўқнашуви, денгизда ёрдам бермаслик, денгизни зарарли моддалар билан ифлослантириш ва б.);

- халқаро аҳамиятга молик ҳарбий жиноятлар (муайян шахсларнинг уруш олиб боришнинг тақиқланган восита ва усуллари-ни қўллаши; уруш ҳаракатлари бораётган худудда аҳоли устидан зўравонлик ҳаракатлари, Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёки уларни суистеъмол қилиш, мародёрлик, ҳарбий асирлар билан ёмон муомалада бўлиш, ярадор ва беморларга нисбатан мажбуриятларни қўполлик билан бажариш, бошқа ҳарбий асирларга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш ва ҳ.к.).

Келтирилган тасниф муайян қонуниятларга асосланмайди ва шартли хусусиятга эга. Халқаро муносабатларнинг беқарорлиги, қуролли можаролар ва инқилобий тангликлар шароитида бундай жиноятлар сони сезиларли даражада кўпаяди.

Айбдорларни жазолаш ва халқаро жиноятларнинг ҳолатларини аниқлаш учун халқаро трибуналлар тузилади (энг машҳур ҳарбий трибуналлар Иккинчи жаҳон уруши охирида тузилган: Нюрнберг ҳарбий трибунали, Токиодаги Халқаро трибунал). Ҳозирги даврда собиқ Югославия ва Руанда бўйича трибуналлар мавжуд. Бундай трибуналлар асосан *ad hoc* тамойилига кўра иш олиб боради.

14.3. Халқаро аҳамиятга молик жиноятларга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигининг тур ва шакллари

Жиноятчиликка қарши халқаро кураш деганда, шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг муайян турларига қарши кураш соҳасида давлатларнинг ҳамкорлиги тушунилади. Бу ҳамкорлик узоқ тарихга эга. Жиноятчиларни топшириш бўйича ҳамкорлик халқаро аҳамиятга молик жиноятларга қарши курашнинг илк шаклидир. Муайян босқичда тажриба алмашиш зарурати туғилди. Фан-техника тараққиётининг ривожланишига қараб, ушбу соҳадаги ҳамкорлик ўз қиёфасини ўзгартирди ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда тобора муҳим роль ўйнамоқда. Жиний ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу

жумладан, жиноятчиларни қидириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, ашёвий далиллар тўплаш ва бошқа соҳаларда ҳам шу ҳолат кузатилмоқда.

Савдо-сотиқ, денгизда кемалар қатнови, давлатлар ўртасидаги алоқалар ривожланишига қараб, умумий манфаатларга дахлдор жиноятларнинг муайян турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик доираси ҳам кенгайиб борди.

Денгиздаги қароқчиликка қарши кураш қадимдан кенг тарқалган. Бу жиноят давлатлар томонидан халқаро жиноят сифатида эътироф этилган, қароқчилар эса инсоният душманлари деб аталган. 1982 йил БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича конвенциясида, шунингдек, бошқа бир қанча кўп тарафлама шартномаларда денгиздаги қароқчиликка қарши кураш қоидалари белгилаб қўйилган.

1815 йил Вена конгрессида ҳабаш қуллар савдосига барҳам бериш тўғрисида биринчи ҳужжат қабул қилинган. 1841 йил беш давлат ўртасида Америкага ҳабаш қулларни олиб келишни тақиқловчи шартнома имзоланди. Ушбу шартнома 1885 йил Берлин конференциясида қабул қилинган Конго дарёсида тўғрисидаги ва 1890 йил Брюссель конференциясида қабул қилинган қулфурушликка қарши кураш тўғрисидаги ҳужжатлар билан тўлдирилди. Ушбу ҳужжатларда қулфурушлик жиноят сифатида эътироф этилди. Бу қоида 1926 йил Миллатлар Лигаси доирасида имзоланган Қуллик тўғрисидаги конвенцияда ва ушбу Конвенцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 1953 йил Баённомасида янада аниқроқ белгиланган. Уларда нафақат қул савдоси, балки қулликнинг ўзи ҳам қонунга зид, деб эълон қилинган.

Кейинроқ давлатлар порнографияга қарши курашда ҳамкорлик қила бошладилар. Бу жиҳатдан Порнографик нашрларни тарқатишга қарши кураш тўғрисидаги Париж конвенцияси (1910 й.) ҳамда Порнографик нашрлар билан муомалада бўлиш ва савдо қилишга барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция (1923 й.) диққатга сазовордир. Ушбу конвенцияларга мувофиқ, давлатлар ўз зиммаларига порнографик нашрларни сотиш, тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ва олиб чиқишда айбдор шахсларни жиноий таъқиб қилиш ва жазолаш мажбуриятини олдилар.

Миллатлар Лигаси доирасида ва ушбу ташкилот тузилишидан олдинроқ давлатлар аёллар ва болалар билан савдо қилишга қарши курашга киришдилар. Одамфурушликка ва учинчи шахсларнинг проституциядан фойдаланишига қарши кураш тўғри-

сидаги конвенция (1949 й.) бу соҳада қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, давлатлар қўшмачилик, проституцияга оғдириш ёки проституция мақсадида йўлдан оздириш, проституциядан фойдаланиш, фоҳишахоналар сақлаш, шу мақсадда уй ва биноларни ижарага олиш ёки беришни жиноят сифатида таснифлаш мажбуриятини олдилар.

Пул белгиларини қалбакилаштиришга қарши кураш бўйича халқаро конвенция (1929 й.) ҳам диққатга сазовордир. Ушбу салбий ҳодисанинг кенг тарқалиши давлатларни юқорида зикр этилган Конвенцияни қабул қилишга мажбур этди. Унга мувофиқ, давлатлар пул белгиларини қалбакилаштирадиган, таркатадиган, бу жараёнда иштирок этадиган шахсларни жинойий таъқиб қилиш мажбуриятини олдилар.

Юқорида қайд этилган кўп тарафлама шартномалар жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлатлараро ҳамкорлик қайси йўналишларда ривожланганлиги тўғрисида умумий тасаввур беради. Бу ҳамкорлик БМТ доирасида янада кенгайди ва мазмунли, изчил хусусият касб этди. БМТ Устави ушбу соҳада халқаро ҳамкорлик учун янада мустаҳкамроқ замин яратди.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида БМТ доирасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан Геноцид жиноятига барҳам бериш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция (1948 й.), Ирқий камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (1965 й.) қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ЖК ва ЖПКнинг муайян нормалари, прокуратура, тезкор-кидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бошқа қонунлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва маҳкамаларининг қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жиноятчиларни топшириш масалалари МДХга аъзо 10 та давлат 1993 йил 22 январда Минскда имзолаган Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа бир қанча чет давлатлар ўртасида тузилган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки тарафлама шартномалар билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ўртасида ҳуқуқий ёрдам ёки жиноятчиларни топшириш тўғрисида шартнома бўлмаган тақдирда, халқаро ҳамкорлик масалалари халқаро ҳуқуқ тамойилларига асосан ҳал қилинади. Халқаро ҳуқуқда экстра-

диция деганда, халқаро ёки бошқа жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ижро этиш учун топшириш тушунилади. Жиноятчини топшириш институтининг замирида “ant dedere aut judicare” тамойили (жиноят содир этган шахс у ушланган мамлакатда ёки жиноят содир этилган мамлакатда ёхуд жиноятдан кўпроқ жабрланган мамлакатда жазога тортилиши лозим) ётади.

Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликка мисол келтирамиз. Халқаро ҳуқуқ ва ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг миллий қонунчилиги билан белгиланган жиноятчиларни топшириш ҳуқуқий механизми (тартиби) қуйидагиларни назарда тутлади:

- жиноятчиларни топшириш ҳамда топширишни рад этиш асослари;

- жиноятчини топшириш ҳақидаги халқаро талаб (илтимос, топшириқ)нинг процессуал шакли;

- жиноятчини топшириш сабаб ва асосларини текшириш таомили;

- топширилиши лозим бўлган шахсларни қидириш, ушлаш ва қамоққа олиш асослари ва тартиби;

- шахсни топшириш жараёни;

- топширилган шахсни жиноий таъқиб қилиш.

Жиноятчиларни топшириш ҳуқуқи ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахслар улар бўлиб турган давлат бош адлия органининг рухсатисиз ёки халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари билан белгиланган жиноятчини топшириш таомилига зид равишда бошқа давлатга топширилиши мумкин эмас.

Шаклланган амалиётга кўра, шахсларни топшириш нафақат миллий қонунчиликка ва халқаро шартномаларга мувофиқ, балки халқаро хушмуомалалик доирасида ўзаро келишилган шартларда ҳам амалга оширилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик соҳасида давлатлар олдида қандай ҳуқуқий муаммолар бор?
2. Халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасида давлатлар ҳамкорлиги қандай соҳаларда олиб борилади?

-
3. Халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасида жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорликда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш қандай амалга оширилади?
 4. Ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг қандай халқаро стандартлари мавжуд?
 5. Қайси халқаро ташкилотлар доирасида жиноятчиликка қарши халқаро ҳамкорлик амалга оширилади?
 6. Экстрадиция нимани англатади?
 7. Интерпол қандай ишларни олиб боради?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., «Адолат», 2002.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда -Т., «Ўзбекистон», 2000.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т., «Ўзбекистон», 2005.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. //Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.
6. Международное уголовное право. Блищенко И.П., Канашкарян Р.А., Карпец И.И. и др: отв. ред. В.Н. Кудрявцев. РАН, ИГП, -М., Наука, 1995.
7. Международное право. Учебник. Под. ред. Колосова Ю.М. Кузнецова В.И. -М., 1995, 608 стр.
8. Одилқориев Х.Т. Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
9. Фёдоров В.Н. ООН и проблемы войны и мира. -М.,1988.

15-мавзу. Қуролли можаролар ва халқаро ҳуқуқ

- 15.1. Халқаро ҳуқуқ қуролли можаролар даврида: тушунчаси, тамойиллари, манбалари. “Женева ҳуқуқи” ва “Гаага ҳуқуқи”.
- 15.2. Урушнинг бошланиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари. Уруш майдони. Урушда бетарафлик.
- 15.3. Уруш олиб боришнинг тақиқланган воситалари ва усуллари.
- 15.4. “Урушдан жабрланганлар” тушунчаси. Комбатантлар ва нокомбатантлар. 1949 йил Урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциялари.
- 15.5. Ҳарбий оккупация. Уруш тугашининг халқаро ҳуқуқий оқибатлари.

15.1. Халқаро ҳуқуқ қуролли можаролар даврида: тушунчаси, тамойиллари, манбалари. “Женева ҳуқуқи” ва “Гаага ҳуқуқи”

Нормалари қуролли кураш олиб боришни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғини белгилайдиган ягона тушунча фанда яқин вақтгача йўқ эди; олимлар орасида ҳуқуқнинг мазкур тармоғи мазмуни юзасидан яқдиллик мавжуд эмас. “Уруш ҳуқуқи”, “халқаро уруш ҳуқуқи”, “уруш қонунлари ва одатлари”, “уруш қонунлари” ҳуқуқнинг мазкур тармоғига нисбатан энг кўп қўлланиладиган атамалардир. 1968 йилдан БМТ материал ва ҳужжатларида, халқаро ҳуқуқшуносларнинг тадқиқотларида қуролли можаролар даврида қўлланиладиган ҳуқуқ нормалари тўғрисидаги масала муҳокама қилина бошлади. У ўша заҳоти турли мамлакатларнинг юристлари ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар ўртасида мунозара предметига айланди.

Қуролли можаролар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланиши муаммоси теварагида қизғин баҳс кетмоқда. Маълумки, умумий халқаро ҳуқуқ доирасида вазифаси қуролли можаро пайтида шахсни ҳимоя қилишдан иборат бўлган умумэтироф этилган норма ва тамойиллар гуруҳи азалдан (аввал одат, сўнгра юридик нормалар шаклида) мавжуд. Тўғри, бу нормаларга доим ҳам риоя қилинмайди, боз устига, улар муайян даврда фан ва ҳарбий техника тараққиёти талабларига тўла жавоб бермаган.

Халқаро ҳуқуқнинг мустақил тармоғи - қуролли можаролар ҳуқуқи мавжудлигини асослаш фақат назарий аҳамиятга эга эмас. Мазкур тушунчани таърифлашдаги ҳар хиллик муқаррар равишда шунга олиб келадики, халқаро ҳуқуқнинг ушбу тармоғи баъзан номуайян, аморф сифатида талқин қилинади, бундан эса, ўз навбатида, у аниқ, конкрет тамойилларга эга эмас, деган хулоса чиқарилади. Ягона тушунчани ишлаб чиқиш, ягона тамойиллар ва нормаларни таърифлаш ҳамда халқаро битимларда мустаҳкамлаб қўйиш урушаётган давлатлар ҳаракатларининг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги ҳақидаги мунозараларга чек қўйган, бу қуролли можаролар ҳуқуқи нормалари аниқ бажарилишига имконият яратган бўлур эди. Пировард натижада, бу – қуролли кураш олиб боришнинг инсонпарварлашувига олиб келади.

Миллий мустақиллик учун кураш олиб бораётган суверен давлатлар ва айрим ҳукуматлараро халқаро ташкилотлар (БМТга ўхшаш) қуролли можаролар ҳуқуқининг субъектларидир.

Қуролли кураш даврида ёки қуролли кураш муносабати билан юзага келадиган ўзига хос ижтимоий муносабатлар қуролли можаролар ҳуқуқининг ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил этади.

Қуролли можаролар ҳуқуқи нормаларининг ўзига хос мазмуни тартибга солиш предметидан келиб чиқади. Бу нормалар, асосан, халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзаро ихтилоф (уруш, қуролли можаро) давридаги хулқ-атворини белгилайди. Бундай нормалар халқаро ҳуқуқнинг бошқа бирон-бир тармоғида йўқ. Ушбу нормалар замон ҳамда маконда амал қилади ва нисбатан янги нормалардир. Масалан, ҳарбий соҳадаги фан-техника тараққиёти тузоқ миналар ва шарикли бомбалар кашф этилишига олиб келди. Бу бомбалар асосини инсон танасида рентгенда кўрилмайдиган шарчалар ташкил этади. Тузоқ миналар ва шарикли бомбалар инсонийликка мутлақо зид қуроллардир, чунки уларнинг қўлланилишидан, асосан, ноҳарбий аҳоли зарар кўради. 1980 йил мазкур қуролни ноҳарбий аҳолига қарши қўллашни тақиқловчи махсус Конвенция қабул қилинди.

Кўриб чиқилган мезонларга асосан, қуролли можаролар ҳуқуқини – халқаро битимлар ёки одат воситасида таркиб топтирадиган, урушларда, халқаро ва ноҳалқаро қуролли можароларда қўлланиладиган, қуролли кураш олиб боришнинг муайян восита ва усулларида фойдаланишни тақиқлайдиган, уруш

даврида шахс ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган, бу ҳуқуқларни бузганлик учун давлатларнинг халқаро ҳуқуқий жавобгарлиги ва жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилайдиган юридик нормалар мажмуи деб таърифлаш мумкин.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи босқинчилик, агрессив урушларни тақиқлайди (БМТ Устави 2-моддасининг тўртинчи банди). Лекин бу кишилиқ жамияти ҳаётида урушларга барҳам берилган, қуролли можароларни келтириб чиқарувчи сабаб ва манбаларга чек қўйилган, деган маънони англатмайди. Айни вақтда, ҳозирги давр шароитида ноқонуний урушлар билан бир қаторда, халқаро қуролли можаролар доирасида халқаро ҳуқуқ билан тақиқланмаган адолатли урушлар ҳам бўлиши, шунингдек, қуролли куч қонуний қўлланиши ҳам мумкин. Бундай урушларга қуйидагилар киради:

- давлат ёки давлатлар гуруҳининг, БМТ Уставининг 51-моддасига мувофиқ, агрессиядан ўзини ўзи индивидуал ёки коллектив мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган мудофаа урушлари;

- ўз миллий озодлиги ва мустақил давлат қуриш учун қўлда қурол билан курашга чоғланган мустамлака ёки қарам халқлар (масалан, Фаластин озодлик ташкилоти)нинг миллий-озодлик урушлари;

- БМТ Уставининг 42-моддасига мувофиқ, БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига биноан тузилган БМТ қўшинларининг операциялари;

- шартнома мажбуриятларини бажариш чоғида қуролли куч қўллаш (масалан, Шри-Ланкадаги миллий можарони тартибга солиш тўғрисидаги Ҳиндистон ва Шри-Ланка ўртасида тузилган шартномага (1987 й.) мувофиқ, “Тамил-Илам озодлик йўлбарслари” гуруҳига қарши Ҳиндистон қўшинларидан фойдаланилган).

Ҳозирда амалда бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар орасида, айниқса, 1907 йилги Гаага конвенциялари ва 1949 йилги Женева конвенциялари муҳим аҳамиятга эга. Гаага конвенциялари (“Гаага ҳуқуқи” ёки “уруш ҳуқуқи”) қуролли кураш олиб бориш восита ва усулларидан фойдаланишни тартибга солса, Женева конвенциялари (“Женева ҳуқуқи” ёки “инсонпарварлик ҳуқуқи”) сафдан чиққан комбатантларнинг ва жанговар ҳаракатларда иштирок этмаётган шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилади.

1977 йилда Женева конвенцияларига иккита қўшимча баён-

нома: халқаро қуролли можаролардан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги I баённома ва ноҳалқаро аҳамиятга молик қуролли можаролардан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги II баённома қабул қилинди.

Урушда муайян қурол турларининг қўлланилишини тақиқловчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қуролли можаролар ҳуқуқининг манбалари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, Женева баённомаси (1925 й.) заҳарловчи, бўғувчи газлар ва бактериологик воситаларни қўллашни тақиқлайди; 1972 йил имзоланган Бактериологик қурол тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ, бактериологик ва заҳарли қуролларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва уларнинг захираларини вужудга келтириш тақиқланади. Давлатлар Табиий муҳитга таъсир кўрсатиш воситаларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияга (1977 й.) имзо чекдилар. 1980 йил Конвенцияси ноҳарбий аҳолига қарши инсон танасига рентгенда кўрилмайдиган осколкали бомбалар, тузоқ миналар, ёндирувчи қуроллар қўллашни тақиқлайди.

Қуролли можаролар ҳуқуқига оид жуда кўп халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар агрессия учун ва қуролли можаролар ҳуқуқи нормаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масалаларини тартибга солади. Булар: Халқаро ҳарбий трибунал Устави (1945 й.); Геноцид жиноятига барҳам бериш ва унинг учун жазога тортиш тўғрисидаги конвенция (1948 й.); Ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан муддатлар ўтиши қондаси қўлланмаслиги тўғрисидаги конвенция (1968 й.); БМТ Бош ассамблеясининг 1946 йил ҳарбий жиноятчиларни топшириш ва жазолаш тўғрисидаги ҳамда 1979 йилги Ҳарбий жиноятчиларни ва инсониятга қарши жиноятлар содир этган шахсларни жазолаш тўғрисидаги резолюциялари ва бошқалардан иборат.

Қуролли можаролар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойилларидан қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга: инсонпарварлик тамойили, камситишга йўл қўймаслик тамойили, қуролли можаролар ҳуқуқи нормалари ва тамойилларини бузганлик учун жавобгарлик тамойили.

Қуролли можаролар ҳуқуқи: урушаётган тарафларнинг қуролли кураш восита ва усулларини танлаш имкониятини чеклаш тамойили; ҳарбий ва ноҳарбий объектларни ажратиш тамойили ҳамда қуролли кураш иштирокчиларини, шунингдек,

ноҳарбий аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги махсус тамойилларга ҳам эга. Улар икки гуруҳга бўлинади: комбатантларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари; қуролли можаролар пайтида ноҳарбий шахснинг узвий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари.

15.2. Урушнинг бошланиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари. Уруш майдони. Урушда бетарафлик

Давлатлар ўртасида уруш ҳаракатлари олдиндан огоҳлантирмасдан бошланиши мумкин эмас. Бу огоҳлантириш шартли равишда уруш эълон қилувчи ультиматум шаклида бўлиши лозим (Уруш очиш тўғрисидаги Гаага конвенциясининг 1-моддаси). Лекин БМТ Бош ассамблеяси 1974 йил 14 декабрда қабул қилган агрессияга берилган таърифга кўра, БМТ Уставининг 51-моддасига мувофиқ, ўзини мудофаа қилиш ҳаракати ҳисобланмайдиган уруш эълон қилиш ҳолатининг ўзи қонунга хилоф урушни қонуний урушга айлантирмайди ва агрессия ҳисобланади. Агрессив урушни эълон қилмасдан бошлаш агрессорнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатдир.

Уруш эълон қилиш давлат ҳоқимияти олий органларининг ваколатига киради ва ҳар бир мамлакатнинг конституцияси билан белгиланади. Уруш эълон қилиш, ҳатто, у уруш ҳаракатлари кўринишида амалга оширилмаса ҳам, доим уруш ҳолатига олиб келади ва муайян ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади. Бу тегишли давлатлар ўртасида тинчлик муносабатлари барҳам топганлигини англатади: дипломатик ва консуллик алоқалари тўхтатилади, элчихона ва ваколатхоналар ходимлари чақириб олинади, сиёсий шартномалар (ҳужум қилмаслик, бетарафлик, ҳарбий иттифоқ ҳақидаги) бекор қилинади, айрим кўп тарафлама шартномалар урушаётган давлатларга нисбатан ўз кучини йўқотади, қуролли можаролар давридаги ҳуқуқ норма ва тамойиллар мустаҳкамланган кўп тарафлама халқаро шартномалар урушаётган тарафларга нисбатан ҳам амал қила бошлайди. Бундай шартномаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар уруш пайтида қуролли можарода иштирок этаётган тарафлар томонидан денонсация қилиниши мумкин эмас. Уруш бошланиши билан урушга кирган давлатлар билан бетараф ва урушмаётган бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи шартнома ва битимлар қоидаларини амалга оширишга

киришилади. Рақиб мамлакат фуқароларига нисбатан махсус режим қўлланилиши мумкин; уларнинг яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланади; улар интернация қилиниши ёки муайян жойга мажбуран жойлаштирилиши мумкин (Уруш пайтида ноҳарбий аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясининг (1949 й.) 41 ва 42-моддалари).

Ҳарбий ҳаракатлар урушаётган давлатларнинг маълум ҳудудларида амалга оширилади. **Уруш майдони** деганда, урушаётган давлатларнинг улар уруш ҳаракатлари олиб бориши мумкин бўлган бутун ҳудуди (қуруқлик, денгиз ҳудудлари ва улар устидаги ҳаво бўшлиғи) тушунилади. **Ҳарбий ҳаракатлар майдони** деганда, урушаётган давлатларнинг қуролли кучлари уруш ҳаракатлари олиб бораётган ҳудуд тушунилади.

Халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормаларида уруш майдони ҳисобланмайдиган ҳудудлар белгилаб қўйилган. Масалан, қуйидагилар уруш майдони ҳисобланмайди:

- бетараф ва бошқа урушмаётган давлатларнинг ҳудуди (қуруқлик, денгиз ҳудуди ва улар устидаги ҳаво бўшлиғи);

- халқаро бўғозлар ва каналлар (Аргентина ва Чили ўртасидаги Шартномага (1981 й.) кўра Магеллан бўғози, Константинополь конвенциясига (1888 й.) мувофиқ Сувайш канали, Дунай бўйлаб кема қатнови режими тўғрисидаги конвенцияга (1948 й.) биноан Дунай дарёси);

- нейтрализация ва демилитаризация қилинган жаҳон океани қисмлари, ороллар, архипелаглар;

- шу жумладан, оккупация қилинган ҳудудлардаги санитария зоналари ва махсус эмблемалар билан белгиланган, ярадор ва беморларни, шунингдек, мазкур зоналарни ташкил этиш ва бошқариш вазифаларини бажарувчи ходимларни уруш ҳаракатларидан ажратиш учун мўлжалланган жойлар (ҳаракатдаги армияларда бемор ва ярадорлар қисматини енгиллаштириш тўғрисидаги Женева конвенциясининг (1949 й.) 23-моддаси);

- катта миллий ва умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган, маданий бойликлар халқаро реестрига киритилган, махсус ҳимоя қилинадиган ва махсус белги билан белгилаб қўйилган маданий бойликлар, бино ва маданий бойликлар марказлари (қуролли можаролар пайтида маданий бойликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Гаага конвенциясининг (1954 й.) 1, 16 ва бошқа моддалари);

- вайрон қилиниши ноҳарбий аҳоли учун ҳалокатли ва хавфли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган атом электростан-

циялари, дамба ва тўғонлар жойлашган ҳудудлар (Урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига 1977 йилги II қўшимча баённома).

Уруш пайтида **бетарафлик** (нейтралитет) деганда, давлатнинг шундай бир ҳуқуқий ҳолати тушуниладики, унга кўра ушбу давлат урушда иштирок этмайди ва урушаётган давлатларга бевосита ёрдам кўрсатмайди. Бетараф давлатларнинг уруш пайтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, урушаётган тарафларнинг бетараф давлатларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, урушаётган ва бетараф давлатлар фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуруқликда уруш рўй берган ҳолда бетараф давлат ва шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги Гаага конвенцияси (1907 й.) билан тартибга солинади. Бу конвенцияга мувофиқ, бетараф давлат ҳудуди дахлсиз ҳисобланади ва уруш ҳаракатлари майдонига айлантирилиши мумкин эмас. Урушаётган давлатларнинг бетараф давлат ҳудудидан ўз қўшин ва ҳарбий транспортини олиб ўтиши тақиқланади. Бетараф давлат урушаётган тарафларга ўз ҳудудидан радиостанция ва бошқа алоқа воситалари ҳамда техник қурилмалар яшаш, ўрнатиш ёки жойлаштиришга рухсат бермаслиги лозим. Лекин у урушаётган тарафларга (тенглик асосида) ўз алоқа воситаларидан фойдаланишга рухсат бериши мумкин.

Бетараф давлат урушаётган тарафларни қурол-аслаҳа, ҳарбий ва бошқа материаллар билан таъминлаши мумкин эмас. Айни вақтда, у уруш ҳаракатлари кетаётган жойлардан қурол-яроғ ва ўқ-дориларни урушаётган тарафлардан бирининг ҳисобидан ўзаро тенглик асосида олиб чиқиб кетишга (ёки транзитига) монелик қилишга мажбур эмас.

Шунингдек, бетараф давлат ўз бетарафлигига бўлган тажовузни ўз қуролли кучлари ёрдамида бартараф этишга ҳақлидир. Бетараф давлат урушаётган тарафларнинг ярадорлари ва беморларини ўз ҳудуди орқали олиб ўтишга рухсат беришга ҳақли, башарти, транспортда қурол-яроғ ва ўқ-дорилар бўлмаса.

Бетараф давлат ўз ҳудудидан урушаётган тарафлар учун аскарлар ёллаш пунктлари очиш ва ҳарбий отрядлар тузишига йўл қўймаслиги шарт. Айни вақтда, фуқаролар яқка ҳолда чегарадан ўтиб, урушаётган тарафлар армиясига қўшилаётган бўлса, бетараф давлат бунинг учун жавобгар бўлмайди.

Денгиздаги урушда бетарафлик денгизда уруш рўй берган

ҳолда бетараф давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги XIII Гаага конвенцияси (1907 й.) билан тартибга солинади. Ушбу ҳужжатта мувофиқ, бетараф давлатнинг территориал сувларида урушаётган тарафлар ўртасида ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар тақиқланади. Бетараф давлат урушаётган тарафларнинг кемалари ўз территориал сувлари ҳудудига кириши ёки чиқишига, агар бу кема ҳарбий ҳаракатларда иштирок этади деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса, йўл қўймаслиги шарт.

Ҳаводаги урушда бетарафликни белгиловчи махсус шартномалар йўқ. Ҳаводаги урушга нисбатан амалдаги конвенцияларда белгиланган бетарафликнинг умумий қоидалари амал қилади. Уларнинг мазмунини мухтасар тарзда қуйидагича таърифлаш мумкин: бетараф давлат ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи дахлсиздир; ундан урушаётган тарафларнинг ҳарбий ҳаво кучлари учиб ўтиши, рақибни таъқиб қилиш ёки у билан жангга киришиш тақиқланади; қўнган ҳарбий самолётлар ушлаб қолинади, экипаж эса уруш охиригача интернация қилинади; урушаётган тарафлар бетараф давлатнинг ҳаво бўшлиғи орқали қўшинлар ва ҳарбий техникани олиб ўтиши тақиқланади, лекин самолётларда урушаётган тарафларнинг ярадор ва беморларини олиб ўтишга рухсат этилади.

15.3. Уруш олиб боришнинг тақиқланган восита ва усуллари

Уруш олиб бориш воситалари – урушаётган тарафларнинг қуролли кучлари томонидан душманга зарар ва шикаст етказиш мақсадида қўлланадиган қурол-яроғ, снарядлар ва ашёлар. **Уруш олиб бориш усуллари** – уруш олиб бориш воситаларидан фойдаланиш тартиби.

Уруш олиб бориш восита ва усулларининг халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган (ёки қисман тақиқланган) ва тақиқланмаган турлари фарқланади. Женева конвенцияларига I қўшимча баённоманинг 35-бандига биноан можаролашаётган тарафларнинг уруш олиб бориш восита ва усулларини танлаш ҳуқуқи чекланади. Ортиқча шикаст ёки азоб-уқубат етказадиган ёки урушаётганларнинг ўлимини муқаррар қилиб қўядиган, шунингдек, оммавий вайронгарчиликка ва моддий бойликлар беҳуда нобуд бўлишига олиб келадиган қурол-яроғ, снарядлар, моддалар ва

уруш ҳаракатларини олиш бориш усулларидан фойдаланиш тақиқланади (Қуруқликда уруш қонунлари ва одатлари тўғрисидаги Гаага конвенциясига (1907 й.) илованинг 22-моддаси).

Халқаро ҳуқуқ (қуруқликда, денгизда, ҳавода) уруш олиб боришнинг қуйидаги восита ва усулларини тақиқлайди:

- заҳарланган қурол, бўғувчи, заҳарловчи ёки бошқа газлар, шунга ўхшаш суюқлик ва моддалар, шунингдек, бактериологик қурол;

- табиий муҳитта ёвуз мақсадда таъсир кўрсатиш воситалари;

- ҳар қандай қурол, агар унинг таъсири инсон танасида рентген нурлари ёрдамида аниқланмайдиган осколкалар (шиша, пластмасса ва ҳ.к.) билан шикаст етказишдан иборат бўлса; миналар, тузоқ миналар ва болалар ўйинчоқлари ёки тиббий ёрдам ашёлари кўринишидаги бошқа қурилмалар; ноҳарбий аҳоли, аҳоли яшайдиган пунктлар ва ноҳарбий объектларга қарши ҳар қандай ёндирувчи қурол;

- одатдаги қуролнинг ортиқча шикаст етказадиган ёки аёвсиз таъсир кўрсатадиган деб ҳисоблаш мумкин бўлган бошқа турлари;

- босиб олинган ҳудудда геноцидни амалга ошириш; қуролсиз рақибни хоинларча ўлдириш ёки яралаш; ўзини мудофаа қилаётганлар қаршилиқ кўрсатган тақдирда, аёвсиз қириб ташланишини эълон қилиш;

- душман тарафнинг шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларини ҳарбий заруратсиз вайрон қилиш.

Халқаро ҳуқуқ душманни чалғитиш ва адаштиришга қаратилган ҳарбий ҳийлалар қўллашни тақиқламайди. Бундай ҳийлаларга қуйидагилар киради: ниқоблар, тузоқлар, сохта операциялар ва дезинформациядан фойдаланиш (1949 йилги Женева конвенцияларига I қўшимча баённоманинг 37-моддаси).

Денгизда уруш олиб боришни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига Денгиз уруши тўғрисидаги Париж декларацияси (1856 й.), Гаага конвенцияси (1907 й.), Денгиз уруши ҳуқуқи тўғрисидаги Лондон декларацияси (1909 й.), Лондон баённомаси (1936 й.) ва бошқа бир қанча битимлар киради. Ушбу ҳужжатларда белгиланган норматив чеклашлар денгизда уруш ҳаракати олиб бориш усуллари (денгиз кучлари билан бомбардимон қилиш, ҳарбий-денгиз қамалини қўллаш, савдо кемаларини эгаллаб олиш) ва воситалари (сув ости кемалари, денгиз миналари ва ҳ.к.)га тегишлидир.

Фан-техника тараққиёти ривожланиши ҳамда ҳарбий-саноат мажмуаси даражасининг ошиши муносабати билан қуролли мо-

жаролар халқаро ҳуқуқида ҳавода уруш олиб бориш восита ва усуллари алоҳида ўрин эгаллайди. I қўшимча баённома қоидалари ноҳарбий аҳолини ҳаво ҳужумидан ҳимоя қилишни назарда тутди. Ҳаво ҳужуми фақат ҳарбий объектларга қарши қаратилиши лозим. Асосий мақсади ноҳарбий аҳолини террор қилишдан иборат бўлган ҳужум ёки ҳужум билан қўрқитиш тақиқланади.

Танламасдан ҳужум қилиш, яъни ҳарбий объектларга ҳам, ноҳарбий объектларга ҳам қарши қаратилган ҳужумларга нисбатан алоҳида тақиқ белгиланган. Ҳаводан ҳужум қилишда:

- нишонлар ҳарбий аҳамиятга молик эканлигига ишонч ҳосил қилиш;

- ноҳарбий объектлар ҳамда аҳолига тасодифан шикаст етказиш имкониятини мумкин қадар камайтирадиган восита ва усуллари танлаш;

- ҳаддан ташқари катта ноҳарбий аҳамиятга молик тасодифий талофатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳужумдан ўзини тийиш;

- ҳавода ҳарбий ҳаракатлар олиб боришда ноҳарбий шахслар ва объектларга етиши мумкин бўлган зарарни мумкин қадар камайтириш чораларини кўриш, хусусан, ноҳарбий аҳолига дахл этиши мумкин бўлган ҳужумлар ҳақида огоҳлантириш зарур.

I қўшимча баённомада санитария мақсадида фойдаланиладиган самолётларни ҳимоя қилиш тамойили эълон қилинган ва бундай ҳимоя шартлари белгилаб қўйилган. Можаролашаётган тарафлар бир-бирига нисбатан ҳарбий устунликка эга бўлиш, хусусан, разведка маълумотлари йиғиш ва узатиш учун санитария авиациясидан фойдаланишга ҳақли эмас.

15.4. “Урушдан жабрланганлар” тушунчаси.

Комбатантлар ва нокомбатантлар. Урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциялари (1949 й.)

Урушдан жабрланганлар – ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаётган ёки бундай ҳаракатларни муайян вақтдан эътиборан тўхтатган шахслар: ярадор ва бемор комбатантлар ва нокомбатантлар, ҳарбий асирлар, ноҳарбий аҳоли, шу жумладан, босиб олинган ҳудудларнинг ноҳарбий аҳолиси.

Қуролли можароларнинг иштирокчиларини шартли равиш-

да икки гуруҳга: урушаётганлар (комбатантлар) ва урушмаётганлар (нокомбатантлар)га ажратиш мумкин. 1949 йилги Женева конвенцияларига I қўшимча баённомага биноан, можаролашаётган тарафнинг қуролли кучлари таркибига кирадиган ва жангларда бевосита иштирок этаётган шахслар комбатантлар ҳисобланади. Фақат комбатантларнинг ҳарбий куч қўллаш ҳуқуқи тан олинади. Уруш ҳаракатлари давомида уларга нисбатан куч ишлатишнинг энг олий шакли – жисмонан қириб ташлаш қўлланиши мумкин. Душман қўлига тушган комбатантлар ўзлари билан ҳарбий асирлар сифатида муомала қилишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Урушаётган тарафнинг қуролли кучлари таркибига қонуний равишда кирадиган, жанговар ҳаракатларда муваффақият қозонишга унга ҳар томонлама ёрдам бераётган, лекин ушбу ҳаракатларда бевосита иштирок этмаётган шахсий таркиб урушмаётганлар қаторига кириди. Булар: интендантлик ва тиббий ходимлар, мухбирлар ва репортёрлар, руҳонийлар ва бошқалар. Урушмаётган шахслар душманнинг қуролли ҳужум қилиш объекти бўлиши мумкин эмас. Айни вақтда, бу шахслар ўз ихтиёрида мавжуд қуроллардан фақат ўзини мудофаа қилиш ва ўз молмулкини ҳимоя қилиш учун фойдаланишлари шарт.

Партизанлик уруши халқаро ҳуқуқда агрессор, мустамлака қарамлиги ва чет эл оккупациясига қарши курашнинг қонуний шакли сифатида таснифланганлиги учун партизанлар ҳам агарда уларга қўл остидагилар учун жавоб берадиган шахс раҳбарлик қилаётган, улар ўзининг алоҳида белгисига эга, жанговар ҳаракатлар чоғида уруш қонун ва одатларига риоя қилаётган бўлса, Женева конвенцияларига (1949 й.) мувофиқ, комбатант мақомига эга бўлади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи нуқтаи назаридан миллий-озодлик ҳаракатининг жангчилари ҳам комбатант мақомига эгадир.

Амалда кўпинча “ҳарбий жосус” ва “ҳарбий разведкачи”, “кўнгилли аскар” ва “ёлланган аскар” каби тушунчаларни ажратишга зарурат туғилади.

Ҳарбий жосус – яширинча ёки сохта баҳоналар билан урушаётган тарафлардан бирининг ҳудудида душман тарафга етказиш учун маълумотлар тўплаётган ёки тўплашга ҳаракат қилаётган шахс.

Кўнгилли аскар – урушаётган тарафлардан бирининг ҳаракатдаги армиясига сиёсий ёки бошқа эътиқодларига (шу жумла-

дан моддий манфаатларига) кўра кўнгилли бўлиб ёзилган ва қуролли кучлар шахсий таркибига киритилган чет эл фуқароси.

Ёлланма аскар - қуролли можарода жанг қилиш учун махсус ёлланган, асосан шахсий наф кўриш мақсадида уруш ҳаркатларида бевосита иштирок этаётган, урушаётган тараф моддий ҳақ тўлашни ваъда қилган ва тўлаётган шахс.

Урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциялари (1949 й.) қуролли можаролар ҳуқуқининг муҳим манбаларидир:

1. Ҳаракатдаги армияда ярадорлар ва беморлар қисматини енгиллаштириш тўғрисидаги конвенция.

2. Денгизда кема ҳалокатига учраган ярадорлар, беморлар ва қуролли кучлар таркибидан бўлган шахсларнинг қисматини енгиллаштириш тўғрисидаги конвенция.

3. Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги конвенция.

4. Уруш пайтида ноҳарбий аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция.

Босиб олинган давлатнинг қўшинлари, техникаси ёки ҳарбий объектлари жойлашган ерда ҳарбий асирларни “ҳарбий қалқон” сифатида жойлаштириш тақиқланади. Ҳарбий асирларга нисбатан фақат интизом чоралари қўлланилиши мумкин.

Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисидаги конвенцияга (1949 й.) мувофиқ, уруш ёки қуролли можаро пайтида душман қўлига тушиб қолган қуйидаги шахслар ҳарбий асирлар ҳисобланади:

- урушаётган тараф қуролли кучларининг шахсий таркиби;
- партизанлар, халқ лашкари ва кўнгиллиллар отрядларининг шахсий таркиби;

- уюшган қаршилик ҳаракатларининг шахсий таркиби;
- нокомбатантлар, яъни қуролли кучлар таркибида бўлган, лекин ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаётган шахслар (врачлар, юристлар, мухбирлар, хизмат кўрсатувчи турли ходимлар);

- савдо флоти ва фуқаро авиацияси кемаларининг экипаж аъзолари;

- стихияли равишда қўзғолон кўтарган аҳоли, агар у очиқ қурол билан юрган ва уруш қонун-қоидаларига риоя қилаётган бўлса.

Ҳарбий асирлар уларни асир олган шахслар ёки ҳарбий қисмларнинг эмас, балки душман давлатнинг ҳукми остида бўлади.

Уларга доимо инсонпарварлик билан муомала қилиш зарур. Бирон-бир ҳарбий асир устида илмий ёки тиббий тажриба ўтказилиши мумкин эмас. Ҳарбий асирларни ирқи, терисининг ранги, дини, ижтимоий келиб чиқишига кўра камситиш тақиқланади. Бу қоидалар фуқаролар уруши ва миллий озодлик урушлари иштирокчиларига нисбатан ҳам амал қилади.

Ҳарбий асирлар лагерларда жойлаштирилиши, уларга душманнинг шу ерда жойлашган армияси фойдаланаётган шароитлардан кам бўлмаган шароитлар таъминланиши лозим. Ҳарбий асирлар (офицерлардан ташқари) ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ бўлмаган ишлар (қишлоқ хўжалиги, савдо фаолияти, уй хўжалиги ишлари, транспортда юклаш-юк тушириш ишлари)га жалб қилиниши мумкин. Ҳарбий асирлар асир олган давлатнинг қуролли кучларида амал қиладиган қонунлар, устав ва буйруқларга бўйсунди. Агар ҳарбий асир қочишга уринган пайтда ушланган бўлса, у ва унга ёрдам берган ҳарбий асирлар фақат интизом жазосига тортилади.

Ярадорлар ва беморларнинг ҳуқуқий ҳолати асосан ҳаракатдаги армияларда ярадорлар ва беморлар қисматини енгиллаштириш тўғрисидаги Женева конвенцияси (1949 й.) ва Денгизда кема ҳалокатига учраган ярадорлар, беморлар ва қуролли кучлар таркибидан бўлган шахсларнинг қисматини енгиллаштириш тўғрисидаги Женева конвенцияси (1949 й.) билан тартибга солинади.

Қуролли можаро ҳудудида бўлган жароҳатланиш, касаллик, бошқа жисмоний камчилик ёки ногиронлик туфайли тиббий ёрдам ва қаровга муҳтож бўлган, ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлардан ўзини тиядиган ҳарбий хизматчилар ва ноҳарбий шахслар **ярадорлар ва беморлар** ҳисобланади. Ушбу тоифага туққан аёллар, янги туғилган чақалоқлар, қувватсиз, ҳомиладор аёллар ҳам киради. Ўзлари кетаётган кема ёки самолёт билан бахтсиз ҳодиса рўй бериши натижасида денгиз ёки бошқа сувларда ҳаёти хавф остида қолган, ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлардан ўзини тиядиган ҳарбий хизматчи ва ноҳарбий шахслар кема ҳалокатига учраганлар ҳисобланади. Улар қайси тарафга мансублигидан қатъи назар, ҳомийлик ва ҳимоядан фойдаланадилар. Уларга инсонпарварлик билан муомалада бўлиш зарур. Мазкур шахсларга қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим.

Ҳарбий ҳаракатлар пайтида, айниқса, жангдан сўнг тарафлар ярадор ва беморларни излаб топиш, уларга ёмон муносабатда бўлинишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари ке-

рак. Вазият имкон берган ҳолларда тарафлар жанг майдонидан ярадорларни олиб чиқиб кетиш ва уларни айирбошлаш учун вақтинчалик урушни тўхтатиш тўғрисида битим тузишлари лозим. Ярадор ва беморларни ўлдириш, уларни атайин тиббий ёрдам ва қаровсиз қолдириш, улар устида тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказиш тақиқланади. Ушбу шахслар ҳар қандай жарроҳлик операциясидан воз кечишга ҳақлидирлар. Душманга ярадор ёки беморларни қолдиришга мажбур бўлган тараф, агар вазият шунга имконият туғдирса, улар билан бирга, ўз санитария ходимлари ва тиббий анжомларнинг бир қисмини кўмаклашиш учун қолдириши лозим.

15.5. Ҳарбий оккупация. Уруш тугашининг халқаро ҳуқуқий оқибатлари

Ҳарбий оккупация чет давлат ҳудудига қўшинлар бўлиб туришининг бошқа турларидан ўзига хос белгилари билан фарқ қилади. **Ҳарбий оккупация** – бир давлат ҳудудини (ҳудуднинг бир қисмини) бошқа давлатнинг қуролли кучлари вақтинчалик босиб олиши ва ҳарбий бошқарув ўрнатиши.

Ҳарбий оккупация босиб олган давлатнинг суверенитети унинг қўшинлари эгаллаган ҳудудга татбиқ этилишига сабаб бўлмайди. Қуруқликдаги уруш қонун-қоидаларига кўра, босиб олинган ҳудуд аҳолисини нариги урушаётган давлатнинг армияси ёки унинг мудофаа воситалари ҳақида маълумотлар беришга мажбурлаш тақиқланади. Кишиларнинг шаъни, қадр-қиммати, оила ҳуқуқи, ҳаёти, хусусий мулки, шунингдек, диний эътиқоди ва урф-одатлари ҳурмат қилиниши лозим. Контрибуциялар фақат бошлиқнинг ёзма рухсати билан ундирилади. Олинган ҳар бир контрибуция бўйича тилхат берилиши лозим. Аҳоли ўз ватанига қарши уруш ҳаракатларида иштирок этишга мажбурланиши мумкин эмас.

Уруш пайтида ноҳарбий аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси (1949 й.) оккупация қилинган ҳудуддаги ноҳарбий шахсларни оккупация қилган давлат ёки учинчи давлат ҳудудига ҳайдаб кетиш ва депортация қилишни тақиқлайди. Лекин муайян ҳудуд аҳолиси ҳарбий аҳамиятга молик жиддий асосларга кўра ёки аҳолининг хавфсизлиги учун тўлиқ ёки қисман эвакуация қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, ноҳарбий аҳолига нисбатан қуйидаги ҳаракатлар тақиқланади:

- ҳар қандай зўравонлик, қўрқитиш ёки ҳақорат қилиш;
- жисмоний ёки маънавий йўсиндаги, хусусан, маълумотлар олиш мақсадида мажбурлов чораларини қўллаш;
- қийнаш, тан жазосига тортиш, тиббий тажрибалар ўтказиш ва ҳ.к.;
- жамоавий жазо чораларини қўллаш.

Оккупация қилинган ҳудуддаги чет эл фуқароларига қисқа вақт ичида уни тарк этиш имконияти берилади.

Уруш ҳаракатлари ва уруш ҳолатининг тугаши юридик расмийлаштириш усулларига кўра ҳам, урушаётган тарафлар учун юзага келтирадиган ҳуқуқий оқибатларига кўра ҳам бир-биридан фарқ қиладиган ҳаракатлардир.

Вақтинчалик сулҳ тузиш ва капитуляция ҳарбий ҳаракатларни тугатишнинг энг кенг тарқалган шаклларидир. **Вақтинчалик сулҳ тузиш** - қуролли можаро иштирокчиларининг ўзаро келишувига кўра, ҳарбий ҳаракатларни вақтинчалик тўхтатиш. Вақтинчалик сулҳ тузишнинг икки тури: маҳаллий ва умумий вақтинчалик сулҳ тузиш фарқланади. Маҳаллий вақтинчалик сулҳ тузиш уруш ҳаракатларининг муайян участкасида айрим қисмлар ва бўлинмалар ўртасида ҳарбий ҳаракатларни вақтинчалик тўхтатиш мақсадини кўзлайди. Қоида тариқасида, у муайян вазифаларни бажариш, чунончи, ярадорларни йиғиб олиш, ўлганларни кўмиш, ноҳарбий аҳолини эвакуация қилиш, парламентарлар юборишга қаратилади.

Умумий вақтинчалик сулҳ тузиш маҳаллий вақтинчалик сулҳ тузишдан анча фарқ қилади. Биринчидан, умумий вақтинчалик сулҳ тузишда бутун ҳарбий ҳаракатлар майдонида ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилади. Иккинчидан, муайян ҳолатда вақтинчалик сулҳ тузиш нафақат ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатиб турилиши, балки уларга тўла барҳам берилишига ҳам олиб келиши мумкин.

Можаролашаётган тарафларнинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорини бажариши (БМТ Уставининг 40-моддасига биноан) ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишнинг ўзига хос шаклидир.

Капитуляция - қуролли кучлар ёки қуролли кучлар бир қисмининг қаршилиқни тўхтатиши. Қоида тариқасида, капитуляция қилган қўшинларнинг барча қурол-аслаҳаси, ҳарбий молмулки, ҳарбий кема ва самолётлари душман ихтиёрига ўтади. Таслим бўлаётган тараф ҳарбий асирликка олинади. Капитуля-

ция вақтинчалик сулҳ тузишдан шу билан фарқ қиладики, таслим бўлган тараф ғолиб билан, ҳатто, расмий тенгликдан ҳам маҳрум бўлади. Масалан, фашистлар Германияси тор-мор бўлганидан сўнг 1945 йил 8 майда Берлинда Германия қуроли кучларининг капитуляцияси тўғрисида ҳужжат имзоланди. Япония устида ғалаба қозонилганидан сўнг 1945 йил 2 сентябрда Токио бухтасида Япониянинг капитуляцияси тўғрисида ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатларда Германия ва Япониянинг барча қуроли кучлари сўзсиз таслим бўлгани, уларни тўлиқ қуролисизлантириш ва иттифоқчилар қўшини қўмондонлигига топшириш назарда тутилди.

Капитуляция фахрий, оддий, умумий ва сўзсиз турларга бўлинади.

Фахрий капитуляция – урушаётган тарафлар келишувига биноан ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши бўлиб, бунда таслим бўлган тараф ўз позициясини ёки қамал қилинган шаҳарни байроқлари, техникаси ва қурол-аслаҳаси билан тарк этишга, кейинчалик ўз қуроли кучларига, шу жумладан, уруш ҳаракатларини давом эттириш учун қўшилишга ҳақлидир.

Оддий капитуляция – уруш ҳаракатлари майдонининг муайян участкасида бу ҳаракатларнинг тўхтатилиши, таслим бўлганларни қуролисизлантириш ва асир олиш.

Умумий капитуляция – уруш ҳаракатлари майдонининг барча участкаларида бу ҳаракатларнинг тўхтатилиши. Бунда таслим бўлган давлат урушда мағлуб бўлганини тан олади.

Сўзсиз капитуляция – уруш ҳаракатлари майдонининг барча участкаларида бу ҳаракатларнинг тўлиқ тўхтатилиши, мағлуб давлат қуроли кучларининг бирон-бир шартларсиз қуролисизлантирилиши ва таслим бўлиши.

Урушаётган тарафлар ўртасида уруш ҳолатига барҳам беришнинг асосий халқаро ҳуқуқий воситаси сулҳ шартномаси тузишдир. Бундай шартномалар урушни тўхтатиш ва урушаётган тарафлар ўртасида тинчлик муносабатларини тиклаш билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий, ҳудудий ва бошқа муаммоларни қамраб олади.

Масалан, Биринчи жаҳон урушининг тугаши 1919-1920 йилларда тузилган бир қанча сулҳ шартномалари кўринишида халқаро ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Бу ҳужжатлар Версал сулҳ шартномалари тизимини ташкил қилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин гитлерчиларга қарши коалицияга аъзо мамлакатлар 1947 йил Италия, Финляндия, Руминия, Венгрия ва Бол-

гария билан Париж тинчлик конференциясида ишлаб чиқилган сулҳ шартномаларини имзоладилар.

Уруш тугагининг ҳуқуқий оқибатлари урушаётган тарафлар учун ҳам, бетараф ва урушмаётган бошқа давлатлар учун ҳам келиб чиқади. Урушаётган давлатлар уруш ҳаракатларини тўхтатади ва улар ўртасида тинчлик муносабатлари, жумладан, дипломатик муносабатлар ўрнатилади. Бетараф давлатлар учун урушда бетарафлик ҳолати барҳам топади, урушмаётган бошқа давлатлар учун эса уруш олиб бориш зоналарига риоя қилиш зарурати йўқолади, халқаро денгиз ва ҳаво навигациясининг хавфсизлиги тикланади ва ҳ.к.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро гуманитар ҳуқуқ” тушунчасига таъриф беринг.
2. Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг қандай манбалари мавжуд?
3. Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг асосий тамойилларини санаб беринг.
4. Уруш олиб боришнинг халқаро ҳуқуқий тартибга солиш зарурати борми?
5. Қандай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар уруш олиб боришни тартибга солади?
6. Урушни бошлаш акти нима, унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?
7. Кимлар уруш ҳаракатининг иштирокчиси сифатида тан олинади?
8. Уруш олиб боришнинг восита ва усулларини тартибга солиб турувчи халқаро ҳуқуқий нормалар мавжудми?
9. Қайси халқаро ҳужжатларда уруш қурбонлари ва маданий бойликларни халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида гапирилади?
10. Давлатлар урушда бетараф бўла оладиларми?
11. Бетараф давлатларнинг ҳуқуқий мақоми қайси халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади?
12. Урушнинг тугатилиши нимани англатади ва унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?

Адабиётлар

1. Действующее международное право. В трех томах. – Т. 3. – М., 1997. – Разд. XIX.
2. Международное гуманитарное право. –Т., 1998.
3. Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами. – Т., Адолат, 2002, 440 б.
4. Бори Ф. Возникновение и развитие международного гуманитарного права. 2-е изд. испр. М.,МҚК, 1994.
5. Борисов К.Г. Международно-правовые аспекты сотрудничества государств в области науки и техники (уч. Пособие МГИМО). – М., 1992.
6. Гассер Г.П. Международное гуманитарное право. Введение (Перевод). – М.,МҚК, 1995.
7. Ермишина Е.В. Международный обмен информацией. – М., 1988.
8. Колосов Ю.М. Массовая информация и международное право. – М., 1974.
9. Крылов С.Б. Международно-правовое регулирование радиосвязи и радиовещания. – М., 1950.
10. Лазарев М.И. Технический прогресс и международное право. – М., 1963.
11. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., Адолат, 2001, 220 б.
12. Потапов В.И. Беженцы и международное право. –М., 1986
13. Пархитько В.П. Международное ядерное право. – М., 1967.
14. Шрепpler X.A. Международное право. В трех томах. Т. 3. – М., 1997. Разд. XIX.

16-мавзу. Халқаро хавфсизликни таъминлаш

- 16.1. *Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи: тушунчаси, тизимлари, мақсадлари.*
- 16.2. *Коллектив (универсал ва регионал) хавфсизлик.*
- 16.3. *Қуролсизланиш, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш.*
- 16.4. *Халқаро ҳуқуқ ва ядро қуролини чеклаш. Конвенциялар.*
- 16.5. *Бактериологик ва кимёвий қуролларни тақиқлаш. тўғрисидаги конвенциялар.*

16.1. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи: тушунчаси, тизимлари, мақсадлари

Халқаро ҳуқуқнинг кенг миқёсда тинчлик ва хавфсизлик тизимининг таркиб топишида роли, пировард натижада, икки муҳим вазифани ҳал қилишга қаратилади:

- жаҳон ҳамжамияти ихтиёрида мавжуд бўлган тинчликни сақлаш механизми янада самарали ишлашини таъминлаш, амалдаги нормалар салоҳиятидан мумкин қадар тўлиқ фойдаланиш, мавжуд халқаро ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш;

- янги халқаро ҳуқуқий мажбуриятлар ва нормаларни ишлаб чиқиш.

Биринчи вазифани ҳал қилиш ҳуқуқ амалиёти, иккинчи вазифани ҳал қилиш – халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнлари билан боғлиқ.

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига мос келадиган, тинчлик ва давлатлар томонидан қўлланаётган агрессия ҳаракатлари ҳамда халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига хавф солаётган ҳолатларга қарши коллектив ҳаракатларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий восита ва усуллар мажмуи.

Бутун инсоният тарихи давомида одамлар доимо тинчликни орзу қилган. Кўплаб буюк мутафаккирлар ўз асарларини шу масалага бағишлаган. Лекин ялпи тинчликни таъминлаш имконияти фақат бизнинг давримизга келиб туғилди. Илгари давлатлар ўз хавфсизлигини мустақил ёки чекланган иттифоқлар ёрдамида таъминлашга ҳаракат қиларди. Бугунги кунда тинчлик ва

хавфсизлик масаласига дунё миқёсида таъминланиши лозим бўлган масала сифатида қаралмоқда. Сўнгги ўн йилликлар нафақат ядро урушида, балки қурулганиш пойгасида ҳам ютиб чиқиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Хавфсизликни таъминлашнинг бошқа воситалари зарурлиги аён бўлди. Ҳар бир давлат хавфсизлиги бошқаларнинг хавфсизлигига боғлиқдир. Жаҳон бўлинмасдир. Бу эса давлатлардан кенг миқёсда ва фаол ҳамкорлик қилишни тақозо этади. Бу ҳаракатлар муайян харажатларни ҳам талаб қилади. Илгари қурулганишга йўналтирилган маблағларни мудофаа мақсадида ишлатиш ва умум тинчликни таъминлаш учун зарур даражагача камайтириш замон талабига айланади.

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг шаклланишига 1917 йилда қабул қилинган Тинчлик тўғрисидаги декрет ва Миллатлар Лигаси катта ҳисса қўшди. Хусусан, Миллатлар Лигаси доирасида икки тарафлама ва гуруҳ бўлиб шартномалар тузиш йўли билан хавфсизликни таъминлашга ҳаракат қилинди. Бу фаолият муваффақият қозонмаган бўлса-да, лекин халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг вужудга келишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Гитлерчиларга қарши коалициянинг тажрибаси давлатлар биргаликда агрессорни мағлуб этиш ва уни жавобгарликка тортишга қодир эканлигини исботлади. Бу уларнинг урушдан кейин тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қодир эканлигига ишонч уйғотди. Тинчлик ва хавфсизлик концепцияси БМТ Уставида мужассамлашди. Лекин уни амалга оширишга “совуқ уруш” халақит берди. 1975 йил Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашида муҳим қарорлар қабул қилинди. 1986 йил собиқ СССР ялпи халқаро хавфсизлик концепциясини таклиф қилди. Унинг қоидалари БМТ томонидан 1986 йил ва кейинги йиллардаги ялпи халқаро тинчлик ва хавфсизлик тизимига бағишланган резолюцияларда қўллаб-қувватланди.

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг асосий мақсад ва тамойиллари, айни вақтда, халқаро ҳуқуқининг мақсад ва тамойиллари ҳамдир. Бу мазкур тармоқнинг халқаро ҳуқуқ тизимидаги ўрнини тавсифлайди. БМТ Устави халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг асосий ҳужжати бўлиб, унинг бош мақсади халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашдан иборат эканлиги қайд этилган. Шунингдек, ушбу мақсадга эришиш йўллари ҳам кўрсатилган. Булар: тинчликка қарши хавфнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш, агрессия ҳаракатларини ёки тинчликни бузувчи бошқа ҳаракат-

ларни тўхтатиш учун самарали чоралар кўриш, халқаро низолар ёки тинчликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни тинч йўл билан тартибга солиш.

Ҳозирги замон халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг юридик негизини куч қўлламаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойили, қуролсизланиш тамойили каби **асосий тамойиллар** ташкил этади. Мазкур тамойиллар асосини ташкил этувчи норматив қарорларни мустаҳкамлаш шакллари ҳар хил:

- халқаро шартнома (масалан, 1985 йил Европада ишонч, хавфсизлик ва қуролсизланиш чора-тадбирлари бўйича Стокгольм конференциясида собиқ Совет Иттифоқи бир-бирига қарши ҳарбий куч қўлламаслик ва тинчлик муносабатларини сақлаш тўғрисидаги Шартноманинг асосий қоидаларини таклиф қилди);

- давлатлараро конференцияларнинг якуний ҳужжатлари (масалан, 1975 йил Якуний ҳужжат);

- халқаро ташкилотларнинг нормаларни белгилаш тўғрисидаги қарорлари (масалан, БМТнинг 1987 йил 18 ноябрдаги Куч ишлатиш билан қўрқитиш ёки уни халқаро муносабатларда қўллаш тамойилидан воз кечишнинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги Декларацияси).

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг **махсус тамойиллари** ҳам норматив хусусиятга эга. Улар орасида тенг хавфсизлик, давлатлар хавфсизлигига зарар етказмаслик тамойиллари алоҳида ўрин эгаллайди. Тенг хавфсизлик тамойили, юридик маънода, барча давлатлар ўз хавфсизлигини таъминлашда тенг ҳуқуқлидир, деган маънони англатади. Бу тамойилни амалга ошириш учун БМТ Ус-тави давлатлар зиммасига тинчликни сақлашда БМТга яқиндан ёрдам бериш мажбуриятини юклайди.

Халқаро ҳуқуққа халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлашнинг жуда кўп воситалари маълум. Унга қуйидагилар киради:

- коллектив (универсал ва регионал) хавфсизлик;
- қуролсизланиш;
- низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш воситалари;
- халқаро кескинликни камайтириш ва қуролсизланиш пой-гасига барҳам бериш чора-тадбирлари;
- ядро урушининг олдини олиш чора-тадбирлари;
- қўшилмаслик ва бетарафлик;
- агрессия ҳаракатлари, тинчликнинг бузилиши ва тинчлик-ка қарши хавфларнинг олдини олиш чора-тадбирлари;
- ўзини мудофаа қилиш;

- халқаро ташкилот фаолияти;
- муайян ҳудудларни нейтрализация ва демилитаризация қилиш, чет эл ҳарбий базаларини тугатиш;
- ер куррасининг турли минтақаларида тинчлик зоналарини ташкил этиш;

- давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари.

Санаб ўтилганларнинг аксарияти халқаро хавфсизликни тинч йўл билан таъминлашга қаратилган, лекин уларнинг айримлари қонуний йўл билан куч қўллаш имкониятини назарда тутди (масалан, тинчликка хавф туғилган, тинчлик бузилган, агрессия ҳаракатлари рўй берган ҳолларда БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига кўра, ўзини мудофаа қилиш). Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг юқорида санаб ўтилган воситалари орасида дастлабки учтаси муҳим ўрин эгаллайди. Қурол-яроғларни камайтириш халқаро хавфсизликни таъминлашнинг бош омилidir. Бу тадбир фақат халқаро шартномалар асосида амалга оширилиши мумкин.

Халқаро хавфсизлик тизими – халқаро хавфсизликни сақлашни таъминлайдиган воситалар (ҳуқуқий нормалар, органлар) мажмуи. Ҳозирги замон хавфсизлик тизими кенг қамровлидир. У нафақат ҳарбий ва сиёсий соҳаларни, балки иқтисодий, экологик, гуманитар ва табиийки, ҳуқуқий масалаларни ҳам қамраб олади. Халқаро муносабатлар ва давлатларда демократияга алоҳида аҳамият берилади. Профилактик (превентив) дипломатия биринчи ўринга чиқади. Можароларни олдини олиш, тинчлик ва хавфсизликка бўладиган таҳдидларни бартараф этиш тинчликни таъминлашнинг энг самарали йўлидир. Унинг икки жиҳати фарқланади:

- биринчиси, коллектив чора-тадбирлар – кенг халқаро ҳамкорлик;

- иккинчиси, тинчликка қарши хавфнинг олдини олиш ва халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган превентив дипломатия.

16.2. Коллектив хавфсизлик

Коллектив хавфсизлик – халқаро тинчликни сақлаш ва агрессия ҳаракатларига қарши давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари тизими. Ушбу тизим БМТ томонидан таркиб топтирилган бўлиб, мазкур ташкилот регионал хавфсизлик ташкилотлари, ўзини ўзи жамоа тарзда мудофаа қилиш ташкилоти ва битимлари доирасида амалга оширилади. “Коллектив хавфсизлик” атамаси халқаро муносабатлар амалиётидан 1922 йил Миллатлар Лигаси доирасида ўрин олди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин коллектив хавфсизлик тамойили БМТ Уставида, бошқа халқаро шартнома ва ҳужжатларда юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Коллектив хавфсизлик тизими икки асосий белгига эга. Биринчи белги – иштирокчи давлатлар тизим доирасида камида учта мажбурият олади:

- ўзаро муносабатларда куч ишлатмаслик;
- барча низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- тинчликка қарши ҳар қандай хавфни бартараф этиш мақсадида фаол ҳамкорлик қилиш.

Иккинчи белги – иштирокчи давлатларнинг ташкилий жиҳатдан бирлиги. Бу ё коллектив хавфсизликнинг “классик” шаклидаги ташкилот (масалан, БМТ), ё бирликнинг бошқача ифодаси, чунончи, маслаҳат ёки мувофиқлаштириш органлари тузиш (масалан, қўшилмаслик ҳаракати), доимий учрашувлар, кенгашларни таъминлаш (масалан, ЕХХТ). Коллектив хавфсизлик тизими шартнома ёки шартномалар тизими билан қонунийлаштирилади.

Коллектив хавфсизлик тизимининг икки тури: умумий (универсал) коллектив хавфсизлик ва регионал коллектив хавфсизлик фарқланади.

Ҳозирда универсал коллектив хавфсизлик БМТ фаолиятига асосланади. Уни таъминлаш механизмида мажбурлаш эмас, балки тинчликка асосланган чора-тадбирлар биринчи ўринга чиқади. Аъзо давлатлар ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

- ўзаро бағрикенглик ва тинч-тотув яшаш, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун кучларни бирлаштириш;
- адолат ва халқаро мажбуриятларга нисбатан масъулият ҳис қилиш;

- тинчликка қарши хавфни бартараф этиш ва уни мустаҳкамлаш учун жамоа тарзда чоралар кўриш, халқаро низо ва можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш;

- миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш;
- давлатларнинг ички ишларига аралаштиришга йўл қўймаслик;
- ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ва сиёсий мустақиллигига куч ишлатиш ёхуд куч ишлатиш билан қўрқитишдан ёки БМТ мақсадларига мос келмайдиган бошқача тарзда дахл этишдан ўзини тийиш.

БМТ Уставида мажбурлов чоралари ҳам назарда тутилган бўлиб, улар фавқулодда ҳолларда, чунончи, тинчлик бузилган (агрессия содир этилган) ёки муайян давлатга ҳужум қилиш хавфи туғилган пайтда қўлланади. Бу ҳолда БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳим роль ўйнайди. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун асосий жавобгарлик шу орган зиммасига юкланган (24-модда). У қуйидаги чора-тадбирларни тезлик билан қўллашга ҳақли бўлган БМТнинг ягона органидир:

- можаролар олдини олиш ва уларни ҳал қилишнинг профилактик ва дипломатик ҳаракатлар;
- хавфсизликни таъминлаш учун қуроли кучлардан фойдаланмасдан мажбурлов чораларини қўллаш;
- хавфсизликни таъминлаш учун қуроли кучлардан фойдаланган ҳолда мажбурлов чораларини қўллаш.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тинчликни сақлаш соҳасидаги ҳаракатлари вазиятга баҳо беришдан бошланади. Уставнинг 39-моддасига мувофиқ, Хавфсизлик Кенгаши муайян ҳолатда тинчликка хавф солинаётгани, тинчлик бузилгани ёки агрессия ҳаракати содир этилганини аниқлаши лозим.

Хавфсизлик Кенгашининг таснифи унинг тинчликни сақлаш бўйича кейинги ҳаракатлари учун юридик асос бўлиб хизмат қилади. БМТ Устави 40-моддасига биноан, унга вазият янада кескинлашишининг олдини олиш учун муваққат чоралар кўриш ҳуқуқи берилди. Қоида тариқасида, муваққат чораларга қуйидагилар киради: ўт очишни тўхтатиш, қўшинларни илгари эгаллаган марраларига қайтариш, оккупация қилинган ҳудуддан қўшинларни олиб чиқиб кетиш, вақтинчалик демаркация чизигини ўтказиш, демилитаризация қилинган ҳудуд ташкил этиш ва ҳ.к.

Вазият кескинлашуви давом этса, Хавфсизлик Кенгаши қурол-

ли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ёки боғлиқ бўлган чораларни кўришга ҳақли. Қуролли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар Уставнинг 41-моддасида назарда тутилган. Улар иқтисодий муносабатларни, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ва бошқа алоқаларни тўлиқ ёки қисман тўхтатишни, шунингдек, дипломатик алоқаларни узишни ўз ичига олиши мумкин. Хавфсизлик Кенгаши томонидан қуролли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бир қанча санкциялар белгиланган. Масалан, 1991 йил Югославияга нисбатан (қурол етказиб беришга эмбарго, иқтисодий санкциялар), 1992 йил Ливияга нисбатан (ҳаво алоқаларига, қурол етказиб беришга эмбарго).

Шунга қарамай, БМТ доирасида тинчликни сақлаш бўйича операциялар ўтказиш учун қуролли кучлардан фойдаланилади. У, одатда, икки тоифага бўлинади: қуролланмаган офицерлардан иборат бўлган ҳарбий кузатувчилар миссиялари ҳамда фақат ўзини мудофаа қилишга мўлжалланган енгил қуролларга эга қўшинлар контингенти.

БМТ қуролли кучларини тузишнинг ҳуқуқий асос ва мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. БМТ қуролли кучлари фақат тинчликка қарши таҳдидларни бартараф этиш, агрессия ҳаракатлари ёки тинчликни бузувчи бошқа ҳаракатларга барҳам бериш учун самарали коллектив чора-тадбирлар кўриш мақсадида тузилади. Улардан Ташкилот тамойилларига зид мақсадларда, яъни давлатлар суверенитетини бузиш, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига дахл этиш, давлатларнинг ички ишларига аралашish мақсадида, ҳар қандай давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши фойдаланиш мумкин эмас (Уставнинг 2 ва 24-моддалари).

2. БМТ қуролли кучлари фақат Хавфсизлик Кенгаши қарорига биноан тузилади ва ҳаракат қилади. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун асосий жавобгарлик шу орган зиммасига юкланган. Ушбу жавобгарликдан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажаришда Хавфсизлик Кенгаши ташкилот аъзолари номидан ва улар топшириғига кўра иш олиб боради.

3. БМТ қуролли кучлари Хавфсизлик Кенгаши томонидан фақат ташкилотга аъзо давлатлар ҳарбий-ҳаво, ҳарбий-денгиз ва қуруқликдаги кучларининг миллий контингентларидан ташкил топади. Бу контингентларни аъзо давлатлар Хавфсизлик

Кенгаши талабига биноан, Хавфсизлик Кенгаши ва аъзо давлатлар ўртасидаги тузилган алоҳида битимларга мувофиқ тақдим этади.

4. БМТ қуроли кучлари фақат Хавфсизлик Кенгаши ихтиёрида бўлиб, унинг буйруқларини бажаради. Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг ҳарбий эҳтиёжларига оид барча масалалар юзасидан қарор қабул қилишга ҳақлидир.

5. БМТ қуроли кучларидан Хавфсизлик Кенгаши фақат фавқулодда ҳолларда, Кенгаш қуроли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирлар халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёки тиклаш учун етарли бўлмаслиги мумкин, деб ҳисоблаган тақдирда фойдаланади.

6. Хавфсизлик Кенгаши БМТ қуроли кучларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилаётганида ҳар бир муайян ҳолатда Хавфсизлик Кенгашига ўз миллий контингентларини тақдим этган аъзо давлатлар иштирок этиши мумкин (44-модда).

7. БМТ қуроли кучларидан Хавфсизлик Кенгаши бевосита ёки зарур ҳолларда ўз раҳбарлиги остида мажбурлов ҳаракатларини амалга ошириш учун регионал битимлар ва регионал органлардан фойдаланади (Уставнинг 53-моддаси).

Халқаро хавфсизлик умумий тизимидан ташқари, БМТ Уставида халқаро тинчликни сақлашнинг регионал тизимларини тузиш имконияти ҳам назарда тутилган. Регионал хавфсизлик тизимлари жаҳон хавфсизлик тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. БМТ Устави Хавфсизлик Кенгаши билан регионал битим ва органлар ўртасида алоқа ўрнатган. Бундай битим ва органлар доирасида давлатлар маҳаллий низолар Хавфсизлик Кенгашига топширилгунга қадар уларни тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилишлари лозим.

16.3. Қуролсизланиш, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш

Қуролсизланиш – уруш олиб боришнинг моддий воситаларини кўпайтиришга барҳам бериш, уларни чеклаш, камайтириш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси. Қуролсизланишнинг умумий халқаро ҳуқуқий асоси БМТ Устави 11-моддасининг биринчи бандида белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра “қуролсизланиш ва қурол-яроғларни тартибга солишни белгиловчи тамойиллар тинчлик ва хавфсизликни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг умумий тамойиллари” қаторига киради. Ушбу тамойилларни муҳокама қилиш ваколатига Бош ассамблея эга бўлиб, у мазкур масалалар юзасидан Хавфсизлик Кенгаши ва БМТ аъзоларига тавсиялар беради. Хавфсизлик Кенгаши “қуролсизланишни тартибга солиш тизимини ташкил этиш режалари”ни тузиш учун жавоб беради. Бу вазифани бажаришда унга ҳарбий-штаб қўмитаси ёрдам беради.

Қуролсизланиш соҳасидаги нормаларнинг асосий манбалари халқаро шартномалардир: универсал халқаро шартномалар (масалан, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома (1968 й.)); регионал халқаро шартномалар (Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1967 й.)); икки тарафлама халқаро шартномалар (СССР ва АҚШ ўртасида тузилган Ракетага қарши мудофаа тизимларини чеклаш тўғрисидаги шартнома (1972 й.)). Шартномаларни мақсад ва объектларига кўра таснифлаш мумкин.

Халқаро ҳуқуқ давлатларга қуролсизланиш мажбуриятини тўғридан-тўғри юклайдиган нормаларга эга эмас. Ушбу соҳада олинадиган мажбуриятлар давлатларнинг эркин хоҳиш-иродасига асосланади. Ҳозирги вақтда қисман қуролсизланиш чора-тадбирлари назарда тутилган нормалар мавжуд. Бундай чора-тадбирларга қуйидагилар киради: айрим қурол турларини тақиқлаш ва йўқ қилиш; уларни ишлаб чиқариш, сақлаш, жойлаштириш ва қўллашни тақиқлаш; айрим қурол турларини миқдор ва сифат жиҳатидан чеклаш; қуролни сифат жиҳатидан такомиллаштириш имконияти доирасини торайтириш; турли қурол-аслаҳаларни жойлаштириш ҳудудлари ёки соҳалари доирасини торайтириш.

Қурол-яроғларни қисқартириш ва қуролсизланиш чора-тадбирларига ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-

тадбирлари яқин туради. Сўнги зикр этилган чора-тадбирлар бир тарафнинг ҳаракатлари бошқа тараф хавфсизлигига зиён етказмаслигига ишончни таъминлаш учун махсус, шартномага кўра ёки бошқача тарзда амалга оширилади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: тарафлар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, денгиз навигация хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий фаолият ҳақида ўзаро ахборот алмашиш ва ҳ.к.

Қуролсизланиш халқаро назорат институтининг мавжудлигини назарда тутади. Халқаро назорат институти – шартнома бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини кузатиб бориш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш усуллари мажмуи. Назорат олиб боришнинг миллий техник воситалари (Ернинг сунъий йўлдошлари, сейсмик станциялар ва б.) ҳам, халқаро назорат воситалари (масалан, халқаро инспекторлар гуруҳи) ҳам мавжуд.

Қуролсизланиш соҳасида назорат икки тарафлама ва кўп тарафлама асосларда, шартнома бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини кузатиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади. Лекин ҳарбий салоҳият устидан келишилган тартибда назорат олиб бориш зарурлиги билан текшириш чора-тадбирлари ўртасида зиддият юзага келади. Маълумотлар тўплаш техник воситаларининг тараққий этиши бу зиддиятни қисман ҳал қилиш имконини беради. Уларнинг ишлашига атайлаб халақит бериш, назорат қилишни қийинлаштирадиган ниқоблардан фойдаланиш тақиқланади. Ҳозирги даврда жойнинг ўзида инспекция қилиш усули ҳам қўлланади. Бунда инспекторлар таркиби халқаро бўлиши мумкин.

Назорат олиб боришнинг миллий техник воситалари муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун назорат қилиниши лозим бўлган қурол-яроғ тизимларини ҳисоблашнинг мувофиқлаштирилган қоидалари, улар жойлашган ерлар, амалга ошириш мўлжалланган тадбирлар ҳақида олдиндан хабар бериш каби қўшимча чора-тадбирлар ҳам зарур.

1968 йилги Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома назорат олиб боришнинг кўп тарафлама шакллари намоиш этади. Ядро қуролига эга бўлмаган аъзо давлатлар бу шартномага амал қилишини текшириш халқаро инспекцияларни амалга оширувчи МАГАТЭга юкланган. Бошқа ҳолларда махсус текширув органи тузилади. Масалан, 1993 йилги Кимёвий қуролни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияда ушбу ҳужжат қоида-

ларига риоя қилинаётганини текшириш учун кимёвий қуролни тақиқлаш бўйича ташкилот тузиш назарда тутилган.

Текширишнинг миллий ва халқаро воситалари уйғунлиги, шунингдек, кўп босқичли назорат қўлланилиши ҳам мумкин (масалан, 1971 йилги Денгиз ва океанлар туби ҳамда остида оммавий қирғин қуролларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома).

16.4. Халқаро ҳуқуқ ва ядро қуролини чеклаш. Конвенциялар

Қуролланиш пойгасининг бошланиши атом қуроли билан боғлиқдир. Маълумки, 1945 йил АҚШ жаҳонда атом қуролига эга бўлган ягона давлатга айланди. Стратегик устунлик шунга олиб келдики, АҚШ ҳарбийлари собиқ СССРга превентив зарба бериш учун турли режа туза бошлади. Лекин АҚШнинг ядро қуролига бўлган монополияси фақат тўрт йил давом этди. 1949 йил собиқ СССР ўзининг биринчи атом бомбасини синовдан ўтказди. Бу воқеа “совуқ уруш” бошланишига олиб келди. Тез орада собиқ СССРда ядро, сўнгра термойдро қуроли яратилди. Агар уруш бошланиб, рақиблардан бири ядро қуролини қўллаганида, тез орада нафақат ундан, балки бутун сайёрадан ҳам ҳеч нарса қолмаган бўлар эди.

Ядро қуроли оммавий қирғин қуроллари қаторига киради. Халқаро ҳуқуқнинг бу соҳадаги нормалари мажмуаси, айниқса, ривожланган. Ядро қуроли ҳозирча тақиқланмаган, лекин БМТ Бош ассамблеяси ядро қуролини қўллашни тақиқлаш тўғрисида бир қанча резолюция қабул қилди. 1963 йил 5 августда қабул қилинган Ядро қуролини атмосфера, фазо бўшлиғи ва сув остида синовдан ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома ядро қуролини чеклашга оид илк шартномалардан биридир. Ушбу шартномага биноан, давлатлар ядро қуролини атмосферада, атмосферадан ташқарида, фазо бўшлиғида, сув остида, шу жумладан, территориял сувлар ва очиқ денгизда синов учун портлатмаслик, бундай синовларни тақиқлаш ва уларга барҳам бериш мажбуриятини олди. Шартноманинг тақиқловчи нормалари ҳозирча ядро синовларини ер остида ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди.

1968 йил 1 июнда тузилган Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага биноан, иштирокчи давлатлар ўз ядро қуро-

лини (ёки улар устидан назоратни) ҳеч кимга бермасликлари лозим. Улар учинчи мамлакатга ядро қуролини ишлаб чиқариш ёки эгаллашда ёрдам бермасликлари керак. Ядро қуролига эга бўлмаган иштирокчи давлатлар бундай қуролни бировдан олишлари ва ишлаб чиқаришлари мумкин эмас. Ядро қуроли нафақат муайян давлатларга, балки давлатларнинг гуруҳларига, шу жумладан, ҳарбий иттифоқларга ҳам берилмаслиги керак.

Антарктика (Антарктика тўғрисидаги шартнома (1959 й.)), Лотин Америкаси (Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1967 й.)), Тинч океанининг жанубий қисмида (Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона тўғрисидаги шартнома (1985 й.)), Денгиз туби ва остида (Денгиз, океанлар туби ва остида ядро қуроли ҳамда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1971 й.)), Ойда ва бошқа осмон жисмларида (Ойда ва бошқа осмон жисмларида давлатларнинг фаолияти тўғрисидаги битим (1984 й.)) ҳар қандай ядро портлашлари, шунингдек, ядро қуролини жойлаштириш тақиқланади.

Мавжуд нормалар ядро қуроли тарқалишининг олдини олишга ва ядро қуролига эга давлатлар сифатида эътироф этилган беш давлат (АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция ва Хитой)дан ташқари, бошқа бирон-бир давлат бундай қуролни эгаллашига йўл қўймасликка қаратилган.

Ҳозирги вақтда стратегик ядро қуролларини тартибга солиш долзарб муаммо бўлиб қолаётир. "Стратегик қуроллар" атамаси шартли бўлиб, ҳозирда қитъалараро баллистик ракета-лар, оғир бомбардимончи самолётлар, бомбалар, баллистик ракета ва қанотли ракеталарни ташувчи восита сифатида, су-вости кемаларидан учириладиган баллистик ракеталарни, шунингдек, ракетага қарши мудофаа воситаларини қамраб олади.

Ядро қуролидан холи зоналар ташкил этиш ядро қуролидан фойдаланиш устидан назорат олиб боришнинг усулларидан биридир.

Масалан, Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона тўғрисидаги шартнома (1985 йил) ушбу ҳудудда портловчи ядро қурилмаларини жойлаштиришдан воз кечишни назарда тутди. Шартнома тарафдорлари ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олади:

1) Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона доирасида ва ундан ташқарида ҳар қандай портловчи ядро қурилма-

ларини ишлаб чиқармаслик ёки бирон-бир йўл билан уларга эга бўлмаслик ва улар устидан назоратни амалга оширмаслик;

2) ҳар қандай портловчи ядро қурилмаларини ишлаб чиқариш ёки эгаллашда умуман ёрдам олмаслик ва олишга ҳаракат қилмаслик.

Шартномада ушбу ҳудудда портловчи ядро қурилмаларини синовдан ўтказишга йўл қўймаслик белгилаб қўйилган. Шартнома иштирокчилари қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

1) ўз ҳудудида ҳар қандай портловчи ядро қурилмалари синовдан ўтказилишига йўл қўймаслик;

2) бир давлат ҳар қандай портловчи ядро қурилмаларини синовдан ўтказишига кўмаклашиш ёки буни рағбатлантиришга қаратилган бирон-бир ҳаракатларни амалга оширмаслик.

Ядро қуролидан холи қуйидаги ҳудудларда ядро чиқиндиларини кўмиш тақиқланади:

1) тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона доирасида радиоактив чиқинди ва бошқа радиоактив моддаларни кўмиш;

2) ўз территориал денгизида радиоактив чиқинди ва бошқа радиоактив моддаларни кўмишга йўл қўйиш;

3) Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона доирасида денгизда радиоактив чиқинди ва бошқа радиоактив моддаларни кўмишга кўмаклашиш ёки буни рағбатлантиришга қаратилган бирон-бир ҳаракатларни амалга оширмаслик.

16.5. Бактериологик ва кимёвий қурулларни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциялар

Оммавий қирғин қурулларига, ядро қуролидан ташқари, кимёвий ва бактериологик қуруллар ҳам киради. Бактериологик қуруллар ялпи тақиқланган: бундай қурулларни нафақат урушда қўллаш, балки уларни яратиш, ишлаб чиқариш ва сақлаш ҳам тақиқланади, захиралари эса йўқ қилиниши ёки тинчлик мақсадида ишлатилиши лозим (Бактериологик (биологик) ва заҳарли қурулларни яратиш, ишлаб чиқариш ва уларнинг захираларини вужудга келтиришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 йил)).

1925 йилдан кимёвий қуруллардан уруш олиб бориш воситаси сифатида фойдаланиш тақиқланади (Урушда бўғувчи, заҳарловчи ва бошқа шунга ўхшаш газлар ва бактериологик воситаларни қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги баённома (1925 йил)).

Имзоланган Кимёвий қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш ва уларнинг захираларини вужудга келтиришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция (1993 йил) кучга кирганидан сўнг мазкур қуролларга нисбатан ҳам ялпи тақиқ ўрнатилди. Бундай тақиқ ўрнатилишини тезлаштириш учун собиқ СССР ва АҚШ кимёвий қуроллар ишлаб чиқаришни тўхтатиш, ушбу қуролларнинг ўзларида мавжуд захираларини анча қисқартиришга ва бу соҳадаги ҳаракатларни янада фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга келишишди (Кимёвий қуролларни йўқ қилиш ва ишлаб чиқармаслик (1990 йил) ҳамда Кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги кўп тарафлама конвенцияга имконият яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги битим).

Бактериологик (биологик) ва захарли қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш ва уларнинг захираларини вужудга келтиришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 йил) ўзининг ҳар бир иштирокчисига қуйидагиларни ҳеч қачон ишлаб чиқмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сақлаш мажбуриятини юклайди:

1) микробиологик ёки бошқа биологик агент ва токсинларни, уларнинг келиб чиқиши ҳамда ишлаб чиқариш усулидан қатъи назар, профилактика, ҳимоя ёхуд бошқа тинч мақсадлар учун мўлжалланмаган турлар ва миқдорда;

2) агентлар ёки токсинлардан ёвуз мақсадда ёки қуролли можароларда фойдаланиш учун мўлжалланган қуроллар, ускуналар ёки уларни етказиш воситаларини.

Давлатлар мумкин қадар тезроқ, лекин Конвенция кучга кирганидан сўнг 9 ойдан кечиктирмасдан ўзларига қарашли барча агентлар, токсинлар, қуроллар, ускуналар ва уларни етказиш воситаларини йўқ қилиш ёки тинчлик мақсадига йўналтириш мажбуриятини олдилар. Шунингдек, Конвенцияга аъзо давлатлар:

- ҳар қандай агентлар, токсинлар, қуроллар, ускуналар ёки уларни етказиш воситаларини ҳеч кимга бермаслик, уларни ишлаб чиқариш ёки эгаллашга бирон-бир тарзда ёрдам бермаслик;

- ушбу Конвенция қоидаларини бажариш муносабати билан юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишда бир-бири билан маслаҳатлашиш ва ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар.

Конвенцияга унинг бажарилишини таъминлайдиган қоидалар ҳам киритилган. Бунда миллий ва халқаро аҳамиятга молик чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. Бир то-

мондан, Конвенция иштирокчилари ўз конституция ва қонунларига мувофиқ ўз ҳудуди доирасида агентлар, токсинлар, қуроллар, ускуналар ва уларни етказиш воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, эгаллаш ёки уни тақиқлаш учун зарур чора-тадбирлар кўришлари лозим. Бошқа томондан, Конвенцияга аъзо давлат бошқа аъзо давлат Конвенция қоидаларини бузаётганини аниқлаган бўлса, у Хавфсизлик Кенгашига шикоят бериши мумкин. Конвенцияга аъзо ҳар бир давлат, Хавфсизлик Кенгаши олинган шикоятга асосан, БМТ Устави қоидаларига мувофиқ амалга оширадиган ҳар қандай текширувларни ўтказишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади. Хавфсизлик Кенгаши текширув натижалари ҳақида Конвенцияга аъзо давлатларга ахборот беради.

Ушбу Конвенция жуда катта аҳамиятга эга, чунки унда кимёвий қуролларга барҳам бериш тўғрисида сўз юритилади. Мазкур Конвенция қуролланиш пойгасига чек қўйиш соҳасида шу пайтгача тузилган барча битимлардан айнан шу жиҳатдан фарқ қилади, чунки сўнгги зикр этилган битимларда қуролларнинг муайян турларини мутлақо йўқ қилиш назарда тутилмаган.

Кимёвий қуролларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция 1993 йил 13 январда Парижда, 130 та давлат томонидан имзоланди. Ҳозирда Конвенция аъзолари сони 174 тага етди, шулардан 145 та давлат ўз ратификация ёрлиқларини депозитарий – БМТ Бош котибига топширди. Конвенция номуайян муддатга тузилган. Конвенциянинг консултатив ва назорат органи вазифасини Кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича ташкилот бажаради. Кимёвий қуроллар жамулжамликда ёки алоҳида ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) заҳарли химикатлар ва уларнинг прекурсорлари, улар ушбу Конвенцияда тақиқланмаган мақсадлар учун мўлжалланган ҳоллар бундан мустасно; (агар уларнинг турлари ва миқдори бундай мақсадларга мос келса);

2) инсонларнинг ўлимига сабаб бўлувчи заҳарловчи хоссаларига эга ёки бошқача зарар етказиш учун мўлжалланган ўқ-дори ва қурилмалар;

3) ўқ-дори ва қурилмаларни қўллашга мўлжалланган ҳар қандай ускуналар.

Конвенция ҳар бир иштирокчига ҳеч қачон, бирон-бир ҳолатда:

1) кимёвий қуролларни ишлаб чиқмаслик, ишлаб чиқармас-

лик, бошқача тарзда эгалламаслик, жамғармаслик ёки сақламаслик ва бировга бевосита ё билвосита бермаслик;

2) кимёвий қурулларни қўлламаслик;

3) кимёвий қурулларни қўллашга ҳарбий тайёргарлик кўрмаслик;

4) ушбу Конвенцияда иштирокчи давлат учун тақиқланган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишда бошқаларга ёрдам бермаслик, уларни рағбатлантирмаслик ёки даъват этмаслик мажбуриятини юклади.

Ҳар бир иштирокчи давлат: ўз ихтиёрида бўлган кимёвий қурулларни йўқ қилиш; ўзи бошқа иштирокчи давлат ҳудудида қолдирган барча кимёвий қурулларни йўқ қилиш; ўз ихтиёридаги барча кимёвий қуруллар ишлаб чиқариш объектларини йўқ қилиш; тартибсизликларга қарши кураш кимёвий воситаларидан уруш олиб бориш воситаси сифатида фойдаланмаслик; кимёвий қурулларни ишлаб чиқмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сақламаслик; Конвенция кучга кирганидан кейин, 2 йилдан кечиктирмасдан ушбу қурулни йўқ қилиш бўйича ишларни бошлаш, ва уларни Конвенция кучга кирганидан сўнг 10 йилдан кечиктирмасдан яқунлаш мажбуриятини олади. Кимёвий қурулларни йўқ қилиш жараёни фаннинг энг сўнгги ютуқларига жавоб бериши ва махсус жиҳозланган объектда амалга оширилиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи” тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг манбаларини санаб беринг.
3. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи тамойилларининг аҳамияти қандай?
4. “Халқаро хавфсизликка ялпи ёндашиш” нимани англатади?
5. Ялпи халқаро хавфсизликни таъминлашда БМТнинг роли қандай?
6. Хавфсизликни таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий воситаларига нималар киради?
7. Коллектив хавфсизлик нима?
8. Коллектив хавфсизликнинг қандай турлари мавжуд?
9. Ҳозирги даврда ядро урушининг олдини олиш ва давлатлар

ўртасида ишончни мустаҳкамлаш борасида қандай чоралар кўрилмоқда?

10. “Қўшилмаслик ҳаракати” нима ва унинг асосий тамойиллари қандай?
11. “Қуролсизланиш” тушунчаси нимани англатади ва унинг қандай турлари бор?
12. Марказий Осиёни ядровий қуролдан холи зона деб эълон қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси амалиётга қандай татбиқ этилмоқда?


Адабиётлар

1. Действующее международное право. В трех томах. Т. 2. – М., 1997. Разд. XV.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т., Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда –Т., Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т., Ўзбекистон, 2005.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. // Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 19 январь.
6. Александрова Э.С. ООН: объединенные действия по поддержке мира. Международно-правовые проблемы. – М., 1978.
7. Всеобъемлющая международная безопасность. Международно-правовые принципы и нормы/Отв. Ред. Б.М.Клименко. –М., 1990
8. Международное право и международная безопасность: военная и политическая область. Диалог советских и американских экспертов. – М., 1991.
9. Собакин В.К. Равная безопасность. – М., 1984.
10. Темирбаев Р.М. Контроль за ограничением вооружений и разоружением. – М., 1983.

И Л О В А Л А Р



1-илова

Халқаро ҳуқуқ муносабатларининг турлари



Халқаро ҳуқуқни бошқариш механизми

1



**ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ САҚЛАШГА
БЕВОСИТА ТААЎЛУҚЛИ ТАМОЙИЛЛАР**

куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик

давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги

ҳалқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш

чегаралар дахлсизлиги

қуролсизланиш

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

давлатнинг суверен тенглиги

ички ишларга аралашмаслик

миллатлар ва халқларнинг тенг
ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи
белгилаш ҳуқуқи

давлатларнинг ҳамкорлиги

инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш


ҳалқаро мажбуриятларни
виждонан бажариш

5-илова


Халқаро ҳуқуқ субъектлари - халқаро ҳаракатни мустақил ташкил этиш ва халқаро нормалар бажарилишини таъминлашда юридик қобилиятга эга бўлган, ҳеч кимнинг юрисдикцияси остида бўлмаган халқаро муносабат қатнашчилари.




Ҳуқуқий муносабатлар халқаро субъектларига - халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳамда белгиланган тартибда жисмоний шахс ва корхоналар киради.





Субъектларнинг турлари




Халқаро ҳуқуқ муносабатларининг турлари








11-илова




12-илова







15-илова




16-илова




Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг манбалари, воситалари





Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг халқаро ҳуқуқий турлари









Мундарижа

1-мавзу. «ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ» ТУШУНЧАСИ

- | | |
|---|----|
| 1.1. Халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг асосий босқичлари | 3 |
| 1.2. Халқаро ҳуқуқ: тушунчаси, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари | 7 |
| 1.3. Халқаро ҳуқуқ тизими. Халқаро ҳуқуқ тармоқлари ва институтлари. Халқаро ҳуқуқ мақсадлари | 11 |

2-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ДАВЛАТ ИЧКИ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ

- | | |
|---|----|
| 2.1. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро алоқа соҳаси | 16 |
| 2.2. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқининг ўзаро нисбати доктриналари | 17 |
| 2.3. Халқаро ҳуқуқни имплементация қилиш | 19 |

3-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

- | | |
|---|----|
| 3.1. Халқаро ҳуқуқ нормалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқ ижодкорлиги | 22 |
| 3.2. Халқаро ҳуқуқ манбалари, уларнинг умумий тавсифи ва ўзаро нисбати. Кодекслаштириш | 26 |
| 3.3. Халқаро ташкилотларнинг қарорлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, турлари, юридик кучи, шаклланиш тартиби. Халқаро ташкилотларнинг ички ҳуқуқи | 30 |

4-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТАМОЙИЛЛАРИ

- | | |
|---|----|
| 4.1. «Халқаро ҳуқуқ тамойиллари» тушунчаси ва унинг таснифи | 36 |
| 4.2. Халқаро ҳуқуқ асосий тамойилларининг мазмуни | 40 |

5-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

- | | |
|---|----|
| 5.1. Халқаро ҳуқуқ субъектлари: тушунчаси, турлари, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари | 46 |
| 5.2. Давлатлар - халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти сифатида. Халқаро ҳуқуқда давлат суверенитети | 50 |
| 5.3. Халқаро ҳуқуқий тан олиш, унинг турлари ва юридик оқибатлари. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий вориблик | 54 |

6-мавзу. ҲУДУД ВА БОШҚА МАЙДОНЛАР

- | | |
|--|----|
| 6.1. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд: тушунчаси, тартибга солиш объектлари, ҳудудларнинг турлари. Демилитаризация ва нейтрализация қилинган ҳудудлар | 60 |
|--|----|

6.2. Давлат ҳудуди: тушунчаси ва турлари. Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги	64
6.3. Давлат чегаралари: таърифи, турлари, белгилаш, ўзгартириш ва қўриқлаш тартиби	68
6.4. Халқаро дарёлар. Дунайда кема қатнови тартиби тўғрисидаги 1948 йил 18 август Конвенцияси	72

7-мавзу. АҲОЛИ

7.1. Аҳоли ҳолатини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш	78
7.2. Фуқароликнинг халқаро ҳуқуқий масалалари	78
7.3. Чет элликлар учун белгиланган режим	90
7.4. Бошпана бериш ҳуқуқи	98

8-мавзу. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

8.1. Халқаро шартнома: тушунчаси, турлари. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси (1969 йил)	103
8.2. Халқаро шартномаларни тузиш босқичлари. Ратификация қилиш. Шартноманинг кучга кириши. Шартномани рўйхатдан ўтказиш	107
8.3. Халқаро шартномаларнинг шакли ва тузилиши. Халқаро шартномаларда эслатмалар ва уларни шарҳлаш	111
8.4. Халқаро шартномаларнинг ҳақиқий эмаслиги, уларни тўхтатиш ва амал қилишини тўхтатиб туриш. Денонсация қилиш	115

9-мавзу. ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

9.1. «Халқаро конференция» тушунчаси	120
9.2. Халқаро конференцияларни тайёрлаш ва чақириш	121
9.3. Процедура қоидалари ва қарорлар қабул қилиш тартиби	124
9.4. Давлатлар делегациялари ва конференция органлари	126
9.5. Халқаро конференция ҳужжатлари турлари ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти	130

10-мавзу. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲУҚУҚИ

10.1. «Халқаро ташкилотлар» тушунчаси, уларнинг таснифи, ҳуқуқий табиати ва тузилиши	133
10.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: ташкил топиш тарихи, мақсад ва тамойиллари. БМТ Устави тузилиши ва мазмуни	137
10.3. БМТ Бош ассамблеяси. БМТ Хавфсизлик Кенгаши. БМТ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши	140

11-мавзу. ТАШҚИ АЛОҚАЛАР ҲУҚУҚИ

11.1. Ташқи алоқалар ҳуқуқи: тушунчаси, институтлари, манба ва субъектлари	145
11.2. Давлатларнинг ташқи алоқа органлари	148
11.3. Дипломатик ваколатхоналар. Дипломатик имтиёз ва иммунитетлар. Дипломатик корпус	150

- 11.4. Консуллик муассасалари: тушунчаси, турлари, таркиби.
Консуллар даражалари. Иммуниетет ва имтиёзлар 153

12-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

- 12.1. Халқаро ҳуқуқ субъектларининг «Халқаро ҳуқуқий жавобгарли»ги тушунчаси ва унинг асослари. «Халқаро ҳуқуқбузарлик» тушунчаси ва унинг турлари 158
- 12.2. Халқаро жавобгарликнинг тур ва шакллари 162

13-мавзу. ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ ТИՇЧ ЙЎЛ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ

- 13.1. Халқаро низоларни ҳал қилишнинг халқаро ҳуқуқий воситалари 166
- 13.2. Халқаро низоларни судда ҳал қилиш. Халқаро ташкилотлар доирасида низоларни ҳал қилиш 170

14-мавзу. ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

- 14.1. «Халқаро жиноят ҳуқуқи» тушунчаси, унинг вужудга келиши, тамойиллари ва манбалари. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро органлар 176
- 14.2. Халқаро жиноятлар: субъект ва объектлари. «Халқаро жиноятлар» тушунчаси ва унинг турлари 179
- 14.3. Халқаро аҳамиятга молик жиноятларга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигининг тур ва шакллари 183

15-мавзу. ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

- 15.1. Халқаро ҳуқуқ қуролли можаролар даврида: тушунчаси, тамойиллари, манбалари. «Женева ҳуқуқи» ва «Гаага ҳуқуқи» 188
- 15.2. Урушнинг бошланиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари. Уруш майдони. Урушда бетарафлик 192
- 15.3. Уруш олиб боришнинг тақиқланган восита ва усуллари 195
- 15.4. «Урушдан жабрланганлар» тушунчаси. Комбатантлар ва нокомбатантлар. Урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциялари (1949 йил) 197
- 15.5. Ҳарбий оккупация. Уруш тугашининг халқаро ҳуқуқий оқибатлари 201

16-мавзу. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

- 16.1. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи: тушунчаси, тизимлари, мақсадлари 206
- 16.2. Коллектив хавфсизлик 210
- 16.3. Қуролсизланиш, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш 214
- 16.4. Халқаро ҳуқуқ ва ядро қуролини чеклаш. Конвенциялар 216
- 16.5. Бактериологик ва кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциялар 218
- Иловалар 223

Муаттара Раҳимова

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

Akademiya
Тошкент 2005

Мухаррир М.Абдуллаева
Мусахҳихлар Т.Соатова, Г.Абдуллаева
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир Н.Қурбонова
Нашр учун масъул Б.Умаров

Теришга берилди 18.12.05. Босишга рухсат этилди 28.12.05.
Бичими 84x108¹/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 15,0
Нашриёт ҳисоб табоғи 15,0. Адади 500.
Баҳоси шартнома асосида.

«Сано-Стандарт» МЧЖ босмахонасида
офсет усулда чоп этилди.
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100.